

R 440

# Шарқ Юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



313  
№ 3

# Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

8 / 2018

# Унутилмас лаҳзалар



**Сафар БАҲОБОВ**  
(1938 – 2000)



**J**Alisher Navoiy  
midaqi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

3та  
№ 3

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минхожиддин Мирзо  
Жумакул Қурбонов  
Фармон Тошев  
Ислом Ёкубов

Хайриддин Султонов  
Маҳмуд Тоир  
Шерзод Ирзоев  
Йўлдош Солижонов  
Тоштемир Турдиев  
Шуҳрат Маткаримов  
Адҳамбек Алимбеков  
Умарали Норматов  
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари — Азиз Саид

Масъул котиб — Дилором Муротова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Наср бўлими мудири — Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

8

2018

НАЗМ



Сирожиддин САЙИД

БҲҮҮҚ ҲИҚМААТИМ ОНАМ

Шеърлар

Қуюқ хотиралар ниёласидан  
Эсдалиқлар ичиб ўтирар онам.  
Дийдору шодлиқлар шалоласидан  
Барча хандон бунда,  
Дўсту ёрон жам.

НАСР



Шойим БЎТАЕВ

ЭПИТАФИЯ ШОНИ

Роман

Шайдулла уларнинг ёдига туйқусдан тушиб қолиб, унинг олдига боришган, дову дунёларини қоронғи қилаётган оқ булут даф бўлиб, Уташан осмонига ёмғирли кўрғошин булутлар келмаса, қурғокчилик ҳамма ёқни емириб-кемириб ташлашини айтишган. У бу гапларни эшитиб бунга ўзи ҳам гувоҳ бўлиб турганини пеш қилган. Яқин кунларда уларнинг оби раҳматдан баҳраманд бўлишларига ишонтирганди.

ЎДНОМА



Миразиз АЪЗАМ

МИРТЕМИР

Мен, айниқса, Миртемирнинг тил бойлиқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгим келади. У халқ иборалари, сўз бойлиги, хусусан, ўсимлиқлар, ҳайвонлар, уй-рўзғор буюмлари, жиҳозлар ва этнографияга оид шу қадар кўп туркий сўзлар ишлатадики, уларнинг кўпчилиги, икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да йўқ. Бу изоҳли луғатда ўзбеклар ишлатмайдиган ва тушунмайдиган араб-форс сўзлари тикилиб ётгани ҳолда, нима учун Миртемирнинг ўзбекларга тушунарли туркий сўзлари луғатга киритилмаганлиги мутлақо тушунарсиздир.

...ЮРАКНИНГ ЁЛФИЗ КАЛБАСИ

**Шеърлар**

Ҳануз узилмади ишқнинг риштаси –  
Кўнглумга кўнгул сол, тузалгай захми.  
Бизни учраштира деб,  
тиз чўкайлик жим,  
Зора, келса эди ўзининг раҳми!



ЎҚИЛМАГАН КИТАОБ


**Қисса**

Китобдаги аёл – сохиба ёдига тушарди. Унинг кошу кўзлари, жонни куткуловчи сочлари, юзи, либоси яширган кадду басти бир-бир нигохидан ўтар ва бағри ўзи англамаган, бироқ хуш ёққан соғинчга тўлаверарди. Юраги бу соғинчдан узок-узок симилларди. Кулоқларини “Яхши боринг, раҳмаг”, деган сўзлар “сизни севиб қолдим” янглиғ сийпалайверарди.



УММ ҚИССАЧИЛИГИ:  
ИЗЛАНИШ ВА ЭВРИЛИШЛАР

Истиклол йилларида эмин-эркинлик шарофати билан кўплаб ижодий изланишларга қўл урилмоқда. Яратилаётган асарларда анъанавий ифода усулидан фарқли равишда замон ва макон чегараларини бузиш, асар воқеаларини шакллантиришда турли-туман ижодий усуллардан – реинкарнация, туш, беҳушлик, онгости ва бошқа рухий ҳолатдаги кечинмалар тасвирдан фойдаланишга эътибор кучайди.







МАШРАБ

*Неча кундир бу кўнгул  
муштокки дийдоринг эрур*

\* \* \*

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечук шод этмайинким, хаста кўнглум бир даме,  
Келди ҳолимни сўраб ул шўхи жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу акнун шаҳид этгил мени,  
Мавж урсин Карбало даштида бу қоним менинг.

Чун сенингдек нозанин жами мулкда йўқтурур,  
Бу жаҳонда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.

Нозу истиғно била келгил, мени ҳолимни сўр,  
Термилиб доим йўлингда чашми гирёним менинг.

Табокай жабру ситам айлаб юрурсан, эй рафик,  
Чикди, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

\* \* \*

Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,  
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.

Гуссаю ғамдин қутулмайдир ғариб бошим мени,  
Кимни ҳамдардим дедим, қилди паришон оқибат.

Охири билмам каерга элтадур бул мотамим,  
Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат.

Машраб – 1640–1711 йилларда яшаган. Унинг “Меҳрибоним, қайдасан”, “Мабади нур”, “Кимё”, “Танланган асарлар”и нашр этилган.

Сарви озодларни қаддин чархи гардун қилди ҳам,  
Шерларни корини марг этти осмон оқибат.

Ўртанурман оташи ҳижронига мисли сипанд,  
Менга келганда куриб қолди гулистон оқибат.

Тарки суҳбат айладим, ҳамроҳи ноқобил билан,  
Роҳи ободини тутдим, бўлди вайрон оқибат.

Кимга дард айтайки, мунда меҳрибоним бўлмаса,  
Ўртаса оламни кори бопушаймон оқибат.

Хона-хона ҳасратим мулки дилимга жўш урад,  
Қилмадим Арш устига бир вақт жавлон оқибат.

Жон чиқар вақтига етдию узилди тори умр,  
Бир сўраб келса на бўлғай номусулмон оқибат.

Васлингга етмакка ошиқни иложи йўқ учун,  
Дард бўлди охири Машрабга дармон оқибат.

\* \* \*

Зулфини савдосидин кўнглум паришондур бу кун,  
Ёр васлин топмайин ер бирла яқсондур бу кун.

Халқ аро шодлиғлар бор эди мундун бурун,  
Ҳар киши юз ғам била даҳр ичра сарсондур букун.

Гар менга қилса назар хуршид дерман отини,  
Гарчи андин бир кўринса, моҳи тобондур бу кун.

Бандидин Фарҳод қочди ғам тоғида беркиниб,  
Хаста Мажнун ҳам кезиб, чўлларда сарсондур бу кун.

Гар муҳаббат ахлиға қилса назар ул сарвиноз,  
Жаннат ул-ризвон бўлур бу қулба аҳзондур бу кун.

Итлариға ҳамдам этти Машраби бечорани,  
Оллоҳ-Оллоҳ, не ажаб, минг лутфу эҳсондур бу кун.

\* \* \*

Азалдин тоабат кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юраклар рахналар бўлди бу кўнглум можаросидин.

Хаёлимда сенинг васлинг, етолмасман мени хайрон,  
Магар васлингга етсам пири комилни дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,  
Рақиблар шодмон бўлди нигоримни жафосидин.

Мени сенсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,  
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликни баҳосидин.

Жабининг ҳурмати эрса, мени бу ўтға қуйдурма,  
Қутулғайму мени кўнглум бу ишқни можаросидин.

Сенинг ишқинг била йиғлаб, агар маҳшар қуни чиқсам,  
Қуярлар мўмину қофир бу Машрабни навосидин.

\* \* \*

Жафо қилдинг бу жонимға, вафони кўрмадим ҳаргиз,  
Бу оламда ўзумдек мубталони кўрмадим ҳаргиз.

Муҳаббат йўлига қўйдим қадам, ҳолим забун бўлди,  
Ба ғайр аз меҳнату, дарду балони кўрмадим ҳаргиз.

Табибо, муддате бўлдики мен дардига ҳамдамман,  
Узилди риштаи умрим, давони кўрмадим ҳаргиз.

Ҳамма суратпараст бўлди фашу дасторига мағрур –  
Ки, зоҳид ичра мутлак бериёни кўрмадим ҳаргиз.

Мусибат селини барбоди бўлдим кўхна дунёда,  
Қўлимни тутгудек бир ошнони кўрмадим ҳаргиз.

Етушди басталик коримга, билмамдур иложини,  
Узр авқотига бир соҳибдуони кўрмадим ҳаргиз.

Ёзилди тахтаи икболима сардафтари ғурбат,  
Адашган ерда сўрган раҳнамони кўрмадим ҳаргиз.

Жароҳатли дилимни захмини ҳар кимга кўрсатсам,  
Ажаб, толе забундурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.

Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмади шоде,  
Жаҳон айвонида ғайр аз жафони кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек,  
Саропо дард кўрдим, муддаони кўрмадим ҳаргиз.



\* \* \*

Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан,  
Бу кўнгул бўстонида ғунча дахоним, қайдасан?

Неча кундир бу кўнгул муштоқи дийдоринг эрур,  
Ўргилай, эй дилбари ширинзабоним, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин, бир неча кун бўлдим жудо,  
Ахтариб келдим сени, ороми жоним қайдасан?

Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмасанг холим хароб,  
Эй мени хуш меҳрибон, руҳи равоним қайдасан?

Кўзларим гирён бўлиб, қолдим бу ғам саҳросида,  
Ҳасратингда чиқди бу оҳу фиғоним, қайдасан?

Ташналабдир Машрабинг, чунким, юрак-бағри кабоб,  
Фурқатингда, эй мени сарви равоним, қайдасан?

\* \* \*

Бир бокишингга жумлаи жонона тасаддук,  
Шахло кўзунгга оқилу девона тасаддук.

Гар пардасини очсаю, дилбар менга бокса,  
Машғал юзига мен каби парвона тасаддук.

Соқий бўлибон сунса қадах ноз ила ҳар дам,  
Ул ғамзасига соғару паймона тасаддук.

Лаъли лабидин журъаи майни тилаб олдим,  
Дур тишларидан гавҳари якдона тасаддук.

Жонингни агар бер деса, ул дилбари раъно,  
Жоним берайин йўлида мардона тасаддук.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,  
Кўксим берайин йўлида ҳайрона тасаддук.

Ваъда қилибон айтди: “Жамолимни кўрарсан”,  
Ваҳдат майидин ички, бу паймона тасаддук.

Машраб, сани зулфинг тараса, рашки келадур,  
Зулфинг торидин боди сабо, шона тасаддук.



Сирожиддин САЙИД

# Буюк ҳикматим онам

## Дийдор

Ота уйимизда ёзу куз, баҳор,  
Ака-укалару опа-сингиллар  
Тўпланган пайтлари такрор ва такрор,  
Порлагандай бўлар ўнлаб қандиллар.

Куюк хотиралар пиёласидан  
Эсдаликлар ичиб ўлтирар онам.  
Дийдору шодликлар шалоласидан  
Барча хандон бунда,  
Дўсту ёрон жам.

Тиниб қолгандайин гўё атайин  
Ёғоч сўримизнинг тепасида ой.  
У ҳам совиб борар тун ўтган сайин,  
Мисли бир пиёла тўла сарик чой.

Баҳор келаверсин такрор ва такрор,  
Бизнинг тонгимизни ғариб шом қилма.  
Давом этаверсин ҳаёт ва дийдор,  
Худо, шу дамларни паришон қилма.

---

*Сирожиддин САЙИД – Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти соҳиби. 1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. Ижодкорнинг ўттиздан зиёд шеърий, бадиа, манзума, адабий мақола китоблари нашр этилган.*

## Онамнинг кулчалари

Келтирди тонг чоғи бир  
сабо ва бир куш хабар,  
Очилмиш баҳорнинг илк  
бойчечак гулчалари.  
Лекин, мен учун энг зўр,  
энг кувончли хушхабар –  
Онамнинг кулчалари,  
онамнинг кулчалари.

Минг чакирим йўл босиб  
келган совға-салом бу,  
Меҳр билан бойланган  
тўша-тугунчалари.  
Ҳар бири қуёш янлиғ  
чарақлаган олам бу –  
Онамнинг кулчалари,  
онамнинг кулчалари.

Порлаб кетар рўзғорим,  
ёришгай илиқ-илиқ,  
Кўнглимнинг музлаб ётган  
энг тийра гўшалари.  
Ҳар гал умид келтиргай,  
келтиргайдир тириклик –  
Онамнинг кулчалари,  
онамнинг кулчалари.

Айрилик-ҳижронларга  
тўлиғ умрим мактаби,  
Равшан тортгай унинг энг  
зим-зиё кўчалари.  
Қирқ йилким таскин бергай  
энг тансиқ дийдор каби –  
Онамнинг кулчалари,  
онамнинг кулчалари.

– Онангдан хабар олгил,  
Сирож сен тез-тез бориб...  
Фироқлардан кичрайган  
жуссаси, қўлчалари.  
Сизни кўзига суртгай,  
устоз Абдулла Ориф,  
Онамнинг кулчалари,  
онамнинг кулчалари.



Қисматимдан шодману  
 аммо вақтдан хафаман,  
 Юзимга урилганда  
 кўкламнинг дўлчалари.  
 Сизнинг наздингизда лек,  
 мен ҳамон талабаман,  
 Онамнинг кулчалари,  
 онамнинг кулчалари.

Умр бер ҳам соғлик бер,  
 нур бергил кўзларига,  
 Худойим, бир аёлга  
 дард, захмат шунчаларми?  
 Меҳру соғинч бобида  
 ўхшайди ўзларига –  
 Онамнинг кулчалари,  
 онамнинг кулчалари.

\* \* \*

Она, сизнинг ёнингизда қололмадим,  
 Кўзингизга гард кўнди, мен ололмадим.  
 Бу дунёда ҳаловату ором надир,  
 Оромингиз олдим, ором беролмадим.

Остонамиз кузатгайдир баҳорларни,  
 Хазонларга алмаштириб ифорларни,  
 Барглар ҳикмат айтса тирнаб деворларни,  
 Таскин бериб қошингизда туролмадим.

Қишлар бунда оқ дастурхон тузатгайдир,  
 Қисмат яна не ўйинлар кўрсатгайдир,  
 Ўчоғдаги олов сизни иситгайдир,  
 Мен шу ёнган кўрчалик ҳам бўлолмадим.

Тинди йиллар, тинди олам ёғинлари,  
 Селларнинг ҳам борку сўнгги-охирлари,  
 Тинмади ҳеч юзингизнинг ёмғирлари,  
 Мен бир насим бўлиб етиб келолмадим.

Кўнгил йўлин бошдин-оёқ меҳнат кўрдим,  
 Йўлда ётган хасда ҳам бир зийнат кўрдим,  
 Бировларга кўнгил бериб, миннат кўрдим,  
 Манглайимни тошга уриб ёролмадим.

Умр деган новдадаги кушдай экан,  
 Оқибатнинг эса мағзи пучдай экан,  
 Дунёлари кечаги бир тушдай экан,  
 Мен бу тушнинг таъбирини билолмадим.

Шом чоғида қолдингизми толиб яна,  
 Заъфарондай сарғайибу сўлиб яна,  
 Шунча алам етмагандай, келиб яна  
 Бор дардимни сизга тўқдим, уёлмадим.

## Онамга ўтинларим

Дийдирайди юпун олам,  
 Бағри тўла тутунлар.  
 Куз охири – онам учун  
 Мен излайман ўтинлар.

Хаёлимдай паришондир  
 Рўзгори, тақдирлари.  
 Кунишгандай бўлиб турар  
 Мунғайган тандирлари.

Йиғиштирдим шеъримни ҳам,  
 Тўхтатдим таронамни.  
 Шоирлигим бир пул менинг –  
 Иситмасам онамни.

Қалтирайди пайкалларда  
 Ғўзапоялар урэн.  
 Шону шуҳратим бир ёну  
 Қадок кўллари бир ён.

Арзир бу он жамлаб келсам  
 Дунёда бор тафтларни –  
 Илитмоқ-чун шу таббарук,  
 Шу мўътабар кафтларни.

Бор ҳаётим, кечган умрим  
 Кераксиз сармоядай.  
 Сездим, ногоҳ, бармоқлари  
 Худди ғўзапоядай.

Завку шавққа ошно дилни  
 Ғам-ташвишга ўрайман.  
 Дўсту ёрдан онамга деб,  
 Пулмас, ўтин сўрайман.

Мен демасман, молу мулкинг  
 Бутун бергил, эй дунё!  
 Онам учун бир боғгина  
 Ўтин бергил, эй дунё!

Ёқаётган хас-хашаги  
Ўкинчларимга ўхшар.  
Ўтинлари тутаб ётган  
Ўтинчларимга ўхшар.

Куз титрайди боғда, барглар  
Худди менинг баргимдай.  
Қумғонлари, ўчоқлари  
Куйиб кетган бағримдай.

Кўзимда ёш, узр айтиб  
Тагларида юргайман.  
Отаёдгор ёнғоқлардан  
Мен шох-шабба сўрайман.

Худони ҳам пайғамбарни  
Ҳар лаҳза ёдлар қилган.  
Сурпа ёзиб мавлудлару  
Мушкулкушодлар қилган.

Болам дея, куйиб-ёнган,  
Тутуним бўлган онам.  
Тирикликнинг тандирига  
Ўтиним бўлган онам.

Эсдан чиққан бобомни ҳам  
Тушларимда кўрарман.  
Бу тонг бобо чинорлардан  
Сизга ўтин сўрарман.

Кечир мени, момо тутим,  
Тупроқ билан тенгдирман.  
Сахар чоғи қарсиллаган  
Сенмас, асли, мендирман.

Одамзотнинг умри ҳам бир  
Дарахт экан, сездим мен.  
Укам экан хурмоларни  
Йиғлаб-йиғлаб кесдим мен.

Бу дунёдан мева тугмай  
Кетган ниҳолим – укам.  
Ўтин бўлиб, онам уйин  
Иситмоқдадир бу дам.

Инсон жисми надир, асли,  
Надир ному нишони?  
Чўғмас гўё лахча-лахча  
Ёнар кўнглим фиғони.



Фарзанд, гарчи ҳаёт гули,  
Мева яхши, боғ яхши.  
Меҳрсиз ўн ўғилдан лек,  
Бир бесамар шох яхши.

Мен ҳам ўғил бўлдимми деб,  
Тентирайман ҳовлида.  
Бир чўпчалик қадрим йўқдир  
Заҳматларин олдида.

Недир менинг топган бари  
Илму иззатим онам?  
Менинг буюк ибратим ҳам,  
Буюк ҳикматим онам.

Гарчи, охир кул бўлмоқдир  
Ҳар жисмнинг қисмати.  
Илитмоқдир, иситмоқдир  
Инсонийлик ҳикмати.

Бандаси, гар, тирикдир то:  
Магар тўк, магар очдир,  
Ёнмас экан, куймас экан –  
Кераксиз бир ёғочдир.

Тирикликнинг кўйида гар  
Гоҳ ўтмиз, гоҳ тутунмиз.  
Мангу сўнмас оловдир вақт –  
Биз барчамиз ўтинмиз.

Инсон яшар кўп азобу  
Укубат бор дунёда.  
Инсондир у – токи меҳру  
Окибат бор дунёда.

Гарчи ошу нон деб, гоҳо,  
Бир-биродан тонгаймиз.  
Эзгуликнинг йўлида, лек,  
Ўтин бўлсак – ёнгаймиз.

Майли, доим юрак-бағри  
Бутун бўлинг, ёронлар!  
Ҳеч бўлмаса, онангиз-чун  
Ўтин бўлинг, ёронлар!

## Тириклик мактабида

Тириклик мактабида, она,  
мен сиздан сабоқ олдим,  
Юз олдим юзларингиздан,  
кўзу қошу кабоқ олдим.

Жафокаш қўлларингиз  
дарс берди меҳнат илмидан,  
Улардан ўз дилимга  
бир умрлик иштиёқ олдим.

Танидим ранжу заҳмат  
харфларини кафтларингиздан,  
Шу кафтларнинг қадоғидан  
кўзимга нур, қароғ олдим.

Юзингизда ажинлар  
йилларингиздан ариқлардир,  
Алардин шеърларимга  
қанчалар вазну туроқ олдим.

Юзингиз узра ҳаргиз  
тинмади ёмғирлару селлар,  
Алардин сел бўлмоқ  
дарсини олдим, узок олдим.

Ажиб чоғлар эди –  
ўчоғингизда лоларанг чўғлар,  
Ҳаётимга шулардин  
лоларанг меҳру маёқ олдим.

Кўнгил кўйида йилларки,  
юриб кўнгилга етмасман,  
Кўринг, кўнглимни сиздан  
бунчалар ҳам мен йироқ олдим.

Надир рўзғор ила дўст-ёр?  
Надир ишқу жунуним ҳам?  
Шулардин бир умрга  
етгулик васлу фиरोқ олдим.

Сирож деб ном берибсиз,  
юз босай мен изларингизга,  
Ки, ҳар босган изингиздан  
дилимга бир чирок олдим.

\* \* \*

Сен маъсуд дунёнинг борини  
 Ўйладинг. Яшадинг. Ўткардинг.  
 Бердинг қорачиқлар умрини,  
 Тунларни киприкда кўтардинг.

Фарзандлар кетдилар ҳар тараф,  
 Сокин колди уйинг – англадинг.  
 Соғиндинг, соғинч-ла йўл қараб  
 Бир вужуд соғинчга айландинг.

Ҳаёт остонасин босмагай хазон,  
 Тириклик гоҳ тупроқ,  
 Гоҳ осмонийдир.  
 Саломлар абаддир, онажон,  
 Видолар фонийдир, фонийдир.

## Тўртликлар

Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,  
 Соғинчлар бирлашиб йил бўлди, она.  
 Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар  
 Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.

\* \* \*

Ҳасрат ўчоғида ўтинман, ёмғир,  
 Қисмат кирғоғида тутунман, ёмғир.  
 Бунчалар мулойим, илик ёғурсан,  
 Онам йиғладими бу тун ҳам, ёмғир?

\* \* \*

Уфқлар, қирлару осмонгача қор,  
 Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.  
 Она, бул соғинчни қандок ёзайин,  
 Ўртамизда чексиз оппоқ варақ бор?!.



**Шойим БЎТАЕВ**

## ЕТТИНЧИ ТОНГ

Роман



1989 йил 20 июнь кунининг иккинчи ярмида шимоли-шарқий пассат оқимиға терс жойлашган шамолсиз Осмон Яйлов воҳасида фавқулодда қўзғалган 20 м.сек. тезликдаги вертикал шамол натижасида юзага келган қасирғали тўс-тўполон чарақлаб турган қуёш юзини тўсиб қўйган. Мазкур воҳада, ушбу фаслда кейинги юз йил ичида бу каби ҳодиса содир бўлгани бирон марта ҳам қайд этилмаган (маҳаллий атмосфера циркуляцияси, рельеф ва бошқа омиллар ўрганиб чиқилган). Бунга кўникма ҳосил қилмаган воҳа аҳолиси ўртасида парокандалик юзага келиб, саросималик ҳолатлари юз берган. Рухий хасталарнинг аҳволи оғирлашган. Соғлом аҳоли орасида жабрланганлардан бир нафари рухий касалликлар шифохонасига муружсаат қилган. У кўзига турли-туман нарсалар кўринаётгани, тунги безовталик ва уйқусизликдан шикоят этган. Тиббий кўриқдан ўтказилгач, унда шизофреник касалликлар аломатлари кузатилмаган. Рухий-жисмоний ўзгаришлар қайд этилиб, тегшли дори-дармонлар белгиланган. Парҳез қилиш буюрилмаган. Ўз хоҳишига кўра, доимий турар жойига шифокор назоратида туриш шарти билан жўнатиб юборилган (илова1). Хўжаликларда катта талофотлар юзага келмаган. Айрим дарахт шохларининг синиб тушгани, томларда омонат қоқилган шиферлар учиб кетгани ҳақидаги маълумотлар қайд этилган. Шамол эрозияси қисман юз берган (илова2). Хавфсизлик чоралари юзасидан Н-қисм ҳарбий тезкор гуруҳи Осмон Яйлов воҳасига сафарбар этилишига шай туриши борасида буйруқ олган. Шамол қандай тўсатдан бошланган бўлса, теварак-атрофни ҳали қоронғилик эгалламасдан шундай тез тўхтаган. Ҳарбий тезкор гуруҳ сафарбарлиги номаълум муддатга вақтинча қолдирилган. Шамол кадастрининг жадвал ва графиги тузиб чиқилган (илова 3). Ҳарбий назорат амалиётининг давомийлиги ўз кучида қолган. Бу ҳодисада шамол оқими кинетик энергеясини сунистеъмом қилиш, ҳарбий-қўпурувчилик белгилари кузатилмаган. Воҳаниннг жануби-гарбидан ўн етти чақирим узокликдаги доимий горизонтал шамол йўналишини ўзгартариб мазкур ҳодисаниннг келиб чиқишига сабаб бўлгани тахмин қилинган. Бу тахмин ҳарбий гидрометеорология хизмати ва мутахассс олимлар томонидан ўрганиб чиқилган (илова 4). Ҳафтаниннг сўнги кунни эрта тонгида нафақадаги чол-кампир хонадони

Шойим БЎТАЕВ – 1959 йилда тугилган. Ленинобод (ҳозирги Хўжанд) давлат педагогика институтини битирган. “Шоҳона соғва”, “Эски арава”, “Шўрдан қолган одамлар”, “Бир кунлик меҳмон”, “Юлдузларга элтар йўл” сингари қиссалар, “Кўрғонланган ой”, “Шоҳ” романлари чоп этилган.

қазноғига тўсатдан ўз-ўзидан ўт тушиб, буткул ёниб кетган. Оила аъзолари саломатлиги хавф остида эмаслиги баён этилган. Ёнгин сабаблари ва унинг оқибатида қўрилган талофотлар ўрганиб чиқилган (илова 5 – “мутлако махфий”).

(архив хужжатидан)

Хар замоне Лайлидан манга китобатлар келур,  
Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

**Бобораҳим Машираб**

## **Ибтидо. ТҮПОЛОНДА ЙЎЛГА ОТЛАНМА**

### **1**

У сесканиб кўз очди.

Ўша бадарга этилган масканида, қаерга келиб қолганини билолмаётгандек қарахланганича қимир этмай ётарди – лаҳзалик гуноҳнинг мангу каффорати. Тушидами аллақайда қулоғига ўрнашиб қолган узундан-узун илохий наво самовот қаватларида янграган каби ҳали-ҳануз онги пучмоқларида акс садо бериб ётарди – у шунинг таъсирида ўзини ўнглади. Ўгирилиб ташқарига нигоҳ ташлаганида, ёлғонтонг ортга чекинган, қуюқлашган зулмат дераза ойналарига сиртдан тиралиб турарди. Ўртадаги эшикнинг тепа томонидаги декоратив ойнали икки кўздан тушиб турган ошхонанинг ёниқ чироғи шуъласи у ётган хонанинг тўригача пайдо қилган икки ёруғ йўлакча сўнгида қандайдир газета-журналларнинг тахламлари кўзга ташланарди. Эшик очилиб, ошхонада димлангандек туюлган нур туйқус ичкари ёпирилганида эса тахмону тоқчалар, девор остидан шифтгача ҳам тахламлару боғламлар уюми уюлиб ётгани аён бўлди. Остонада нур оғушидан бир қўлида қуроқ дастурхон, иккинчисида туника чойнак кўтарган момо пайдо бўлди. Момо Ҳаво каби бир момо. У шуълаланиб-долғанаётган нур аро ғивирсинганнамо оҳиста ичкариларкан, Одам Атони тириклик овига ундаётгандек оҳиста сас берди:

– Миробга учрашаман девдингиз.

У индамади. Ҳа, эсида бор. Боз устига тушигаям қандайдир сув билан боғлиқ нарсалар кирганди. Аммо ғалати, алоқ-чалок, маълумдай туюлганлар орасида пайдо бўлиб қоладиган қандайдир мавҳумлик, ундан келиб чиқадиغان аниқ нарсалар, таниш юзларнинг нотанишлиги, нотанишларнинг қандайдир яқинлиги – нимага йўйишни ҳам билмайсан киши. Мавҳум тушнинг ҳаққоний ғусули.

У ўрнидан кўзгалди. Эғнидаги яктагини тўғрилаб, чопонини елкасига елвағай ташлади. Ташқари чиқди. Оламни тарқ этишни истамай чиранаётган тун. Субҳи козиб ва субҳи содик ўртаси – чиранаётган салтанат. Зулмат ҳукмронлиги.

У ҳовли этагидаги ташнобга бориб қайтди. Супа четига чўнкайиб, таҳорат олди.

Кампир ими-жимидида қўлидаги нарсаларни ерга қўйиб, қуроқ дастурхонни кўрпаси йиғиб олинган танча устига тўшаб-ёзди. Пойгаҳда чўккалаб, қандайдир газета-журналлар архивини эслатиб юборадиган хонани мулки моликонасини ғайридин авбошлар босиб олгандек бегонасираб ғусса аралаш ҳафсаласизлик билан бир сидра назардан ўтказди-ю, индамай кута бошлади. Танчанинг нариги бурчагида ҳам яқиндагина олиб келинган, Уташан учун юборилган, аниқ эгаси бўлмаганидан шу ерда қолиб кетадиган бир даста каталог ётарди. Кампир кундуз кунни уни қазнокка чиказиб қўйишни ўйлади. Ҳовлидаги ит катагигача шу нар-

салар билан тўлиб-тошиб борарди. Ит ақиллаши ўрнига ёзувлардан чиқадиган шовкин. Бундан кўра қутирган кучук яхши. Ҳаммаси қутирган. Авваллари ортиқча матоҳларни қаерга сифдиришини билмаганидан фиғони фалакка ўрлайдиган кампир энди ими-жимиди буни қандайдир зарурий юмуш каби қабул қилган, ҳеч ким сўраб-суриштирмасаям ҳаммасини ўрни-ўрнига жойлаб бориш бурчи каби кўниккан эди.

Момо Ҳавонинг қаршисига Одам Ато келиб ўтирди ва унга гуноҳқорона боқди. У устига қўлсочик ташланган чойнақдан пиёлага чой қуйиб, унга узатди. Уташанинг етти яшаридан етмиш яшаригача таниқли почтачиси Юнус ота шопиёлага икки бурда нон бўқтириб еди. Нон таъми чиккан чойни ҳузурланганича хўриллатиб ичаркан, сувимиз ширин, деган камтарона ўйи шукронасини қилди.

– Энди-и миробни топсак, – деди ўзича орзу қилаётгандек.

Кампир индамади. Юнус ота дастурхонга дуо ўқиб, ўрнидан кўзгалди. Уйдан чиқаркан, ҳамма ёқни босиб кетган газета-журналлар тахламларига ихтиёрсиз равишда назар ташлаб қўйди. Елкасидаги жигаранг почтачи сумкасини базўр эплаб кўтарган болакай. Из тушмаган қор. Газеталар. Намиқиб кетгандек тобора елка эзади. Хатлар. Очик нигоҳини ташқарига тиккан кўча эшиқлари. Ичкаридан эшитилган ҳовлиқма қадам товушлари. Умидворлик – ўзинг келмасанг ҳам, хабаринг келдим, болам? Англашилмовчилик – ҳози-ир, ўзингизми ё хабарингизми? Нега ҳадеб меңдан сўрайверасизлар – “Юнусвой, тинчликми?” Мен уларнинг йўқолганлик хабарларини ташийман.

Унинг томоқ кириб йўталгани ҳовлидан эшитилди. Кампири дастурхон барларини химариб ундаги нарсаларнинг устини ёпиб қўяркан, кечадан буён бошини қотираётган гап-сўзлар ҳақида ўйлади. “Ойтош, йиғилишиб подажойга чиқиб борайлик. Момоулоғимиз подачи қурмағурнинг ёдидан кўтарилдими олиб келиб беришни хаёлигаям келтирмаяпти, илгарилари тезроқ ўтказилишини сўраб ўзлари ялиниб-ёлвориб юришган удумимиз бунақа пайсалга солинавверса, бора-бора йўқолиб кетмасайди ишқилиб”. Йўғ-а?! Барчанинг кўз ўнгиди момоулоғимиз қани деб подажойга, айниқса, бир гуруҳ кампирлар боришаётганини хаёлига келтириб, у сесканиб тушгандек бўлди. Бўривойи бўлганида нима дер эди – боринг дермиди, борманг дермиди. Соғиниб кетди. Юрган эди уларнинг оғир-енгилига қарашиб, овози дўриллаб. Боқиб қатта қилишганда отаси келиб олиб кетди. “Юраверадим, ҳаётни кўрсин, эрта яна ўзини ўзи эплотмай еганининг оғзига, емаганининг кетига қараб қолмасин”, дейди. Ҳозир одамлар ғалатими ғаламисми ишқилиб шунақа бўлиб кетишган. Худо ўзи яратган бандасининг ризқини ҳам беришига ишонимайди, “ҳаракатингни қилсанг қилиб қол, йўқса очингдан ўладиган бўлсанг биров қиё боқиб қарамайди”, дейишади. Ҳаёт бағишлаган қоринни ҳам қуруқ қўймас, деганларнинг оғзига уришиб, берадиган бўлганда ана-а ўзига яқин муллага берарди, ҳарчанд хатм қилса-да, кўзи бировларнинг қўлида, дея жўяли туюладиган ваз-қорсонларни қалаштириб ташлашади. Уларнинг рўқач қиладиганларини тасдиқламоқчи бўлгандек мулла Шайдулла ҳам сал тутун ўрлаган мўрили уй томон бурнининг учини кўтариб кетаверади. Бурнини тортиб кетяпти дейсиз туяни етаклаган эшакдек. Ашула бор-ку: оч-да, на қилсин?! Мақол бор-ку: оч бачақардан қоч бачақар. Матал бор-ку: кофир тўқ, мусулмон тинч. Обрў қоладими кейин?! Шуни кўргач, унинг муллагига ким ҳам ишонарди?! Аммо уташаниқлар, отаси зўр эди, дейишади. Яна ким билсин. Ўлиб кетган одамлар ҳаммавақт зўр бўлишган. Ўлиб кетган одамларни ҳаммавақт зўр дейишган. Мулла Шайдулланинг савоблари ичида энг қатта гуноҳи шунда эдики, у бирон бир қасбу қорнинг этагидан маҳкам тутма-

ганди. Шу замонда ким ҳам бунга журъат эта олади: ҳеч бўлмаса, колхоз даласига чикиб кетмон чопади. Бўлар-бўлмас жойларда ўзича ундок эдики бундоқ бўлодир, бундоқ эдики ундок бўлодир, “андоғ бўлса, андак сабр килинглар, деб уйларига кириб, бир ҳамён зару, бир доста нон олиб чикиб бердилар, ул икки биродар нонни олдилар, зарни олмадиларки, бизлар таваккални Худога қилғонмиз, ул Раззоки олам бизларни ризқимизни еткуродур, деб айтдиларки, бу сўзни айтиб икки пок эътикод хожа бирла видо қилиб равон бўлдилар”<sup>1</sup>, қабилидаги алмисокдан қолган нақлар гўфтигў қилмоғининг фойдасизлигини, ота-боболарининг хурматига бош силкиб ўтиришган уташанликларни бунақа гаплардан аллақачонлар чикиб кетишганини сезиб-пайқамас эди; сал янгилиниб олинг, дейишга ботинишолмагани сингари унга асло ишонмас ҳам эдилар. Аммо бир йили ҳеч қутилмаганда фавқуллодда бир ҳодиса содир бўлгандики, шу баҳона мулла Шайдулланинг обрў-этибори анча кўтарилиб, унинг ибораларида мазмун, манокбида ҳақиқат мавжудлигига салкам ишониб юборишганди. Ўшанда эрта келган баҳорнинг ду (икки) хада<sup>2</sup>си ўтганда Уташанда одамлар яширинча ўртада пул йиғишиб, эҳтимол ҳозирги замоннинг касофатидан Худонинг қаҳри келиб шунақа бўлаётгандир деган гумонда эскича урф-удумларни эслаб қолишган, ўша ўртада яширинча йиғилган пулга ўртада яширинча яшириб бўлмайдиган каттакон наввос сотиб олишиб, уни кимгадиги номаълум, эҳтимол ўзларининг жиғилдонларигадир яширинча қурбонликка аташса ҳам фойдаси бўлмай, барибир Чингизхоннинг оқ булут муаллақ турган Уташан осмонидан ёмғир ёғиши нари турсин, бир томчи шудринг-шабнам ҳам тушмаганди. Ундан сўнг суст хотин-сузма хотин ашуласини минг муқомга солишиб, болалар нари турсин, катталар ҳам сустлашиб, сузилишиб кетгунча чунон кийкиришмасин қаххор ҳукмдорнинг оқ булут жойидан силжимамай, ҳеч қандай наф кўришмаганди. Шунда мулла Шайдулла уларнинг ёдига туйқусдан тушиб қолиб, унинг олдига боришган, дову дунёларини қоронғи қилаётган оқ булут даф бўлиб, Уташан осмонига ёмғирли кўрғошин булутлар келмаса, қурғоқчилик ҳамма ёқни емириб-кемириб ташлашини айтишган. У бу гапларни эшитиб бунга ўзи ҳам гувоҳ бўлиб турганини пеш қилган. Яқин кунларда уларнинг оби раҳматдан баҳраманд бўлишларига ишонтирганди. Сеюм (учинчи) ҳаданинг бошида муаллақ туравергандан ҳориган ҳукмдор оқ булут жойидан силжиганини кўриб одамлар, ниҳоят қутиладиган бўлди-а, деб кийкириб юборишган. Ҳаданинг нақ ўртасида эса осмонни жайдари кўрғошин булутлар қоплаб шаррос ёмғир кўйиб юборган эди. Ўшанда мулла Шайдулланинг обрў-этибори бирдан кўтарилиб кетган. Тўй-маъракаларда жойи тўр бўлиб, оғзидан чиқан ҳар бир сухан (сўз) салкам башорат мақомига кўтарилаёзганди. Аммо орадан як (бир) хада, ду (икки) хада ўтсаям ёмғир тинавермаган. Эрта-ю кеч шар-шар, шитир-шитир само ғалвирига мослаб дўмбирасини чертаверган. Деворлару томлар, ҳовилару кўчалар, хатто қайроқтошлар устини ҳам пўпанак босиб кетган. От туёғи тушган чуқурчалардан тортиб лойхандақлару ҳовузларгача тўлиб-тошган сув кўча-кўйларда бўтана бўлиб оқкан. Нам тортган деворларнинг устидагина эмас, ён томонларидан ҳам аллақандай номаълум ўсимликлар ўсиб чикиб, кун сайин каттара бошлаган. Томлардан чакка ўтавериб уташанликларни эсдан оғдираёзган – чак-чак, чак-чак, чакмўўл<sup>3</sup>. Энди майли ҳукмдор оқ булут келаверсин, деб одамлар қанчалик ялиниб-ёлворишмасин фойдаси бўлмаган. Ана

<sup>1</sup> “Абу Муслим жанғномаси”дан.

<sup>2</sup> Хада (шева) – ўн қулик.

<sup>3</sup> Чакмўўл – Карлос Фаунтэс (1928–2012)нинг зах ва намдан тобора катталашиб, жонланиб борадиган кўғирчоқ-маъбуд ҳақидаги ҳикоясининг номи.

эртага тиндирамиз, мана индинга ёғдирмай қуёшни чақирамиз деган ваъдалардан тинмай-чарчамай барчанинг кўйини пуч ёнғокка тўлғазган шайдинг қўябер Шайдулланинг инон-ихтиёрисиз ёғаверишдан зерикиб кетган ёмғирнинг ўзи ахийри се (уч) хада ўтиб кетиб, чорум (тўртинчи) ҳаданинг бошларида сийраклашиб бориб кейин мутлақо тиниб қолган. Бунақа ёмғир сўраганимиздан сўрамаганимиз беҳ (яхши)роқ эди, деб ҳасратларидан чанг чиқаришган уташанликлар далалардаги чорвага озубабоп майса-ўтлар ўрнида одамни кўмадиган захарли сассиқ алафлар осмонга тобора бўй чўзишаётганидан ёқа тутамлашган. Уларга қўл ўроқлар нари турсин жаҳонгирнинг қиличидан қолишмайдиган икки қўлочлик чалғилар ҳам бас келолмаганди. Шунда Чингизхоннинг оқ булути жойидан силжишининг мулла Шайдулла дуолари-ю илтижолари билан мутлақо алоқаси бўлмай, бу тасодифийлигини, ер юзи ҳукмдори ўлмас руҳининг ўзи шуни хоҳлаганини, агар унинг ўзи шуни хоҳламаганида ҳеч ким ҳеч қачон уни жойидан силжитолмаслигини, Уташаннинг жайдари муллеси нари турсин, анов-манов қурулто-ю кенгашларнинг ҳам бунга кучи етмаслигини туйқусдан фаҳмлаб қолишганди. Омиликларининг беқиёс чексизлигидан ўзлари уялибми-уялмайми шовқин-сурон кўтармай мулла Шайдулланинг маноқибларига илгари қандай муносабатда бўлган бўлишса, ўша ўшандай қолган. Баттар бўлган бўлса бўлганки, асло беҳтар (яхши) бўлмаганди. Ўшанда кимнинг номига эканлиги номаълум ҳолда Уташан манзилига йиллар давомида оқиб келган эгаси номаълум газета-журналларнинг Юнус почтачи оғилидаги таҳлам-таҳламлари, боғлам-боғламлари ҳам намга бўккан. Ўз вазнига қараганда уч-тўрт барабар оғирлашиб кетган. Кейинчалик уларни офтобли кунда ҳовлига олиб чиқишу тамаки баргини қуритгандек ёйиб қуритиб оламан деб Юнус отанинг ҳам, Ойтош бувининг ҳам эслари кетган эди. Унда Бўривойлари шу ерда эди. Энди-энди бўй чўзиб, овози дўриллаб:

– Бобо, буларни ташлаб юбора қолайлик энди, – деган гапни айтишдан тортинмаган кезлари эди.

Ойтош буви бу гапга индамай, ишкилиб Бўривойимнинг шу гапи билан оралари бузилиб қолмасин-да, деган хавотирда гоҳ униси, гоҳ буниси томонга қараб турган эди. Юнус отага ҳам неварасининг таклифи жўяли кўрингандек, анча муддат нималарнидир ўйлаганича туриб қолган эди. Ўйлай-ўйлай, кейин туйқусдан эси кириб қолгандек кескин бош чайқаган, мулойимлик билан:

– Йўқ, болам, унақа қилолмаймиз, – деганди дил тубидан ух тортаётгандек. – Бежиз юборишмайди. Қани, у биз юборган нарсалар деб бир кунмас-бир кун келиб қолишса, нима деган одам бўлаемиз?

– Унда одамларга тарқатиб берайлик, – ақли кириб қолган Бўривой ҳам бўш келмаганди.

– Одамларга тарқатиб берадиган бўлсак, бир рўйхат тузиб, улардан қўл кўйдириб олишимиз лозим, – масаланинг мураккаб томонини неварасига тушунтиришга мажбур бўлганди Юнус ота. – Улар бунақа нарсаларни қоғозга қўл кўйиб олишни тумшукларига ханжар ўқталиб турсанг ҳам хоҳлашмайди. Сўраб-суриштириб келиб қолишса, юборганларимиз қани дейишса, одамлар ола туриб, олмадим дейишса, кейин тамом – бошимиз балога қолади.

– Ола туриб, нега олмадим дейишади? – ҳамқавмларининг феъл-атвори масаласида ҳали анча кўйлақ тўздиритиши лозимлигини алайно-ошқор намоён этганди Бўривой.

Юнус ота қандай тушунтирсам экан деб бош чайқаб турганида, унинг жонига Ойтош буви ора кирган, этак силкканча апил-тапил ўрнидан туриб:



– Кўйинглар бунақа бекорчи гапларни, – дея бобо ва невара ўртасидаги баҳс-мунозарага ўзи нукта қўйганди. – Ундан кўра, тез-тез кимирланглар, бир-икки кун офтоб бўлиб турса, куриб-қакшаб кетади.

Орадан йиллар ўтиб, тўксон олти саҳифали калин журналнинг тўксон етти ёшдаги бадковок муҳаррири Уташанга келиб учрашув ўтказганда Юнус отанинг эҳтиёткорлиги нам босган боғлам-боғламларни, тахлам-тахламларни офтобда қуришиб олишгани нақадар оқилона бўлгани яққол билинганди.

Мулла Шайдулла эса ёмғир сўраб қилган дуо-илтижолари мустажаб бўлиши тасодиф эканини, аммо кўпам тасодиф эмаслигини, баҳор қанчалик қуруқ келмасин маълум вақт ўтгач барибир ёмғир ёғишини, озгина кечикканга сабр қилишолмаганини, бошларида бошпаноҳ бўлиб турган Чингизхоннинг оқ булутига ёпишиб олишганини, уни мулла Шайдулла эмас, табиатнинг ўзи кеткизганини очик-ойдин тан олиб айтган, энди бунақа ишларга аралашмаслиги ҳақида ота-боболари руҳини ўртага қўйиб қасам ичган эди. Мана энди, дуо-илтижоларининг ҳаммаси ҳам Худога етиб боравермаслигининг, у ҳам бошқалар қатори тирикчилик қўйида ташвиш чекмаса осмондан чалпак ёғмаслигининг исботи бўлиб унинг ҳам икки раста етган ўғли Бўривойни отаси ишлагани олиб кетган ўрис юртида юришипти. Унинг ўзи жим-дим, дами ичида. Одамларнинг айтишларига қараганда, у ёқдаям жа-а ошиб-тошиб кетмаган бўлишса-да, харкалай, рўзғорни тебратиш учун ул-бул юбориб туришган экан. Оталарининг бурун етовиди эшик санаб юриши қамайишининг сабаби шунда экан. Ўша ёқларга бориб ишлаб пул топаётганлар ҳақида сўз кетса, уташанликларнинг бири олиб-бири қўйиб гап талашиларига қараганда, у томонларда ё одам уругига кирон келиб барчаси кирилиб кетган ёинки бўлсаям ишлашни хоҳламайдиган қанақадир валакисаланг бекорчихўжалар йиғилиб олишган. Йўқса, бировнинг кучига ишониб, ўз ерининг ишини ўзи қилмайдими. Қанақасига ахир қўшнининг ери ҳайдовсиз ётган бўлса, сен чиқиб бориб молангни соласан. “Молангни ол-э нари ўзимни молам занглаб ётибди-ку!” демайди. Қўлтиғи-ю човидан сассиғи уфуриб турган бу ёш-яланглар пўрсилдоқ ерларда жони чиққунча мола суриб, қайтиб келишгач, Уташан кўчаларида ҳассага таянган анавилардай эшиги оғзидан нари ўтолмай қолишади кейин. Йўқса, кимирлаган жондан иш қоладими. Айниқса, уташанликлар иш деганига бир ёпишишмасин, бир ёпишишса ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборишади. Аммо ишнинг ўзи йўқ. Подачиники тайинли – бир умр пода ҳайдаб юради. Эрталаб чиқади, кечқурун қайтади. Аммо унга ҳам осонмас.

Ойтош бувининг боши ғовлаб кетди: йўқ, бўлмайди, ҳечам тўғри келмайди. Шусиз ҳам подачининг ўз ташвиш-юмуши тўлиб-тошиб ётгандир. Тонг саҳардан қоронғи кечгача пода ортидан ҳаложақ уриб олиб-югураётган боёқишга бу гапни айтишнинг ўзи бўладими ахир – мен нима ғамда-ю, энди сизлар ҳам бормидиларинг деб қолса, бош кўтариб юришни айтинг, момоулоқ эмиш.

У хаёлини чалғитиш учун тоқчалардаги газета-журналларга фаромуш тикилди. Уларнинг қанчадан-қанчаси неча йиллардан буён тахланиб ётади. Турмуш қурмасларидан бурун почтачилигини бошлаган хўжайини ўз ишига пишиқ-пухта, эғалигини тарқатиб берган, ортиқчаси тахланиб қолаверган. Уларни кимга беришни билишмайди. Адашиб келиб қолган хатлар ҳам бор. Манзили Уташан деб ёзилгани билан фалончи-пистончи деган одамни чироқ ёқиб қидирсаям бу ёқлардан топиб бўлмайди. Шу ишга ўрганиб қолган-да. Авваллари нафакахўрларнинг нафақа пулини ҳам у тарқатарди. Ҳали ой ўтмай қичдими-чиқмадими деб, сал фурсат ўтгудай бўлса аюҳаннос солиб бошини қотиришларидан безор бўлиб, бундан у воз кечди. Энди улар Уташан почтаҳонасининг ўзидан бориб олишади. Уларнинг

ўзлари ҳам бундан мустасно эмас. Сумакчининг уйида сумак, тувакчиникида тувак калашиб ётгани каби почтачиникини газета-журналлари учбурчагу тўртбурчак хат-хабарлар эгаллаган. Нима сабабдандир эгаларига етиб бормай қолган уруш йилларидаги қорахатлар, урушдан кейинги хабарлар – буларнинг бари Уташан тарихига оид манбалар десаям бўлаверади. Аммо буни на Юнус ота, на Ойтош буви хаёлларига келтиришади. Кўз қорачиғидай сақлашганининг сабаби бошқа ёқда: ўлик ётган муждаларга бир кун қандайдир эҳтиёж туғилиб қолиши мумкинлигини келиб чиқадиган мавҳум андиша – ўзлари йўқолиб кетган одамлар овозларининг шарпалари. Бунда қандайдир боғлиқлик бордай. Урушда яқинларини йўқотганлар, узоқлардаги яқинлари билан борди-келдилари узилганлар, хат-хабар кутганлар учун эсини таниб, ярим асрдан ортиқ почтачилик қилаётган Юнус ота хонадони қандайдир таскин-тасалли масканидай бўлиб қолган. Эрақлар Юнус ота билан, аёллар Ойтош буви билан кундалик оддий гапларни гаплашиб таскин олгандай бўлишади. Хайр-хўшлашиб чиқиб кетаётганларида Уташаннинг барча сир-синоатлари ўша ерда сақланаётгани ва кунлардан бир куни улар очилишини қандайдир савки табиий ҳис-ла иллагандек пастак деразанинг чанг босган хира ойнасидан, қазнок-оғилларнинг тахта эшиклари тирқишларидан ичкари мўралаб кўйишни унутишмайди. Якка-ю ягона кизлари (умри қисқа экан, Худо раҳматига олсин!) турмушга узатилиб кетгач, ҳайхотдек ҳовлида иккаласи қолган. Чолу кампир умр бўйи тоқчаларни коса-товоғу идиш-оёқлар билан эмас, мана шунақа нарсалар билан тўлиб борганини ўзлари ҳам пайқамай қолишди – ҳатто бу ҳовли-жойнинг пойдеворини кўйиб аллақачонлар дорилбақога юз тутганларнинг йиғиб-терган буюмлари, матолару идишлари бирин-кетин қайларгадир ғойиб бўлганди. Жойнинг жаннатда бўлгур қиз яқинрокка тушгандаям майлиди, пешона экан-да, чиқиши кийин бўлган аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободдан имкон топиб ахён-ахёнда ота-онасини кўргани келганида теварак-атрофга кўз ташлаб, “бобомдан қолган анави чинни пиёлангиз қани, мистовок қаёққа кетди”, дегандагина улар бу нарсаларнинг ҳақиқатан ҳам гумдон бўлганини пайқаб кидириб қолишарди. Аммо бунинг фойдаси бўлмас, баъзан тасодифан беш-олти ҳовли нарида ёхуд Ойтош бувининг синглиси Ойдинникида айтилган матоҳлар сайру саёҳат қилиб юрган бўлишарди. Уташан аҳолисининг сирли ришталари боғланган эди валломатлиги билан ном чиқазган Юнус почтачининг истиқоматгоҳида!

Хўроз кичқирди. Ойтош буви ташқари чиқиб, супа четидаги бўш обдастани олиб қайтиб ошхонага кирди. Обрез устидаги тоқчада ёнма-ён учта челақ турарди. Бирининг устида мис лаган, иккинчисида фанер, учинчисида дока – шифтдан қурум-пурум, ҳашарот-пашорат тушмасин деб ёпиб қўйилган эди. У учинчининг докасининг ярмини очиб, обкаш билан ҳализамон бўшаган обдастани яна сувга тўлдирди. Тутунини мўри тортиб кетадиган қўшўчокнинг кичик ўчоғи устидаги қумғон қайнаганда тошиб чиқиб кетмасин деб, бўғзидан пастроғини мўлжаллаб сув қуйди. Қозоннинг қопқоғини кўтариб унинг тозалигига ишонч ҳосил қилган бўлсаям, остига олов ёққанда яна бирровгина чайиб олишини ўйлаб, обкашда қолган озгина сувни унга қуйди. Челақлар устини очиб, қанча сув қолганини кўрди. Қундуз қуни ҳовли ўртасидаги қудуқдан сув тортиб чиқариб, уларни тўлдириб қўяди.

Уташан тепаликнинг қир учида жойлашгани учун ҳамманинг ҳовлисида қудуқ бор. Фойдаланишга яроқсиз ерда биров қудуқ қазиса, шу қудуқнинг атрофидаги ерлар ҳам уники бўлади. Юзи қаттақон юмалоқ бошидан ияги томон ингичқалашиб боргани, чинок қулоқлари-ю қисик кўзлари туфайли беихтиёр сичқонни эслатиб юборадиган қизилюз, қўккўз Одил қудуқчи ўзиям сичқондай синчи, ер

остида бўлаётган ходисаларни ҳам қулоғини динг қилиб пайқайдиган аломат одам. У қайси ҳовлида қудук қазимокчи бўлса, аввал ҳовли сатҳини айланниб ўрганиб чиқади. Илгари қудук бормиди-йўқмиди деб сўрайди. Бўлган бўлса жойи қаердайди аниқ кўрсатинглар деб талаб қилади. Жойини тусмоллаб кўрсатишса, адашмаянпизми деб гангитиб қўяди; мабодо қудук бўлмаган бўлса нега авваллари қудук қазиб олишмаган деб кифт қисади, охир-оқибат ўз ишига киришади. Унинг айтишига қараганда, ер ости сувининг қаердан юраётганини билиб-билмай қудук қазимокдан фойда йўқмиш. Ернинг нариги томонидан чиқсаям бир қатра сув тополмай овора бўлармиш. Қудукчилик ишининг мушкул томони ҳам ҳар қандай иш-юмушда бўлгани каби аввало жой танлашда эмиш. Қазийдиган жойини аниқлаштириб олган Одил қудукчи, бисмилло, деб бир иш бошласа, тамом, ер қаърига юмронқозикдек кириб кетаверади. Ойтош буви сув оладиган ҳовли ўртасидаги қудукни ҳам у қазиб, эвазига ҳеч нарса олмай, уят бўлади, яна-тагин сийни<sup>4</sup>нгиз уйдан ҳайдаб чиқариб юборса қайга бораман, деб ҳазиллашган эди. Иссикни иссик, совуқни совуқ демай ўз ишини қилт этмай бажариб кетаверадиган шундай қудукчининг қариганда кўрсатадиган хурмача қилиқлари одамни ҳайрон қолдиради. Ўқтин-ўқтин хаёли кетиб ҳовлисидаги суви қочган қудукқа тушиб олади. Ўша қудук ичида туриб ўзича аламбалоларни валдирайди. Устимдан тупрок тўкиб тириклайин кўмиб юбораверинглар, деб ўзини нариги дунёда сайр этиб юрганидан баҳс очмоқчи бўлади. Бунда албатта унинг хотини, Ойтош бувининг якка-ю ягона синглиси Ойдиннинг ҳам айби йўқ эмас. Уни қавму қариндошларидан йироқлаштириб юборгани алам қилган. Мўмин-қобил экан деб одамнинг устига чиқволиш керакмас-да – ҳалиям ўз билганидан қолмайди. Ҳеч бўлмаганда, шунақа пайтларда ўша қудук ўлгурнинг қопқоғини очолмайдиган қилиб маҳкамлаб ташласа бўлмайди. Шунга айтсанг қўл силтайди, қудукқа тушадими, ойга чиқиб эгар қилиб минволадими, ўзи билади. Олтмишга чиққан эркакнинг ўзида ақл бўлмаса, қудукнинг қопқоғини маҳкамлаганим билан нимага эришаман, дейди қанжик. Эрининг қудук тубида нафаси чиқмай қолса, “Во-ой кўрқиб кетяпман, Юнус поччам қанилар, поччажон югуринг, божангиздан ажрамай десангиз югура қолинг, сизнинг гапингиздан бўлак одамнинг гапини олмайдилар”, деб айюҳаннос кўтарганча ҳовликиб келишни билади мегажин.

Хўроз кичкириғи яна такрорланганда тонг оқаришиб, ҳадемай қизиб кетадиган ҳавонинг тунги совуғи кучайгандек эди. Уташанда ҳалиям дову дарахтлар, уй-жойлар кўпайиб шамолпана бўлиб қолди. Илгарилари киш нари турсин, ёзнинг тунги изгириниям баданни тешаман дерди. Кимдир айтган эди, Юнус отанинг эсида йўқ, одамнинг феъл-атвориғаям ҳавонинг таъсири бор эмиш; қизиб туриб бирданига совуб қолиш, кечаги айтган гапини бугун ёдидан чиқариш, қасамхўрлик иллатлари ҳам ҳаводан эмиш. Ошқовоккалла, олхўринигоҳ қасамхўрнинг қасамини бузса заифона атлас лозим кийиб ҳар қандай мардона талабларга бўйин эгишга мажбур эканлигини билдириб ичган сўнгги қасами унинг артистлик-актёрлик маҳорати билан кўшилиб қатта сахналарда оламшумул шуҳрат келтириб турган маҳалларда қора ингичка мўйловча билан тухумдан бош ёрган кийиккўз қасамхўрнинг одамларни гўрсўхтага айлантириш тажрибалари авжга миниб бораётган кезларда тарқанган миш-мишларга кўра, қасамхўрларнинг урчигандан урчиб боришига на ота-онасининг, на уруғ-қаёшининг айби йўқ эмиш – уларнинг қасамхўрлик феъл-атвори айнан шу кескин ўзгариб турадиган об-ҳаво таъсирида эмиш; э, падарига лаънат шунақа бўладиган бўлса об-ҳавосиниям, деб хулоса чиқарган мардум тун ўртасида

<sup>4</sup> Сийни (шева) – сингил.

бор будидан айрилган кўйи кип-яланғоч қайларгадир жўнаётган бўлармиш; унга, йўлинг ок, қисматинг порлоқ бўлсин, қасамхўрларнинг сал-пал бундайроқларига дуч келганинда ҳам баҳарнав эди, энди қўлтигинг ва Путинг остидан икки дондан юлиб олган тукингдан пилик ясаб тутатиб шунинг шуъласида уларнинг шаънига бисотингдаги бор ҳақоротларни ёғдиришдан ўзга иложинг ҳам, имконинг ҳам қолмаган, дейишдан бўлак нима ҳам дейиш мумкин эмиш.

Юнус ота миробнинг ховлисига етганида кун ёйилиб кетди. Энди унинг хаёлини ношоён ўйлар тарқ этгандек, қалбида қандайдир илиқлик туйди. Майли-да, биров ундай, биров бундай, ким қандай лозим кўрса ўзига-ўзи кунма-кун гўр қазиб бораверади. Бу гўр ўзига олиб келгунча мангу эгасига мутаххамлик, ёлғончилик, қасамхўрлик кўча-муюшларини бирма-бир кўрсатиб қўймаса кўнгли тўлмайди; суюқ ва йиринглар, тупроқ ва чиришлар у кўча-муюшларга қайтиб қадам босишолмаслар. Уташан ҳавосининг кескин ўзгариб, алмашилиб, гоҳ совуб, гоҳ исиб туриши ўзини ҳам четлаб ўтмагани мана хозироқ билинмоқда. Қайлардандир эшитган аллақандай ном қозонган қасамхўрлар атворларидан хираланиб бораётган кўнгли кун кўриниши биланоқ дарҳол илиди. Энди ўсмир чоғида урушдан бир парча хат кутиб унинг йўлига кўз тутганларга тўкнаш келиб қолганида, эрта олиб келаман, индин олиб келаман, деб ёлғон ваъдалар бериб юришлари ёдига келди. Қаҳратон, одамнинг олаётган нафаси ҳам музлайди. Замонига қараб ҳавоям шафқатсиз-қаттол бўлиб кетган. У қия очиқ эшиқларни четлаб ўтади, кампирларнинг нигорон нигоҳларидан ўзини олиб қочиб юради. Хушxabарлар замони ўтмишнинг аллақайси пучмоқларида қолиб кетгану почтачилик сумкасини елкасига илганидан сўнг унинг чекига яккаш ўлим ва айрилик хабарларини ташиб улгуришигина қолгандек эди.

Икки томонидан пахса деворлар сиқиб турганидан мунгайиб қолгандек кўринган, айрим жойларидан тахталари кўчиб тушган ёғоч дарвозанинг бир тавақаси ланг очиклигини кўриб, унинг кўнгли бир нимани ҳис этгандай шиғ этди. У томоқ қириб йўталди. Кейин овоз бериб чакирди.

– Ҳози-ир! – деган овоз ортидан кенг-ковул штапель қўйлагининг қайрилган енглари пастга тушира-тушира лўмбоздек аёл чиқиб келди.

У Юнус отани кўриб, бирон хабар келтирган, деб ўйлади.

– Пошгачи бобо, тинчликми? – деб сўради саломдан сўнг нимадандир ҳавотир олаётгандек бўлиб. Нафсиламрини айтганда, унинг армияга кетган ўғли йўқ. Чегара ортларида қавму қариндошлари аллақачонлар нут бўлишган – ҳавотири субҳи содиқда уйдан чиқиб кетган эридан эди. Бировларни ортидан қувса, бошқаларни ўзига жалб этиб сеҳру жодулайдиган жин-ажиналарнинг сувга яқин жойларда ин қуришини у ҳам бошқа уташанлик аёллар сингари жуда яхши билиб олган эди. Жин-ажиналар-ку ҳазил-мазок, ўйин-қулги қилишгани билан одамзодга жиддий зарар етказишлари душвор (айниқса, мўйлови иягидан осилиб, оғзидан носвойнинг хиди гурқираб турадиган миробнинг қаршисида оёқлари қалтираб қолса ажабмас). Аммо баъзан қутилмаганда эрта саҳардан бошланиб қоладиган сув жанжалларида на савлат-салобат, на оғзидан анқиган қўланса хид дош бера олади; кўпинча жанжаллашган томонлар ўртасида миробнинг бошига кетмон ёки белкурак дастаси тушиб қолади; сув балоси, ўт балоси, хотин балоси деб саналмиш қаторда биринчиликни қўлдан бермаган сув учун дудама пичоқлар кинидан суғурилиб, амакивачча амакиваччани, холавачча холаваччани бўғизлаб юбориб кейинчалик афсус-надоматлар чекишган, алоҳал, танглайга томизиладиган бир томчи сув билан тинчидиган курсоғи бўм-бўшларнинг шовкин-сурону муҳорабалари ҳеч қачон тин-

чимай, тобора борган сайин кучайиши, авж олиши, бир боғ пичан деб, бир хуржун бугдой деб, бир боғ ўтин деб борган сайин бир-бирининг изига тушиб бораверишлари ровийларнинг ўтмиш битикларида ҳам башорат қилинишидир. Сув, сув, сув! Тўлин ой нурлари жунбушга келтирган вужуд идишидаги сув! Тўлин ой нурлари косаларидан тоширган уммонлар ва одамлар! Ойга атаб битилган қасидаларнинг сир-асрорлиги қолмаган сир-асрорлари! Уташанда эсини танигандан буён почтачилик қилган, уруш йилларида нигорон нигоҳларни ўз йўлига термилтирган Юнус почтачи ҳам Юнус ота бўлиб миробнинг эшиги оғзида сув сўраб турса-ю, унинг хотини қоғолоб эси кетса. Унинг елкасида бандларининг ийиғи чикиб кетган почта сумкаси эмас, муҳраси тешик кетмон борлиги ҳам аёлнинг хавотирини сусайтиролмаसा. Юнус ота жин-ажиналар ёхуд кўринмас аллақандай рўёлар хабарчиси эмас, газета-журналлар ва хат-хабарлар ташувчи оддий почтачи эканлиги ҳам унинг ёдидан буткул кўтарилиб кетган бўлса.

– Эримга нима бўлди, айтинг?! – деб ўкрагудек аюханнос солиб юборса.

Унинг бу шовқини Юнус отани беҳад ҳайрон қолдирди. Кейин ётиғи билан нима мақсадда келганини тушунтирди. Шунда аёл енгил тин олди. Ҳаттоки, унинг елкасидаги кетмонга қандайдир уялгансимон назар ташлаб қўйгандек бўлди. Хотиржам тортганидан бўлса керак, берилажак саволларнинг барчасига биратўла жавобга чоғлангандай лаби лабига тегмай эрининг ҳозиргина чикиб кетганини, кеча кеч қайтгани, шу кунларда иши бошидан ошиб-тошиб ётганини айта бошлади. Юнус ота унинг сўзлаш оҳангидан ғаразсиз пинҳоний армонни фахмлагандек бўлди ва мироб елкасидаги ташвишнинг фидокорликка йўғрилганлиги боёқиш аёлни қийнаб қўйганини кўнглидан ўтказди. Салобатли гавданинг пинҳоний ожизлиги.

– Бунчалик эрта чикиб кетмасди-ку? – Юнус ота миробнинг қайларда юриши мумкинлигини хаёл чиғириғидан ўтказа бошларкан, саволининг бемавридлигидан ташқари аёлнинг кўнглига тегиб кетиши мумкинлигини ўйламаганидан афсусланди. Кўра-била пишмаган хомкалла. Ўлжага бошқалардан кўра тезроқ етиб бориш учун жон-жаҳди билан ташланган йирткич.

Аёлнинг кепчикдек юзида икки нукта каби кўзлари йилтиради. Индамади. Тасаввур-мулоҳаза сарҳадлари паҳса деворлар билан қўрғонланган. Йилтираган кўзлар ноилложик ёққан гулханлар.

Юнус ота шоша-пиша ортига бурилди. Ўзи яратган муҳитни ташлаб қочаётган шаҳаншоҳ. Дарвозадан пича узоклашгач, енгил хўрсинди. Энди ҳарқанча бош қотирса бўлаверади, бемалолчилик. Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Уваланиб тушаётган деворларнинг тиркишларидан Уташан тарихи мўралаб турарди. Куну тунларда мой тупрокни эзгилаб ўтиб-қайтганларнинг қадам товушлари ва ғўнғир-ғўнғир овозларнинг акс садолари зингилашиб ётарди бу тиркишларнинг кўз илғамас пучмоқларини.

Юнус ота ҳовузни ўйлади. Ҳатто миробнинг ҳовуз бўйида кимгадир нимадир деб турганини яққол тасаввур этиб, беихтиёр қадамини илдамлатди. Аниқ ишонди. Шу боис, ҳовуз бўйига етиб ҳеч кимни учратмагач ҳайрон қолди. Бунақа бўлиши керакмасди-ку. Тик ўсган кўм-кўк сув алафларининг найзадек ўткир учлари ҳовуз сатҳидан чикиб турарди. Кун пешинга оға бошлагач улар танасининг қолган қисмлари бўғин-бўғинларигача кўриниб қолади. Ҳовуз сувининг қанчагача кўтарилиб, қанча пастлашини шу ўтлар аниқ-тиник белгилаб туради. Ҳовуздан юқоридаги икки тепалик тубидан булоқ сувлари чиқади. Бу тепаликлардаги ажриқлар аллақачон сарғайиб кетган, уларнинг ўзлари булоқларидан баҳра олишолмайди. Тоғлар йиғишган қор-музликларини тутиб қолишолмагани каби. Юнус ота

сарғайиб ётган тепаликнинг устида бир кишининг қорасини илғагандек бўлганди, у шу захотиёк кўздан йўқолди. Кўзимга кўринди шекилли, хаёлидан ўтди унинг.

У бирпас нималарнидир ўйлаганича туриб қолди. Ҳали-ҳануз кўрган қандайдир туши таъсиридан халос бўлолмаган каби эди. Кун уззу кун бошқа нарсалар миёни тўлдириб боравермагунча бу ҳол давом этади. Юнус ота ўзини туш таъсирларига ҳам кўниктирган. Тушига қандай нарса кирмасин, бир четдан қизи мўралаб тураверади. Кўзга чалинмасаям, унинг қандайдир яқинда эканлигини у ҳис этади. Тушига кўркинчли воқеалар киргудек бўлса, хавотири уларнинг орасига қизи ўралашиб қолмаслигидан бўлади. Ўнгидаям шу. Ўйламасаям хаёлининг қайсидир четида, боёқиш миттигина, ғужанак бўлганча ўтириб олган. Ота уни жойидан жилдиргиси келмайди.

Ҳовуздан чиқаётган арик ёқалаб боғ-роғлар, томорқаларни ҳам оралади. Энди одамлар ғивирсий бошлашган эди. Ҳамма ёқда, хозиргина шу ерда эди-я, яхшироқ қаранг, қораси кўриниб қолар, деган бир гап эшитди. Кун пешин бўлди. Унинг боши қотди. Мироб дегани сувига карамайдими, қаёқларда санғийди.

У энди ариқнинг бировнинг ҳовлисига кириб кетган жойидан девор айланиб, шу ховлининг арик ховлидан чиқиб келаётган нариги томонида тўхтаган эди, рўпарадаги кулранг пастак эшик очилиб, ундан икки букилганча мироб чиқиб келди. Юнус ота оғиз очишга улгурмади.

– Мени излаб юрган экансиз, – деди мироб уни айбдор қилгиси келгандек. – Қаерга борсам ўша ерда айтишди, ортингиздан кувиб етолмасам денг.

У кўзларини олиб қочиб, ариқдаги сувга тикди. Хаёлининг бир четидан ховлига қираётган сув билан ундан чиқаётгани тенгми-тенгмасми эканлиги ўтди. Қираётган сув кўпроқ эди, шекилли. У сув ёқалаганда бировнинг ҳовлисига кириб қулоқни текширмайди, чамалаб кўрганда кўнгли тўлмаса, девор оша овоз беради.

– Ҳа, – деди у айбини бўйнига олаётгандек синик илжайганча. – Сизни изладим.

– Навбат келдими дейман? – тусмоллади мироб.

Ҳақиқат шу. Ишлари тушмаса уни бошларига уришадими. Қолади бир четда сўппайиб. Миробликка маҳкам тирмашиб олиши шу кўрқувдан. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ҳам кўркинчли. Буни элу юрт ташвиши деб хаспўшлайди. Ўргилдим ҳаммангдан.

– Шунақа, – бош ирғади Юнус ота. – Бугун чим кўчириб қўяверай дедим.

Мироб негадир осмонга қаради. У ҳам беихтиёр унга эргашди. Кўм-кўк осмонда оқ булутчалар лоқайд кезишарди.

– Қуёш ботаётганда бостириг чимингизни, – деди мироб ховлидан недир илаштириб чиққандек у ёқ-бу ёғини қоқиб-сукаркан.

– Майли, – ўзи яхши билиб, амал қилиб келган нарасига яна розилик билдирди у.

Ариқда ховлидан оқиб чиққан нашпоти кўринди. Мироб энқайиб уни олиб, гавдасини тиклайман деганда яна иккита нашпоти унинг ортидан оқиб чиқди. Уларни ҳам олди. Нашпотилар оқиб келган ўша сувда уларни чайкаб олди. Қўлини узатиб нам кафтида манзират қилиб тутди. У эзилганроғини танлаб олди.

– У ёғини ўзингиз биласиз, – деди мироб лабининг икки четидан нашпоти ширасини оқизиб еркан. – Битта-яримтаси очиб кетиб, биздан домангир бўлиб юриш йўқ.

Ҳа, албатта. Яна ўзи яхши билиб, амал қилиб келган нарасини бош ирғаганича осонгина тасдиқлади у. Бизнинг вазифамиз шу.

Мироб хозиргина ўзи чиққан кулранг пастак эшикка яна ўгирилиб қаради. Қайтиб киргиси келаётгандек, оғир сўлиш олди.

– Энди мен борай, – деди Юнус ота миробнинг гапи тугаганини билиб.

– Хўп, – деди мироб. – Ариғу кувурларни тозалашга пул йикқанмиз-а?  
 – Ҳа, – берган пулини кўз ўнгидан ўтказди у. Эсида йўқми, нимабало. Ўзи олувди. – Берганман.

– Ҳали кўпчилик бермади, – ўзига-ўзи сўзлаётгандек деди мироб. – Барибир келишади.

Ҳа, барибир келишади. Тегирмон навбати билан. Уташаннинг ховузи дунё тегирмони. У миробни ариқ бўйида қолдирди. Унинг ўзи қолди. Юнус ота уйига қайтди. Бориб айтибоқ қайтаман деб ўйлаган бир оғиз гап учун миробни пешингача кидирди. Ҳалиям топгани. Қаллаи сахардан ўша ховлига кириб олган. Тегирмон навбати билан.

– Ҳали поштаниям олишингиз кераг-а? – эсига тушиб қолди миробнинг.

– Пешиндан кейин, – Юнус ота пайғом фурсатини аниқламоқчи бўлгандек кўкка бир кўзини қисиб қаради. – Соат учларда келади, тўртларда оламиз.

– Праграмма<sup>5</sup> чиққан ортикча газетларингиз бўлса, ташлаб ўтарсиз?

– Ҳа, майли.

Мироб туйқусдан ранги ўнгиб кетган кители-ю, шалвордек шалвираб қолган шимининг чўнтақларини пайпаслай кетди.

– Э! – дея хитоб қилди бир нимасини йўқотиб қўйгандек. – Носқовоқ йўқ-ку?

Юнус ота бу ҳолдан негадир хижолат тортди. Чиққан ҳовлисига миробнинг яна қайтиб кириб кетишини энди аниқ билди.

– Топилиб қолар, – деди-да, ўз йўлида кетди.

У уйига етди. Кампир пешайвонда эски кўрпачаларни сўкиб, қайта қопламоқда эди. Бор бисоти. Келин бўлиб тушганида уйдан олиб келган. Айрилгиси келмайди. Сўкади, ямайди, тикади. Уни кўриб, кампири бир қимирлаб қўйди. Сўз қотмади. У ими-жимиди хонани бадастур йиғиштириб, эрталабки дастурхонни тўрт четидан ўраб қўйибди. Чойнақда чой қайноқ экан. Ҳозиргина дамланган. У нон қавшаб, устидан қайноқ чой хўплади. Сўнг ийиғи чикиб, титилиб кетаёзган банди устига қора чармдан қоплама қилинган почтачилик сумкасини елкасига илиб, яна кўчага отланди.

– Мен бориб келай, – деб қўйди одатдагидек ҳовли эшиги томон юраётиб.

Ойтош буви ҳамон қўли юмушдан бўшамаган қўйи:

– Норвишникида момоулоқ бўлармиш, – деб қўйди бу гапнинг ўзига алоқаси йўқдек.

– Қачон? – Уташаннинг хат-хабарчиси фавқулодда хабар эшитгандек тўхтаб қолиб, ортига ўгирилиб сўради.

– Билмасам, – шу сўзи билан кўп нарсани билишини тасдиқлади Ойтош буви. – Кампирлар подажойга чикиб, подачидан сўраб кўрамиз дейишаётувди.

– Энди буниси ортикча, – деди Юнус ота бош чайқаб. – Подага қўшадиган эчки-улоғидан мана бу момоулоққа, кампирларга сўйиб бер деб биров атамаса, подачи зўрлармиди?

– Уям ундан-бундан сўраб-суриштириши, эсига солиши керак-да.

– Кўнглида бўлса, берадиган одам подачи сўрамаса ҳам бераверади.

Ойтош буви подажойга кампирларга қўшилиб чиқиш-чиқмаслигини сўрамоқчи эди, шу гапдан сўнг индамай қўя қолди.

Юнус ота ҳовлидан чиқди. Илгарилари район марказидаги почтахонага қатнардди. Энди Уташаннинг ўз почтахонаси бор. Эрталаб райондан келган почта машинаси Уташанга тааллуқли газета-журналлару хат-хабарларни ташлаб кетади.

<sup>5</sup> Праграмма (программа) – теледастур демокчи.



Каттакон хонанинг нақ ўртасида одам бўйи кўтарилган тахта тўсикнинг ортида пешонасининг ўртасида давлат харитасидай кип-кизил нори бўлгани боис исми ҳам Норкул аталган мўйлови шопдай ўрта яшар почта мудирни керакли қоғозларга имзо чекиб, уларни олиб қолади. Нафақа-ю пул билан боғлиқ бошка юмушлар ҳам унинг ихтиёрида. Юнус ота ҳафтанинг район марказидан почта келадиган сешанба ва жума кунларида тушдан кейин бориб ундан оладиганларини олиб, мудирнинг вакти бемалол бўлиб, гапга солса у ёқ-бу ёқлардан пича суҳбатлашиб ҳам қайтади.

Пахсадан тикланган почтахона биносидан почтахона ва кутубхона жойлашган. Кутубхона худди почтахонанинг қаватига бебилиски кириб олгандек туюлади. Кутубхонага бормоқчи бўлганлар ҳам биров сўраса уни айтиб ўтирмай, почтахонага боряпман, дейишади. Умумий йўлакка кириладиган ташки эшик битта бўлгани учун, кулфланганда унинг калити почтахона мудирини ҳам, кутубхоначида ҳам сақланади. Йўлакнинг ўнг томонида ҳеч қанака эшик йўқ. Эшик нари турсин, тешик ҳам йўқ. Мустаҳкам қалъа девори каби ўзидан муҳиш совуқлик уфуриб туради. Йўлак бўйлаб тўрт-беш қадам юрилса почтахона эшиги. Кулфланганда унинг калити фақат почтахона мудирининг ўзидан туради. Яна тўрт-беш одимдан сўнг, йўлакнинг охиридаги, тепасида “Зиё маскани – маърифат ўчоғи” деган кинғир-қийшик ёзув осилган икки тавақали олачалпоқ бўёқли эшик кутубхонага тегишли. Эшик дастасини пастга қайириб тортиб, остонадан ҳатланса, ичкарима-ичкари жойлашган икки бўлмадан иборат кутубхонага қадам ранжида қилинган бўлади. “Хуш келибсиз”, дейди шунда бир қарашда аниқ ёшини билиб бўлмайдиган камтарин одамча ўрнидан дик этиб сакраб турганича тавозе билан. “Кутубхонамизга атай келдингизми ённки почтахонага келганда бир кириб ўтай деддингизми?” “Йўқ нега, ахир биз ҳам кўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрганмиз, ўлипмизмики, китобга қизиқмасак, ўзи айтинг-чи, сизда қанақанги ўқиса бўладиган қизиқарли китоблар бор?” “Бизда ҳамма китоблар бор, – дейди энди одамчанинг заифона чехраси ёришиб қошларини алланечук ноз билан учириб қўйганча, – фақат ўқийдиган азамат топилса бас”.

Шунда бу одамчанинг эгнидаги мардона усти бошлар қайгадир ғойиб бўлгандай туюлади-ю, “Зиё маскани – маърифат ўчоғи” остонасидан қадам босмиш бўйнийўғон шаввоз қайлардадир эшак ортидан қувиб юрган ўзига ўхшаган харфёъл қайсарларнинг саргузаштлари шу ерда яқун топишини тусмоллаб, гап орасида ўзининг почта мудириндан кам эмаслигига ишора қилади. Кутубхоначи билан суҳбатлашиб ўтиришнинг ўзи ҳар қандай китоб мутолаасидан кўра кўнгилли ва лаззатли эканлигини очиқ-ойдин тан олиб гапирди.

– Во-ой, сизга китоб керакми? – ўз вазифаси масъулиятини теран англаганидан ҳаяжонланиб овози қалтираб кетади кутубхоначининг.

– Сиз биласиз-да, сиз!

– Вой-ой, нега унақа дейсиз?

– Бу ернинг соҳиби сиз, ахир?

– Бизда унақа китоблар сақланмайди.

– Бизга бир нусхагина топилиб қолар.

– Во-ой, нега унақа дейсиз?

“Зиё маскани – маърифат ўчоғи” бўлмалари жавонларида гард босмиш китоблар саҳифалари орасида қариб-қартаймиш, тирилмай туриб ўлмиш қаҳрамонларнинг мудроқ нигоҳлари ярк этиб очилади-ю, ташқарида содир бўлаётган матнларни ичкари тортиб олишга уринишади. Қира қолинглар, гардзору чангзорлардан тоза хаволарга чиқиб кетишимиз шунда осонроқ кечади; кутқара қолинглар бизни, занг-



лаб чириган матилар чангалидан озод килинглар. Жавонлар кисирлай бошлайди, ўриндиклар силкинади, ичкарима-ичкари икки бўлма чанг-гўзонлар гирдибодига фарк бўлганча сукунат оғушига чўмади.

Юнус ота уйдан чикқач, почтачилик сумкасининг бир четда ётган кечаги колдик газет-журналлару хат-хабарларни эга-эгаларига тарқата-тарқата, почтахо-нага етди. Почтачининг иши шу, боришда ҳам, келишда ҳам. Кечаги олмаганлар бугун олишади, бугун олмаганлар эртага хабар топишади. Албатта, хабар топи-шади. У ўз юмушини ҳеч вақт эсдан чиқармайди. Почтахонога етиб бориб, ичкари кираётганида кутубхоначи йўлнинг нариги томонидаги новвойхонадан битта нон кўтариб келаётган экан. У Юнус отага қуюк салом берди.

– Иссиқкина экан, – деди нимадандир суюнгандек. – Келаётиб эдим, хиди узокдан димоғимга урилиб, чидолмай колдим. – Унинг томоғи ўртасидаги юмғок филк этган симобдек кекирдаги бўйлаб югурди ва пасга тушиб йўколди, бўйни сип-силлик бўлиб колди. Момо Ҳаво ютиб юборган бўғдой. Отам Атонинг кекир-даги қок ўртасига етганида у туйкусдан фаҳмлаб колди. Ланъати илон – малъун иблис. Абадулабад ато этилимиш маскандан мангу маҳрумлик. Сарсари бадарга. Лиқилдоқ юмғоғи ажодлари тарихидан мангу сабоқ – қани кел, ярим ютилган бўғдойнинг сиртини киртишлаб кўяй, оқариб кетибди, ҳадемай жаҳаннам ҳидини хидлаганингда биласан бунинг оқибатини.

Кутубхоначи унга нондан манзират қилди. У иссиқ нон четидан бир тишлам узиб, оғзига олиб борди. Иссиғида ушатилмади.

– Энди мен бораверайин-а? – боғланиб қолгандек унга қараган кутубхоначининг сизук кўзлари кулиб боқаётгани гавдасини ҳам қийшайтириб юборгандек бўлди.

У нигоҳини олиб кочди. “Ҳа, борақол, тупроқ билан эт орасида етилган вужуд”.

Иккаласи йўлакка олдинма-кейин киришди.

– Бўпти-я, майлими? – дея карашма қилганича кутубхоначи зипиллаб йўлак тўридаги кутубхона эшиги томон кетди.

Юнус ота ортда қолиб, почтахоно эшигини очди. Ёғоч тўсикнинг ортида поч-та мудирини чўт қокиб, нималарнидир ҳисоб-китоб қилар, тўсикнинг бу томонидаги тахта ҳаракда бир чол билан кампир қунишиб ўтиришарди. Толёғочдан қилинган хасса ушлаган қўллари устига оппоқ соқолли ягини тираганича бир нуқтага фа-ромуш термилган чолнинг тескариси ўлароқ кампир биринчи марта кўраётгандек тева-рак-атрофга тез-тез олазарак назар ташлаб кўярди. Юнус ота улар билан са-ломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашди ва деворда осиглик турган, аллақачон дорилбақога рихлат этган бўлса-да, ҳали ҳамма тирик деб ўйлайдиган дохий суратига бир-ров қараб кўйди. Бобо. Биلاقдаги занжирдан бўлак бойлиги бўлмаган одамлар. Чақалоқ йиғламаса, она кўксини тутмайди. Занжирни йўқотганлар ва йиғини бой берганлар ачинишмайди. Аллақандай газета ўқиб ўтирибди. Почтахоно-ю почтачи-ларнинг пиридай кўринади шу тарзи билан.

У тўсикнинг нариги бетига ўтди. Норқул унга кўз қирини ташлаб, бош ирғаб кўяркан, яна ўз ишида давом этди. У каттакон темир стол устидаги ўзига тегишли бир даста газет-журналлару хатларни сумкасининг алоҳида-алоҳида чўнтақларига жойларкан, хатлар орасида туйкусдан хат бўлиб хат, открытка бўлиб открыткага ўхшамаган, оппоқ томонида маъносини билиб бўлмайдиган бешбурчак муҳр ва ёзи-ши қийин бўлган қалам билан хира харфларда кўз илғар-илғамас “Уташан” деган ёзув сабт этилган, рангли томонида Нух замонидан қолгандек кўринган қандайдир елканли кема, оғзини очиб турган каттакон балиқ ва чексиз уммон ўртасида нина-нинг учидек кўзга базўр ташланадиган оролча акс эттирилган расм ҳамда мана шу

манзараларни алохида-алохида кўрсатувчи орқа томондагига ўхшаш учта бешбурчак марка ҳам ёпиштирилган эди.

У почта мудирига қаради. Жуфти ҳалол истади ишини тугатаётган каби нафас олишни ҳам унутиб қўйгандек астойдил ўз столига мункайган Норкул пешонасини тириштирганча қандайдир нарсани асабий равишда тез-тез ёзганча, ҳар-ҳар замонда чап томонидаги бир уюм идора қоғозлари орасидан керакли нарсаларни ҳам излаб қоларди. Қоғоз иши – нозик. Сал-пал англашилмовчилик, хато кетсаям фақат ана шу қоғозларга қараб иш кўрадиган текширувчилар кейин энасини кўрсатишади. Панжара ортида қафасга тушган маймундек мунғайиб ўтиришини тасаввур этса, ҳар қандай хумбош аллома ҳам қоғозини созлаб-тўғрилаб қўяди. Буни яхши билган Юнус ота хатлар орасига эҳтимол тасодифан тушиб қолган ҳалиги галати хат-откриткани почта мудирига кўрсатиб, уни чалғитгиси келмади ва сумкасининг хатлар солинадиган чўнтагига абадий чиқмас килиб тикиб юборди-ю, шу заҳотиёк уни унутди. Ишини битказди. Оғирлашиб, зилдай бўлиб қолган сумкасини елкасига олди. Тахта тўсикнинг чолу кампир ўтиришган томонига ўтаётганида ортидан:

– Хо-ош! – деган хириллаган сас эшитилди. – Бўлдимми?

– Эрта томоркага сув олмоқчийдим, – деди у ортига ўгирилиб. – Почта келмайди-ку?

– Билиб бўлмайди, – хириллади почта мудир қотиб қолган елкаларини орта ташлаб керишаркан, тўсик ортида кимлар ўтиришганини қарамасдан аниқ кўриб: – Пенса! – деб кичқирди.

Чолу кампир ўз номларини эшитгандек ғивирсиб қолишди. Кампир тетикрок экан, ўй суриб ўтирган чолнинг тирсаги остидан ушлаб, уни ўрнидан туришига ёрдамлашган бўлди. Чиримаган қовурга – айнамаган гўшт. Почта мудир қандайдир қоғозларни титкилай бошлади.

Почтахона эшиги очилиб, кутубхоначи кириб келди.

– Во-ой, шу ердаяқингиз? – у сузилаётгандек аллақандай тортинчоқ назокат билан сўради. – Поштангизни олиб бўлдингизми?

– Ҳа, – бош ирғади Юнус ота.

– Газет-журналларимни опкетай деб кирувдим, – деди у бу ерда ўралашини сабаби уташанликлар ўйлаганчалик эмаслигини билдириб қўйгиси келаётгандек. – Ҳаммасини сон-сонни билан подшивка килиб бораман.

Юнус ота унинг гапини маъқуллаб бош ирғади ва чикиб кетди. Бугун аллақандай туш таъсирида ҳориб уйғонгани, тонгсахардан миробни излагани, ҳориб-толгани туфайли хаёли кирди-чиқди бўлиб тургандек эди. Уларнинг ўртасидан кил ўтмайди, почта мудир хонасида бўлмаса уни кутубхонадан топиш мумкин. Шуларни ўйлаб, кекса почтачининг дили хираланди, кутубхоначи нондан олишга манзират қилганида раҳмат айтиб кетавермаганига афсусланиб, оғир сумкани бир томонга қийшайганича кўтариб, ундан-да зил-замбил ўй-хаёллар қуршовида уйига қараб жўнади. “Юнус ота, сиз қандай хабарларни кўтариб кетмоқдасиз? Зил-замбил бу юклар исканжасидан ўзингизни қачон халос айлайсиз, хабарчи ота?!”

У уйига етиб, сумкани газет-журналлар уюлиб ётган тоқчанинг бўш жойига қўйди-ю, жуда хориганини, пича мизғиб олмаса бўлмаслигини ҳис этиб, кўрпача устида ёнбошлаб ётди. Кўзи илинди. Яна аллақандай чала-ярим тушлар кўргандек бўлди. Уйғонганида ҳеч вако эсида йўқ эди. Табиий. Кундуз кунлари ин-инларига уриб кетган барча шарпалар тунда ташқарига чиқишади – зулмат ўраларидаги сайру саёҳат.

Яримта нон ўралган белбоғини белига тугди. Елкасига кетмон олди. Кўчага чиқди. Йўлида дуч келган одамга ҳовуздан сув чиқадиган қувурни беркитиб, тонг

отгунча кўриқчилик, эртага эса сувга эгалик килишини айта-айта, ховуз бўйига етди. Кувур оғзига тикиш учун ажриқ тиғиз ўсган нам жойдан ҳафсала билан чорқирра чим кўчирди. Кейин четроқдаги, ўзига ўхшаган сув пойларлар ясаган қўлбола супага чиқиб, кўёшнинг уфққа оғишини кутиб ўтирди. Супанинг ҳар жой-ҳар жойида носвойдан бўшаган елимхалта, куриб қолган мева пўчоғи-ю банди сингари майда-чуйдалар ховуз кўриқлаганларни эслатганча сочилиб ётарди. Уларни териб, ғовлаб кетган шўралар орасига улоқтирди. Неъмат шол<sup>6</sup>нинг ўзи ҳам оқсаб юрадиган келини патнисда чой-нон кўтариб чиқди. У ҳовлисидаги баланд супада кун уззукун кимир этмай кўзга ташланиб турган ховуз бўйига кимлар келиб, кимлар кетаётганини; унинг нариги қирғоғидаги ёлғизоёқ йўлдан кимлар ўтаётганини кафтини пешонасига равоқ қилганича кузатиб, таниб-билганларининг ҳаётини тахлил қилиб ўтирадиган қайнотасининг барча айтганларини бекаму кўст бажарар эди. Унинг патнис кўтариб чиққани ҳам бежиз бўлмай, қайнотасининг бўйруғи эди. Юнус ота унга раҳмат айтди. У олиб чиққан чойдан ичди. Қора нон четидан озгина синдириб, оғзига солди.

Кўёш бота бошлади. Юнус ота ўрнидан турди. Қияликдан қуйи энди, сув чиқадиган кувур қаерда жойлашганини одамлар белгили қилиб, чиқиб-тушиш ўнғай бўлсин деб тошдан пиллапоялар ҳам ясаб қўйишган – сув ичида кўринмаса-да, туншаётган одамнинг оёғи ўзи топиб олади. У иштони почасини тиззасигача, яктаги енгини тирсагигача шимарди. Чимни қирғоққа қўйиб, ўзи сирғалиб кетмай деб эҳтиёткорлик билан сувга туша бошлади. Энкайиб, пайпаслаб сув чиқиб кетаётган жойни топди. Сув ҳам куч-да, ютоқиб турган кувур оғзи қўлидан тортиб, ютаман дейди. У қирғоқдаги чимни олиб, кувур оғзига тикди. Сув ичидан балчик-лой олиб теварак-атрофини кўзи билан кўрмаётган эса-да, қўли пайпаслаб шиббалаб чиқди. Ховуздан ташқарига чиқиб кетаётган сув такқа-так тўхтади. Иш битди. Қўлини ювиб ховуздан чиқди, белбоғига артинди. Хотиржам бўлди. Оёғини чайиб олиб, калишини кийгач яна қўлбола супага томон юрди. Анчадан буён шу ерда истикомат килаётгандек бамайлихотирлик билан гуппи чопонини буклаб, ўмровига қўйди.

Пода қайтгач, адашган молларини, эчки-улоқларни кидириб ховуз бўйидан топиб кетганлар бўлди. Неъмат шолнинг келини келиб патнисни олиб бетаркан, ишингиз битса уйга кириш экан, дейишни унутмади. Улоққан итлар даф бўлишиб, иликканлари нари кетишди.

Қоронғилик чўкиб, тобора куюклашиб бораверди. Қоронғилик. Туйқусдан тушиб қолса одамни балиқ ютиб юборгандек бўлади. Зиллат қоронғилиги, тун қоронғилиги, сув қоронғилиги, балиқ қоронғилиги – мулла билганини ўқийди.

Орадан канча вақт ўтди, пайкагани йўқ – букланган чопонини ўмровига тортиб қурбакаларнинг тобора авжига чиқаётган қуриллашларига кулоқ тутиб, хаёллар оғушида ёнбошлаб ётган Юнус ота бир маҳал кимнингдир шарпасини илғагандай бўлди. У илкис бош кўтариб қаради – қаршисида биров бордай эди – осмондан тушганми, ердан чиққанми, номаълум – кимдир зулматдан йўғрилгандай унинг қаршисида тик турарди. Подадан қайтмаган эчки-печкисини излаб чиққандир-да, деган фикр унинг хаёлидан чақмоқдай ярқ этиб ўтди-ю, шу заҳотиёқ қайларгадир маҳв бўлди. Қоронғида нигоҳ илғгани ҳақида бирнима дейиш қийин, бундай чоғда кўзни юмиб қилинган фикр аниқроқ чиқади. Унинг юраги негадир шиг<sup>6</sup> этди. Ўрнидан туриб, йўталди. Кишидай туюлган шарпа йўтал товушини эшитиб, у ёқ-бу ёққа аланлаган бўлди ва уни кўрди. Юнус каби бўлиб турган Юнус отани кўрди, эшитилар-эшитилмас минғирлаб салом берди, кейин кўришиш учун қўл узатди.

<sup>6</sup> Шол – буткул юролмайдиган бўлиб қолган чўлок.

Юнус ота унинг қўлини оларкан, латтадай бўшлигини хис этиб, юраги аллақандай ортга тортиб кетгандек бўлди. Киши қўлини шундай тезликда тортиб олдики, Юнус ота унинг чинчалоги йўқлигини ҳатто пайкамай қолди. У эс-хушини йиғиштириб, меҳмоннинг юзига син солди. Унинг каердан келаётгани, каерга бораётганлигини аниқлаб олмақчи бўлди. Елкалари гавдасига нисбатан биров энсизроғу эгик эканлигидан бўлак бирор тузукроқ ифодани илғай олмади. Номаълум кишига узок син солаётганлиги бехос кўнглидан кечиб ўнғайсизланди.

– Қайдан сўраймиз? – деди ва ноўрин савол бериб чув туширганлигини фахмлаб, теварак-атрофга кифт қисганча жавдираб қараб қўйди: Уташанда даб-дурусдан бунақа савол берилмайди – олдига обу овқат қўйиб, нон-туз тотганидан сўнг сўраб-суриштириш бошқа гап.

– Тоғнинг ортидан, – келган киши кўрсаткич бармоғи билан тоғ томонга ишора қилганида у осмонга тиг санчган юксак чўкқиларни кўз ўнгига келтирди.

Кишининг сўзлаш оҳангидан ҳам олислардан келаётганини тусмол қилиш мумкин эди. Дарвоқе, кундуз куни бўлганида, унинг усти боши-ю, афт-башараси чангга ботганини ҳам очик-ойдин кўрган бўларди. У меҳмонни уйга олиб бориш лозимлигини ўйлади. Бўлак илож ҳам йўқ, бу ёкда ҳовуз қўриқланмаса ҳам бўлмайди. Ё Неъмат шолниқига киргизиб юборсамикан?

– Сиз шу ерда тура туринг, мен хозир... – деди у қандайдир талмовсираниб қолганича қувур томон йўналаркан, хаёлига келган фикрдан ўзи уялиб. – Жа-а бўлмаса шу кетмон қора бериб турсин, – мингирлади яна у ҳовуз бўйида тун чоғи қора бериб туришнинг аҳамиятини тушунтирмоқчидай.

Номаълум киши унинг нима демокчи бўлаётганини заррача фахмламаган эса-да, камгаплиги боисиданми ёинки гапни чувалаштириб ўтиргиси келмадими – ишқилиб, барча нарса ўзига беш қўлдек аён каби индамай қўяқолди.

Юнус ота авваллари ҳеч кими йўқ сўккабош-ёлғизбошлар каби ҳовуз бўйига бирон марта бўлсин-да белги қўйиб кетмаган; ҳаттоки буни хаёлигаям келтирмай, навбати етганида ҳозиргидек уни хамиша ўзи қўриқлаб ётар эди. Энди кетмонни қубошдай тиклаб қўйиб, бу ишидан хижолат чекканидан ичида. Худо кечирсин, қувур оғзини очиб сув ўғирламоқчи бўлганлар шуни кўриб аҳволимни билишсин, ёмон ниятлари эсларидан чиқиб ортга қайтиб кетишсин, дер экан; ноиложликдан шундай қилаётганини бошқалар ҳам тушунишларини, ўзини сўккабош-ёлғизбошлар қаторида санамасликларини тиларди. Худога шукр, қиз бўлсаям фарзанд кўриб, кампири иккови ялаб-юлкаб ўстиришган, дунёда зурриёдсиз яшагани йўқ. На-чора, умри қисқа экан; бўй этиб аввалги Андарвашт – хозирги Захматободга тушган якка-ю ёлғиз қизлари энди яшаб роҳат кўраман деб турган ўттиз олти ёшида уч мучал кўриб ошқозон ўсмаси билан оғриди-ю, кўпга бормади, бўлмай қолди. Шу бедаво дарди маълум бўлгач, қисқа фурсат ичида у чўпдай қуриди. Тусдай коп-қора қуюқ сочлари битта қолмай тўкилиб кетди. Шахло кўзлари чўккан ўра тубида милтираб қолди – дўзах азобини кўрди боёқиш. Унинг ўшанда ҳали эсини таниб-танимаган икки кизини кейинчалик қудалари билан бир бўлиб ювиб-тараб узатишди, чуғур-чуғур қилганча бир этак чеваралар ҳам эс танишди. Куёви бу орада бошқа оилали бўлганди. Қизининг уч фарзандидан иккиси тулки, бири бўри. Бўрисининг исми ҳам Бўривой. Бўривой эркатой бўлиб Юнус отанинг эта-гида улғайди. Чолу кампир тошган-тутганини шунинг оғзига тутишарди. Шунинг тўс-тўполони-ю чуғур-чуғуридан уйлари тўлиб турарди; ўтган йили отаси келиб олиб кетгач, қушлар жанубга учганда инлари ҳазонрез боғлардаги дарахт шохларида мунғайиб қолгандек уй бўшади-қўйди. Ҳар-ҳар замонда бурчакларда, остона

ортида кикир-кикир товушлар чикиб қолади. Шунда чолу кампир бир-бирларига хайрон бўлиб қарашади, авваллари ёқаларига туфлашиб кўрқиб-нетишган эди, энди соғиниб қолишмасин деб қикир-қиқирларини, овозини Бўривой ташлаб кетибди-да, деб таскин-тасалли олишади; овозлар чиқмай қолса қандайдир гаранг-сиб кидириб юришади. Бўйи теракдек бўлиб кетди, ўзимнинг каватимда белни боғлаб ўрис юртига бориб бир-икки йил ишлаб пул топиб келсин, майли ундан кейин уйлантириб уй-жой қилиб берасизми, уй-жойингизни хатлаб берасизми, ўзингиз биласиз, деган отасиниям гапида жон бор-да. Этакка солиб ўтираверган билан бола бола бўлармиди, ўн саккизга кириб хаётни кўрмасаям кийин. Майли, борсин, қалин-қаттиққина бўлиб юрганига нима етсин; бир дунё кўриб келсин, уйлантириб, кейин барини шу Бўривойга топширади. Хатласа-хатламаса, нима, у гўрига опкетармиди. Уй-жой дегани нима гап, гувала-ю ёғоч-да – кизининг руҳи шод бўлиб, мен кўрмаган роҳатни ўғлим кўряпти деб қувонса, бас-да. Дийдор кўришишгандаям домангир бўлиб юрмайди. Унга ҳам, кампирига ҳам кераги шу-да. Қолаверса, кампириям Худога шукр қаттиққина: ўроқ ўриб, кетмон чопиб, яёв юриб қотиб кетганиданми, шу ёшга кириб у ерим оғриди, бу ерим оғриди деб ётган эмас. Эҳтимол, у ёқ-бу ёғи санчиб-нетсаям уялганидан билдирмаса керак-да. Шунақа экан, қанақасига у якка-ёлғизлар сафига қўшилсин?

Ўй-хаёллар оғушида, ҳовуз бўйига кетмонни қора-қубош қилиб қўйганидан кўнгли ғашлана-ғашлана; бу ёқда Уташанга энди қадам ташлаб кирган меҳмонга ҳам эътибор бермаса бўлмаслигини ўйлаганича Юнус ота қияликдан чикиб келди. Номаялум киши ҳамон қўлбола супача ёнида қакқайиб турарди.

– Меҳмон экансиз, – деди Юнус отанинг ўзи ҳам суви қурйётган қувурдек гулдирганча, номаялум кимсанинг энг кўз илғамас бебаҳо фазилатини кашф қилаётгандек. – Энди уйга борайлик.

У қаршилиқ қилмади, зотан шундай таклиф бўлишини интиқлик билан қутган кўринади. Мабодо Тилак мироб ҳовуз бўйида ҳеч ким йўқлигидан хабар топиб фиғони чиккудек бўлса, қутилмаган меҳмон ҳақида айтиб, ўзини оқлашни ўйлаганича Юнус ота йўл бошлади. Улар жун ва сут, қий ва таппи ҳиди ўтириб қолган тору танг кўчани тўлдириб боришди. Уйга етишди. Кампир аввалдан шундай бўлишини билгандек индамай, меҳмонга нисбатан “келинг” деган эшитилар-эшитилмас сасдан ўзга овоз чиқазмай уларни қаршилади. У эрталаб чой ичишган танча устига дастурхон ёзди. Ўзи чикиб кетди. Юнус ота меҳмонга чой қўйиб узатди.

Меҳмон унинг қўлидан иссиқ пиёлани оларкан, авваллари ҳеч қачон кўрмаган, кўришни хаёлигаям келтирмаган газет-журналларнинг тахлам-тахламлари, боғлам-боғламлари лиқ тўлдирган хонани назардан ўтказиш билан овора бўлиб, уни тўкиб юбораёзди. Шунинг учун дарҳол пиёлани дастурхон четига қўйди.

– Э-ҳа! – ажабланганини яшириб ўтирмай бош чайқади у. – Роса йиғибсиз-ку?!

– Юборишган-да, – деди Юнус ота жавоб бергиси келмаётгандек. – Эгалари чиқмаганлари шунақа тахланиб қолади.

– Қойил аммо-лекин, – меҳмон бунақасини кўрмаганини очиқ-ойдин эътироф этишни яшириб ўтирмади. – Кейин нима қиласиз?

Юнус ота меҳмоннинг жуда оддий-жўн туюлган саволига бир умр жавоб тополмаганидан синиқ ва аянчли илжайди. Унинг ўзи-ку, бу саволга жавоб тополмаслиги аниқ эди, хат-хабарлар борасида анча-мунча қоғоз ишларини пухта ўзлаштириб, қонун-қарорларни ёд қилиб юборган почта мудири Норкул ҳам гап

шу мавзуга келиб тақалганда Паулс<sup>7</sup> армиясининг енгилмас кўшинидаги шаввоз аскар каби икки кўлини баланд кўтарганча жон ширинлик килаётгандек, буни менадан сўраманг, буни менадан сўраманглаб коларди. Юнус почтачи, сендан сўрамасам кимдан сўрайман, демокчи бўларди-ю, шуни деб тождор жўжахўроз билан ади-бади айтишиб ўтираманми, деган хаёлда индамай кўя коларди. Бу жўжахўрозларнинг барчаси бир амаллаб ўтириб олган столларида аллақанақа қоғозларга кўмилганча ўзларини қандайдир муҳим ишлар билан банддай кўрсатишгани билан, кўлларида хемирия иш келмаслиги барчага аён. Ҳар қандай буйрукни икки кўлини баланд кўтаришган ўша шаввоз аскарлар каби бекаму кўст бажарсанг стол сеники. Уташандан чиққан жайдари-хашаки бошлиқлардан бўлган Норкулни-ку кўяверинг, гап бу мавзуга келиб тақалганда райондаги каттаконлар ҳам бирон нима деб кўйишса кейин миси чиқиб қолишдан ўтакалари ёрилгудек миқ этмай, кулоқлари том битгандай индамай-нетмай бурилиб кетишар, ўтмиш жанғомаларида совут кўтариб турган жаҳонгирлар каби юраги ботирроқлари эса, ўзингиз биласиз, ўзингиз биласиздан нарига ўтишмасди. Меҳмоннинг аниқ-қисқа саволига жавобан нима деярини билмай бирпас сукут сақлаган Юнус ота ахйири мажбуран шундай деди:

– Қазноқда жой қилганмиз. Йилма-йил, ойма-ой ҳаммасини ўша ерга тахлаб кўямиз.

Албатта, бу мажхул жавобда ҳам қандайдир маъно яширинган бўлса-да, берилган саволга нисбатан ҳеч қандай маъно-мазмун йўқ эди. Хўш, дейиши мумкин эди меҳмон теран мулоҳазага берилганча, ундан кейин-чи? Ундан кейинги занжир исқанжасидан қандай халос бўлади Юнус ота?! Унинг асабийлашишига, асабийлашаётганини билдирмаслик учун ўз қобигига ўзи ўралашиб қолишига мажбур қилаётган нарсам ҳам шу эмасмида аслида?!

Меҳмоннинг ўсиқ қошлари остидаги бит кўзларида ажабсинишга ўхшаган галати ифодалар акс этди. Юнус ота, бу ҳам газетхўрлардан бўлмасин-да, деган хавотирда энди гапни бошқа томонга буриш кераклиги ҳақида ўйлаб қолди. Шунақа қилмаса бўлмайди. Уйига келган газетхўрларнинг ётиб олиб боғламу тахламларни титкилашлари ҳамиша унинг жиғига тегади. Биттаси бор, юз-кўзида нималардандир хабардорлигидан мамнунлик экс этиб турадиган ўттиз ёшлардаги сочлари типратикан нинасидай тиккайиб турадиган йигит, мактабда пионервожатый<sup>8</sup> бўлиб ишлайди. Юнус отани узоқдан кўрди дегунча югуриб олди келади. Куюқ салом бериб ҳол-аҳвол сўрайди. “Бирон кун ўтарман”, деб аввалдан қармоқ ҳам ташлаб кўяди. Шуни кўрса, Юнус отанинг юраги сирқираб туради: гоҳ у газетани титкилайди, гоҳ бунисини титкилайди, йўқотган нарсасини шунинг ичидан топиб оладигандек. Газета саҳифаларида бургадек диққат билан топиб олганлари билан мактанишини кўрсангиз уни – нутқни ўқидингизми, байрам табрикларига кўзингиз тушдимми, ҳавога кўтарилаётган ҳаво шарларининг суратлари-чи вой-бў, каранг-а, ер юзининг турли чеккаларидан оқиб келаётган табрик телеграммаларининг хали-хануз адоғи кўриная демайди, ҳамма ёқдан ёғилиб ётибди аз тахи дил табрик сўзлари; мана каранг, аллақандай Малика хоним, аллақандай Шахзода бегим, қандайдир Макивелли деганлари, аллақандай Калигула деганлари, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Чингизхон, Амир Темур, Напалеон, Хо Ши Мин, Фидел Кастро – шоҳлар, ҳукмдорлар, императорлар, икки юзу олтмиш саккизта

<sup>7</sup> Паулс – генерал фельдмаршал Фридрих Вильгельм Эрнст Паулус (1890–1957) – Иккинчи жаҳон урушида гитлерчиларнинг Сталинград остонасида совет кўшинлари томонидан қуршаб олинган олтинчи армияси кўмондони. Барбаросса режаси муаллифларидан бири. 1943 йил 31 январда асирга тушган.

<sup>8</sup> Пионервожатый – собик шўро даврида ёшлар ташкилотининг бошлиғи, мураббийси.



хотини хузурида импотенцияга учраган қайсидир кирол, кампирлигини тан олиш-ни истамаган кампир, бахрийлар, саҳройилар, бадавийлар, тоғликлар, водийликлар, воҳаликлар, ўрмондан чиққан маймун, маймун етаклаган одам, баччавоз рухоний, порахўр амалдор, сурбет зиёли, оч халқ, яланғоч қария, сумка кўтарган аёл, кизик воқеа кидириб юриб кизик воқеанинг ёнидан ўтиб кетаётган, ойга бокиб ой кўраётганини куйлаётган шоира, туғаётган хотин, ўлаётган бемор, аслаҳасини кўтармокчи бўлиб кўтара олмаётган мазохист, мактов сўзлар кидириб лугат титаётган социалист, бирни иккига уриб юз қилиш илму амалини кашф этаётган капиталист, сотилгани сайин гуллаб-яшнаётган товар, собиқларнинг собигининг собиги, бўлгувсининг бўлгувсисининг яна бўлгувсиси, топталмаётган табиат, кирилиб битмаётган ҳайвонот дунёси, жонга дармон ўсимликлар олами, қаёқдалиги номаълум жаннатни оёқлари остида эканлигига ишониб-ишонкирамаётганлар, Умар Хайём, Қоработир, Спитаменни сотган хотини, дорга осилган донишманд, Шоҳ Эдип, Ҳамлетнинг отасининг руҳи, Ҳамлетнинг ўзи, Яго, Дон Кихот, Никодим Дизма, Қора Мушук, Қўнғир Айиқ, Қалвак Махзум, Тошпўлат тажанг – э-ҳа, қаранг... бедазорда бедор бўлди бу бўри бўримас чиябўри, мошдан тош, тошдан мош, нон яса-шасизми шולי санасашизми, оқ чойнакка оқ копқоқ кўк чойнакка кўк копқоқ, оқ тош оқми, қора тош оқми, ош пашшаси пес пашша, осмонда икки қалхат бирининг оқ думи қалта қалхат, бирининг қора думи қалта қалхат, оқ думи қалта қалхат, қора думи қалта қалхатга халақит беради, қора думи қалта қалхат оқ думи қалта қалхатга халақит беради, ойга пойга пойга ойда, шу шокосани шокосаласам ҳам шокосалайман шокосаламасам ҳам шокосалайман, қалин қорга қора қарға зўрға қўнди ана қаранг, йўлда йўлдошга йўлбарс йўлиқди ана қаранг, чалпак чалабу чалаблабу лапчала чалпак – э-ҳа, қаранг...

– Мен қараганман, сен қарайвер, – энди у газетани бошдан-оёқ завқ-шавқ билан хатм қилиб етмаганига ўз ёнидан кўшиб юборадиганлардан қутулиш йўлини топгандек бўлди: боғлам-боғламлару тахлам-тахламларни кўзга ташланадиган жойларда қолдирмай, барини қазнокка ташиб, ўша ерда устидан қулф уриб ташламокчи. Ўшанда уйига келган ҳар қандай газетхўр ҳам теварак-атрофга минг аланг-жалаң қилмасин, газет-журнал тугул қора чизик тушган варақ ҳам тополмай иложсиз қолади. Қазнокнинг қалитини эса ҳеч кимга бермайди. Пионервожатыйга ўхшаб ёпишиб оладиган суллоҳлар учун қазнок эшиги тепасига “секретный”<sup>9</sup> деган сўз ёзилган қоғоз ёпиштириб қўйиши ҳам мумкин.

У ўзи почтаҳонадан сумкасини тўлдириб оладиган нарсаларини ичини очиб қарамасаям, уларнинг ҳаммасида қачонлардир дунёи боқийга рихлат қилиб кетган бўлсаям ҳамма ҳали тирик деб ишониб юрадиган доҳий қалласининг кўндаланг тушган расмидан ташқари қаватма-қават гаплари борлигини яхши билади. Бир маҳаллар айни шу қалланинг ўзига ахлатини артиб ҳожатхонада қолдириб кетгани топиб, бўйнига айбини қўйиб, уни бир умрга сибир қилиб юборишган.<sup>10</sup> Орадан ўн йиллар ўтиб ҳам ундан на дарак чиқди, на хат-хабар келди. Унинг яқинларига узоқдан кўзи тушиши биланок Юнус почтачи йўлини буриб бақамти келмаслик ҳаракатини қилиб қолади.

– Менинг исмим Беркинбой, – деди меҳмон мезбоннинг кўнглидан ўтаётганларини пайқагандек. – Сиз ҳам нозик ишда экансиз.

– Ҳа, энди эрмак қилиб юрипмиз-да.

– Ўт билан ўйнашмай деб мен бунақа нарсаларга қизиқмайман, – меҳмон ишша-

<sup>9</sup> “Секретный” – “Махфий”.

<sup>10</sup> Сургун қилиб юборишган маъносида.

йиб, мавзу йўналишини ўзгартирди. – Шундаям бошимга бир иш тушиб Қоратоғни ошиб келаяпман.

У айтилган тоғ ҳақида ўйлаб, меҳмоннинг бегона эмаслигидан кўнгли ёришгандек бўлди.

– Бир гапни айтсам ҳайрон бўлмайсизми?

– Қани? – деди у ўз уйида йўқотган нарсасини қидираётгандек аланглаб.

– Шу ёшимда уй-жойимдан ажрадим.

Энди Юнус отанинг ўзи ҳам ўз уйига яна бир сидра назар ташлади: э-ҳа, шунча хабар озлик қилгандек, яна хабар. Ёзмалари қалашиб ётибди, энди оғзакиси ҳам етиб келди. Чекига тушгани шу экан. Дала йўлидан кетаётган Исо ўз инидан чиқаётган тулкини кўрди. “Шу тулкида уй бору менда йўқ”, деди. “Биз сенга уй куриб берайликми?” дейишди. “Уйни нима қиламан, молим йўқ”, деди у. “Биз сенга мол тўплаб берайликми?” дейишди ва унга мол йиғиб беришди. У уммоннинг бетизгин тўлқинлари басма-бас ювиб турган қумлокни кўрсатиб, “Энди менга шу ерда бир уй тиклаб беринглар”, деди. Уммоннинг бетизгин тўлқинлари басма-бас ювиб турган қумлоқда уй тикланарми, дейишди унга. “Вақт тўлқинлари оқизиб ётган дунёда ҳам оқил уй қиларми!” деди у. Юнус отанинг хаёли илкис бўлинди.

– Энди эса сарсону саргардон бўлиб юрт излаб юрибман, – деган, сарсону саргардонлиги ҳеч сезилмаётган дадил овоз урилди унинг қулоғига.

У туйқус қалқиб кетди. Уташанга ҳисори қўйларини сотиш учун Қоратоғни ошиб маччойилар, мева харид қиладиган олиб сотарлар, терифурушлар, жун савдогарлари – ҳар хил тоифадаги одамлар келиб-кетишади. Аммо бунақасини у энди кўриши эди.

– Ҳа, шунақа, – бош ирғади Беркинбой бу иши иложсизликдан эканлигини билдираётган қиёфада, куйган кўнгили тафтини иссиқ чойдан ҳўплаб босишга жаҳд қилгандек. – Қишлоғимизни фалокат босди.

– Қанақа фалокат? – ўзи истамаган ҳолда беҳосдан оғзидан чиқиб кетди унинг.

– Э, бунинг тарихи узун, – суюнгандек кўринди меҳмон.

У энди кечлигини пайқагандек бўлди. Бемаврид савол. Меҳмон ҳовуз бўйида пайдо бўлганидан бошлаб уни шу савол сари кичаб ҳайдаб келди. Мақсадига эришди. Энди қулоқ осмасдан бўлак илож йўқ. Қани, қандай саргузаштлар илашиб чиқар экан бу саволнинг исирғасига.

Меҳмон деди. У дедик, ўртасидан тоғдан тушиб келаётган қаттақон сой оқадиган сўлим бир қишлоқда яшар эдим, деди. Ҳаттоки ақл ўргата бошлади. Сув мўл жойда деҳқончилик, чорвачилик учун шаронт истаганча топилишидан лофқоф урди. Сув. Шунақа. Тушида ҳам, ўнгида ҳам сув, сув. Сув тиклаган вужуд. Асли насли бир қатра.

Меҳмон деди. У дедик, ўша фалокатли тун теварак-атрофга ўз чодирини ёйишга ҳали улгурмаган қундузнинг кечиди, уфқ қандайдир нохуш хираланиб ётганида адирларда ўтлаб юришган сигирлар чўзик-чўзик мўълашиб, тўдалашиб шаталок отганча одамлар чой ичиб ўтиришган чойхонага кириб келишибди. Ҳайдашасям, бир-икки одим тисарилиб яна ғуж бўлиб олишармиш. Бу сигирларга бир бало бўлганми, деб таёқ олиб ҳайдашибди.

Меҳмон деди. У дедик, етти хазинанинг бири сигирдир. Сигир боқинглар. Очдан ўлмайсизлар, хонимлар ва жаноблар. Катта бир оилага бир соғин сигирнинг сути етиб ортади. Қолганини сотинглар. Мен сизларнинг қўлларингиздан ушлаб турмайман. Солиғи эсдан чиқмасин.

Меҳмон деди. У дедик, ўша фалокат юз беришидан анча вақт бурун, тил



чиқарган чақалоқ хали отасининг белида сапчимай унсур ўлароқ ердан унмиш кезинда кишлоқда аллақандай асбобу аслаҳалар кўтарган номъалум кишилар пайдо бўлишди. Уларнинг эгниларида трико, оёқларида крассовка бор эди. Ҳаммалари бир хил қора кўзойнак тақиб олишган эди. Ташки кўринишимизданоқ бир хил фикр-ниятда эканлигимизни билиб олаверинглар, дегандек бошларига сурпдан оқ қалпоқчалар ҳам қўндиришган эди. Улар юқоридаги икки тепаликнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига ўтиб, гоҳ ораликда куймаланиб анча андармон бўлишди. Қир устига чиқволиб қирғий қараш нигоҳ билан узоқ-узоқларга боқишди. Улар ҳар томондан ўлчаб, қадамлашаётган ўша тепаликлар ёнбағридаги камарчалардан тигиз ўсиб ётган нарғиёларни ўриб келиш учун одамлар чалғи кўтариб боришарди. Болақайлар мол боқиб, чиллак ўйнашарди. Улардан нима иш қилмоқчи эканликларини сўрашга журъат этганлар саволларига жавоб олиш нари турсин, саломлариям ҳавода қолди – келганлар ўзларини билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олишди. “Ие, бу ёғи қандоқ бўлди, ўз кишлоғимизда нималар бўлаётганини ўзимиз билмаймизми?” деб, одамлар чойхонага чиқволиб муҳокама-мунозарани бошлашди. Чойхонадага гап-сўзлар ҳали адоғига етмаёқ, кишлоқ оралаб янаям ваҳимали хабарлар илондек ўрмалаб қолди. “Қишлоқ кўчармиш”. “Ҳукумат алмисоқдан қолган уйларни бузиб, уларнинг ўрнига чиройли қаватли иморатлар солиб ҳаммани ўшанга кўчирармиш”.

Қишлоқнинг иссиқ-совуғини яхши билган икки-уч нафар қария уларнинг олдида қикиб бориб нима гап-сўз эканлигини билиш фурсати етганлигини сезишди. Нега боришмасин, боришади-да, шундоққина тумшуклари остида нималар бўлаётганини билмай ўтираверишса, узоқ-яқинда эшитганлар нима дейди. Ўл-э, демайдимиз? Улар олдинма-кетин, асога суянганча охиста-охиста қадам ташлаб тепаликлар томон йўл олишди. Кўринишлари жиддий, муҳим бир сирни билиб олишга жидду жаҳд қилганликлари билиниб турарди. Улар етиб бориб, бирпас нафас ростлашди. Сўнгра учоёқ таёқ устига ўрнатилган дурбиндан аллақарларга тикилаётган оқ қалпоқчалига яқинлашишди. Улардан бири – ноҳақ қамалиб чиққанлиги учун кишлоқ катталари сафидан ўрин олган жиккакқина қария эди. Бир нарсани биладигандек анча фурсат син солиб турди, кейин билиб олганини ифодаламоқчи бўлгандек:

– Ҳорманглар-ов! – хитоб қилди чўзиб, мана шу чўзик оҳанг замирига ичидаги бор-будини тикворганча.

Унинг хитобига оқ қалпоқчали эътибор бермади. Бошқа бир – анави қамалиб чиққан жиккакқина қарияни қаматиб юборган оппоқ мўйлови отнинг тақасидек бўлиб тумшуғигача ўсиб тушгани:

– Қишлоғимизга ҳуш кўрдик, – деди нима деяётганлигининг фарқига ўзи ҳам бормай.

Жиккак қария унга бир ола қараб қўйди. У мана шу отнинг тақаси ўзини қаматгани, бошқа бировми аниқ билмас эди, аммо аҳён-аҳёнда гумонсираб қолгани боис ҳар турли ўй-хаёллар миясидан кечарди – ҳозир ҳам ҳамроҳининг, кишлоғимизга ҳуш кўрдиклаб туриши унга авваллари бўлиб ўтган аллақандай воқеа-ходисаларнинг сояси ёки давомига ўхшаб туюлди. У мана шу илтифотнинг туб-тубига тушиб бораверса кўп нарсалар аёнлашиши муқаррарлигини ҳам хаёлидан ўтказди.

– Мунда-ай чой-пойларингиздан биров хабар олиб турибдими-йўқми, билгани келдик, – деди жиккак қариянинг бикинида турган, умри давомида кўп ур-йиқитларни кўргани билан ҳеч бирига аралашмай мўмин-қобилгина юрадиган, тасодифанми ёки сўзда қисмат мужассамлигини исботламоқчи бўлибми, исми ҳам Мўмин бўлган қария.

Оқ калпоқчали бу илтифотдан мамнун бўлиб илжайди. Мўмин чол бу ерда асо-сий ишни ўзи бажаргандек, кўзини ердан кўтариб жиккак чолнинг тирсагига турди. Мана, мен вазиятни юмшатдим, энди мақсадга ўтинглар, демокчи бўлди. Жиккак чол, нега тургасан, дегандек Мўмин чолга ҳам уқрайди. Оппоқ соколи отнинг такасида бўлиб иягига ўсиб тушгани:

– Бу ерларда ҳам катта бунёдкорлик ишлари бошланиб кетади чоғи? – деди томдан тараша тушгандек, ўзи ҳам аллақандай мулоийм тортиб қолганча.

– Одам сўзлашиб топишади, йилки кишнашиб, – деди Мўмин чол уларни машваратга чорламоқчи бўлгандек.

– Бу ерларда ота-боболаримиз яшашган, – дея гўлдиреди жиккак чол ҳам барибир тилини тиёлмай. – Ўт ўриб, мол боқиб, ўзларининг расм-русум, урф-одатларини қаттиқ ушлаб келишган, – сўзида давом этаркан, чув тушириб қўймасликнинг пайида бўлганча: – Нималар бўляпти, билгимиз келади-да, – деди ўзини бунга ҳақли кўрсатиб.

Шу чокқача рўйхушлик кўрсатмай, ўз иши билан андармон бўлиб турган оқ калпоқчали уларнинг рафторидан анойилардан эмасликларини фаҳмалаб, икки тепалик оралиғида жуда катта сув омбори қурилиши мўлжалланаётганини айтди.

– Омборга сув қаердан келади? – деб сўради жиккак чол.

– Булоқларнинг суви йиғилади, хў-ўв тоғ қорлари эриб тушади, – қўли билан олисларда қорайиб турган тоғларга ишора қилди оқ калпоқчали.

Шу чоғда, томоркаларимизга булоқ сувлари етиб бормас экан-да, дарахтларимизу боғ-роғларимизнинг холи танг бўлар экан-да, деб хавотирда учовлоннинг ранги оқариб кетди. Улар лом-мим демай ўринларидан туришди ва этак қоқиб, хайр-хўшиям насия қилганча жўнаб қолишди. Жанжал кўтариб тикка райижроқўм<sup>11</sup>га боришди. Ижроқўм раиси уларни обдон тинглаб, ташвишланманглар, сув омбори баҳонасида кишлоқларингиз ҳам обод бўлиб қолади, бизнинг мақсадимиз халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган, дея уларнинг кўнгилларига сув сепиб жўнатди.

Мехмон деди. У дедики, орадан кўп ўтмай, бульдозерлару экскаваторлар, самосваллару улкан КаМАЗлар икки тепалик оралиғида мўр-малахдек ёғилиб кетди. Иш кизиди. Газеталар ҳам тўғонга тупроқ, қум-шағал ташиб келаётган машиналар суратини биринчи саҳифаларида чоп этиб, “умумхалқ хашари” тўғрисида ҳар куни хабар бериб турди. Ижроқўм раиси тўғри айтган экан, сув омбори қуриб битказилгач, кишлоқ, унинг ён-атрофи анча обод бўлиб қолди. Бу ерда дам олиш зонаси барпо қилинди. Янги қурилган биноларни оппоқ оқлашди, баҳонада паскам, ўйдим-чуқур кўчаларгаям сон кириб қолди. Санатория қурилиши билан одамлар шунча йил яшаб билмаган, хаёлларига келтирмаган нарсаларни кашф этишди. Бу ернинг обу ҳавоси камёб, топилмасмиш, куёшига бадан тобласа неки дарди бор, фориг бўлармиш.

Узоқ-узоклардан гурас-гурас дам олишга келганлар ёз бўйи янги қўл қирғоқларида авратпўшигина тутган ҳолда яланғоч юришарди. Уларнинг қўлда қулоқ отиб чўмилишларини, қумга қўмилиб эркагу аёл ап-аралаш ётишларини сомонга, ўтга чиккан болалар кўзлари ёнганча узоқдан томоша қилишарди. Оппоқ баданларнинг жигар тусига кириб бораётганлиги тўрт-беш кундаёқ сезилиб қоларди. Ҳаммадан ҳам кишлоқнинг ўсмирлари энди бошқача бўлиб қолишди, кеч кирдимиди, санатория танцахонаси-ю кинохонасига ошиқиб, ярим тунларда қайтадиган бўлиб қолишди. Қишлоқ ҳам, уларнинг одамлари ҳам алланечук ўзгариб қолгандек эди. Замонавийлик нуқси урди.

<sup>11</sup> Райижроқўм – собиқ шўро даврида район (туман) ҳукумат идораси, хўжалик бошқаруви аппарати.

Мехмон чой хўплай-хўплай бу вокеаларни китобдан ўқиб бераётгандек бамай-лихотирлик билан сўзлаётгани Юнус отанинг кўнглига шубҳа оралатиб қўйгандек бўлди-ю, одамгарчилигу меҳмоннавозлик юзасидан бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилди. У энди ўша ўзи гапини бошламасдан ишора қилган фалокат тонгига яқинлашмоқда эди.

Мехмон деди. У дедики, ўша тун ёмғир челақлаб куйди. Тун ярмидан оғди. Ёмғир туйқусдан тўхтади. Қайдадир ит акиллади. Тун этаги қорайтириб ётган кунчиқар томонда гулхан шуъласи кўзга ташланди. Санқий-санқий уйга қайтган ўғли эндигина остонадан ичкари хатлайман деганда ортида нимадир тарақлади. У бировнинг шарпасини илғагандай бўлди. Юраги ортга тортиб кетганча:

– Сен кимсан? – дея зулмат бағрига беҳуда нигоҳ қадаб сўради.

Шунда қулоғига:

– Субх яқин эмасми?<sup>12</sup> – деган аниқ-тиниқ товуш урилди.

Унинг ўғли ўтакаси ёрилгудек бўлганча шоша-пиша уйга кириб, отасига бил-тинтирмай ўз ўрнини пайпаслаб топишга уринарди. У эса дераза ойналари ортидаги жимжит қоронғиликка ичини аллақандай алам кемирганча термилиб ётарди. Ўғлининг кириб келганини пайқаса-да, сўз қотиш нари турсин, ўтирилиб қарашни ҳам лозим топмади. У ўз аламининг оғриқларини босишга уриниб қачон кўзи илинганини пайқамай қолди. Бу чоғда озгина фурсат нафас ростлагандек туюлган довул баттар кучайгандан кучайиб, ташқаридан аллақандай ўрмон шовуллашига ўхшаган товуш эшитилмоқда эди. Хўроз кичқирди. У кўкни ларзага солгудек гумбурлаган садодан уйғониб кетди. Ташқарида ит тинимсиз акилларди. У ётган уй қайиқдек чайқаларди. Пишиқ-пухта қурилган синчлик уйнинг деворлари уваланиб тушиб, улар тахта полнинг устида қолишган эди. Тонг ёриша бошлаган, теварак-атроф лойқа, бўтана сув билан қопланган эди. Нуҳ кемаси. Мана шу улкан кўлнинг айрим-айрим жойларидан кишлоқ нишонлари, дарахт учлари элас-элас кўзга чалинарди. Остин-устун қилинган манзил-мароҳилларнинг хабарлари уларга етиб келмоқда эди. Одамлар дуч келган нарсаларга ёпишиб олишганди. Кўл ўртасидаги бўчка устида оппоқ ички кийимдаги кимса арвоҳ каби чирқирарди.

– Хонумоним куйди!

Ҳозир ҳеч ким бунақа хонумонларга эътибор берадиган ахволда эмасди. Оқиб бораётган аллақандай тахта устидаги бўйинбоғли киши кўлидаги қармоқни сувга улоқтиргани етмаётгандай овозини баралла қўйиб бакирарди.

– Усти қизил папка! – шу гап оғзидан чиқар-чикмас сув юзасида қалқиб-қалқиб келаётган қандайдир кизғиш нарсани кўриб қолиб, у ўзини ғоввослардек ўша томонга олди.

Мехмон деди. У дедики, селнинг шиддати пасайганда сув босган ховлилар, уйлар, молхоналар кўзга ташланиб қолди. Осмонни куюқ қора булутлар қоплаган эди. Ўша тун тўғонни сув кўтариб санаториядан ном-нишон қолдирмади. Ҳалиям кишлок қиямаликда бўлгани учун сув остида қолиб кетмади. Кечки пайт далага қочиб кетган ённки ўша ерда ўтлаб қолган битта-яримта сигирлар, итлар кишлок томон дейдираганча қайтиб келишаётганини кўриш мумкин эди.

Жумбоқли ҳикоя. Ростми-ёлғонми, деб кимдан ҳам сўраб бўларди? Ҳамма гап хар қандай гапнинг қандай айтилишида. Мехмоннинг на афт-башарасида, на ўсиқ қошлари остидаги бит кўзларида бирон-бир изтиробли ифода кўринар эди. Юнус

<sup>12</sup> “Субх яқин эмасми?” – Ўз қавмининг қуфридан қаттиқ ғазабланиб уларнинг дарҳол ҳалок бўлишларини истаган, субх-тонггача ҳаёт кечиришларини ҳам узок деб билгани боис Лут алайҳиссаломга қўш фаришталар шундай хитоб қилишган эди.

ота ўз уйига қадам ранжида қилган атои Худони ижикилаб сўроққа тутавериш одобдан эмаслигини яхши фахмласа-да, бошида бир қанча муаммоли саволлар ғужғон ўйнаганича қолаверди. Уруг-каёш, қавму қариндош, қўни-қўшни, дўсту ёрон қайда қолишти; кўч-кўрони, хеш-акрабоси, келин-кечаги – барини сув окизиб кетиб, битта ўзи сўппайиб қолганидан кишлоғини тарк этдимикан.

– Ҳеч ким қолмадимиз? – уйини, қазноғу оғилини эгаллаган шунча хабарлар озлик қилаётгандек яна янги хабарга иштиёқмандлик қилди Юнус почтачи.

– Нимани айтяпсиз? – меровсиради меҳмон.

– Қишлоғингизни дейман... ҳамма ташлаб кетдимиз?

– Ҳамма ёқни лойка босгач бўлак илож қолмаскан, – меҳмон бошқа бирон дурустроқ фалокатга йўлиқишмаганидан ўкингандек давом этди. – Ким қайда имкон топса, ўша ёққа кетди. Ҳеч қаёққа кетолмаганлар тепаликда чайла тикиб ўтиришпти. Мен ҳам шунақа қилмоқчийдим, аммо кейин, бу ҳам балки бир ишорадир, қани ке бахтимни синаб кўрай, зора-мора бирон жойдан дурустроқ қўналга топиб, жойлашиб кетсам, деб ўйладим. Бу ер бўлмаса, бошқа жойга бораман. Ўзи у ердаям унақа қавму қариндош, яқинларимиз йўқ эди – шу-у, жойлашиб кетган жойимга хотиним билан ўглимни қақриб олишни мўлжаллаганман.

– Албатта, – унинг гапини ғингшигандай, қандайдир кўнгли хиралик билан маъқулади Юнус ота. – Эрак киши қайда бўлса оиласи ҳам ўша ёқда бўлиши керак-да.

– Шу-да! – меҳмон ўзини тушунадиган ҳамдард топганидан қувонгандек хитоб қилди. – Нима, биз қокқан қозқимдикки, бир жойдан жилмасак. Ёки дарахтмидики, қилган жойидан то қуриб кесилиб кетмагунча, кундасини кавлаб олишмагунча тураверсак. Минг йил бир жойда турган бўлсаям барибир кунда-пундаси билан улуктирилиб юборилади ёки ёкилиб кетади-да дарахт. Бу оёқлар чордана қуриб тўнкадек қимир этмай ўтираверишга эмас, пойафзал тўзитиб дунё кезишга яратилган, деган фикр миямдан кечди-ю, бахташ таваккал деб йўлга чиқавердим-да. Бу ерда бўлмаса бошқа ерда, бошқа ерда бўлмаса яна бошқа ерда жойлашармиз-да. Дунёнинг олди кенг, кети тор-тор жойда асал егандан, кенг жойда қалтак егин, деб ҳам беҳуда айтишмаган-ку.

Меҳмоннинг аввал нохушроқ таассурот уйғотган гаплари бора-бора Юнус отани ҳам қандайдир ҳаяжонга солиб, унга ҳам нималарнидир эслатгандек, ушалмаган қанақадир орзу-армонларини эсига солиб юборгандек бўлди-ю, уни аллақачонлардан бери таниб-билиб, энди учратганидан боши шоён кўкка етгандек:

– Э, яшанг-э! – дея айни кўнгилдаги гапларни айтгани учун унинг шаънига самимий мактов қўндирди. – Рост айтасиз, меҳмон. Мана биз ҳам ёшимиз этмишга қараб кетяпти деймиз-у, дунёда ўзи нима кўрдик, деган саволга рўпара келиб қолсак ўзимизни ундан олиб қочиб, панага беркинишга уринамиз. Негаки, эзлик йилдан ошдики, мен мана шу Уташанда почтачилик қиламан. У ёқ-бу ёққа чиқаман деб ўйлайман-у, қани чиколсам? Авваллари фарқи йўқ эди, қаёққа бўлсаям кетиб юборсам бўлаверадигандек туюларди, бора-бора одам кўроқ бўлиб қоларкан денг, уйдан чиққан билан, Уташандан чиққан билан қаёққа ҳам бораман, деб ўйлайман денг. Шу уй, шу Уташан бизнинг барча сайру саёхатларимизнинг бошланиши ҳам, адоғи ҳам бўлиб қолган денг. Қизик, хайрон қоламан ўзимам, чеки йўқ уммонда қандайдир кемада ўтириб кетаётганим баъзан тушларимга кириб қолади денг. Уйғонганимда кўнглим шунақаям равшан тортиб кетадики, ўша уммон қаёқда экан, ўнгимда бир кўрсам экан, деб орзу қилиб қоламан денг.

– Шу-да! – мезбоннинг ҳам ўзи каби эканлигига аввалдан заррача шубҳа қилмаганидан яшин чакнаганчалик ошиғич фурсатда уни ўзи томонга оғдириб олаёт-

ган меҳмон бошини қаттиқ силкиб бажонидил маъқуллади. – Сиз-ку, тушда бўлсаям кўраркансиз. Яна кемага ўтириб кетаркансиз! Шоҳона туш-ку бу! Анча-мунча шоҳлар ҳам минг орзу қилгани билан кўролмайдиган туш-ку бу! На ўнги, на тушида отасидан қолган каталақдан ташқари чикмаганларга нима дейсиз. Қакқайиб ўтираверади, ҳа деса, шу ерда туғилдим, шу ерда ўламан, дейди. Яна бир жойдан кимирламай қакқайиб ўтираверишнинг илмий исботлари ҳам топилади-я, – меҳмон бирдан сукутга кетиб, теварак-атрофга ошиғич сарософ солғач, қулогини динг қилиб ўзигагина эшитилаётган қандайдир сасга диққат билан қулоқ сола бошлади, кўзларини ярим юмганича нималарнидир мулоҳаза ҳам қилиб кўрди ва қутилмаганда: – Авваллари бу хонадонда кўпчилик истикомат қилган экансизлар-а? – деб қолди Берунидан аввал Американи тасаввур этиб, Колумбдан бурун уни бориб кўриб келгандек.

– Ҳа, – бош ирғаб тасдиқлади Юнус ота. – Аждодларимиз истикомат қилишган-да бу ховлида. Авваллари ертўла қазиб яшашган. Кейин ернинг устига чиқиб қулба тиклашган. Бузишган, қуришган. Яна бузишган, яна қуришган. Биз ўтирган манави уйларни эса раҳматли отамиз қурганлар. Шунақа қилиб юримиз-да.

– Мани айтганим, – ўз сирини ошқор қилишга чоғланди Беркинбой, – қолиб кетган товушлар бўладими, узокдан келадиған қадам товушлари бўладими, баъзи-баъзида қулогимга чалиниб қолади денг. Ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Мана ҳозир кикир-кикир бир товуш урилгандай бўлди қулогимга, демак дедим яқин орада бир болакай ҳам юрганақан бу ерда.

– Ҳа, Бўривойни айтяпсиз, – деди Юнус ота негадир унинг бу гапидан ҳеч ҳам ажабланмай. – Тўғри айтасиз, ўқтин-ўқтин бизнинг ҳам қулогимизга чалиниб қолгандай бўлади, кампирим менга қарайди, мен кампиримга қарайман шунақа вақтларда. Ҳаттоки, Бўривойми, деб юборган пайтларимиз ҳам бўлган.

Юнус ота туйқусдан маънос тортиб қолди. Меҳмон унинг кўнгил дардларини кўзгаб кўйган эди. Энди уларни Худонинг ўзи етказган мана бу тушунадиган одамга тўқиб солиб, бироз енгиллашиб олиш истагини туйди. Аввал иккилана-иккилана, тутила-тутила Уташанда ундан олдин почтачи бўлмагани, бу сўзни ҳатто ҳеч ким эшитмагани, газета-журнал нима эканлигини хаёлларига келтиришмаганидан сўз очиб; кейин оёқ-қўли чаққонгина ўсмир йигитча бўлгани туфайли ўн уч-ўн тўрт ёшларида уни шу ишга қўйишганини, аввалига отаси рози бўлганини, индамаганини, уруш йилларида район марказидаги почтахонадан хабар олиб келишни кутиб унинг йўлига бутун Уташан кўз тутганини, унга қолхоз ҳисобидан ҳатто бир тўриқ от ажратилганини, кейинчалик велосипед берилганини, Уташанда биринчи велосопедни ўзи минганини қандайдир соғинч аралаш ғусса билан анча равои ҳикоя қила бошлади. Қорахат келтирган пайтларида кўз олди қоронғилашиб кетганидан тул қолган хотинлар аламини кимдан олишни билмай унга шумқадам деб ташла-ниб қолишганини, дуч келган жойига чанг солиб юлиб-талашганини, ёшгина келинчақлар ҳушдан кетиб йиқилишганини, кампирлар уввос солишганини, чоллар ўкраб-ўкраб юборишганини айтаркан, ўзининг ҳам миждалари намланганини пайқамай қолганди. Қанчалик даҳшатли бўлмасин бу нарсалар рост, ҳарқалай чидаш мумкин эди, деди тахлам-тахлам, боғлам-боғлам газета-журналларга бирров назар ташлаб қўяркан гапининг давомини айтолмай.

Меҳмон ҳам қисталанг қилмади. Кун бўйи юрганиданми, уни чарчоқ босиб кўзлари юмилиб кетай-юмилиб кетай дерди.

– Сиз эртага хўжалигимиз раисига учранг, – маслаҳат берди Юнус ота. – Тушунтиринг, оилангиз ҳақида айтинг.

Меҳмон бошини қуйи эгди.

Ойтош хола, нима пиширсам экан, деб ўйлай-ўйлай ошқовокни сутга солиб, ширқовок деб аталмиш овқат пишириб, икки коса олиб келди. Ўзи кирмай, уй ва ошхона оралиғидаги остонанинг нариги, ошхона томонидан ишора берган эди, Юнус ота ўрнидан туриб бориб унинг қўлидаги косаларни олди. Бирини меҳмоннинг олдига, иккинчисини ўзи ўтирар жойга қўйди. Дастурхонда нон бор эди. Устига қўлсочиқ ташлаб қўйилган чойнакдаги чой ҳали кайноқ эди. Бемалол ўтирса бўлаверишини фаҳмлаган Юнус ота ўз ўрнида жойлашгач:

– Қани меҳмон, олинг, – дея манзират қиларкан, ўзиними, кампириними оқлаётгандек қўшиб ҳам қўйди. – Аввалдан билганимда тансиқроқ таом тайёрлаб кўярдим, деяпти.

– Бундан ҳам тансиқ таом бўларканми? – меҳмон ҳам ширқовокнинг ширқовоклигини яхши фаҳмлаб, унинг хурматини жойига қўйишга уринди. – Сут ўзларингизданми?

Юнус ота афсусланаётгандек бош чайкади.

– Сигир боқишга жойимиз йўқ, – деди газета-журналларнинг тахлам-тахлам, боғлам-боғламларига кўз ташлаб кўяркан. – Оғилхонамиз ҳам банд бўлиб қолганди, – унинг кайғу соя ташлаган юзи туйқусдан ёришиб кетди-ю, ҳамма ёк банд эмаслигини эслаб қолгандек, – аммо ковок ўзимиздан, – деди фахрланаётгандек. – Ҳовлимизга шу жонивордан экамиз, жа-а бўлиб беради. Оқар сув келганидан қудуқдаги сувдан олиб суғорамиз. Аммо жуда беозор, ўсиб кетаверади. Ёзнинг иссиқ кунларида ерсупа атрофига тўртта таёкни тикка қилиб, шунинг шох-шаббасини тепамизга чиқарволиб унинг сояси остида жон сақлаймиз. Ҳосилини ҳам, соясини ҳам аямайди.

Юнус ота ковокнинг таърифини қилганидан сўнг меҳмон косада сарқит қолдиришга уялдими ёинки ўзи ҳам олдига анчадан буён суяк ташланмаган итдек очкаганиданми, ширқовокни пок-покиза тушириб, коса тубидаги ирвок-пирвоқларини ҳам ялаб-юлқаб қўйди.

– Жуда ширин бўлибди, – деб макташни ҳам унутмади.

Дарҳақиқат, ширқовок жуда мазали бўлган эди. Буни Юнус ота ҳам сезиб, кампирининг ошпазлик маҳоратига ичида тасаннолар ўқиётган эди. Уташанлик аёлларнинг мана шу жиҳатларига, куйдир-пишир ишларига тан бермай илож йўқ. Йўқ нарсадан ҳам номини овқат деб атаса бўладиган бир нарса тайёрлаб бериш қўлларидан келади. Уруш вақтида уташанлик бир кампир даладан териб келган саракдан уқалаб олган бир ховуч бўғдойни кўпроқ кўринсин деб тупроққа аралаштириб қўғурмоч қилиб қовурибди-да, уни каттакон пўстакнинг устига сочиб юборибди. Ўғлининг, қизининг бир этак очликдан чурқиллаган болалари, ўзининг неваралари буни кўриб пўстакка ташланиб қолишибди. Кафтини тўлдириб бирдан еб қўйгандан кўра, пўстак жунлари орасидаги тупроқ аралаш бўғдой доналарини топиб оғзига солгани ошқозонни анча овутар экан, бундан ташқари ўзи йўқ нарсани яна, яна деб талаб қилиб туришни камайтирар экан, анча-мунча овора қилиб вақтни ҳам олар экан.

Уташанда чорва туёғини бемалол кўпайтириб юбориш осондек туюлса-да, аслида подачи пода боқиб келадиган яйловлар ҳам тобора қисқариб бормоқда. Авваллари бошқача эди. Ҳозир битта сигирни ҳам эплашнинг ўзи бўлмайди. Юнус отага ўхшаганларникида сигир тугул, унинг қозигам йўқ. Қўй-қўзи, такавоз эчки-улоқларни-ку хайвонот боғидаги каби чипта олиб кўрадиган бўлиб қолишган. Ойлаб, йиллаб қозонлари гўшт кўрмаса-да, буни бировга билдирмай амал-тақал кун кўриб юришган уташанликларнинг момолари ичлари тушиб момоулоқни эслаб

колганликлари ҳам, подачининг момоулукни келтириши кечикиб бораётгани сабаби ҳам шунда эди аслида. Йўқ нарсани топиб беролмайсан, топиб беролмаганиндан кейин талаб кучайиб бораверади.

Бир вақтлар Уташанга гўштнинг зарари хақида ваъз айтгани келган профессорга ширқовок килиб беришганида бу овқатни назари илмай, қиё бокиб қарамай, араз уриб кетганди; воқеан, бошқа жойларда унинг ғоят фойдали ваъзидан сўнг сихига битта жигардан сўнг битта думба, битта ковурадан сўнг битта думба, битта биқиндан сўнг битта думба суқилган бешпанжа, учпанжа, иккипанжа ва панжаликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган олтипанжа, еттипанжа кабоболару гўштқовурдоқ, қозонкабоб деган овқатлар билан меъдасини кекиртириб, орқасини ўсиртириб жўнатиб юборишарди. Ҳар ёқларда гўштнинг зарари хақида лоф-коф уриб ўзи гўштга гушна-гурусна бўлиб юрарди атеист бўлволган муллалар ичида бошқа нарсани ўйлаб, тилига бошқа нарсани чиқаришгани каби ваъзидан сўнг уюштириладиган зиёфатдаги тор доирада бу ёруғ оламда ўзи бор-йўғи учта лаззат мавжудлигини, шу уччала лаззат ҳам гўштдан келишини баланд пардаларда куйлаб айтаркан: гўшт миниш (улов)дан сўнг, гўшт ейиш (ғизо)дан сўнг гўштни гўштга тикиш (жимо)ни тақлиф этаркан мутаххам очнинг кўзи емакда, тўқнинг кўзи этакда мақолини амалда исботлаб.

Уташанликлар гўшт ейишмасди, чунки бу нарсанинг ўзи уларда топилавермас эди. Адашиб ёхуд бахти чопиб бир-икки тишлами татиб қўйганлари унинг таъмини бошқалар билан баҳам кўришдан шу сабабли уялиб, ўзларини четдан олиб юришарди (албатта, егани билан мактанадиган битта-яримта кекироқ-ўсироқлари хақида бундай деб бўлмасди). Уташанликларнинг ғизоси ўша замонлардаги каби асосан бўғдойдан эди. Унинг ёнида сут ҳам бор эди. Атала, чалпак, нон, лочира, шапарак, қотирма, окатала, кочатала, ширқовок. Сутдан сут, яъни қайнатилган сут ҳам овқат ўрнида эди. Косага қотиб кетган нонни тарашадек қалаштириб, туз билан тузлаб, чойнинг шамасини қўшиб, устидан қайноқ сут ва унинг устидан қувадан чиққан сарёғ эритиб солинса сутчой ҳам тайёр, буни ширчой деб ҳар қандай худпараст меҳмоннинг қорнини қапайтириб юборишни улар қойиллатишар эди. Тепасидан оқ булут аримай юрганда юрган, турганда турган Чингизхон каби уташанликлар ўз насл-насабларини ёруғ оламга тарикдек сочишни хоби хотирларига келтирмаган бўлишса-да, аммо дунёни бўйсундирган мўғулларнинг кўрганда кўзини чакнатиб юборадиган тошқурутни маҳкам ушлаб олишган эди. Унинг туз-намагини меъёрига етказиб томларда, ерсупаларда тошдек қотириб олмагунча кўнгиллари тинчимасди. Ҳаво совуб, киш яқинлашаверса, изгирин кучаяверса қанча тошқурути борлигини бир-бирларидан сўраб-суриштиришдан ҳатто орланишмасди. Шунча халта тошқурутим бор, деган гапни биринчи уташанликдан эшитган иккинчи уташанлик, ҳа бу кишдан ўлмай чиқар экансан, деб унинг ёзиғини ўзи белгилаб қўйгандек кўнглини кўтариб қўя олар эди. Тўрттагина тошқурут бир қозон қурутобани гуллатар эди. Шу тўрттагина тошқурутни бир кун аввал ивитиб, эзиб, қозонга солиб, устидан оз-озгина сув қуйиб қайнатилса (битта-иккита пиёз парраклаб тўғраб юборилсаям майли, тўғраб юборилмасаям майли – бемалолчиликда умргузаронлик қилаётганлар таъбга қараб, аксинча бўлганда пиёз бўлмаса фалонимни тўғрайманми деган ношоён сўзлар хатм қилинмаслиги туфайли бу нарса ихтиёрий), шопирилса ва қосалардаги пўпанак боғлаб тошдек қотиб кетган алмисокдан қолган нон бўлақлари устига қўйилса, унинг устидан эриб турган қувадан чиққан сарёғдан жағиллатиб бир қошиқдан солиб юборилса жаҳонгир кабрининг қаердалигини қосмосга чиқволиб излаб юришга ҳам ҳожат қолмайди. Чингизхоннинг ўзи қадрдон қурутобасининг хидидан пишкириб-чучкириб,



лош-лушларини шакирлатиб-шикирлатиб силкитади-ю, асрлар бўйи ер остида илашган чанг-чунгларини кокиб-сукиб тирилиб кетади ва ўзининг васиятига кўра отлар туёғи остида топтаб юборилган номаълум кабридан гўрўғлидай чикиб келади. Шу сабабли, уташанликлар Чингизхон билан яхши таниш эканликларини ҳеч иккиланмай, ҳеч қандай шубҳа-ғумон ва иштибоҳларга ўрин қолдирмай рўй-рост айтиб юришларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Уташанликнинг, мен уни яқинда яқиндан кўрдим, деган камтарона мактанишида ҳеч қандай маҳобат йўқлигига оёғи остидан нарини кўролмайдиган кеккаймачоклардан бўлак ақли бутун одамларнинг ҳаммаси, тўғри, биз ҳам эшитгандик, шунақа бўлган экан, деб бош ирғаб тасдиқлаш асносида ишонч билдиришади. Хўп, нима бўпти, Чингизхонми, тирилиптими, тирилган бўлса тирилипти-да; гўрдан чикиптими, чиққан бўлса чикипти-да – Гўрўғли ҳам гўрдан чиққан, яна қанчадан-қанча сохибкирони аъзамлар қайтадан тирилишган (бунинг асл сабаблари осмон унсурларининг хатти-ҳаракатлари-ю, ёриткичларнинг жойлашувидан келажак манзараларини чиза оладиган мунажжимларга маълум, шубҳаланганлар ўшаларга боришсин, биз текин маълумот беролмаймиз), шунга ҳам ота гўри қозихонами. Ўлим олди васиятига кўра отлар туёғи остида топтаб юборилган кабридан чикиб келган жаҳонгирнинг гап-сўзларини ўз қулоғи билан эшитганидан, унинг ўз мақсади йўлида ҳамон қаҳри қаттиклигидан, ҳамон ўшанақалигидан, ҳамон ўзгармаганидан, ҳамон ўзгармаслигидан, йўлида ғов бўлганларнинг жонини суғуриб олишдан ҳамон тоймаслигидан мулойимгина (одоби мунозара) баҳс очганларнинг гоҳ шивирлаб-шипшишлари, гоҳ муҳокама-тортишувга мойиллик кўрсатганча ховликиб-ховрикишлари бежиз эмаслигини курутоба нима эканлигини билмаганлар, шунга куни қолиб тирикчилик ўтказмаганлар ҳаёлига келтира олмай ер юзи жаҳонгири ҳақида ҳар хил чўпчакларга ишониб юраверишар, ақалли бирровгина бўлсин-да, Уташан осмонига бокиб у ёқда Чингизхоннинг дулдул тулпорни сингари ок булуту муаллақ соя ташлаб турганини кўришолмасди. Хайриятки, кепак аралаш ундан тайёрланган кўмоч сўниб бораётган олов кўри – чала кул остида бўлгани учун хид-пид таратмас, йўқса жаҳонгирнинг кўзи қисик навкарлари ҳам найзаларини ўқталганларича Уташанга етиб келишиб, қани бизнинг улушимизни бермайсиларми, деб икки оёқни бир этikka тикиб деганларидай туриб олишар, гапга кўнмаганларнинг бошларига кўндоқ билан уришиб хушларидан кетказишар ва ўзлари талаб қилиб келган нарсаларни талон-тарож қилиб кўни-кўнжларига тикиб кетишарди. Ўзи амал-тақал кун ўтказиб юришган уташанликлар ҳаётий тажрибаларидан, аччиқ сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, шу керакми, деган мулоҳазага боришгани боис сир-асрорларини ҳаммага ҳам дoston қилаверишмасди.

Ойтош буви ҳам фақат ковокнинг ўзига ёпишиб олмасдан, маҳай деб аталадиган торпукларни, озгина жиз-биз ёққа қовурилган пиёзга бир қозон сув солиб бир уй одамнинг томоғини алдай оладиган пиёваларни, талқонлар (ерда ўсган нарса борки мевасини қурийтиб талқон қилиб капалаб юриш ҳам от устидан йиллаб тушмаган ўшаларнинг кашфиёти)ни, қотирма-потирмаларни ҳам додлатиб юборишни эплай оларди-ю, ўша, уташанликлар азалий амал қилиб келган, амал қилмаса бўлмайдиган, шу керакми, деган мулоҳазаси боис ўзини ошпазлик илҳомланишларидан зўрға тийиб турарди.

– Яна бирон коса олиб келсинми? – меҳмоннинг ширковок ҳақидаги таърифини тўғри қабул қилган Юнус ота унинг шундан бошқасига хомтама бўлмаслигининг олдини олаётгандек, қуюқ илтифот билан сўради.

– Йўк, раҳмат, – кўзларини пирпиратди меҳмон бошқа бирон нарса келтирилса нур устига аёло нур (нур аълан нур) бўлишини сўзсиз равишда қандай англатиши мумкинлигини билолмай боши қотгандек.



– Қовоқни картишка билан ҳам, шолғом билан ҳам қўшиб пиширишни кампирим боплайди, – ўзи ҳам билмаган ҳолда меҳмоннинг хафсаласини тамоман пир қилди мезбон устидаги қўлсочикни олиб, чойнақдан бир пиёла чой куйиб узатаркан.

Меҳмон мезбоннинг қўлидан пиёлани олди. Ҳозир чойга эҳтиёж бормиди-йўқмиди, деб ўйланкираётгандек уни танчанинг четига қўйди. Кейин бир бурда нон олиб, кавшаниши баробарида чой хўплади. Ичиб тугатгач, бўлди бас, дегандек пиёлани тўнтарди.

– Уташан-уташан дейишарди, демак Уташан деганлари шу экан-да?! – нафси ором олган меҳмоннинг акли ишлаб, энди қисмат ўзини етаклаб келган жой билан кизиқишга тутинди.

– Ҳа, шу, – тасдиқлади бош ирғаб Юнус ота. – Қундуз куни келганингизда бир айланиб чиқиб, ҳамма ёқни билиб олардингиз. Номи машҳур бўлгани билан ўзи кўпам катта эмас.

– Кўпам катта бўлмагани тузук, – деди меҳмон Юнус отадан олган маълумотидан хулоса чиқарган ҳолда. – Энигаям, бўйигаям каттариб-каттариб бир-бири билан қўшилиб-чатишиб кетган жойларда жанжал-тўполонлар, ғалва-ғишавалар ҳам тинмайди. Энг чатоғи, ана шу қўшилиб-чатилишни пойлаб турганлар ҳаракатга кириб қолишиб, ўша қўшилган-чатилган жойларга олов ёқиб, аланга қўтариб юборишса, қарабсизки куйиб-ёнмаган жойнинг ўзи қолмайди-да.

– Билиб бўлмайди, – меҳмоннинг ҳар қандай эҳтимол гаплардан дарҳол ножўя вазиятларни кўз олдига келтириш қобилиятига эҳтиёткорона муносабатда бўлганча минғирлади Юнус ота. – Бизнинг шундоққина бикинимизда Хум деган жой бор, эрта кўрасиз, ўзи саноклигина хўжалик яшайди. Уташанинг Хуми десак дарҳол аччиғлари чиқиб қолади-да, нега Уташанники бўларканмиз, биз ўзи алоҳида хумликлармиз деб... айтган гапингизга айтаман-да.

– Кўрдингизми, мабодо шу Хум қўшилиб кетгудай бўлса Уташанинг хумини чиқаришини, – меҳмон тасодифан айтиб юборган сўз ўйинидан ўзи нашъаланиб ишшайиб қўйди. – Алоҳида-алоҳида бўлиб, ҳаммаси ўз аравагини ўзи тортиб юргани соз деймизу... шундай деймизу... аммо бунинг ҳам...

Меҳмон ҳомуза торта бошлади. Юнус ота вақт алламахал бўлганини, кун бўйи меҳмоннинг йўл юриб толиққанини рўқач қилиб, дастурхонга дуо ўқиди. Ўринларидан туриб, ташқарига чиқишди. Юнус ота ҳализамон айтиб ўтган, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупада иккаласига ўрин-кўрпа ташлаб қўйилган эди. Юнус ота меҳмонга ташнобнинг қаерда эканлигини тушунтирди. Бирин-кетин иккаласиям ўша ёққа бориб келишди. Кейин биттадан ўрин-кўрпа танлаб, ётишди. Меҳмон кўрпа қатига кирган заҳотиёқ каттиқ уйкуга шўнғиди.

Юнус ота серюлдуз осмонга термилганча бирпас уйқуси ўчиб ётди. Кейин ухлаб қолди. Қуш уйқусини олиб яна уйғонди. Ҳовуздан бирров хабар олиб келмаса, ухлолмаслигини билиб ўрнидан турди. Қоронғи кўчада пайпасланиб ҳовуз томон кетди. Ҳовуз бўйига етди. Кетмони жойида турганди. У яна қайтиб келиб, хуррак отиб ухлаётган меҳмон томон қараб қўйиб, каттиқ чарчаган боёқиш, деган хаёлни миясининг бир четидан ўтказиб кўрпа қатига кирди.

У сесканиб кўз очди.

Ўша бадарға этилган масканида, каерга келиб қолганини билолмаётгандек қарахтланганича кимир этмай ётарди – лахзалик гуноҳнинг мангу каффорати. Қоп-қора фонида ёриткичларини ёрқин чараклатган осмон остида, қандайдир ерсупа устида эди. Ўтирилганида ёнидаги ўриндан пайпасланиб кўзгалаётган қарияга кўзи тушди ва онги ярқ этиб ёришди. Ҳа-я, мен ўшаман. Ўша менман.

Ёлғонтонг ортга чекинган, ерсупани қуюқлашган зулмат қуршаб турарди. Юнус ота меҳмоннинг бедор бўлганини кўриб, олқишлади:

– Яхши ётиб турдингизми, меҳмон?

Ҳа, албатта. Яхши ётган эди. Энди бу сўздан сўнг яхши туриш ҳам лозим.

– Раҳмат, – ўзи шунақа дейиларди шекилли деган ўйда шунақа минғирлади меҳмон, кулок-бурунларнинг қасмоқ-пасмоқлари тозаланмай овоз ўктам чикмоғи душворлигини исботлагиси келгандай.

Юнус ота шеригини тириклик овига ундаган ибтидоий одам каби гўлдиради:

– Раиснинг олдига бормоқчийдингиз.

Ҳа, эсида бор. Мезбоннинг ўзи айтган. Униям иши кўп. Меҳмонга боғланиб ўтиравермайди-ку, ахир. Қолаверса, кеча тунда ҳовуз бўйига кетмонини кубош ўрнида тик қилиб қўйиб келган. Эҳтимол шу гапни рўқач қилиб, уни уйдан тезроқ чиқариб юбормоқчи бўлаётгандир. Йўғ-э, ҳечам унақа одамга ўхшамайди. Боёқиш бутун тирикчилигини ўша тахлам-тахламлару боғлам-боғламларга қурбон қилиб юборган, шекилли. Қўли юпкалигидан қовоқни таърифлашга ўтиб олган. Хабарчилиги қимматга тушган хабарчи.

У ўрнидан кўзгалди. Яктаги устидан кийган, кеча ётишидан аввал ечиб қўйган нимдош кителига фаромуш ҳолда бирпас қараб турди. Кийимлар эгасидан сўнг ҳам бир муддат у ёқдан-бу ёққа судралиб юради-да, ҳатто ойна артадиган латталиққа ҳам ярамай кейин бағамом йўқолиб кетишади. Кителининг кейинги қисматидан надомат чекаётгандек эгаси оғир хўрсиниб уни кийди. Кечаги оламни тарқ этишни истамай чиранаётган кечаги тун. Кечаги субҳи қозиб ва кечаги субҳи содиқ ўртаси – кечаги салтанатни бугун ким ҳам топширгиси келарди, айниқса кечаги зулмат ҳукмронлиги қаттиқ чирмашган бўлса. У ҳовли этагидаги ташнобга бориб қайтди. Супа четига чўнқайиб, Ойтош буви тўлғазиб қўйган обдастадаги сувга бет-қўлини ювди, оғиз чайиб, бурун қокди, чинчалоғи билан қулоқлари ичини кавлаб-кавлаб қўйди. Супа четига қўқайтириб қўйилган ҳодадаги миҳга илинган, ишлатаверилганидан титилиб кетаёзган оқ сочиққа артинди.

Юнус ота иккаласи кўрпа-тўшаги йиғиб олиниб, ўтириш учун кўрпачалар солиб жой қилинган ерсупада ўтириб чой-нон билан нонушта қилишди. Меҳмон ҳар чой хўплаганда бир иягини ишқаб қўярди. Чой ичиб бўлишгач, у сартарошхонани сўради. Унга жавобан Юнус ота миқ этмай ўрнидан турди ва ташқари чиқиб, чети синик ойнак, устара келтирди.

– Мана, ҳозир илимилиқ сув келтирамиз, – энгагини қаший туриб ўзига хижолатомуз қараётган меҳмоннинг елкасига қоқиб қўйди. – Ойнакни манави ерга қўйинг, мана бундай.

Супа четидаги ёнғоқ қақадиган тошга кафтдек хира ойнакни суяб қўйиб, меҳмон соқол олишга ҳозирланди. Юнус ота обдастани унга яқинроқ келтириб қўйди. Бир замонлар шу обдастадаги сув туфайли катта жанжал бўлган, хотини билан ажраб кетишига бир баҳя қолганди. Шу-шу обдаста супа четида сувга тўлиб туради.

– Идора номи бор, – ғимирсинаётган Беркинбойнинг бу гапидан соқол-мўйловини асло ўзи учун киртишлаш нияти бўлмагани аёнлашди.

– Сартарош ҳам келиб туради, – ҳарчанд хаёлига келтиришга уринса-да, бугун қайси кун эканлигини негадир эслолмаётган Юнус ота кеча почта олганини ёдига олди. Почта ҳафтанинг қайси кунлари келар эди? Ҳа, тўғри. Ҳафтанинг боши, сешанбада. Кейингиси жумада. Сешанба ва жума почталари. Икки кунга жо бўлган ҳафталик хабарлар. – Бир ҳафтада бир марта, чоршанба куни.

– Мен жума куни келдим, – деди фахрланаётгандек Беркинбой. – Шанбада ниятим сари йўл оламан, – шундай деб у совун сурилган иягини тез-тез киртишлашга тушди.

Юнус ота ҳовлисининг кўча эшиги. Чанг ўтиравериб тупрокранг тус олган тахталар. Дарахтлар ва тахталар. Тупрокка дўниб, чиримок ва яна ўсишни орзулаган орзу. Дарвозахонаги устунларга от-улов боғлаб қўйилади, охурлари хас-хашак тутади. Кутилмаган тунги меҳмон яёв келгани учун дарвозахона бўш, устунлар ва охурлар унга кирчанғи отми, яғир эшакми миниб келганинда ҳам бўларди-ку, дея мунгайиб қараётгандек бўлишади. Меҳмондўст хонадон, меҳмондўст дарвозахона. Уйингда меҳмон борлигида мушугингни пишт демайсан. Уташанга хабар чиқадиган муждачининг хонадонни удуми. Кечадан буён одатдагидан кўпроқ очи-либ-ёпилган бу эшик яна очилди.

Тонг ёришиб келмоқда эди. Ичкаридан Уташанга нотаниш одам чиқди. Бу яна қандай хабар бўлди экан? У қандайдир ўта хотиржам киёфада эди – ташқарига чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Девор тиркишларидан, муюлишлардан ва ҳаттоки лойсувоқ томларнинг устидан ўзини кузатиб турган нигоҳларни пайқамай, айиқ юриш қилганича кета бошлади. У сал узоклашиши биланоқ уч-тўрт бош дарров бир жойга бирикиб, ортидан тахмину гумонларга тўла фикрларни бири қўйиб, бири тўкиб солаверишди. Уташанликларнинг меҳмоннавозлиги-ю бағрикенглиги барчага маълум бўлгани билан, баъзи бир кутилмаган фавқуллода ҳодисалар кўпчилик қатори уларни ҳам ажаблантирмаслиги мумкин эмасди. Инчунин, Юнус ота кеча эрталабдан миробни қидириб қолгани, фалон-пистон жойга боргани, йўл-йўлакай фалончи-пистончилар билан учрашиб фалон-пистон гапларни гапиришгани, шунақа қилиб ариқ бўйида миробнинг ўзи унинг қаршисида пайдо бўлиб қолгани каби турли-туман эрмак қилса бўладиган гап-сўзлар давомида унинг тунда сув йиғиладиган ҳовуз қувури оғзига чим босгани-ю Неъмат шолнинг ўзи ҳам оксоқ келини патнисда кўтариб чиққан чой-нонгача қолмай гурунғ давомида тилга олинди. Ҳаттоки, боёқиш Неъмат шол оёққа туролмай бир жойда танда қўйиб ўтирса-да, қўл-оёғи бутун, тўрт мучаси соғу, аммо одамгарчилиги аллақачонлар нураб бўлиб шайтоннинг измида кетган айрим имонсизлардан ўлса ўлиги ортик эканлиги ҳам қолиб кетса ўқисиши мумкиндек қолиб кетмади. Буям майли, ҳаттоки, ўзи оксоқ бўлгани билан Неъмат шолнинг келини ҳам қошини териб, сочини тараб фақат бир нарсани ўйлайдиган, ўйлайдиган нарсасидан бошқа нарсани хаёлига келтирса кайфу сафоси учиб кетишидан ўтакаси ёриладиган, макри-кайдини шайтондан ўрганиб, ўзиникиям қўшиб уни йўлда қолдирадиган киз-жувонлардан авло эканлиги ҳам қолмади. Сирасини айтганда, унақаларни киз-жувон деб ҳам бўлмасмиш, ҳайфмиш унақаларга бунақа дейиш, унақаларни бунақа дейиш ўзи оксоқ бўлгани билан хаё-ибоси сидирилиб тушмаган Неъмат шолнинг келинига ўхшаганларга иснод эмиш; унақалар ажина билан дугона тутинишиб, қилар ишлариям, қилиғлариям, ҳунарлариям шунга яраша эмиш; айтмоқчи, уларнинг қилиғлари-ю ҳунарлари ҳақида сўз сўзлаб, сўз сўзлаётганларида ўзларини тиёл-

май устига кўшиб-чатиб юборадиганлар ҳам ўз-ўзидан ўшаларнинг кавмига кириб кетармиш, ха-а, шунақамиш. Ишқилиб, ана шунақа гап-сўзлар асносида ўзларини ҳам ўша қавм гирдибодида кўриб қолишдими, уташанликлар яна дарҳол асосий мақсадга қайтиб, Юнус отанинг кеча кечкурун қоронғи туша бошлаганида ховуз бўйида ўтирганини ўз кўзлари билан кўргандек бири олиб, бири кўйиб сўзлай кетишди. Баъзан тортишиб, баъзан талашиб ҳатто Юнус отанинг нималарни ўйлаб ўтирганигача тусмолларни қалаштириб ташлашди. Юнус ота шунақа-шунақа ўйларни ўйлаб ўтирган қуюқлашган зулмат чоғида қаршисида пайдо бўлган киши – яъни, кеча уникида тунаган меҳмон асло тусмол эмасди. Унинг турган-битгани гумон эди. Тўғри, қанақа жойдан келгани, кишлоғида нималар бўлгани, бу ерда нима мақсадда қуюқлашган зулмат чоғи пайдо бўлгани ҳақидаги, кеча тунда Юнус отага меҳмон айтиб берган гап-сўзлардан эрталабгача Уташан аҳли огоҳ бўлган бўлишса-да, унинг кимлигини билолмай ҳамон доғда эдилар. Кеча тунда Юнус ота билан меҳмон орасида бўлиб ўтган гап-сўзлар ўзларининг қулоқларига қай тарзда эрталабгача етиб қолгани ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмасдилар, чамаси буни табиий ва муқаррар деб билардилар. Уташан пайдо бўлибдики, бу ерга қанчадан-қанча савдогарлару олиб-сотарлар, эски-тускилар йиғиб юрувчи жандачилару идиш-оёқ, коса-товокларни ямаб берувчи чегачилар, пашмағу ҳолва-ю хўрозқанду чайна-майшимингу каллаканду наввоту пахтақанду бодроғу писта-ю сингариларни ўзлари тайёрлаб ёинки сотиб олиб устига жиччагина кўшиб сотиб кун кўрувчилар, паранжи-ю чачвону сўзана-ю шолрўмолларни йиғиб юрувчи, кейинги пайтларда ордену медалу тўқа-ю нишону узанги-ю сувлуғу тузхалта-ю ойнахалта-ю хуржуну емхалта-ю барини ё қулай килиб, ё сўраб, ё бирон нарсага алмаштириб, ё фол кўриб кўрган фоли эвазига олиб кетувчи лўлилар ва яна бошқалар келиб-кетгани, уларга ҳеч ким эътибор бермагани, гап-сўз ҳам бўлмагани негадир ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Ҳақто бир гал подажойда машшоклар тўдаси келиб ўйин кўрсатишгани, улар кетишганидан сўнг болалар ёғоч от ясаб ўшанақа юрамиз деб ўсиб ётган толу теракларга қирон келтиришгани, уларни тўхтагиб бўлмагани, бир нечта авбош но-расидалар ёғоч отни оёғига боғлайман деб девордан кулаб қўл-оёқларини синдириб, бошларини ёриб олишгани, ўшанда бундан буён кишлоққа машшоклар тўдасини эмас, бунақаларнинг энди қорасиниям кўрмаслик кераклиги ҳақида тортишувлар бўлиб кетгани, машшоклару созандалару қўшиқчилару раққослару уларга ҳампо бўлганларнинг бари-бири шайтоннинг сутини эмганлардан эканлиги борасида хулосалар чиқарилгани каби воқеа-ходисалар ҳам унут бўлиб кетган эди.

Юнус почтачи сумкасининг елкага осиладиган чарми ёйилиб кетгунча Уташанда талай воқеа-ходисалар юз берди. Қир учида кўримсизгина бўлиб тургани билан кўрмаган нарсаи қолмади. Чанг-тўзонлар, учирма-қуюнлар дунёнинг барча гап-сўзларини шу ерга супуриб-суриб олиб келаверди, ҳали яна қанчаси келиши номаълум. Буни на Юнус почтачи, на бошқаси билади. Аммо шу кунларда одамлар орасида ўз-ўзидан қандайдир ғивирсиш, ивир-сивирлар юриб қолган, кўча-кўйларда овозни баландроқ кўтариб гапиришга ҳам ҳайиқади киши. Осмондан тушганми, ердан чиққанми – номаълум, дарҳол бошқа биров ўртага суқилиб қулоғини динг қилади. Уташанда почтаҳона очилмасдан бурун, почта мудир Норқулнинг шопдай мўйлови ҳали ниш уриш нари турсин, она курсоғида бўри-тулки<sup>13</sup> лиги номаълум бўлиб ётган чоғларда Юнус почтачи район марказига бориб марказий почтаҳонадан Уташанга тегишли хат-хабар, газета-журналларни олиб келарди. Ўшанда ўз иш-юмушларни жим-дим бажариб юрадиган почтаҳона ходимлари унга кўзлари тушишлари биланок:

<sup>13</sup> Бўри-тулки (халқ ибораси) – киз-ўғил.

– Ҳа-а, Уташанда нима гап? – деб сўрашарди.

Юнус почтачи етказган маълумотларидан улар ҳам Уташан ва унинг аҳолиси ҳақида беш кўлдай билиб олишганди. Фалончи-пистончи деб сўрашарди. Неъмат девкор ҳалиям бошқа жойларда пахсакашлик қилиб қорасини кўрсатмаяптими, Икром чўлок бир ёнга ташлай-ташлай қийкириб юриптими, деб сўрашарди. Юнус почтачи уташанликлар учун одатий, ҳеч кизиғи бўлмаган гаплар почтахона ходимларини нақадар завклантираётганига ўзи ҳам хайрон бўлар, ҳар гал Уташан ҳақида бирон янги гап топиб келишга одатланиб қолганди. Одил қудуқчи, Султон тандирчи, Тўйчи подачи, Йўлдош ямоқчи, Зокир аравақаш, Умар отбоқар, Рўзвой молбоқар, эгизаклар Ҳасан ва Хусан, яна алоҳида Ҳасанча, Аллаберди, Оллоберди (Аллабердининг укаси, унинг мол-ҳолларига қараб юрувчи бир қориндан тушган кул), Худойберди (Аллабердининг амакиваччаси), Эгамберди (Худойбердининг укаси, мўмин-қобил акасини ўзича тўғри йўлга соломлаётганидан зулмга мойиллиги ошиб бораётган жаллод), кал Азим, Маматкул сўфи (туғ тонга дўнаётганда бегона хонадондан қочиб чиқиб боғ оралаб иштонини қўлтигига кистирганча ярим яланғоч ҳолда шармандалиқдан қутилгандай кўринганидан обрў топган қаззоб), Умарбой (тирноқлари орасида хамиша ердан олган хасни эзгилаб ўй ўйлаб юрувчи қафангадо бой), Зикрилло кетмон (бири икки бўлмаслигига дуо кетган дехқон), мулла Шайдулла (дўзаху жаннатга текин йўлланма улашадиган салла соҳиби), Зикрилло (бошқаси) махсум (мулла Шайдулланинг хайбарақаллачиси), Усмон чўпон, Усмон (бошқаси) ошпаз, Ўғил (ой) бахши, Мутал жарчи, Саксонбой, етти пуштининг кейинги уч бўғинини биладиган Ғовсиддин деганлари – буларнинг бари ҳақида район марказидаги почтахона ходимлари Юнус почтачининг ҳикоялари орқали уташанликларнинг ўзларидан яхшироқ билишар, мабодо, битта-яримтаси билан тасодифан учрашиб қолгудек бўлишса, э, ўша сизми, сиз ҳақингизда Юнус почтачи айтиб берган эдилар, ўзиям худди шундоқ тасаввур этган эдим, деб уни аввалдан танишини айтар, ўз уруғ-қаёшидай ҳол-аҳвол сўрашиб кетарди. Кейин учрашган одамидан Юнус почтачидан эшитмаган бошқа гапларни ҳам эшитиб, буларнинг бир-бирларига айтиб юришарди. Уташанликлар деганда тилининг остига носвой ташлаб, қир устида кўкрагини яланг қилиб шабаддан баҳра олиб юришган, исмини сўрасангиз кўрсаткич бармоғини осмонга нуққанча оғзидаги носвойини арзимас туюлган бир сўз учун ташлагиси келмайдиганларни тасаввур этишарди. Шабада туғул қилт этган ёруғлик ҳам тушмайдиган жойдагилари борасида эса ўзлари сас чиқариш имконидан йироқ бўлсалар ҳам қилиқлари ер устида соя солиб юрганликларини эслашарди.

Ахир, қимларни кўрмаган Уташан?! Кўрки таровати, обрў-эътибори, топган-гутгани, хазина-дафинаси унча олис бўлмаган мазористонда мангулик гаштини суриб ётадир. Очилов раис (аввал камчисидан қон томиб умрининг охирида кўзи кўр бўлиб ўтирадиган ожиз қария – ўлик-тириги номаълум!); Олмос қисавур (қўли кесилганидан кейин ҳам анча йил яшаб, умр бўйи кесилган қўлига аза тутиб бошқа аъзоларидан норози бўлганча кўзи ёниб ўтган жаннатий); Азим (қимлиги номаълум); Қулмирза (қелбатли, салобатли одам бўлганмиш, бир қўйни думба-пумбаси билан бир ўтиришда еб-ялаб урвоқ ҳам қолдирмай туриб кетаверганмиш – раҳматига олган бўлсин, энди ер тўяр, биссаовб!); Сувоқкул (ўткир одам бўлгани боис Сувоқ бургут деган ном қозониб, ўша улуг саросималик бошланган кезларда ночор қолган бир ожизанинг ҳали норасида қизини тўрт қоп буғдой эвазига ўз никоҳига қиритиб умрининг охирида савобга қолганмиш – раҳматига олган бўлсин, ер ёпибди, биссаовб!); булар-ку, эса қолганлар ва қариндош-уруғ, яқинлари

кабрини аниқ биладиган қабр эгалари; сал четда, пахса девори туя ўрқачидай бўлиб ётган томондаги қабрлар эгалари рўзи махшар рухсор кўрсатмасалар, уларнинг кимликларини қанча тахмин қилган билан топиш мушкул; шу боис, қабр аҳволига қараб ақли бошидан уриб чиқиб кетиб коинотни забт этганлар ўша ёқдан туриб тусмол кила биладилар; ер билан текисланай-текисланай деб устини қувраган ўтлар босиб ётган қабр (рўзи махшарда бунинг остидан бир шунқор от ўйнатиб, қилич яланғочлаб айюҳаннос солиб чиқадир ва юксак оқим ўрамларида кўзга ташлана-ташлана абадулабад роҳату фароғатнинг мангу лаззатларини мангу татимокка дохил бўладир!); бир томони чўккан қабр (ногохон занжирлар шалдираши қулокка уриладир, эгик бош билан ўтиб кетаётган зот заҳматлари мукофотга лойик кўрилмасми, унинг тобе қалби пучмоқларида бир қатим нур – меҳру муҳаббатнинг шаффоф ёғдулари тақдирланмасми, қафасга тушмоқ фоний қисматининг каффоратига маломат этилмасми?) – ва шундай, ва шундай бу ерда боқий дунёнинг абадиёт навоси сас-садоланиб жилва таратади. Ўзига жазм этиб, чорланадиганларни чорлайди. Бир хавф кузатади уларни. Хавф эмас, тўғрироғи, хатарли бир туйғу кузатади уларни. Яқиндагина кетганлар ва кетишга тайёргарлик кўриб юрганлар... аввали Самар, кейини Хирож, яна кейини Сирож бўлиб барчасининг исми ёнига “иддин” кўшиладиган етти пуштнинг кейинги уч бўғини (тириги Ғовсиддин тўртинчи бўғин бўлиб тугал кўриниш учун кейинги уч бўғиннинг неччи юз йил яшаши мумкинлигини хомчўт қилиб юрган тентак) – буларнинг бари эркак жинсига мансуб бўлиб, аёлларни одам ўрнида кўришмагани учун уларни эслаб ҳам, муҳокама қилиб ҳам ўтиришмасди. Факат тунни тонгга дўндириб боғ оралаб оёқланг қочиб бораётган Маматқул сўфи воқеасининг қандайдир ожиза билан боғлиқ жойи бордек эди-ю, Ҳасан калтанинг узокдан қораси кўриниши биланок бу ҳақда оғиз очишмасди. Яна Ўғил (ой) бахши гоҳ-гоҳ эсланиб қолардики, уни эсламасликнинг асло иложи йўқ, ажина чақирсаям, жин чалсаям эркак-аёл, катта-кичик деб ўтирмай шу Ўғил (ой) бахши чиллаёсин қиларди. Миясида қони қотиб, бир томони ишламай қолган ва лаби қулогигача тортилганларни ҳам хивич билан айта-айта савалаб тузатиб юборардики, ундан бошқа одам тирноғининг учини теккизсаям бунақа боёқишлар асфалософинга жўнаб кетишарди. У нафаси ўткир қўл олганлардан эди, шундай қилмаса ўзи жинни бўлиб қоларди, ортида одамлари бор эди. Уларнинг барини айтиб бериш мушкул, қолаверса, у ёқда аввалги Андарвашт – хозирги Заҳматобод кишлоғи, бу ёқда Хум тепалиги аҳолиси – бариям бирон-бир хислатга эга азаматлар эди. Улар ҳеч иш қилмай, доврүк солмай, ими-жимиди юришсаям азаматликларига патур етмас, ўзларини халқ деб аташгани учун аксинча обрў-эътиборлари борган сайин тобора ошиб бораварди.

Уташан аҳлига қуюклашган зулмат чоғи пайдо бўлган меҳмон ҳақидаги хабар қачон тарқалгани ҳам номаълум эди. Баъзиси у ҳали Юнус отага кўриниш бермасдан бурун келиши маълум эди деса, бошқаси буни рад қилиб, Юнус ота билан унинг тунги кишлоқ кўчасида кетаётганини ўз кўзи билан кўриб кейин қолганларга айтганини пеш қиларди. Аёллар эса нима ўйлаб, нима қўяётганликларини сиртга чиқармай, катта жангларга тайёргарлик кўраётгандек жим-дим сукутга кетган эдилар. Улар девор тирқишларидан ташқарига мўралаб туришса, болалар муюлишларда, эркаклар эса кўча четларида меҳмоннинг юриш-туришиданок дилидагини билиб олмоқчидай син солишарди. Уташанинг тупроқ тўзгиган кўчасида ўзига чанг юктиргиси келмагандек чет-четлардан йўл териб, бу жойлардан илгарилари кўп маротиба юриб ўтгандек, асло бегонасирамай хотиржам киёфада айқ юриш қилиб кетаркан, кўринмас тирқишлардан учқун сачраётгандек турфа



гап-сўзлар чакнаб ётганидан мутлақо беҳабар меҳмон хўжалик раиси хузурига ошиқарди.

Меҳмонни жўнатгач, Юнус ота кетмонини елкага ташлаб, томорқани суғоргани чиқиб кетди.

Ойтош буви кудукдан сув олиб, ошхонадаги челақларни тўлдириб, майда-чўйда кундалик юмушларини адоғига етказди. Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак – бир товук ва бир хўроз. Иккаласиниям патлари юлиниб, шарти кетиб парти қолган. Бизга хат-хабар борми, деб келганларнинг номига хатми, газетми бўлса, Ойтош буви бериб юборди; бошқаларини бу сафар келиб қолса почтачи боболаринг ўзлари элтиб берадилар, деб жўнатди. Унинг фикри-зикрини кампирлар бугун момоулоқ сўраб подажойга чиқишдимикан-йўқмикан, деган ўй банд этганди. Бу ҳақда ўйламасликка қанчалик уринмасин фойдаси бўлмас, мабодо чиққан бўлишса, подачи уларга нима деганини билишга қизиқиши шу қадар ортиб борардики, ҳозирок подажойга бориб шу ҳақда сўраб олмоқчидай типирчилаб қоларди. Бошқа жиҳатдан, ҳозир тирикчилик ҳам осон эмаслиги, ким ҳам хэ йўқ, бэ йўқ – ма, кампирларга сўйиб бер, деб тап-тайёр эчки-улоғини беришга кўнарни, деган фикр уни тийилиб, ошиқмасликка ундаётгандек бўларди. Рост-да, ахир подачининг қўлига осмондан улоқ тугул, чумчук ҳам учиб тушмайди-ку. Қишлоқда яшайдиган одамнинг ахволини подага қўшган молига қараб билса бўлади. Уташанликлар, молнинг мол бўлиши учун молга мол бўлиш керак, деган чорвадорларнинг кўҳна нақлини ҳар икки гапнинг бирида такрорлашни қанда қилишмаслиги бежиз эмас. Ахён-ахёнда эса, одамнинг одам бўлиши учун ҳам одамга одамдек муносабат қилиш керак-да ахир, деганларича нималардандир домангир бўлаётгандек илмоқли имо-ишоралар билан ўз холларига ҳам писанда қилиб қўйишади. Кавш қайтарганча оғзининг икки четидан сўлақайи оқиб, эринчоқлик билан тумшугини кўтарганча бурнидан буғ пуркаган, бокиб-семиртирилаётган ахта хўкиз-буқалар, елинини кўтаришга эринадиган катта-катта сигирлар подани тушидаям кўрмайди – булар боғлаб боқиладиган хонаки зотлар. Подага еса ҳам-емаса ҳам бўлаверадиган, чоти орасидан елини тугул эмчаги ҳам кўзга ташланмайдиган, подачи таёғини кўриши биланок қирчанғи отдек диконглаб кетадиган сигир-бузоқлар, ўт чимдиш ўрнига таниш хид ахтариб хавони искаб юрадиган наввосчалар, сассик такалар кўшилади. Улар хонаки зотлардан фарқли ўларок подани кўпайтиришга, унинг келажакни таъминлашга қодир бўладилар. Шунинг учун, сўна теккан пайтлар подачиларни жуда асабийлаштириб юборади – ўлганнинг устига тепган деганларидай, ундан улоқ сўраш... Яна ким билсин тагин, кампирлар борадиган бўлишса, у ҳам қолмаслиги керакмиди. Уйда ўтираверган билан бошқалардан ажралиб қолади. Кейин момоулоқ тугул оддий чиллаёсинга ҳам йўқламай қўйишади. Сўппайиб яққаланиб қолгандан ёмони йўқ.

Момоулоқ деб аталган эчки-улоқ гўштини кампирлардан бўлак ҳеч ким тановул этолмайди, деган гапни Уташандан ташқарида эшитган ҳар қандай одам ёқа тутамлайди. Нега бунақалигини уташанлик билгичлардан ҳеч қайсиси аниқ-гиник тушунтириб беролмаса-да, бизда шунақа, деб тан бермай тураверишади. Ойтош бувининг қизи турмушга чиққан аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободдаги куда томон одамлари ҳам бу ҳақда эшитишганда аввал хайрон қолишган. Кейин бош чайқашиб, қаёқдаги гапларни ўйлаб топасизлар-а, момоулоқ эмиш, бунақа удум ер юзининг ҳеч қайси жойида йўқ, ҳатто умри чорванинг ичида кечадиган саҳройи халқлар ҳам буни хаёлларига келтиришмаган, ўзларинг ўйлаб топган бидъатни удумга айлантириб олгансизлар, дейишганди. Бидъатми, бошқа нарсамми, эшитган

хамма одам хайрон қолади, бўш келмасликка уринишганди уташанликлар. Куда томондагилар андиша қилиб, бизга нима, ўзларинг биласизлар, дегандек индамай кўя қолишганди. Куда-андалар ўртасида гап қочса яхшимас-да. Мана, энди шу гаплар ҳам йўк, кизи ёшгина ўлиб кетди, саратон дегани ёмон экан-да. Аллақайси жойларда давосини толган дейишади, бу ерларга етиб келгунча ҳали кўп одамнинг ёстиғи қурмаси эди. Ўзи қаёқдан чиқди экан бу саратон-паратон деганлари, илгарилари бунақа гаплар йўк эди. Борган сайин одамларда ҳар хил касалликлар урчиб-томир отиб кетяпти. Ёки ер юзида одам кўпайиб, Худойим улар орасидан териб-териб ўзининг яхшиларини олиб кетиб қоляптимикиан.

Ойтош буви хардамхаёллик билан кўзёшларини артиб олди. Йўк, бориши керак эди, нимаики бўлмасин ўзининг яқинлари, ўшалар нима дейишса қулоқ осин лозим, бошқа кими ҳам бор. Якка-ю ягона сийниси Ойдинми, қўлтиғига иккитагина нон қистириб ойда-йилда келиб хабар олгани ярамайди. Охириги марта қачон келганди, эсидаям йўк. Ўшандаям тинч келиб-кетмай, нўхатгулли қосам сизникида эмасми, деб аланг-жаланг қилганча кўзлари билан олма-кесак териб кетганди.

Ойтош буви азалдан қолган урф-одат бўйича подачи сўйиб ташлаб кетадиган улукнинг гўштини пок-покиза тушириб, кампирларнинг ҳар ёқлардан сўзлашиб ўтиришларини хаёлига келтираркан, юраги энтикиб кетгандек бўлди. Ўзи қачон ўтказишаркин?

Туйқус келиб қоладиган бало-қазолардану офат-фалокатлардан ҳадиксираб иримини қилиб мол-қоллари орасидан биров битта улукни кампирлар учун атаб юборса, шу улук табарруқлашиб момоулоқ номини олар эди. Мана шунақа жониворларнинг суяги тупроққа араллашиб, пўстаги оёқ остида яроқлашиб кетсаям, эгаси тирик бўлса ўзи, йўкса, унинг ўғил-қизлари ёинки невара-чеваралари савоб ишга қўл уриб кампирларга момоулоқ беришганини, бундай савоб ишларни ҳар ким ҳар куни қилиши кераклигини ўқтин-ўқтин эслатиб туришдан ўзларини тиёлмасдилар. Шунинг учун уташанликларнинг бир қисми бунақа бўлмағур одатдан воз кечиб юбориш тарафдори бўлишса, иккинчи қисми унинг зарурлигини тарихий кадриятларни пеш қилиб оғиз кўпиртирганча ўз хифзу химоялари остига олишар; яна бир гуруҳ одамлар у томонгаям, бу томонгаям ўтмай сукут сақлашарди. Баъзи-баъзида эса момоулоқни бир киши ёинки битта оила эмас, кўпчилик халфана тарзида атаса бўлмасмикиан, деганга ўхшаш чуқур баҳсу мунозарларга туртки берадиган фикр-мулоҳазалар ҳам чиқиб қолар; бундай чоғда ҳам уташанликларнинг бир қисми бунақаси кетмайди, кўпчилик орасида гуноҳқору бегуноҳлар қанақасига ап-аралаш бирлашиб момоулоқ атай олади, дейишса; иккинчи қисми яратганнинг олдида барча баробар, кимнинг тоши оғиру кимники енгиллиги рўзи махшар куни билинади, шунинг учун шунақа қилсаям бўлаверади, дея баҳс-мунозараларни тағдор мавзуларга буриб юборишга уринишар; одатдагидек, яна бир гуруҳ одамлар у томонгаям, бу томонгаям ўтмай сукут сақлашарди. Нимаики бўлмасин, Уташангагина хос мана шу одатнинг сақланиб келаётгани қачонлардир момоулоқнинг гўштига оғизлари тегиб қолишдан умидвор оғизларга маъқул келар, бу ҳол насиб этмай нариги дунёга равона бўлганларга ичлари ачиб, ақалли бир марта бўлсаям момоулоқнинг бир тишлам гўштиниям оғзига олмай кетди-я, дея бош чайқашардики. Бу надомат бир кун бўлсаям ёруғлик кўрмай ўтди-я, дегандек таассурот уйғотарди.

Ойтош буви раҳматли кизи тушган аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободда аҳвол танг бўлиб, экин битмагани, киш ҳам қаттиқ келиб мол-қоллар қирилиб кетганини эслаб қолди. Ўшанда эҳтимол Уташанни бундай фалокатлардан кампир-



лар айтмоқчи момоулоққа ўхшаган урф-удумлар асраб қолгандир, деб ўйлади. Унда кизи тирик эди. Уташанликлар аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободдаги аҳволдан хабар топишгач, ўзаро маслаҳатлашиб, уларга меҳрибончилик қилмоқчи бўлишган, бошларингга келган оғир кунлар аригунча нима ёрдам бўлса тортинмай сўрайверинглар, дейишган эди. Аввалги Андарвашт – ҳозирги заҳматободликлар бунақа хотамтойликдан аввалига ҳайрон қолишган, кейин ўзларини пастга урилгандек ҳис этишган, у чиллақвозлар ўзларини ким деб ўйлашяпти деганча ғуруру номус ваҳхидан жадлари ҳам чиққанди”. Э, омон бўлинглар, аввал ўзларингни эплаб-сеплаб олинглар-чи, кейин бизни оталиққа оларсизлар. Энди-и ўт-ўлан битмаган бўлса бир куни битар, мол-ҳолларимизнинг туёғи озайган бўлса яна кўпаяр, киш баҳорга дўнар – кунимиз ўтар-да. Аммо-лекин сизларнинг тепаликларда чиллақ ўйнаб, оёқяланг югурганча “зув-зув”лашларингизга беш кегамиз. Бизда ўшанақа жойлар бўлганида, биз ҳам шунақа қилардик, ўшанақа жойлар йўқ-да”.

Ўша маҳалларда аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободнинг остида қандайдир ёнувчан суюқлик пайдо бўлиб, барчани бирдек ташвиш-тахликага солиб қўйган, тинчлигини ўғирлаган эди. Бу ҳақда гап кетганда, Ўғил (ой) бахши калласини ликиллаганча, бу жинларнинг иши деса, унинг жин қувиш ишига шубҳа кўзи билан қарайдиганлар мазкур фалокатни кишлоқдан анча наридаги заводдан кўришган эди. Ўшанда ҳам уташанлик кампирлар аллакминикига подачи ташлаб кетган момоулоқнинг гўштини еб, аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободга жин оралагани ҳақида гапиришган эди. Бундан Ойтош бувининг жаҳли чиқиб, нега унақа дейсизлар, жин дегани бўлса ҳамма жойда бор, бўлмаса ҳеч жойда йўқ, деб уларнинг оғзига урган эди. Кейин улар қайси йилиям, ёз кунларининг бирида, анави оти нимаиди... отини биров эшитмасин, фалончи беванинг ҳовлиси ёнидаги ёнғоқ остида Маматқул сўфини қора хўкиз тусига кириб қувган жин ҳақида гапиришганди. Ярим кеча экан, Маматқул сўфи бақирай деса овози чиқмасмиш, қочай деса қўл-оёғи акашак бўлиб қолганмиш. У икки-уч ҳафта кўрпа-тўшак қилиб, лабига учуқ тошиб, иситмалаб ётибди.

– Ярим кечада Маматқул сўфига у ерда нима бор экан?– деганича кампирлардан бирининг оғзи ланг очилиб қолганди.

– Во-ой, соддасиз-да, – тушунтирганди бошқаси. – Жин деганлари хоҳлаган одамни хоҳлаган вақтида чақириб олаверади-да!

Алоҳа, ўша жин қайсидир қарғиш теккан жойдан, ким билсин, қандайдир киёфага кириб аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободга ҳам борган-у, у ернинг алғов-далғовини чиқариб юборган, қиёмат-койим кўптирган, аёлларнинг гумонасини чала ташлағтирган, қудуқларда сув ўрнига алламбало суюқлик оқизган. Одамлар туппа-тузук сув ичиб юрган қудуқлардан ўз-ўзидан аланга кўтарилса, бу шайтоннинг иши бўлмай қимники бўлсин экан. Қудуқлардаги сув олов олиб, устунга ўхшаб фалакка ўрлаганмиш. Ўша бекиёс гулхан атрофида жинлар базм қуришиб, рақса тушишгани аниқ эмиш. Аввалги Андарвашт – ҳозирги заҳматободликлар эшакка мешларини юклаб, турли ёқларда сув қидириб юришганининг сабаби шунда эмиш. Ўшанда бировнинг янги тушган келини нон ёпибди. Қудуқ тандирхонадан атиги беш-олти қадам нарида экан. Ўша келинчак қудуқ ёнида нимадир қилмоқчи бўлиб гугурт чақиб юборади-ю, ўтақаси ёрилгудек бўлиб шу захотиёқ ўзини орқага ташлайди. Даставвал қудуқдан қулоқни батанг қилгулик гумбураган садо чиққан. Сўнгра улкан тилдек олов отилган. Ўша келинчакнинг эгнидаги яп-янги ўша симсим кўйлаги эриб тушиб, шир яланғоч қолипди. У жонҳолатда қичқириб юборганча қичкина қўллари билан ғайришуурий равишда ўша жойини беркитаман деб, қўли

ёнидан намоён бўлиб турганча хушдан кетипти. Жинлар чирманда чалиб, холдан тойгунча кўнгилхушлик қилиб бўлишгач, бу воқеадан бошқалар ҳам хабар топишпти.

Аваллги Андарвашт – ҳозирги Заҳмадободга якка-ю ёлғиз кизи тушгани учун ҳам ўшандаги момоулок гурунгида уташанлик кампирларнинг бунақа гаплари Ойтош бувининг қазабини кўзгаган, нима қиласизлар кўриб-билмаган нарсаларингиз хақида ёлғон тўкиб, деб улар билан жанжаллашиб кетишига бир баҳя қолганди. Энди ўйлаб қараса, уларнинг ўшанда айтганларида жон бор экан, Уташанда гурсиллаб гунгурсдай бўлиб юрган кизи ўша ёққа келин бўлиб тушди-ю, роҳат кўрмай, ортидан норасидаларини қолдириб ташлади-кетди.

Ҳализамон ўзи билан даврадош кампирларнинг момоулок деб подажойга чиқишлари режасини ичида қоралаб, ўзи бу ишга асло аралашини керакмаслигини ўйлаганича, ҳаттоки улар билан бир даврада энди бошқа ўтирмайман, дебон кўнглида ўзига-ўзи аҳду паймон қилиб турганларининг бари кўзига дунё қоронғи кўриниб, ичи сиқила бошлаши биланок пардай тўзиди-кетди. Энди кеча тунда ҳовуз кўриклашга чиқиб кетган чоли қурмагури ҳовуз бўйидан эргаштириб келган меҳмон туфайли кеч қолиб кетдим-да, эрталаб унинг нонуштасини бермасдан қанақасига подажойга чиқиб кетаман ахир, деб ўзининг кечикканига жўяли сабабу баҳоналар ахтра бошлади. Мабодо даврадош кампирлар ёзғиргудек бўлишса ҳам шуни айтади-да, эхтимол ўзларининг ҳам хабарлари бордир. Боёқиш меҳмоннинг аҳволи мушкул экан. Шу ёшда бошпанаси-ю бор-будидан жудо бўлиб, бетининг сувини тўққанича жой излаб юрса-ю. Қийин. Хўп, ҳаммаси ҳар ёққа тарқаб кетмай, ҳаммалари бирон тайинли жойни эгаллашмапти-да. Аста-секин обод қилиб олишарди-ку. Ойтош буви ҳарқанча ажабланса-да, бунақа ишларга ақли етмаслигини ичида тан олиб, раиснинг кўнглига Худо инсоф бериб, шу дарбадарга қарашиб юборсин-да, деб ўйлади.

У энди бир-бирига қарама-қарши фикру ўйлар оғушида, қандай бўлмасин подажойга чиқиб бориш истагида юраги ҳаширқа бошлади. Агар кампирлар подажойни ҳали тарқ этмаган бўлишса, кўришиб-сўрашиб, яхшими-ёмонми уларнинг гап-сўзларига кулок осгиси, ўзи ҳам уларга нималарнидир дегиси келиб турганида замона ҳавосидан ўпкаси тўйиниб нафас олаётган машҳури олам адибнинг Уташан почтаҳонаси биносидан жойлашган кутубхонада чанг босиб ётганидан барча беҳабар китобининг тўксон тўққизинчи саҳифаси еттинчи қаторидан ақл ўрганган қуёш найза бўйи кўтарилган, уташанликлардан ўзга ҳеч ким танимайдиган Тўйчи подачи эса подасини аллақачон далага ҳайдаб кетган эди. Подажойда пода тўпланаётганида сигир-бузоқлар ташлаган таппиларни уташанлик оёғи илдам, қўли чаққон қиз-жувонлар аллақачон алмисоқдан қолган ости тешик тоғораларига солиб йиғиштиришгани, эчки-улоқларнинг қумалоқларини супуриб-сидириб олишгани ҳам қундай равшан эди. Шунда ҳам инсонда, айниқса унинг қовурғасидан бино бўлмиш оқила заифаларда оқилона фикр-мулоҳазаларга ҳеч қачон бўйин бермас нималардир мавжудлигидан, ана шу нималарнидир билиб олишга хоҳиш-иштиёқи баландлигидан Ойтош бувининг ҳам юраги ховриқиб, ўтира олмай қолаётганди.

У келин бўлиб тушганида бу хонадонда қўша-қўша сигир-бузоқлар, эчки-улоқлар, қўй-қўзилар бор эди. Қайнота-қайнонаси бу дунёни тарқ этишгач, жониворларнинг ҳаммаси бирин-кетин уларнинг ортидан жўнаворган каби қайларгадир ғойиб бўлишди. Ўша даврларда ҳам Юнус почтачи ҳафтада икки марта почтачилик сумқасини тинимсиз тўлғазиб келар, ўшанда ҳам ўзларига тааллуқли хат-хабарлардан бўлагига уташанликлар кизикишмас, обуна деса экин экилмай ёввойи ўтлар баравж ўсган далаларда ўроқ уриш баҳонаси билан қочиб юришар, ўзлари учун олиб ке-

линган почтачилик сумкасидаги нарсаларнинг нима эканлигига ҳатто қизиқиб ҳам қараб қўйишмасди. Аммо ўшанда ҳали Ойтош буви келин бўлиб тушган ҳовлининг ҳамма ёғи – яшайдиган уйлари-ю қазнокқача, оғилхона-ю ўтинхонагача эгасиз хат-хабарлар, ҳеч ким сўрамасаям йил давомида келиб ётадиган, пешсарлавҳасида мангу амалга ошмас орзу-ниятнинг муваққат далласидай битилган ёзув яққол кўзга ташланиб турадиган калин-қалин газета-журналлару қандайдир каталоглар билан тўлиб-тошиб кетмаган эди. Мана энди уларнинг тахлам-тахламлари, боғлам-боғламлари ҳамма ёқни эгаллаб олди. Улар уй тоқчаларидан коса-товоклару идиш-оёқларларни сиқиб чиқариб ташлагани каби қазнокдаги керакли нарсаларни, оғилхонадан сигир-бузоқ, эчки-улоқларни ҳам даф қилишгандек эди. Келин бўлиб тушганида раҳматли қайнота-қайнонаси ахён-ахёнда почтачи фарзандларининг нигоҳини шамғалат қилиб унинг тахлам-тахламларини тандирга, ўчоққа тикиб ёқиб юборишар, мабодо сезиб қолгудек бўлса ўзларини кўрмаганга олиб юришарди. Айтгани айтган, дегани деган якка-ю ягона фарзандларининг хоҳишига қараб ҳаёт кечиришган эса-да, унинг беҳуда бисотини йўқотиш йўлида қайнота-қанонаси жуда жуда кўп ҳаракат қилишган эди. Улар ота-боболарининг чироғини ёқиб ўтиришган хонадонларини ўқишга ўзларининг тишлари ўтмайдиган, бировга ўқитиб тинглашганда ақллари бовар қилмайдиган гап-сўзлар ёзилган қоғозлар куюни ўраб-чирмаб олаётганини кўра-била туриб, қариганда шунга чидашга мажбур бўлишар, бунақа бесамар юмушдан воз кечиш кераклигини ёғи билан тушунтиришга уринишар, аммо фойдаси бўлмасди. Уларга иллат бўлиб кўринган нарса Юнус почтачига фазилатдай туюлар эди. Ўз назарларидаги иллатнинг иллизини барвақтроқ қуритиш, патталамасдан таг-томири билан суғуриб ташлаш учун ягона зурриёдларига ялиниб-ёлворишарди. Уйда ҳеч иш қилмай ўтирсаям уни ўзлари боқиб олишларини айтиб илтижолар қилишарди, ахён-ахёнда қандайдир алам ўтганидан кўзёшлар ҳам тўкишарди. Аммо буларнинг ҳеч қайсиси ёруғ оламдаги эврилишлару ўзгаришлар билан дунёбеҳабар Уташан орасида муносабат боғлашга ўзинигина қодир деб билаётган, эскириб бандининг ийғи чиқиб улгурмаган почтачилик сумкасидаги нарсалар билан уташанликлар онгини ҳали ўзи билмаган қайсидир нурафшон томонларга буришга астойдил бел боғлагандек кўринган фарзандга қор қилмас, уни йўлидан қайтара олмасди. Унинг ҳафтада икки марта тўлғазиб оладиган зил-замбил почтачилик сумкасига ахён-ахёнда адашиб тасодифан тушиб қоладиган номаълум-мавҳум эгасиз хат-хабарлар, оқритқалар-ку ўз йўлига, аммо бу юкнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган калин-қалин газета-журналлару қандайдир каталогларнинг на обуначисини, на буюртмачисини топиб бўларди. Ўқтин-ўқтин Уташан манзилига ҳаттоки бус-бутун китоблар ҳам кела қоларди. Тарих, тарих, тарих. Гўёки Уташанда яшаётган Худо ёрлақан қандайдир фавқулудда бандалар адашиб-нетиб бошқа гапларни гапириб юбормасликларини олдини олаётган каби бу оқимнинг кети узилмай демас, аммо эгаси ҳам топилимас, Юнус почтачи ҳовлисига бориб тахланаверар эди.

– Уларни нима қилай? – сўрарди у марказий район почта бошлиғидан. – Сон-саногининг ҳисобидан аллақачон адашиб кетганман.

– Унақа деманг, – дерди бошлиқ уни огоҳлантираётгандек. – Ҳисобсиз нарса йўқ, бир кунмас-бир кун ҳисобот талаб қилиб қолишса сичконнинг ини минг танга бўлиб юрмасин тағин. Нима сиздан ош-нон сўраяптими, ташлаб қўйинг бир четга, турибди-да.

Ҳафтада икки марта. Сешанба, жума. Почта куни. Нима кетди, бир четга ташлаб қўяверади-да. Йилма-йил эмас, энди ойма-ой тахлам-тахлам, боғлам-боғламлар

тоғ каби уюлиб борар, тахмон-токчаларни тўлдириб, уй сахнида тахланиб ётар, томларга чиқиб кетар, бир маҳаллар жониворлар хашак кавшаган охурлар ичини тўлғазар эди. У китобларни кутубхонага топширай деса, булар почта орқали келган, баланси бизда деб бошлик бунга ҳам изн бермасди. Китоблар. Тарих. Дардисар. Онг, ўртоқ хабарчи. Онг, ўртоқ элчи. Ҳарқанча харажат бўлса давлат кўтарди, зато онгни янгилаш керак.

Ойтош сут соғишни соғинганидан, сигир елинини тушида ийдиради. Тўсатдан уйғониб кетганида сигир эмчакларини тортқилаётган бармоқлари бўм-бўшлиги қалбини ўқинтиради. Ланъати қоғозлар. Эпидемия каби ҳамма ёкни босиб олиб, ҳамма нарсага қирон келтирди. Оғилхона шифтига довур тахлаб чикилган боғламларнинг бари сигир ташлаган тезакнинг ховричалик тафт беролмайди. Қайнонаси раҳматли ўзидан бўлакни яқинига йўлатмайдиган сигирнинг кўзини шамғалат қилиш учун Ойтошга ўзининг нимчасини кийдиради, ўзининг рўмолини ўратади. “Боринг келин, кўркмай боринг, менга ўхшаб боринг, мендай кадам ташлаб боринг, “хуш-хуш”лаб мендай овоз чиқазиб боринг; у сизни мен деб ўйласин, келини экан демасин, ўзи экан десин, эмчагидан қаттиқ-қаттиқ ушлаб дадил-дадил тортинг. Мендай тортинг, ўзи тортяпти деб ўйласин; челақни бутингизнинг орасига қўйиб оёқларингиз билан қаттиқ сиқиб олинг, сигирнинг туёғи тегиб тўкилиб кетмасин. Боринг келин, ўзингиз эканлигингизни эсдан чиқаринг, мен бўлиб боринг келин...”

Раҳматли қайнота-қайнонаси қанча ялиниб-ёлворишди, бўлмади, Ойтошнинг эри ўз ишини ташламади. Улар нуқул кўзни шамғалат қилиб, боғлам-тахламларни тандир-ўчоқдаги лангиллаб турган олов устига ташлаб ёндириб юборишга уринишарди, бундан чамаси қандайдир роҳатлангандек ҳам кўринишарди. Аммо Юнус почтачи бир гал бунинг устидан чиқиб қолиб, нега бунақа қиялпсизлар, деб айюҳаннос кўтарган; ховли жойимизни сенинг беҳуда қоғозларинг билан тўлиб-тошиб кетишига жим қараб туролмаймиз, деган ота-онасининг оғзига уриб, агар шу ишларинг ва гапларинг ҳукуматнинг қулоғига етиб боргудай бўлса ҳеч ким қолмай, одамзод наслига тааллуқли уруғ-қаёшлари нари турсин ҳатто мушук-сичқонларигача (зеро, уй ҳайвонлари аллақачон қирилиб битганидан сўнг хонадон эгалари билан мана шу жониворларгина аҳиллик ҳамда ўзаро ҳамжихатликда умргузаронлик қилишарди) ҳаммалари сибирга умрбод қаторга қилинишларини, бу нарсалар одамларнинг (мушук-сичқонлар ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатликка эришишгани боис уларга тўрт саҳифали газеталарнинг уч саҳифасида тигиз ҳарфлар билан чоп этилган баланд-парвоз нутку ваъзларнинг ҳам, тўртинчи саҳифанинг ярмидан кўпини эгаллаган ўтган галги нутку ваъзларга меҳнатқашлар муносабатларининг ҳам, саҳифа тугалланишида қора катақларга олинган ўлим хабарлари – некрологларнинг ҳам; тўксон олти саҳифали журналлардаги кимларнингдир шаънига тўқиб чиқарилган ҳамду санолару донолиги бошига уриб кетган тақирбошлар илму урфонининг ҳам; каталоглардаги ранг-баранг почта маркалари-ю хатжилдларнинг кўринишларининг ҳам асло кизиғи йўқ эди) онгини ўзгартириш учун теп-текин тарқатилишини, уташанликлар азалдан қандай бўлган бўлишса бундан буён ҳам шундай қолмоқчи эканликларидан бунга бўйин бермаётганликларини, аммо аслида бўйин бериш кераклигини, бўйин бериш-бермаслик ихтиёрий дейилгани билан бўйин бермаганларнинг бўйини қайириб олиш ҳар қандай ихтиёрийликдан ташқаридалигини, шундай қилинаётганини, шундай қилинганини, шундай қилинажagini, шу сабабли манави ортиқча юк нарсаларни тахлам-тахлам, боғлам-боғлам ҳолда асраб-авайлашга мажбурлигини, бир кунмас-бир кун бунинг савол-жавоби бўлиб қолиши мумкинлигини қуйиб-пишиб, ўзиям кўзларидан ўт чақнаб, ўзиям йиғлаб

юборай-йиглаб юборай деб айтганидан сўнг раҳматли чолу кампирнинг ўтакалари ёрилаёзиб, ёлғиз фарзандларига осон эмаслигини, унга ҳам кийинлигини, кийин ишга бош сукиб кўйганлигини, энди қолсаям бир бало, кетсаям бир бало эканлигини ҳис этишган; кўп сиқилиб соғлигини йўқотиб кўйма, дея унга далда беришган; шунака-шунака ишлар ҳар-ҳар замонда бўлиб туришини айтишган; гап нимада эканлигини фаҳмлашганидан сўнг кўча-кўйда, йўл четларида ётган ёки биров унутиб қолдирган газета-журналлари ҳам бирон фалокатни бошламасин, деган ҳаёлда уйга кўтариб келадиган бўлишганди.

Энг кизиги, Уташан манзилига ҳеч кимга тегишли бўлмаган газета-журналлар, каталоглар, китоблар ёғилиб келишининг тобора кўпайиб боришида эди. Нега бунақа эканлигини ҳеч ким тушунтириб беролмасди. Уруш йилларида ҳам бунақа эмасди. У пайтларда почтачининг йўлига кўз тутганлар кўп, ҳар қандай ҳовлида қувонч ҳам, аза ҳам унинг сумкасидан чиқадиган учбурчак хат туфайли содир бўларди. Урушдан кейин ҳам ўн-ўн беш йиллар бунақа бўлмаганди. Одамларнинг ўзлари сўраган, обуна бўлган нарсаларгина келар, аниқ-тиниқ манзил, исм-шарифи тўлиқ ёзилган хат-хабарлар эгаларига етказиларди, холос. Кейин-кейин эса манзил Уташан деб ёзилган бўлса-да, на эгаси, на кимники эканлиги кўрсатилган газета-журналлар оқими кўпайгандан кўпайди – тарғибот-ташвиқот учун аялмаган маблағ. Одамлар эса мана шунақа текин нарсалардан қочгани қочган эди, зўрлаб ҳам қўлига тутказиб бўлмасди – э, нима қиламан, қўйинг бошоғригини, билганимиздан билмай юрганимиз яхши, бир кунмас-бир кун фалончи олиб ўқиган эди деган гап чиқиб қолса, сўроғи бордир, давлат текинга нарса бериб кўядими.

Юнус почтачини ташвишга солган нарса ҳам шу эди – Уташанга текин оқиб келаётган нарсаларнинг сўроқ-жавоби. Энди иши жонига тегадими, меъдасига тегадими – фарқи йўқ, зиммасига абадий тушган. Шу сабабли, уни бировга топширолмайдди – уларни ҳисоб-китоб қилиб бўлмаса; тарқатиш керакми, сақлаш керакми, аниқ кўрсатма бўлмаса – нима қилишни билмай бошини қотириган нарса ҳам шу эди. Энди, айниқса раҳматли кизи, унга кўшилиб Ойтош буви, бу ишингизни кўйинг, соч-соқолингиз оқариб нафақага чиқиб ҳам бировларнинг эшигида сумка кўтариб юрасизми, деб бот-бот хужуж қилиб қолишларининг ҳам фойдаси йўқлигини ҳам сабаби шунда эди – номаълум-мавхум бетиним оқим. Орада қизи ўлиб қолди. Боёқкиш ўз-ўзидан сиқилиб қайларгадир кетиб қолгиси келишини ҳам Ойтош буви пайқаб юради. Қайга ҳам борарди? Ҳадемай абадий борадиган жойига чақиришсагина бу балолардан қутулолмаса, бу дунёда қутила олмайдиган кўринади. Кўпинча у уйга камалиб олиб ҳеч қаерга чиккиси келмайди. Илож йўқ. Ойтош буви ноилж уни почтахолага бориши кераклигини эслатади. Шундан сўнг биров мажбурлаётгандек зўр-базўр ўрнида туради, бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасини елкасига иларкан, у ёққа охириги марта бораётгандек, бундан кейин биров отиб юборсаям бормайман, деяётгандек Ойтош бувига илтижоли қарайди. Ойтош буви ундан нигоҳини олиб қочади. “Энди бораверинг, энди фойдаси йўқ. Шу зормонда почтачилик сумкангизни раҳматли қайнота-қайнонам борлигида ташлаганингизда, бир гап бўлгандаям уларга суяниб амаллаб чидаб кетардим. Энди боринг, менинг ҳам юрагим сизники каби титраб туради. Бирон-бир гап бўлгудек бўлса, на сиз, на мен чидай оламиз – суянадиган ҳеч кимимиз, таянадиган ҳеч вақомиз қолмаган. Шу бориб-келишингиз далда бериб турган экан, энди боринг”.

Ойтош бувининг мижжаларида ёш халқаланади. Ичидагиларини овоз чиқазиб айтолмайди. Қандай айтсин, боёқкиш эрига нисбатан кўнглини гина, алам, маломат тамоман қоплаб олган бўлса. Унгаям осон эмас-ку, шунча ёшга кириб ақалли

бир кун ўзи учун яшай олмаган бўлса, ўз кўнгли хохишига қараб бир кунгина яй-раб-яшнамаган бўлса; буларнинг барчасида тахланиб ётган тахлам-тахламлару боғланиб ётган боғлам-боғламлардан ташқари яна аллақандай кўзга кўринмас, кўзга илганмас нималардир мавжуд бўлса керак. Боёқиш ёстиқдоши зўр-базўр оёғини судраётгандек ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари тушдан сўнг бориб почтани олади. Хат-хабарлар, газет-журналларни эга-эгаларига таркатади, улгира олмай қолганларига эртаси куни боради. Уйга сўраб келганларга Ойтош буви бериб юборади, шу сабабли уям қайси газет-журнали қайси хат-хабарларнинг қаерда турганини беш қўлдай билади. Қолгани қолаверади.

Ойтош буви беҳуда ўй-хаёллардан ўзини халос этишга чоғланди. Йўқ, подажойга тезроқ чикмаса бўлмайди. Майли, сигир-бузоқ хайдаб чикмасин; майли, эчки-улоқ хайдаб чикмасин, аммо подажойга чиқиб бормаса бўлмайди. Раҳматли қайнонаси мол-қолларини эрта сахар подага кўшиб келганида нақадар шодон, фэйзли кўринарди. У қунлар илий бошлаши биланоқ бошқа уташанлик аёллар сингари ташвишга тушиб, гоҳ ун, гоҳ ёғ ҳақида гап очиб қолади. Илгаригидек сув тегирмонида тортилган қайроки бўғдой уни бўлгандайди, дея қаёқдаги гапларни гапира бошлаши билан қайноғаси унинг оғзига уриб, ношукрчилик ҳам эви билан эканлиги ҳақида қаттиқ-қаттиқ гапирар, жойига ўтказиб қўярди. Кейин барибир айтганини қиларди. Қайнонасининг чалпақпазонга олиб чиқадиган чалпагига оғзи текканлар кейинчалик, кўча-кўйда тўқнаш келиб қолишсаям, бошлабсиз-а, дейишса, шунинг ўзи кифоя – фалончи-пистончи мактаб-мактаб епти, дея боши осмонга етиб юорди.

Уташанда ота-боболари замонидан қолган турли-туман урф-удумларнинг барчаси азалдан чорва билан боғлиқ бўлиб келган. Авваллари чорвани отарларга қайтариш байрами ўтказилган бўлса, Ойтошнинг кизлик даврида уташанлик аёллар эрта баҳордаги подани далага чиқариш, подажой танлаш мавсумида товоқ-товоқ чалпақ пишириб кишлокнинг каттадан-кичиги йиғиладиган ажриқзор бўзқирга олиб чиқишар эди. Ғир-ғир шабада эсиб турган бўзқирда дастурхон ёзилиб, жой қилинарди. Ўша дамларни, ўша қирларни, ўша шабадаларни эсласа унинг юраги орзикиб кетади. Кўз очиб юмгунча уларнинг барчаси қайга йўқолиб қолдйкин? Йўқ, ўша қир; ўша ажриқзор; барчаси жой-жойида турибди. Уташаннинг азалдан Рухо шамоли сингари ғир-ғир эсган шабадаси ҳам ҳеч қаёққа бош олиб кетгани йўқ, сиртдан бевафо кўрингани билан дайдибадал фёъл-атвори сингари манзил-мароҳилига ҳам содик қолган. Аммо уларнинг барчаси ўшандаги сеҳр-таровати, жозибасини секин-аста қайларгадир ташлаб юборишгандек туюлади; ҳамма гап ёнгинасидан оққан сув каби оқиб ўтиб ўзи орзу қилган катта дарёларига, уммонларига етиб боролмай қумлоқлар ва палахсаланган тақир ерларга самарасиз сингиб йўқолган ўша дамларда эканлигини Ойтош буви идрок этолмайди, бунга ишонолмайди. У дамлар Ойтош бувиға бевафалик қилдим ёнки у ўша лаҳзаларга содик қололмадим – бу ҳақда ўйлашни ҳаёлига ҳам келтирмаса-да, вақт ўтиб, соч оқлари кўпайиб, ажинлари чуқурлашиб, бели букчайиб боргани сайин у ўшандаги ҳар бир кичкина воқеа-ҳодисани ҳам энди муҳим ва ўзига қадрдон, азиз нарса сифатида эъозлаб эслашни истарди. Ҳа, ўшанда Уташаннинг энг кексаси олдиға қўйилган товоққа ҳар бир хонадондан чиққан чалпақлардан шу ернинг ашурали қайвониси битта-битта ташлайверарди – Ойтош бувининг димоғига доғланган зигир ёғнинг хиди урилиб, танглайида ун ва туз, сув ва ёғнинг омукта таъмини ҳис этади, беихтиёр тамшанаркан, кўзёшлари қуриган кўзларида нам пайдо бўлади. Кўз ўнгида аллақачонлар тупроққа қоришиб қабридан неча бор ўт-ўланлар унган қариянинг бу чалпақлардан



бир чимдим-бир чимдим олиб, тишсиз оғзида узок вақт айлантирганича мик этмай ўтиравериши келиб, беихтиёр сочларига толпопуқлар таккан ёш қизалокқа айланади; унинг бобоси бўлган қария ўз фонийлигининг бокий эканлигига талабгор ўларок бунака чалпақлардан қўша-қўшасини оғзига тикқанича ямламай ютиб юборадиган гурсиллаган пайтларини эслаганича тишсиз оғзида ун ва туз, сув ва ёғнинг омухта таъмини тамшанади.

Наби муаллимнинг айтишича, Уташандаги бунака удумлар одамлар мол туёғини кўпайтириш, боқиш ва асраш учун яйловлардан мавсумий тарзда кўчиб фойдаланадиган кўчманчилик даврларидан колган экан. Бу гапларни айтаётганида Наби муаллимнинг ҳам дамдўз-индамаслиги йўқолиб, аллақандай бошқача сўзамол-билгичга айланиб қолади. Тавба, одам зотиям қизиқ-да – бир қарасанг ундай, бир қарасанг бундай; бир қарасанг донога ўхшаб кўринади, бир қарасанг ғирт бефаҳм ҳайвоннинг ўзи – фаҳмлаб-фарқлаб олавер иннайкейин. Наби муаллим жудаям кизиқиб кетганида оғзининг икки четидан тупугиям сачраб кетади – бечора; кўзларини ярим юмганча узок-узокларга қараб олади – тассаввур чизиқлари; сўзлари мавҳумлашиб бораверади – бегона тил; кейин туйқусдан ўзига келиб колгандек бирданига тўхтаб теварак-атрофга ҳадиксираётгандек аланглаб қараб кўяди – ҳаёт.

Ҳаёт бошка. Шу ҳаёт уни яна ўз ҳолига қайтаради. Э, дейди бир кўзини юмганча хижолатли илжайиб, бекорчи-бехуда гапларни кўп гапириб кўйибмиз-ку. Эшагига миниб олгач, Наби муаллим яна ўша Хумдаги жайдари-гўпори хумликка айланади. Ҳализамон айтганлари ёдидан батамом кўтарилиб кетади – сўрасанг ҳам билмасам дегандек кифт қисиб тураверади. Майда-чуйда, ўтин-чўп, тирикчилик ғами яна энг катта муаммосига айланади.

Ойтош буви шунисига ҳайрон – Хум тепалигида кеча-печаси айланганида бу боёқишни жин-пин чалиб кетмадимикан, деб ўйлайди. Ахир ўзиям айтади-ку, бунака гаплар ҳеч қанака китобларда ёзилмаган деб. Китоблардаки ёзилмаган экан, унга ё фаришта айтган ёинки шайтон шипшиган ёки жин чалган бўлиб чиқади-да!

Ҳа, майли, ишқилиб боши омон бўлсин, бола-чакасининг бахтига яхшими-ёмонми, олди бўлмасаям, орт бўлсаям оёғини судраб эшагига хала босишга яраб юргани тузук. Худо кўрсатмасин, унга бир нима бўлгудек бўлса хотини оғзининг танобини йиртиб минг урчуқ айлантиргани билан жодидай даҳан очиб қарсиллатиб кесаман деб турганларга нима тутуди? Э, Худо...

Ҳа-я, сўна теккан пайтларда ўлганнинг устига тепган бўлиб подага қўшилган эчки-улоқлар ҳар ёқларга тарқаб кетаверса, ўзи шусиз ҳам жони бўғзига келиб турган подачилар, жардан думалаб кетди деб, битта-яримтасининг бўғзига пичоқ тортиб юборишдан ҳам тойишмайди. Ўзи бу эчки-улоқларни подага азалдан кампирлар ҳайдаб чиқишган. Раҳматли қайнонаси ҳам олдида туккан-туғишганидек бўлиб бир-икки эчки улоғи билан айланиб юрмаса қўнгли жойига тушмасди. Бу эчки-улоқлар қайларгадир санғиб кетса ёки подадан ҳаяллаб, қайнонасининг дову дунёси қоронғилаша бошласа, қайногаси дарҳол ўша ўзи билган хангомасини бошларди.

“Аё, шоҳим, эчким йўқолиб колди, айтинг топиб беришсин”.

“У йўқолган чоғда ўзинг қайда эдинг, кампиршо?”

“Аё, шоҳим, шундоқкина ёнимда ўтлаб юриб эди. Мен ҳам унга боқиб ўлтириб эдим, бир маҳал мудроқ босиб бир зумгина ғафлатга кетибман, кўзимни очиб қарасам эчким йўқ – аё, шоҳим!”

“Э-ҳа, кампир; ва-ҳа кампир, ахир сен ғафлатга ботмай эчкингга кўз-қулоқ бўлиб турмогинг лозим эмасмиди?”



“Аё, шохим, тўғри айтасан, не қилайки, мен сени мулки мулкатингда, салтанатингда ҳушёр-огоҳсан – кўзинг очик, ғафлатга ботмагасан, деб ўйлаганимдан шу аҳволга тушиб ўтирибман”.

Қайноғаси раҳматли бу хангомани айтаётганида кампир тилидан кампирга ўхшаб қалтираб-титраган, ожиз-нотовон сўзласа; шохнинг гапларига келганда унда қандайдир ҳашам, сервикорлик пайдо бўлар, ўзиям қовоқ уюб, тумшугини кўтариб олар, ҳаттоки ўз кампирига ҳам жуда беписандлик билан қарай бошларди. Бу хангома ўзига тегишли бўлмаса ҳам, қайноғаси қовоқ-тумшугини осилтириб дарҳол араз уриб олар; сизгаям, бошқагаям, ҳеч кимга ялинмайман, эчки-улоғимнинг ҳам ақли етиб қолган кимнинг қанақалигига, ҳализамон ўзлари кириб келиб қолишади, дея ичидан қиринди ўтаётганини билдирмай аччиқ-тизик гапларни айтгани сайин қайноғаси хоҳолаб қуларди. Хўп ажойиб одамлар ўтиб кетишди-да. Қайноғаси ақлини кўрсатмоқчи бўлгандай, дарҳақиқат, қайлардандир санқий-санқий текин емиш ҳамма жойдаям топилавермаслигига ишонч ҳосил қилган эчки-улоқлар балаганча эшиқдан кириб келишарди.

– Ана-а айтмадимми, – дерди қайноғаси чехраси ёришганча.

Жони бор нарсалар эди-да, гўристонга ўхшатиб юбормасди ҳовлини мана бу тахлам-тахламлару боғлам-боғламларга ўхшаб.

Ҳа-я, сўна теккан пайтларда подачилар ғазаб устида бўғизлаб юборган эчки-улоқларини эғаси жанжал-ғишава қилиб юрмасин деб, кампирларга ташлаб кетавергач (ким ҳам менинг эчки-улоғимни кампирларга бериб юборибсан дея оларди!) улар уни момоулоқ деб атаб, шу-шу Уташангагина хос удумга айланиб кетган экан. Бунақаси бошқа жойларда учрамаслигининг боиси ҳам шунда экан. Уташанлик кампирларнинг гўшт егилари келиб бу удумни ўйлаб топишгандир, деган гап-сўзлар ҳам чиқиб қолиши асоссиз кўча гаплари экан.

Бировларнинг айтишларига қараганда, қадим ўтмиш замонда уташанлик бир подачи қариб қолган онаси уйда ёлғиз зерикиб ўтирмасин деб, тенгқур кампирларни чақириб келиб, уларга улоқ сўйиб бераркан. Шу улоқнинг гўштини пишириб еб, хангома қилиб ўтиришларини сўраб ўзи пода боқишга кетар экан.

– Улоқ гўштига кампирлардан бошқа ҳеч кимнинг оғзи тегмасин, – ўша подачи таёғини қўлга олаётди онасига қаттиқ тайинларкан. – Нега деб сўрашса, бу момоулоқ экан дейсиз.

Кампирлар подачи ташлаб кетган улоқ гўштини пишириб ейишиб, подачининг онасини пода қайтгунча зериктирмай, у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтиришаркан. Кўз кўриб-қулоқ эшитмаган ҳар хил воқеа-ҳодисаларни ҳам уларнинг оғзидан эшитиш мумкин экан. Подачи қайтгач, онаси кун бўйи кампирлар билан қилган момоулоқ гурунгини ўғлига айтиб бераркан. Шунинг учун ўша подачининг ҳам дунёда билмаган нарсаси қолмабди ҳисоб. Шу-шу подага майда туёқли жониворларни кўшадиганлардан навбатма-навбат улоқ олиб кампирларга сўйиб бераверибди. Бировнинг онаси, бировнинг бувиси – ҳеч ким бенасиб қолмаганидан, бунга қаршилиқ қиладиган топилмабди. Шу-шу кампирларга аталган улоқнинг номи момоулоқ бўлиб кетибди.

Ойтош буви энди уйда ўтиролмай қолди. Шоша-пиша қалишини оёғига илиб ташқари йўналди. Ҳовли эшигини ташқаридан илгагини илди-да, Юнус ота кетган ҳовуз томоннинг тесқарисига йўл олди. Уташаннинг кунботар томонидаги бўз тепалик подажой. Эрталаб пода шу ерда йиғилади. Қуёш энди уфқдан бош кўтараётган пайтда Тўйчи подачи ирғай таёғини боши узра айлантриб, “хай-хай”лаганча подани узоқлардаги далаларга ўтлатгани олиб чиқиб кетади. Шу билан қуёш ботаётган

маҳали қайтиб олиб келади. Сўна теккан маҳалларда қийналиб қолмасин деб, бўз йигитчалар у билан бирга далага чиқишади. Бу поданинг кўпайиш даври – ғўнажин кўзини сузган, буқа ипини узган.

Ойтош буви подажойга етиб қолаёзди. Авваллари бу ерга мол-ҳол ҳайдаб келган бўлса-да, анча олис деб тасаввур этиб юраркан, ҳозир эса бунчалик яқин эканлигидан ҳайрон қолди. Раҳматли қайнонаси тол хивични ўйнатганча қаршисидан чиқиб қоладигандек юраги орзиқиб кетди. Онаси, бувиси – барча-барчаларини тасаввур этди. Яна кимлар эди, эсингдами Ойтош?!

Узоқдан оқ доқа рўмол ўрашган бир қур кампирларнинг подажой четидаги, аллакимнинг чирмовиклар билан ўралган томорқаси этагида кўчага шох отган жийдаси соясида оқ лайлақлар каби кўниб ўтиришганига Ойтош бувининг нигоҳи тушди ва қадамини тезлатди.

Ҳа, булар ўз даврадодлари эди. Подачини подаси билан далага кузатиб ўзлари ажриқ устида нималарнидир гангур-гунгир гаплашиб ўтиришарди. Куёш тиккаламай қиялаб кўтарилаётгани туфайли аллакимнинг кўчага шох отган жийдаси соясидаги кампирлар гурунгига қизиқиб, у ёқ-бу ёққа сурилишни ҳали-хануз ҳаёлига келтирмасди.

Ойтош буви улар билан кўришиб-сўрашди. У ёққа-бу ёққа сурилишиб, кампирлар Ойтош бувини ҳам ўз давраларига олишди. Кейин уни ўзлари билан биргаликда бу ерга келмаганидан пича домангир бўлишди-ю, дарҳол подачи билан ораларида бўлиб ўтган барча гап-сўзларни окизмай-томизмай айтиб беришди.

Маълум бўлишича, улар бу ерга етиб келгунча йўл-йўлакай подачининг таъзирини бериб қўйиш лозимлигини муҳокама қилиб олишипти. Бу бетини сиқиб қонини ялаган бирорта савобталабга “Улоғингиз кампирларга момоулоқ бўлди”, деса ҳаммаям жон-жон дейди-ку, шу сўзни айтиш учун тилига тирсак чиққанми ё, деган гапларни ҳам шартта-шартта подачининг бетига айтадиган бўлишипти.

Аммо на подачи билан кўришиб жийда соясида қолган гапларни муҳокама қилишаётган кампирлар, на момоулоқ ҳақида ўйлайвериб уйда ўтиролмай қолганидан бу ёққа чиқиб келиб, уларнинг даврасига ҳозиргина қўшилиб ўтирган Ойтош буви Уташан тарихида бунақаси ҳали ҳеч юз бермаганини ҳаёлларига келтира олишарди.

Бу ҳол баъзи бировларнинг кўнглини бузиб, намланган мижжаларини артганча бурун тортишга мажбур қилган бўлса, бошқаларини ҳаттоки ғазаблантириб ҳам юборганидан жийда соясида ўтирганларнинг хабарлари йўқ эди. Бу чоғда Уташан кўчаларини вишиллаган илонлар каби босиб кетган миш-мишларни улар ҳаёлларига ҳам келтиришмас эди. Барчаси бир вақтнинг ўзида, Наби муаллим айтмоқчи, барчаси параллель равишда рўй бермоқда эди.

Уташан кўчаларидаги гап-сўзларга қараганда, эмишки, бир оёғи ерда, иккинчиси гўрда бўлиб турганларнинг дунёдаги энг донишманд одамлар ҳам эшитмаган, илгари замонларда текинхўрлар ўйлаб топишган, ҳеч ерда қўрилмаган қандайдир момоулоққа ёпишиб олишлари бежиз бўлмай, нафслари ҳакалак отганидан чидолмай кўчага чиқишган эмиш. Ҳайф асо эмиш. Яна бошларига азага бораётгандек оппоқ доқа рўмолларини ташлаб олишгани-чи, буни нимага йўйишни ҳам билмасмиш киши.

Подажой четидаги, аллакимнинг чирмовиклар билан ўралган томорқаси этагида кўчага шох отган жийдаси соясида оқ лайлақлар каби кўниб ўтиришган кампирлар эса подажойда подачининг атрофини ўраб олиб, момоулоқни ўз вақтида ташлаб кетмаганини, энди икки ҳафта бурун момоулоқ йиғини ўтказилиши лозим бўлган

Норвиш бувининг хонадони алас-алас қилиниши, дуолар ўқилиши пайсалга солинганини, бирор кори бад юз бергудек бўлса бунга ўзлари жавобгар бўлмасликларини пеш қилишганини ҳозиргина келиб давраларига қўшилган Ойтош бувига айтиб беришаркан, шу асно ўзларининг бундай катта ишга қандай ботинганликларидан ёка тутамлашарди.

– Кейин-чи? – сўрарди Ойтош буви ҳам эртарок чиқиб келмаганига афсусланганича.

– Эртага эрталаб подачи Норвишникига момоулокни етказишга ваъда берди, – деди Қиммат кампир.

Аслида, олдимизга солиб бер, хайдаб кета қолайлик, деб подачини холи жонига қўймай ваъдасини олган ҳам шунинг ўзи эди.

– Бунақаси кетмайди, – дебди подачи ҳам ўз сўзида қаттиқ туриб олиб. – Момоулок удумми, унинг удумлигини бузолмайман, эртага эрталаб ўзим олиб бориб, сўйиб саранжомлаб бераман.

– Тўйчи подачининг эси путун, – деб қўйди Норвиш кампир.

– Эси путунлиги курсин, шу ишни ўз ақли билан қилса бўлмасмиди, – деди Қиммат кампир ўз савъ-харакатларининг чишпақка чиқиб кетмаслигининг олдини олиб.

Ҳилол биби деган, оқилалиги билан кўпчиликнинг хурматига сазовор бўлиб юрадиган кампиршо мавзуни дархол бошқа ёкка буриб, Уташанда бегона одамнинг пайдо бўлгани, унинг бу ерда нима учун муқим қолмоқчи эканлигидан сўз очди.

Бу мавзу Ойтош бувига бевосита дахлдор бўлгани учун у кеча тонгсахарда ўрнидан туриб ошхонада чирокни ёкқанини, чолининг ёдига миробга бориши кераклигини туширганини, кейин чой қилганини, чойни ичиб чоли миробни қидириб чиқиб кетганини... хуллас, Юнус почтачи ховуз қўриқлашга бориб кечаси аллақандай номаълум кишини уйга бошлаб келгани-ю уларга ўзи ширқовоқ пишириб берганигача ҳаммасини оқизмай-томизмай сўзлади. Даврадош кампирлар бу гаплардан аллақачон хабардор эканликларидан ҳечам ҳайрон қолишмади.

– Эшитдик, эшитдик, – камсуқумлигидан ҳамиша четда ва пойгаҳда қолиб кетадиган Ҳофиза хола деган кампиршо бош ирғаганича гап бошламоқчи бўлди-ю, тили айланмай қолиб, шоша-пиша нимчасининг ич чўнтагини пайпаслаб топган туршагининг чанг-чунгини ҳам артиб ўтирмай, оғзига ташлагач, лунжи тўлиб яна равон сўзлай кетди. – Эшитишимга қараганда, Юнус почтачи унга Уташани ортикча мактаб юборган эмиш.

– Мактаса-мактамаса ўзининг кўзи йўқ эканми? – деди Қиммат кампир нигоҳи билан ер қизиб ўтирган Ойтош бувига қия назар ташлаб қўйганча унинг ёнини олаётгандек бўлиб.

– Юнус почтачям нима қиларкин шунақа ишларга аралашиб, ўзи газет-журналларини қаёққа қўйишни билолмай адабини емаган экан-да?!

*Давоми кейинги сонда*

# Юракнинг ёлғиз кулубаси



Авлиёхон ЭШОН

## Муҳаббат

Кўксимга сездирмай кирган оккушлар  
 Кўзлар косасида элтадилар сув.  
 Оппоқ булутларни кийган юрагим,  
 Соғинч дарёсида юзларингни юв:  
 – Муҳаббат келмоқда,  
 муҳаббат – сулув!

Шафақранг кадахга чўмилган булбул  
 Оқшомгул баргидан ёзар дастурхон.  
 Шамоллар силкитган кўк дарахтининг  
 Тилло сандиғидан тўкилади дон:  
 – Муҳаббат келмоқда,  
 муҳаббат – дармон!

Суви қочиб кетган қудуклар ичра  
 Эрийди гуркираб ўсаётган тош.  
 Туннинг шоҳларига ўзини осар,  
 Ғамзада армонлар кўзларида ёш:  
 – Муҳаббат келмоқда,  
 муҳаббат – бардош!

Меҳрибон парилар тегрангда учар,  
 Гул сочиб самовий сурмаранг тахтдан.  
 Кўзимда чақинлар юклаган кема –  
 Умид соҳилида кўтарар елкан:  
 – Муҳаббат келмоқда,  
 муҳаббат – Ватан!

Авлиёхон ЭШОН – 1957 йилда туғилган. Ленинобод (ҳозирги Хўжанд) давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Тунги тиловатлар”, “Қайғу гули”, “Сирли пардалар”, “Кўзгу ичида”, “Райҳоний рангли сувратлар”, “Тавба эшиги” сингари ўндан ортиқ китоблари нашр этилган.

\* \* \*

Юракни ёмғирдай савалар камчи,  
Илохий парвозин чиказди ёддан.  
Кўзин боғлаб дорга судрар аргамчи,  
Бир титраб, уйғонсин мангу ғафлатдан.

Ўти сўниб боргай...  
Ожизимдир ул –  
Бир жондай туймади бахтнинг тотини.  
Тўрт томонга бокиб тополмади йўл,  
Ҳар лаҳза ғуссага тўлди ботини.

Хазондай соврилиб куз адоғига  
Исмини унутди – ким эди ул кун?  
Куймади бесамар кунлар доғида,  
Ҳар эсган шамолга тутказди мулкин.

Ул қачон қаддини кўтаргай ердан,  
Қай куни бағримда ёқар аланга?  
Огоҳ этиб ҳеч ким билмаган сирдан,  
Мени олиб чиқар дордан баландга.

\* \* \*

Сенга етмоқ бўлиб, югурдим хориб,  
Юракда бир махзун соғинч бор – ғариб.  
Кўнглимни тутказиб қайтдим юракка,  
Лекин, ишқ чиқмади кўксингни ёриб,  
Кўзларим қайгудан кетса-да оғриб.

Кўнглимни тутказиб қайтдим юракка,  
Не ажаб, сен уни бўлдинг бўлакка.  
Бошимга тошларин ташлади осмон,  
Ой ҳам ипин узиб ботди фалакка,  
Муҳаббат мулкидан қувилдим якка.

Бошимга тошларин ташлади осмон,  
Шамоллар бўйнимга ўралди осон.  
Мен, энди, қай томон чиқурман йўлга,  
Соҳиллар кўринмас, теварак тумон,  
Ковушим ичида ғичиллайди қон.

Мен, энди, қай томон чиқурман йўлга,  
Ахир, ёр олмади ишқимни тилга.  
Бормикин бу йўлнинг охир-адоғи,  
Шарҳлаб берай десам холимни дилга,  
Ёниб, бошдан-оёқ беландим қулга.

## Бир ҳовуч чўғ

Ҳаёт – гулхан, юзларимга  
 Тушди иссиқ сояси.  
 Вужудимни чирмаб-чирмаб,  
 Ўйнади ўт толаси.

Олов босиб кечди умрим,  
 Ғам келди кул титгани.  
 Бир ховуч чўғ топилмади,  
 Кўнглимни иситгани.

\* \* \*

Ишқ нахрига ғарқ бўлурмиз,  
 Сув юзида ғуссамиз.  
 Елда учган барг бўлурмиз,  
 Хазон ичра жуссамиз.

Чиғаноқдай ёмғир кутиб,  
 Ташна бўлиб ётурмиз.  
 Ҳовуч-ҳовуч сувлар ютиб,  
 Юракни уйғотурмиз.

Дил тубидан дур-жавохир  
 Териб чиқар кўлимиз.  
 Ўзимиздан кечдик охир,  
 Шу эмасми йўлимиз?

Рух учади, ерга эса  
 Тушмайди оғиримиз.  
 Ишқ нахрида бўлдик тоза –  
 Кўринмас зохиримиз.

\* \* \*

*Шунча йилдан буён қаерда эдингиз?*

Сухбатдан

Шунча йилдан буён...  
 Ҳар кун чорладинг,  
 Дилингда ўчмади чўғлар ёлқини.  
 Сен томонга суздим,  
 қайтиб кирғокка  
 Чиқариб ташлади сойлар тўлқини.

Ҳаргиз ўтолмадим, ўзандай чуқур  
 Айрилиқ чизиғи устидан хатлаб.  
 Қайс изин соғинган фироқ даштини  
 Тақдир берган эди  
 номига хатлаб.

Шунча йилдан буён...  
 Қуёшнинг юзин  
 Кўзимдан яширди фалак сояси.  
 Дил ер каби титраб,  
 эзди бағримни –  
 Ғам тоғининг кўчиб тушган қояси.

Умр кечди мажхул фасл сингари,  
 Ёзғирдим қисматнинг қаттиқ қаҳридан.  
 Бори эл  
 бағримга бир тегиб, қайтиб  
 Келмаган шамолдай ўтти наридан.

Шунча йилдан буён...  
 Борми, йўқмидим,  
 Гоҳ ноаён, гоҳ аён зоҳирим.  
 Бир узун йўл эдим,  
 кадаминг тегмай,  
 Уфқка яқинлашиб қолди охириим.

Ҳануз узилмади ишқнинг риштаси –  
 Кўнглумга кўнгул сол, тузалгай захми.  
 Бизни учраштир деб,  
 тиз чўкайлик жим,  
 Зора, келса эди ўзининг раҳми!

## Куй

Тилло тумор кўкрагимнинг  
 Деворига қоқилган.

Дил ёришар – жон иплари  
 Шам мисоли ёқилган.

Сир қолмади – кўзларимнинг  
 Иншолари ўқилган.

Куй томчилар – мусиқанинг  
 Қўшиқлари тўқилган.

Ой – сиймтан, қулоғига  
 Исирғалар тақилган.

Нур тўкилар – юлдузларнинг  
 Чаноқлари чақилган.



\* \* \*

Ер эрий бошлади...  
Ой тўшаб қўйди  
Оёғим остига зангор пойандоз.  
Зангор бўшлиқларнинг елкаларига  
Экилган юлдузлар гуллайди қийғос.

Оқбадан булутнинг майин сочлари  
Илондай ўрмалар билагимга жим.  
Осмон эшиклари юрагим янглиғ  
Маъюс нигоҳингдан очилар сим-сим.

Бир улкан юракнинг ёлғиз кулбаси  
Менга – Ваган бўлур, сенга – манзилгоҳ.  
Уфқ тандирдан узилган патир  
Ўртада ушалар, қайғурсанг гуноҳ.

Қуёшни кутамиз тахтиравонда,  
Гуллар косасида куй чалар бода.  
Қушларин кафтига қўндирган дарахт  
Узун илдизларин ёзар ҳавода.

Биздан бахтиёр йўқ, йиғлайсан, малак,  
Муҳаббат гулларин маҳкам қучоқлаб.  
Пойандоз устидан юриб борамиз,  
Юракни энг баланд парвозга чоғлаб.



Ойгул  
УБАЙДУЛЛА қизи

## Соғинч товуши

### Қаердасан сулув мажнунтол?

Сочларингни тортқилаб сабо,  
Ўйнар эди, жонингга тегиб.  
Кўзларингда қувнарни ибо,  
Кўкламойнинг этаклари ўтса тегиниб.

Яйрар эди яшил кокилинг,  
Майсаларнинг келтириб рашкин.  
Ювмоқ истаб булут тинмасдан  
Тўқар эди кўздаги ашкин.

Эсингдами, сену мен ёлғиз,  
Сирлашардик соатлаб тинмай.  
Осмондаги ҳиллол-сулув қиз  
Кеккаярди назарга илмай.

Юрар эди шамол уялиб,  
Биздан сира сўролма узр.  
Ёқар эди сенга суяниб,  
Ўйлар суриш, бирам бахузур.

Этаклади дил, чорлади шаҳар,  
Дилингда ёш кузатиб қолдинг.  
Изларимдан боқиб тонг саҳар  
Сочларингни узатиб қолдинг.

Кетиб борар соғинч сен сари,  
Дугонажон, сўраб қўйгин ҳол.  
Кўпаймоқда сочимнинг қори,  
Қаердасан сулув мажнунтол?

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) ўқиган. Унинг “Шаҳсувор”, “Ёлғизлик гули” шеърӣй тўпламлари нашр этилган.

## Саҳар палла

Олам мудраб бокди атрофга,  
Тун чачвонин кўтарди бироз.  
Кушлар жўшиб куйлайверишди,  
Дилларида дилбар сарафроз.  
Саҳар ҳарир нафаси билан  
Безайверди олам юзини.  
Ухлар ҳануз мирикиб уйлар,  
Деразалар очмас кўзини.  
Дарахтларнинг иссиқ пинжида  
Ухлаб ётар қуртаклар нози.  
Кенг самода, боғ кучоғида,  
Учиб, қувнар кушлар овози.  
Табиатнинг устидан оппоқ,  
Туман кўрпа қолган очилиб.  
Бир-бирини босиб бағрига,  
Ухлар шаҳар, қишлоқ кўшилиб.  
Кўз юмгани қўймас чирокқа,  
Туни билан пойлоқчи симлар.  
Ҳалқа йўлда кўзи қизариб,  
Зувиллашиб чопар мошинлар.

## Эслайсанми, мени кабутар?

Ташқарида қаҳрли совук,  
Игна санчар жонга аямай.  
Чор атрофни чирмар чирмовук,  
Кучоклаган бағрида тинмай.

Деразамнинг олдига келиб  
Кўнди, маънос оппоқ кабутар.  
Юраккинам кетди эзилиб,  
Товланарди устида оқ зар.

Деразамни очдим. Кўлимга олдим,  
Музлаб қолган экан бечора.  
Нигоҳида мўлтирар умид,  
Тополмайин ҳолига чора.

Меҳр бердим, муҳаббат бердим,  
Қалбгинамдан кечаю кундуз.  
Садоқатнинг донини бердим,  
Кўзларида чакнади юлдуз.

Садоқатнинг донин чўкилаб,  
Ишончимнинг ичди сувини.  
Исиди у меҳрим бағрида,  
Қувдим индан ҳадик – ёвини.

Гапирардим ҳар кун ҳол сўраб,  
Англар эдим икки кўзидан.  
Кетган эди қўркуви нураб,  
Кабутар қолмасди изимдан.

Деразадан каради офтоб,  
Баҳор келди, яшнади олам.  
Ўзини хўп ойнага солиб,  
Кокилларин таради кўклам.

Деразани очиб юбордим:  
“Борақолгин, учакол қушим!”  
Юрагимда сўнгсиз изтироб,  
Тилда эса, ғариб товушим.

Келиб-кетди ойлар карвони,  
Дил соғинчим – очилган дафтар.  
Соғингайдир умримнинг они,  
Эслайсанми, мени кабутар?

### Кечикди

Чорласамда, зор-интиқ бўлиб,  
Келаётган йўлим кечикди.  
Курук ўтдек қақраган вужуд  
Меҳварига дилим кечикди.

Имиллади бахтнинг қадами,  
Кўзга илмай соғинч товушин.  
Ёндирди хўп алам оташи,  
Қийин бўлди дилнинг совуши.

Ўтиб кетди ёнимдан севги,  
Кўз ёшимга парво қилмайин.  
Юз-кўзимга қўнмади кулги,  
Илтижомни кўзга илмайин.

Чорлади дил, ишқнинг нафаси,  
Келганида бўлган эди кеч.  
Томиримда ҳижрон ғавғоси  
Оқиб ётар ҳамон сокин, тинч.

Кўп интизор кутдим қувончни,  
Қийин бўлди қўрмоқ бўйини.  
Ҳали хануз, кўзим ўнгида  
Тугамади қисмат ўйини.

Сабр дилда ўсган теракдек  
Ўрлатади кўкка сепини.  
Симёғочга илинган варракдек  
Узоқмадим тақдир ипини.

## ЎҚИЛМАГАН КИТОБ

Қисса



Наби ЖАЛОЛИДДИН

**М**ардикор бозоридан эрта қайтди. Гузардан иккита нон олди. Рандаланмаган, дағал тахта дарвозанинг осма кулфини очишга бироз қийналди – занглабди. Халқаси шарақлади, ошиқ-мошиғи ғийтиллади...

Тор саҳни ўт босган, олди айвонли икки хонали уйга элтувчи қадамлар изидан ҳосил бўлган майсасиз йўлак сўқмоққа ўхшайди. Ёғочлари қинғир-қийшиқ, қорайган сўртотка тирмашган икки туп ток занги-шоҳлари чирмашиб, сарғая бошлаган қуюқ япроқлари аро майда донали бир-икки шингил узум кўринади. Буталмаган мевали дарахтлар мўл томорқани ўт-ўлан босганидан чакалақзорни эслатади. Ўнг томонда пастак гувалак девор, сўлда мечал бостирма, теграси тунукада ўралган ҳожатхона, этак тараф шоҳ-шабба – чавра билан тўсилган. Айвон устунлари қақшаб, ёрилган. Ўнда ўчок, икки ёнида тоқча. Биридаги қўлбола плитанинг суқмали сими осилиб ётибди. Сўлда ихчам сўри. Қачонлардир оқланган уй девори сарғайиб, кўп жойи кўчган. Тўқ кўк рангга бўялган эшик ва деразаларнинг туси ўнган.

У иш кийимлари солинган қопга ўхшаш халтасини сўрига ташлаб, устига нонларни қўйди. Уйга кирди, лекин нега – билмасди. Уйдан зах анқийди. Полда эски, ранги уникқан тўқима шолча. Токчаларнинг ҳар бирида нимадир бор, аммо ҳеч нима йўқдай хувуллаб кўринади. Икки меҳроб орасида ҳам “новча” тоқча. Унинг “пешонаси”даги миҳга яғир чопон илинган. Меҳробдаги сандиқ билан жовон устида эски-туски увада кўрпа-тўшақлар... Печкага мосланган мўрининг ёнидаги тоқчада турган қопдаги ун бир хамирлик қолган. Қоп остига кўндалангига ярим метрча тахта қўйилган, тагида эса, бир ёнида ғишт билан шапалоқдай тараша, иккинчи томонидаги ғишт устида китоб. Энди эслади: қопни бўшагиши керак, чунки ун қуртлай бошлаганди. Унни пақирга ағдарди. Қопни чангидан эҳтиётланиб, ўрамоқлади. Ғишту тахталарни ташқарига олиб чиқиб ташлади. Уйга қайтиб пақирдаги унда яйраётган дўмбок оқиш қуртларга сарасоф солди. Ким ейди энди бунни? Хотини бўлсайди, элаб-негиб нон қиларди. Ҳеч йўқ сотилиб кетган товукларига берарди... Китобга кўзи тушди: тутантирик қиларман, деб қўлига олди. Пақирни кўтариб, ай-

*Наби ЖАЛОЛИДДИН – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Адибнинг “Ялтизли кеча”, “Хур нидо”, “Сен билан қолмайман”, “Кўнгиш озо”, “Энди қуз...”, “Ўлимнинг ранги”, “Эркаги бор уй”, “Қурб”, “Хайём”, “Тегирмон” номли китоблари нашр этилган.*

вонга чиқди. Китобни ўчоқ бошига ташлади. Пақирни уй биқинига қўйиб, устига бўш копини ёпди-да, гишт бостирди.

У хотини билан бериги хонада ётарди. Нариги хона хос хонами, меҳмонхонами эди. Ҳар ҳолда, бошқа одамларда бўлганидек алоҳида хонаси борлигидан қувонишарди. Қачондир унинг алламбало мебелу жиҳоз-пиҳоз, идиш-товокларга тўлишидан умидланишарди. Буни меҳробга илинган гулли ҳарир энди қирлаб, туси ўзгарган, чанг босган кўзгудек пардалардан билса бўларди. Бу уйдан ҳам зах коришиқ хид анқийди. Уч бўлак шолчанинг туси ўнгиган, қир-чир.

У хобжойини йиғмасди – битта ўзи бўлса, яғирлаган кўрпа-ёстиғини кечда тўшаб, эрталаб ўрамоқлаб юрадими? Бир уюм гўнгдай ғижимланиб ётган хобжойи ёнидаги чойнак билан ичи сарғайган иккита пиёлани олиб, айвонга чиқди. Энди кечки тановулга нимадир пишириши, ҳеч йўқ чой-пой ичиши кераклиги шуурига юк солди. Хотини борлигида ҳам уйда жуда унақа яйраб овқат емасди. Кўпинча корни тўк қайтарди...

Қайси хонадонга бормасин аввал-бошдан оппоқ дастурхон ёзишади. Уринган бўлса-да, покиза тўшақлар солишади. Энг хузурлиси – у иш қилишни билади, овқат қачон пишади, деб ўйлаб ўтирмайди. Чунки тушлик ҳам, кечки овқат ҳам ўз вақтида тайёр бўлади. Емак деганлари бир хилдай туюлади – қуймоқ, мастава ёки шўрва, ош, аммо мазали, уларда масалликдан бошқа яна нимадир бор. Эҳтимол меҳмонга, балки устага, деб пиширганликлари учундир. Уйига ҳамма масаллиқни, ҳатто қўй гўшти келтирса ҳам, ўзи ёктирганидек узоқ қайнатса ёки қовурса ҳам уларникидек мазали туюлмайди. Бирок у бу ҳақида ўйламайди, асли ўйлагулик қурби ҳам йўқ. Билгани – шу ҳолат унга ёқади.

Кўлбола плитага (яхшики ҳозир чирок ёник) оғир қоп-қора чўян товани қўйди. Бир-икки сиким ғўзапояни тиззалаб синдириб, ўчоққа қалади. Ўртасига сув тўлдирилган човгунни тикди. Гугуртни қақишдан олдин тутантирик кидирди. Ўчоқ бошидаги китобнинг туси ўнгиб, теграсидаги рангларга қоришиб улгургани – ғариб-ғариб кўринади. Юпка муковасини қайириб, дастлабки бир нечта варағини юлкиб олди-да, ғўзапоя остига жойлади. Гугурт қақди, қоғоз ёнавермади – ё захлаб қолгани, ёки бирон марта очилмаган варақлар бирварақай ғижимланганидан туташни қийин бўлди. Учинчи гугурт қақишида қоғоз оловланди... Хийла қизиқ қолган товага ёғ солди. Кўзлари ўчоқ атрофида паршон кезинди. Дарвоқе, нима пиширмоқчийди ўзи? Халтасидан тухумларни оларкан, нонларнинг бирини чимдиб оғзига солди. Ширин татида: аччиқ чой билан юмшоққина нонни еб қўя қолса бўларкан. Тухумлар эртага асқотармиди?.. Тухум пиёз билан мазали, қолаверса, қизиган ёғда қовурилганда одамнинг димоғини очади, оғиз чучийди. Қанийди, ҳозир “юз грамм” бўлса! Афсуски, бунинг иложи йўқ. Балки эртага, Худо ярлақаб, бирон ёллағувчи топилса... Пиёзни арчиб, ярмини товага паррақлаб тўтгради-да, пичоқ билан у ён-бу ён селпида: қошиқни қаёқдан топади шу тобда? Иккита тухумни това лабида қақиб, қўшди, пўчоғини оловга ташлади. Яна пичоқ иш берди. Айтгандай туз? Токчаларнинг қаеридадир қоғозга ўроғлик ётарди. Топди. Нондан яна бир тишлам узганда човгун шақирлади. Нонни ямларкан, пиёздан хилолдай тилим кесиб, оғзига олди. Нақадар хуштаём!.. Хом чой қаерда эди-я? Униям топди. Чойнакка бир кафт солди. Сув човгуннинг бағрини ёргудай бўлиб ҳамон шақирларди. Шаштидан олам қуйгулик. Чойнакка қуяётганда ўзини ҳар ён урди. Бу ҳам камдай, чойнакни чўғ четига тикди. Тобиға етди, дедими, бир-икки қайтариб, озгина тин олдирди. Пиёлани салкам тўлатиб қуйгач, чойнакни яна чўкка қўйди. Тўрғам нонни товадаги ёққа белаб, оғзини тўлатиб тишларкан, тухумнинг четидан чим-

диб, пиёз кўшди-да, нонга ошно этди. Ортидан чой ҳўплади. Бунака пайтда гоҳо “ҳалигиндан” ичиб тургувчи эди, не килсинки, кейинги пайтда иши юришмаяпти: мардикорнинг бозори касоддай. Чўнтагидагини йўлкира-ю нонга сақлаб юрибди... Иккита нонни паккос туширганда това ит ялагандай бўлиб қолди. Чойнинг тагини маза қилиб ҳўриллатиб ичди. Орада гугурт чўпида тишларини қовлади. Пешона ва юзидаги резаларни енги билан артиб, айвон четига сурилди. Осмонга боқди. Олам бирам гўзал: ҳаёт деганлари шумикин ё? Шом тимрая бошлаганди. Ўт-ўлану дов-дарахт чирмашиб кетган ҳовлиси кўзига чиройли кўриниб кетди.

Биринчи хотини тузук эди: “Мен отанг туфайли шу аҳволга тушдим, – деди тўйидан кейин онаси. – Энди сен ёруғликка чиқ”. Онаси ёруғлик деганда нима-ни назарда тутганини тушунмади. Ҳамшира келинчакнинг бўйи баста, уст-боши, ахлоки-ю эрининг бағрига кундек ботадиган жихатлари жойида эди. Ўшанда у оламни қайтадан кашф қилди. Ҳаёт кўзига ҳозиргидек чиройли кўринди. Ҳузурбахш тунларнинг бирида хотинидан сўради: “Нега менга тегдинг, ахир сен ўқиган қизсан-ку?” “Менга эмас, дадамга ёқиб қолгансиз”. “Бакувват бола экан, – дея хотини мушакдор елкасига кафти билан чарсиллатиб уриб қўйганди. – Ҳам десанг, уруш кўрган, одамнинг кадрига етади”. Шунака қиб, мана, ёнингиздаман” Тавба, урушнинг бунга нима дахли бор? Кўплар қатори армияга – Афғонга бориб келганди. Аслида бориб келганини ҳам, урушни ҳам ҳис қилмаган. Йў-ўқ, бу хато, тўғрироғи, ҳамма борадиган армияга келдим ва қайтдим, деган. Онаси келинчакни жуда папаларди: “Эрга берган қизимнинг ўрнида қизимсиз”, дея суярди. Ишдан келгунича йўл пойлаб ўтирарди. Келгач, ялаб-юлкаб кетарди. Халатини кунда-кун-ора ўзи ювиб берарди. Отаси кирганда, атайлабми, сўртқок ёғочига ёйиб қўярди. Оппок халат офтобда ялтираб, гўё ҳовлига нур таратарди. Келинчак ҳам масрур эди. Ишдан қайтиб ёки тонг саҳарда уйғонарди-да, супур-сидиру куйдир-пиширга уннарди. Отаси пайдо бўлганида, энди ўйласа, барчалари бир тўхталиб олишар, ҳатто атрофдаги товушлар қоришиб кетгандай туюларди. “Хотин, дея тўнгилларди отаси гапининг бошиданок, – нега қўйларнинг охурини тозалаб қўйдинг, нимага сигирнинг гўнгини тоза жойга ташладинг? Гўнгга қўшсанг бўлмайдими? Охурда ем юки турса, молнинг бўки туёғига илашса – барака бўлади!” Кейин обдон бурни-ни қоқиб, бармоқларини яғир тўннинг ёнбошига артарди...

Ўшанда ерга солинган тўшакларда ўтиришарди (ҳатто сўриси ҳам йўқ эди-да). Шомнинг илк нимтатир каролиги ёйила бошлаганда отаси кириб келди. Салом-аликсиз томоқ кириб, тўшакнинг бир четига чўқди. Этигини счиб, пайтаваларини ёнбошига ташлади. Қўлларини шимиға ишқаганида келини косада овқат тутди. У битта нонни ушатди. Икки бармоғида картошкани тутиб, бир-икки пуфлади-да, оғзига солди. Онаси иккиси бир унга қарашади, бир келинга. Келин оғзини кафтида тўсиб ўтирибди. Ахийри чидамади шекилли, нари сапчиб, ўқчишга тушди. Онаси йиғламсираб, чийиллади, қўлидаги қошиқни синдиргудай чангаллади. У эса, хонада учаётган муаллақ пуфакка ўхшарди. Оғзига ҳар қошиқ солганида гоҳо отасига, гоҳо онасига, гоҳо хотинига қараб қўярди.

Балки хотинининг уйдан кетишига булар сабаб бўлмагандир. Бу ҳақда кўп ўйлайди. Ўйлагани сари фикри чигаллашаверади. Бир куни чироқ шўъласида соя-сига қараб, узун сочларини юлқиб-юлкиб тараётган хотинига кўзи тушди-ю кўйи эврилди. Унинг ҳатто ўзига нисбатан паканарок қўланкаси ҳам гўзал эди. Сочлари соя тусида бўлса-да, толаланиб, товланарди. Ўзи эса, калта енгли гулли ғижим ичкўйлагида шу қадар чиройли кўринадик, беихтиёр тортмали тошойна (трюмо) олиб берсам бўларкан, дея ўйлади. Шунда онасининг гапларини эслади. Армия-



дан – урушдан қайтгандан сўнг анчагача тушунуксиз аҳволда юрди: гоҳ кўрадаги кўйлардек ювош тортигиси, гоҳо катакда димикқан товуклардек бирон шарпани сезиши билан питирлагиси келса, онасини кўрганда дийдаси юмшар, ҳамма нарса ўз ўрнида, аммо фақатгина ўзи ўрнида эмасдек. Шом олдида тиниклашган осмонга, яшил, зангори дарахтларга, юзи тусидаги ерга боққанида, ҳеч бир тамасиз, миннатсиз томоғидан ўтаётган ҳавони туйганида яшагиси келиб кетарди. Икки дунё орасида юрган ўша кунларида онаси бир гап айтди: “Отанг менинг тақдиримни бузди. Мен бошқача эдим, орзуларим оламни кучарди. Болаликдаги кўгирчоғим ҳалиям бор – гард юкмаган. Аммо кўринмас бир нарсани сезмай, алдандим. Отанг ҳар қандай киз орзулаган гавдали, бақувват йигит эди. Икки юзлик миҳни бош бармоғига ўраганини кўрганман. Икки хонали уйга келин бўлиб тушганимдан ҳам афсус-надомат чекмаганман. Фақат илк бор қайнотамни кўрганымда, бутун вужудимда титроқ турган. Томоғимда нимадир ғилкиган. Қорамағиз юзидаги чуқурчаларга гўё минг йиллик кирлар ўрнаб қолган, қўл тирноқларининг ости кўкимтир қорайган. Шимининг ўнг ёнбоши яғирланганидан ялтираб кетганди. Ўшанда ичимда нимадир узилди. Уйга қираётиб бурнини қокқанида эса...”

Ёшлигимизда отангнинг уст-бошини ювиб, ҳар куни эрталаб куёвлардек кийинтириб кўчага чиқарардим. Ҳатто кўйлагини шимининг ичига қандай тикишни, мардикор эмасми, (мен бундан ор қилмасдим) иш жойида кийимларини алмаштирганда, тозаларини қандай тахлаш ёки илишгача ўргатардим. Дадангни ёшлик, хотинлик меҳри билан яхши кўраримдим, билмайман. Аммо уйга қайтганида кийим-боши кир, гижим, тер хиди анкиган бўларди. Ҳар куни шу аҳвол эди. Олдиниға бунга эътибор бермадим, бир фурсат ўтгач, унинг нуқси уйимга, ўзимга ураётганлигини фахмлаб, вужудимда яна нимадир узилди. Биламан, эркаклар, айниқса, жисмоний меҳнат қилганлари, ичади, кучли-кучли овқат ейди – бунинг айби йўқ. Хотинларнинг гапидан тушунганман, баъзиларининг эрлари ичиб келса, “ширин-ширин” бўлиб кетишаркан. Бироқ отангнинг оғзидан анкиган хид чидаб бўлмас даражага келарди. Буям майли, на муомалани, на ёнверига эътиборни биларди. Бутун умрим шундай ўтди. Умидим опанг иккингишдан эди. Тавбаки, тағин адашмадим, шекилли...”

Хотини ҳаммасига чидаётгандек эди. Эҳтимол эрининг бақувват билаклари билан мардона кучишлари, миҳғилашлари унга сабр бергандир. Лекин тирноқ умиди ва унинг кўнгилларида иштибоҳга қовуша бошлагани иккисини икки ёнга итармоққа тушди. Саккиз йил тишларини тишига кўйиб, атрофидаги нарсаларга кўз юмиб, кун кўришди. Хотинининг ҳалати негадир оқармай қолди, тусига шом осмонининг нуқси ургандек эди. Аммо барибир фарзандсизлик доғи енгди. Отаси кетсин, деди, онаси лабини тишлади, у эса, нима дейишини билмади. “Мендан рози бўлинг, – деди хотини кўч-кўронини олиб кета туриб. – Бу уйга келиб, на отангизнинг, на онангизнинг ва ҳатто сизнинг бирон марта таҳорат олганингизни кўрмадим. Бизнинг уйда ҳеч йўқ катталар саҳар туриб таҳорат олишади, шомда яна покланишади, намоз-памоз ўқишади, лекин сизникида... Балки Худо бизга шунинг учун ҳам фарзанд...” Ва кетди, жигар-жондошлари қуршовида нурдай бўлиб машинага ўтирди-да, кетди.

Кўп ўтмай, отаси қазо қилди. Онаси билан ёлғиз қолди. Хотини борида бола-сизлиги ҳам унга билинмаганди. Мана, энди дунё ҳувуллаб, ҳеч нарса татимайдиган бўлди. Ҳар кеч уйга келганида, ёзми-қишми, анов-манов хидлардан олдин димоғига дўхтирхонанинг бўйи урарди. Бу унга хуш ёкарди, уйда унга яқин ва ҳаловат бергувчи нимадир пайдо бўлганди. У ҳар кунини енгиб, ўшал ҳид, энди билса, хотини сари ошиқарди.

Онаси жон таслим қилар онаида, “Туғмаса-туғмасин, хотинингни олиб кел, – деди, –

сенга одамлигингни эслагиб туради!” У эса хотиним аллақачон эрга тегиб, болали бўлибди, деёлмади. Онасини аяди, ҳеч йўқ нариги дунёга умид билан кетсин-да...

Мана, энди ёлғиз: Худо ва тушуниксиз хувуллаган дунё. Ҳаёт деганлари ҳар куни бўғзини тимдалайди. Йўқ, оч қолганлигидан ёки ўзини боқолмаганлигидан эмас, яна бир куну тунни кимсасиз қаритишга маҳкумлигидан. Шундай пайларни тўни билан шимининг ўнг ёнбоши яғир, вужудидан нос, тер ва яна неларнингдир хиди анқиган отасини, ундан безган, лекин бир умр у билан яшашга чидаган, аммо бировга тиш ёрмаган шўрликкина онасини эслайди. “Она”, дейди инграниб ёлғиз, “Ота”, дейди тўлғониб.

Уч йил ўтди: бир куни опаси кириб келди, “Мен сенга хотин топдим, – деди, – полвоғина, кишлоқигина. Анови сатангинга ўхшаб оқ халатини аяб юрмайди, кепатаси курсин. Нима берсанг еб, нима буюрсанг қиб кетаверади. Бир айби – уч ёшли қизи бор. Шунисиям тузук, болам йўқ, деб куюнмайсан. Уй-жойингни эпакага солади, тагин сениям пўрим қиб кўяр”. У индамади. Нимаям десин? Хотинини, умуман, хотин зотини соғингани рост. Фақат унга ким ҳам тегарди. Элнинг, “биринчингдан қўямасин”, деган гапи бор, янгиси ҳамширасига ўхшармиди? Опасига тайинли гап айтмади. “Мен яна келаман, – деди опаси, – ота-онамнинг арваини чийиллатмай десанг, памингни ишлат”. Кўп ўтмай, опаси яна келди. Кенг, гули чаплашган кир қўйлагининг этагини сиқимлаб ўтирди-да, ғингший бошлади: “Поччанг сениям ашейга обориб кўяман, деб сўқади. Уйланмаганингда орият қилади-да! Бўлмаса, ош-нон берган хотинини... Билиб қўй, пинна, аши қизга уйланасан, тузукми!” Опасининг учинчи қистовидан кейин рози бўлди.

Уйига қизли келин тушди. Олдинги рўзғоридан қолган кўч-кўронини бериги уйга тикишди. Нўхотдеккина қизалоғининг устида яп-янги кийим-бош. Туз-намак худойидан сўнг эл юки бир-икки одам ҳам ҳовлини тарк этди. Опасининг етовида бериги уйга ошиқди. Бироқ димоғига дўхтирхонаникига ўхшамайдиган, хотинларнинг кир сандиғини эслатувчи хид ўрнади.

Ширинтатим бир неча ой давом этди. Сўнг хийла сўлжайиб бозорга чиқди. “Мехнат биржаси” сўлжайишни хушламаганидан, иши юрмаса-да, кўнгли хуш юрди. Опасининг унияем, қорасиям ўчди. Иккинчи ойдан қозон тақиллай, томоқ-курсак вақиллай бошлади. Олтинчи ойга ўтиб, нўхатдеккина қизалок “дада” деди. У меровсираб, мундай айтганда, ёввойиларча яйради. Кимдир унияем илк бор “дада” деди. Овунди, қизалокни қучди.

Мардикор дегани ичади, кучли-кучли овқат ейди. Акс ҳолда, тез синади. Уни кўради, буни кўради, борни кўради, йўқни кўради. Имонсиз, ҳаёсиз мардикор “ов” қилади: қайсики хонадон пардасиз ёки ҳадсиз бўлса, ҳақда ҳам, ишда ҳам “отади”, ашаддийси аёлларни пойлайди. Шунинг-чун бегона кўз, деган гап бор. У ҳақда ҳам, ишда ҳам бировни “отмаган, отмайди”. Хонадонларнинг аёлларига-ку, ичида зир титраб, ютиниб-ютиниб қўйгани билан, ола қарамайди. Қарагиси келади, юраги дов бермайди, кўрқади. Бировдан эмас, ўз қилмишининг оқибатидан. Баъзи мардикорлар бўш қолишганида “мехнат биржаси”да ўтирволиб, “Бир-икки кунда қизи илашди, хотини илашди, жон деб турган экан”, қабилида вайсаб қолишади – бири рост, бошқаси ёлғон. Уни “илашмаса-чи”, “жон деб” турмаган бўлса-чи, деган саволлар кўрқитади-да, жим юришни афзал билади. Бу имон “хуружи” эканлигини у қаёқдана билсин!.. Айрим соҳиблар ҳар куни кечки овқатдан олдин, бошқалари иш якунлангач, кетар жафосига арақ билан сийлашади. Умуман арақ қўймайдиганлари ҳам учраб туради. Унақаларга рўпара келса... Хуллас, ўша кеч ўз пулига ичди. Довдираб-совдираб, орада сассиқ кекириб, уйининг остонасини хушламайроқ хағлади.

Шомнинг сўнги узук-юмуқ нурулари айвондаги қизғиш-сарғиш чирокка буткул ён берган, ҳовлиси шугина ёрукка ҳасад қилгандай хўмрайди. Нотекис саҳн оёқларига ботаётгандай. Хотини кўринмайди. Унинг қаёқдандир отилиб чиқишини, “яхши келдингизми, дадаси?” дея бўйнига қўл солишини ва ундан хуш бўй уфуришини истади. Айвон бўсағасида бир муддат тинди. Аммо хотинининг шарпаси ҳам сезилмади. Хиёл бўшашиб, уйга кирди. Чирокнинг ёруғи кўзни камаштиради, хотинининг юзи багтар захиллашгандай кўринади. Қизалок эса лаби учган чинни косадаги ёвғонни орқаси қорайган чўян қошиқда хўриллатиб ичарди. Ҳатто арақнинг шаштини кесиб, димоғига нохуш хид урилди. У тебраниб кетди, андармонлик илинжида хотинига умидвор тикилди. Ишлаган қушлари қорни тўйиб қайтарди, бу ҳолга кўниккан хотини унга овқат олиб қўймасди. Аслида-ку жирли овқатлардан сўнг уйдаги шилдираган, қозоннинг туби кўринган егуликлар кўпам томоғига хуш ёқавермасди. Хотинининг туссиз қўйлаги, ялпайиб турган чигал сочлари кўзига хунук кўринди.

— Овқат ичасизми, дада? — деди қизалок тоғдай одамга мўлтираб.

Хотини шунда ҳам бирон ҳаракат қилмади. Балки ҳеч йўқ бир сўз айтганида... “Мен сенинг даданг эмасман!” деди-ю шахд бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. Хотини оғзидагини ютолмади, қизалок йиғламсиради... Неғалигини билмади-ю, олдинги турмуши тез-тез эсига тушадиган бўлди. Биринчи эри уни “полпис, искирт”, деб кўп сўқарди, ўтирганини кўрса, оёғи билан туртиб ўтарди, жеркиб қўйишни ҳам унутмасди. Унинг қилиқларини, “Ҳа, энди эр-хотин ўртасидаги иш-да”, деб аввалига унчалик эътибор бермади. Бу ахвол мунтазамлик қасб этгач, аразлайдиган одат чиқарди. Эри четин (покиза, озодаликка эътибор берадиган) одам эди. Келинлигида ҳар қуни дастурхонга ўтираркан, пиёланинг лабини бош бармоғи билан артар, агар иложини топса, сочикнинг тозалигига ишонса, ювгандай обдон ишқаларди. Энди-энди фахмляптики, эри сочикларни ҳам танларди. Қўлини ювиб, ҳеч қачон ёғли сочикка артмасди. Мабодо иккиланса, артгач, қўлларини хидлар, ёғ хиди келса, қайта юваркан, тоза мато кидириб қоларди, тополмагач, кийимларининг ўзига энг покиза билган қисмига уриб, ишқабми, қуритарди. Нега шундай одамга танмахрам бўлганига ҳалиям тушунмайди. Ўйласа, эрининг жуда унақа ортик жойи йўқ — институт-пийнститутни битирмаган, ёзда фермерлардан ер сотиб олиб, дехқончилик, қишда коллежда гўлаҳилик қилади. Гўлаҳи — ўт ёқувчи, дегани. Бундайроқ айтилса, энг “қора ишчи”, “ўзим қалман, лекин кўнглим нозик”, деб шунга айтсалар керак-да. Шу одам сочик танларди. Кийим-бошигаям жуда қарарди. Кўрпа-ёстинига-ку қўяверасиз. Шундай одамнинг пешонасига битгани қариндошчилик ришталаридан эди. Буни аввалига англамаган бўлса-да, кейинроқ тушунди. Ўзбекда холами, аммами айтади-ку, “шу қизга уйланасан, тамом!” деб. Бўй етган қизларнинг эса хунуги бўлмайди. Киши олдини-га ҳамма нарсани “кўз очиб кўрганидан” топади: кечагина кўча чангитиб, чиройли қизларга ола қараб юрган, ҳар хил кино-пинолари, ҳозир эса, клип-пипу телефон оҳанг-жамаларини кўриб, эти қизиган бўйдок йигит учун янги дунё очилади. Мабодо у кишлоқ йигити бўлса, “кашфиётлар”дан икки қарра масрурликни ҳис этади. Навкиронликнинг, хоҳ у қизда ёки йигитдами, ўз таъми, ўз бўйи бўлади. Келин-куёвни шу нарсалар сархуш айлайди, келин тушган хонадаги турфа кийим-бошларнинг туси, ёқимли хиди эса, икки ёшга, айникса, куёвга чандон шахду сурур бағишлайди, бу дунё, ҳаёт гўзалдан-гўзал кўринади. Бу ҳолатнинг давомийлиги уларнинг ақл-фаросати, қалбларидаги завқу орзиқишга боғлиқ. Агар улар нокис бўлсалар, ҳаётнинг хуш онлари қисқаради. Биринчи эри буларни англаган, ҳис қилган, шекилли... Лекин эрининг четинлиги қизига ўтган, буям етмагандек, кўнглиям нозик.

Бу эрига теккач, ўзини ўз тақдирига тушгандек ҳис этади. Аммо у “ўхшатмаса уч-

ратмас”, деган ибораниям, маъносиниям билмасди. Эри тўпоригина, соддагина, янаки кирчимолгина эди, унга шуниси ёқиб тушди. Ортикча сўзлар, таънали, зардали нигоҳлар, сочиқ танлашлар, қўл хидлашлар йўқ. Ишлайди, ичади, ейди, келади, кўнгли тортса, кучади, ухлайди ва яна ишлайверади. Шундай ўйлаб адашди, чоғи. Олдини-га кеч келади-ган, курук қайтади-ган одат чиқарди, ичиши зиёдалашиди, гап-сўз камайди. У буларни англаб турса-да, ўзваккина эрини бунчаликка боради, деб ўйламовди. Бир кеча сархуш кириб келди-да, анчагача ёнбошлаб ётди. Нукул кизалокка тикилди, аммо кўзларидаги маънини уқиш мушкул эди. Сўнг индамай ўрнидан турди-да, кутилмаганда мустахаб қилиб, юз-кўлини ювиб қайтди. Артинди. Жилмайди-да, “эртага онангникига кетасизлар”, деди. Овози биринчи эриникига ўхшаб кетди. Кейинги гапларни ҳамма билади: у томон у деди, бу томон бу, бироқ эри ҳеч кимга каттик гапирмади. Ахийри юк-тоқини уловга ортқилаб, ота уйига равона бўлди...

Носни туфлади. Ҳалигина кўзига чиройли кўринган ҳовлиси яна қорайиб, хўмрайди. Ёввойи ўтлардек тиканак мош-гуруч соқолининг остини тирнади. Хаёлан энди нима қилишини ўйлади. Кечки овқатни еди, хумор босдисига носни чекди. Идиш-товокни эрталаб ёки эртага кечки пайт ювади. Ухлашга ҳали вақтли. Бу ёқда уй ютаман, дейди. Кўчага – гузарга чиқсинми? Шомга яқин у ерда одам қайнайди. Айниқса, эркаклар. Бир-икки тасқарароқ хотин-қиз ҳам. Бу пайтда кўчада нега одам мўл бўлишини ҳеч тушунолмайди. Биров нонга, бошқаси арақ-парақ ичгани, кимдир нимадир харид қилгани, бўй қизлар этини ўлдирганими, хотинининг овқати пишишини кутганлар вақт ўтказганими, чиқишади. Унинг нима иши бор? Нима, бекорчи ёки шу кишлоқнинг эгаси – тош-торозисиман, деган эрмакталабларнинг жавобсиз саволларига жавоб топиши керакми? Яхшиси бир кафт... Тилининг остига нос ташлади. Ўрнидан туриб, қўлларини белида қошуштира ҳовлини кезинди. Носни туфлаганидан сўнг ҳам нима қилиши ҳақида бир қарорга келолмади. Илк юлдузлар милтираб, осмон кўзгуланганда, плитага чой қўйиб, уйга кирди. Ёнбошлади. Кечаси чанқайди, кам деганда икки бор уйғониб, яхна симиради. Буни носдан, деб билади. Ичган кунлари эса, баттароқ чўллайди... Чойни дамлаб, ёнига қўйди-да, хоб жойига ястанди...

Эрталаб халтасини саланглашиб, тагин мардикор бозори сари йўл олди. “Меҳнат биржаси”да одам гавжум эди. Бу ерга шоҳ ҳам, гадо ҳам келишини, эпласа тирикчилигини ўтказишини кўпчилик билмайди. Гадони-ку тушунса бўлар, мардикор бозорида шоҳ нима қилади, дегувчилар топилиши аниқ. Шоҳ дегани олиё маълумотли, бир пайтлар ўқитувчими, умуман инженер-линжинерми бўлган одамлар... Бозор катта йўлнинг ёқасида, шаҳарнинг энг серодам, серкатнов ерида жойлашган. Давра қурган, яккам-дуккам ёки гала-гала мардикорларнинг турки-таровати турфа эса-да, юзи кўнғир-қорамтир қизғиш, кўзлари бақрайган, соқол-мўйлови қиртишланмаганлари, хуллас, бир қарашда, тасқарароқ кўринувчилари мўлроқ. Кўплари таваккалига тақдир ёзигини кутишганидан хотиржам кўринишади. Бироқ бирон машина тўхташи ҳамона атрофига ёпирилишади. Чунки харидор, яъни иш кам. Ёллоувчилар ҳам анойи эмас, обдон савдолашишади, алланамаларни сўраб-суриштиришади, кейин олиб кетишади... У латок ариқча четдаги қийшиқ дарахт остига халтасини ташлаб, устига ўтирди. Нос отиб, атрофга лоқайд назар солди. Насиб қилса, харидор топилар, акси бўлса, оч қолади-ган бола-чақаси бормиди. Ана, бир “Кобальт” келиб тўхтади. Ишхўрлар “талашга” тушишди. Хийлагина гап улоғидан сўнг икки мардикорни олиб кетишди. Бошқалар яна ортга қайтишди. Сал ўтиб, ўша хол тагин такрорланди. Бир соатча вақт ўтди. Соат тўқкиздан оғаётганда тепасида башанг кийинган йигит пайдо бўлди.

– Ака, сизам ишгами? – деди салом ҳам бермай.

Дингулоқ мардикорлар шитоб уларга яқинлашишди. Йигит ёнверига норози

караш қилди-да, саволини қайтарди. У сапчиб, “ха-ха, иш пойлаб турибман”, деди.

– Шерик-перигингиз борми? – сўради йигит.

Девайлаганларнинг инсофлироқлари нари кетишди.

– Йўқ, ёлғиз ўзим ишлайман. Омма (аммо) уч кишининг ишини қиламан.

– Унда яхши, – йигит унинг бақувват жуссасига зимдан разм солди. – Опам икки кизи билан яшайди. Шунинг учун сизга ўхшаган ёши каттароқ устани кидириб юрүвдим. – Энди синовчан тикилди. – Ҳамма ишни қилаверасизми ишқилиб?

– Менга барибир, – деди “кани, кетдикми”, дегандай халтасини қўлига олиб.

– Кетдик! – Йигит турфа маъноларда боқиб, айримлари нималарнидир ғўлдираб ҳам қўяётган иш талабларнинг ҳавасу ҳасадини кўзгаб, уни машинаси томон бошлади...

“Қаптив”нинг эшигини очиб, ўрнига жойлашаркан, ёнига ўтиришга ишора қилди. “Минг йиллик мардикор” учун бу ўйлашиб ўтирадиган ҳолат эмасди, егани нони, ёнида пули қолмаган одамнинг бунақа пайтда бирон нарсани ўйлаб-нетиши темирчининг иш устида ашула айтишидек гап. Машинага бамайлихотир жойлашиб, халтасини тиззасига қўйди. Манзилга тез етишди. Ялтирок дарвоза эл қаторидагидан хашаматлироқ эди. Йигитнинг ортидан ичкари кирди.

– Опа! Ҳов, опа!..

Икки қаватли уйнинг юқорисида — зинапоя бошида қалта гулли халат, белдан пастига танига чиппа ёпишган либос кийган, сочлари ёйик аёл кўринди.

– Ке, укажон, ке! – Аёл қуйи туша бошлади.

– Саломалайкум, опа. Уста обкелдим.

У ҳам салом берди, аммо беихтиёр аёлдан кўз узолмай қолди.

– Вой, бир ўзи ишлайдими? – деркан, аёл зинапоянинг ўртасида тўхтади. – Ё шериклари энди келишадими?

– Бу ёғини менга қўйиб беринг, опа. – Йигит ниманидир чамалагандай у ён-бу ён аланглади. – Мана шу асфальтни кўчириб, ўрнига брусчатка ётқизасиз. Ана, брусчатка, семун (цемент), шағал кўчада. – Сўнг опасига деди: – Сиз ишингизни қилаверинг, опа. Биз ўзимиз...

У тепага қайтаётган аёлнинг ортидан паришон боқаркан, ютинди, шунинг асносида йигит айтган гапларни шуурида бир қур қайтарди.

– Бирор машина шебен (чақик тош) ҳам обкелинг, иш яхши чиқади, – деди халтасини ёнбошдаги пастак, аммо бежирим уйнинг айвонига ташлаб. – Бугун ҳамма нарсани тайёрлаб оламан. Ишни эртага бошлайман. – Негадир унинг кайфияти чоғланиб, овози тиниклашди.

– Хўп, ака!.. – Йигит ниманингдир андишасида қаловланди. – Ҳаммасини чиройли қилиб берсангиз, кейин... Бу ерда аёллар... Назарни...

У тушунди.

– Агар... Хуллас, иш ҳақидан хавотир олманг. – Йигит сўнги ҳукмини айтди: – Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, икки ҳисса оласиз. Ишни бошлайверинг! – “Опа, мен кетдим”, дея овоз бериб, кўчага йўналди. Дарвозада тўхтаб, қайрилди. – Шебенни бугун обкеберишади.

– Сизга бир нарсани айтмоқчийдим, – дея у айб иш қилган боладай мўлтиради. Йигит қайрилди.

– Эшитаман.

– Мен нос чекаман, шунга...

– Шунга айтмоқчимидингиз? Мен нимакин, дебман-а. Нос чексангиз, бемалол, шуниям сўраб ўтирасизми?.. – Йигит, унинг соддалигидан завқи келдими, бошини сарак-сарак қилиб, қулганча чиқиб кетди.

Бир хонадонда ишлаганида, хотин эрига “ановингиз ҳамма ёқни тупук қилиб

ташлади”, дегани кулоғига тушди. У шунчаки эмас, нос туфлайди-ку. Шу-шу бировникига борса, эхтиёт бўлади... Айвондаги ихчам сўрининг бир четига омонатгина ўтириб, бармоқларини шимининг чўнтагига нуқиб, носшишасини олди. У ёқбу ёққа паришон боқиб, нос отди. Ўзича ишни чамалади. Чамаларкан, кўз ўнгида халиги аёл намоён бўлди. Чиройли экан! Негадир акашак пойабзалига, шиму кўйлагига ирганиброк назар ташлади. Айтгандай, кийимларини алмаштириши керак-ку. Аланглади. Зинапоядан аёл тушиб келарди.

– Чой-пой ичиб оларсиз? – деди ўннга қайриларкан. Энди сочлари турмакланганди. Шунақаси унга қўпрок ярашаркан. Сочлари тепага сидирилганидан бўйининг орқаси бўлакча қўринди. Унинг бағри ачишди. Носни туфлаши, нимадир дейиши керак. Аёл ошхонада уймалаша бошлаганди. Шу унга қўл келди: асфальт топ-тоза, айвон ҳам. Нариги четга рангли брусчаткаларни тахлаб қўйишган экан, шитоб бориб, ортига туфлади.

– Ҳали иш-пиш қилмадиму!.. – Ошхона томонга таваккалига овоз берди. – Анови хонада кийим алмаштирсам бўладими?

– Сўрининг ёнидаги хонага кираверинг.

Аслида унинг устидаги кийими иш кийимидан унчалик фарқ қилмасди. Фақат иш кийимидан тер хиди бадбўйроқ анкирди. Кийимларини алмаштириб чиққанда, дастурхондаги егуликлар оппоқ сочик билан ёпиб қўйилганди. У энди бағоят афтодахол қўринар, қараган кишининг беихтиёр раҳми келиши ёки ундан ирганиши тайин эди.

– Қўл ювмоқчи бўлсангиз, сув ҳов, ана, – ишора қилди ошхонага кириб бораётган аёл.

Саҳн четидаги теграси кунгурадор безатилган, жўмраги остига нақшинкор ховузча қурилган сув қувури ёнига борди. Қўлини сувни шопириб-шопириб ювди, ҳатто юзу бўйнига, тиканак соқолларига ҳам сув урди. Танаси тетиклашиб, софлик туйди. Аммо артингулик нарсаи йўқ эди, юз-қўлининг қуришини кутиб, сўри томон секинроқ юрди. Эндигина ўтирганда сохиба чойнак-пиёла кўтариб келди.

– Қизларим мактабдан келгунларича ҳамма иш ўзимга қолади, – деди қўлидагиларни дастурхон четига қўйиб, емишлар устидан сочикни оларкан.

Аёлдан таралган хуш ифор димоғини сийпалаб, оҳорли кийим-боши кўзини яшнатди.

– Бирон нарса керак бўлса, айтарсиз. – Сохиба жон олгувчи кадамлар билан тепага чиқиб кетди.

Дастурхондаги нарсалар – бир жуфт обинон, сарёғ, колбаса, шакар, айникса, хуш уфурган тозалик унинг иштаҳасини китиклади. Мардикор зоти овқат билан тирик, ҳеч қачон ундан юз бурмайди. У эса кечадан бери туз тотмаганди. “Бисмиллоҳ”, деди-ю нонга қўл урди. Ҳеч қанча ўтмай, дастурхонда шакардан бошка нарса қолмади, чойнакни гўё сикқандай чангаллаб, чойнинг тагини чулдирашиб пиёлага қуйди-да, шўриллатиб сипқорди. Лаблари четида, пешонасида тер ялтиради. Нафси ором олгани шу эди, энди бир кафт нос отса, тамом, ана ундан кейиш иш деганининг... Носни туфлаб, аввал брусчаткалар тахламини, қоплардаги цементни, кўчадаги шағални чамалади. Ниҳоят асфальтни кўчиришга тушди. Тездагина саҳнни ўйиб ташлади. Белини кўтариб, нос чекаркан, бирдан сохибани эслади, беихтиёр юкори қаватга қаради. Нигоҳи бироз тентиради-да, кенг деразада тўхтади. Хиёл қайрилган парда ортидаги ўзига қадалган кўзларни пайқади. Улардаги маънони ёки сохибанинг нега у ерда турганини аниқлаш учунми, ихтиёрсиз тикилиб қолди. Лаҳзалар ичида аёлнинг нигоҳини тутди. Ташқаридан тушган ёруғ ундаги маънони ошкор этди: “У ким, ростдан ҳам яхши ишлайдими?” янглиғ саволлар учарди



сохибанинг кўзларидан. Унинг эти жимирлаб, бўғзи куйди, кўнглида ўзи ҳали англамаган ҳис уйғонди: алланечук соғинч бағрини сим-сим эзарди. Носни туфлаганда, дарвозадан замонавий сумка кўтарган икки кизалоқ кириб келишди. Кичигининг сочлари иккита қилиб турмаклаган, мактаб либоси эгнига ниҳоятда мос тушганидан, бир кучок гулдастага ўхшаб кўринади. Каттасининг кийими эса, бошқачароқ эди: ундан балоғат уфура бошлаганди, ёйиқ сочлари икки елкасига суйкалади.

– Не, уста келибди-ю!.. – деди жарангдор овозда кичиги.

– Ҳорманг, амаки! – илтифот кўрсатди каттаси.

Ўйдим-чуқур саҳида сакрай-сакрай, юқорида турган онасига рўпара бўлишди.

– Келдийларми? – Сохибанинг кейинги сўзлари ҳукмдай эшитилди: – Дарров кийимингларни алмаштириб, тушликка тайёргарлик кўринглар!

У қаккайганча:

– Овора бўлманглар, мен кетаман, – деб юборди сохибанинг гапларидан ўзича маъно чиқариб. – Ишни эртадан бошлайман, астойдил. Одатим шунақа.

Аёл унга совук, ҳам норози қараш килди.

– Ўзимиздаям қорин бор! – деди ичкарига қайтаркан.

У ўзини изза бўлгандай ҳис этди. Нима қиларини билмай, асфальт бўлақларини ғалтақзамбилга юклай бошлади. Кўп ўтмай, улкан машинада чакиқ тош тўкиб кетишди... У ўз ҳолидан хайрон эди: қайга бормасин биринчи кунни қарийб иш қилмасди. Бугун эса, уни-бунни баҳона қилиб шу ерда уймалашяпти. Феъли тутди: “Ҳов, опа”, деди юқорига бўйлаб, аммо аёл унга опа бўлгулик эмасди. Икки-уч бор “опа”лади. Ниҳоят сохиба кўрингач, “Ишни эртадан бошлайман”, деди-да, сувқувурда юз-кўлини ювиб, кийимларини алмаштиргани кириб кетди.

– Эртага эртароқ келарсиз? – сўради сохиба дарвозага етганда.

– Хўп! – деди-ю ичида нимадир узилгандай бўлиб, кўчага чиқди...

Уй ютворамаан, дейди. Қоронғи тушишига ҳали анча бор. Нимагаям эрта келди? Доимгидек ишлаб, кечки овқатни еб қайтса бўларди-ку! Не қилсин, одати шу, “Ўзим қалман, таъбим нозик-да”. Болалигидан шунақа – бирон ишга киришса, илк кунни уни у ёкка, бунни бу ёкка ташмалайди-ю, фақат нима бор, нима йўқлигини чамалаб, нимани қачон бажаришини режалаштиради. Қўли ишга боравермайди. Бугун ҳам шундай бўлди: лекин энди не қиларини билмай қолди. Кўчага чиқай деса, дарвозаси олди супурилмаганига анча бўлган. Қачонлардир ўзи ясаган ярим қулочли ёғоч “эшак” кўзига хунук кўринади. Ўчоқ бошига келди. Чироқ ўчик. Чойни ўчоқда қайнатгани тузук. Вакт ҳам ўтади. Ғўзапоя аралаш шох-шаббани қасир-қусур синдириб, ўчоқка босди. Аланглаб тутантирик излади: дарвоке, китоб бормиди? Тўқ жигарранг тусли юпка муковаси уникқан китобни қўлига олди. Ҳарфларни уриштирмаганига анча бўлганмасми, ёзувини кийналиб ўкиди: “Абадият қонуни” – бу нима деганийкан-а? “Абадият”ни тушунмади. Қонун тўғрисида шекилли-да, дея ўйларкан, олов ёкишни ҳам унутиб, китобни варақлади. Кечки овқатга ҳали анча бор, қорниям жуда унақа очикқани йўқ. Савил, телевизорни ўлғудай ёмон кўради-да, бўлганида балки зерикмасмиди? Мундайроғидан сотиб олсамми, деб ўйлаб кўяди-ю, унга қараса, боши айланиши эсига тушиб, доим шахдидан қайтади. Китобни варақлади. Четлари сарғайиб, ҳамма ёғига чанг-ғубор ўтирганди. Аввалги сахифаларини йиртиб, тутантирик қилгани ёдида йўқ эди. Юлиб олинган варақларнинг сўйлоқ тишлардай қолдиклари кўзига хунук кўринди. Илк сатрларни ўкиди: “Аёл ётоқхона томон...” сўзларига кўз югуртирди-ю, беихтиёр ҳалиги аёл эсига тушди. Унинг қадди-қомати, кўзлари куткули эди. Яна китобга тикилди. Бу матоҳ уйига қаёқдан келувди ўзи? Хотинининг кизи қайсидир қўшниникидан кўтариб чиққанмиди? Ёки хотини тутантирикка яраб



қолар, деб эгасидан сўраб олганмиди, билмайди. Кейин эса қопнинг тагидан жой топди. Китобни ёпиб, тагин номига қаради: “Абадиёт қонуни” – номи қизик экан. Тепароғида муаллифнинг исм-шарифи ёзилганди: ўқиш қийин, хиралашиб кетибди. Овоз чиқариб ўқиди: Нодар Думбадзе. Ёзувчисининг оти унданам қизик экан-ку. Қулди. Думбадзе, хих... Грузинларда шунақа исм бўлармиди?

Ҳарбийда бир шеригининг фамилиясими, отими Тутадзе эди – грузин. Ўша Тутадзе хийлагина кўрсми-ей, шафқатсизрокми-ей эди. Уни бу кўйга уруш солмаганлигини кўпчилик тушуниб қолганди... Иккови бир уйга киришди. Чодрали аёл бурчакка қисилиб турарди. Одатда афғонлар аёл-қизларини ёлғиз ташлаб кетишмас, зарур бўлса, жон бериб ҳимоя қилишарди. У одам беркиниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириб чиқди. Айни маҳал Тутадзе автоматининг учи билан аёлнинг юзини очишга уринар, шахвоний титраб, хиринларди. Ахийри аёлнинг бошидаги чодрасини юлиб олди. Ё Оллох! Рўпарада ўн беш кулик тўлин ойдек кўз қамаштирар чиройли бўй қиз турарди. Юзи пушти қоришиқ оқ, қош-кўзлари тим қора. Сочлар мастона тўлғонади. Нигоҳи!.. Нигоҳини тасвирлашга тил ожиз: бегона жонзотни кўрган жажжи шерваччанинг хиёл хуркиброк ириллашга монанд қараш... Тутадзе хирс етовиди пишилларди.

– Унақа қилма! – дея олди.

– Эй, тўнка! Шундай нарсани... Уларнинг эркаклари қанча йигитларимизни!.. – Вахшат ила ўлжасини ерга ағдарди.

Негадир қизнинг нигоҳида кўркувдан асар йўқ эди. Эсласа, халигача ҳайратга тушади. Балки ўшанда... Тутадзе қизни босиб олгач, бирдан ғалати инграб юборди. Қиз итариб юборгач, ёнбошга ағдарилди-ю, жон ҳалпида чинқирди. Қорнида ханжарнинг сопи кўринар, қизнинг либоси қонли эди. У нима бўлганини тушуниб, тутқунга қаради. Қиз “ўлимга тайёрман”, дегандай боқди. Тутадзенинг танаси тортишиб, ханжарга қаради, нолавор оҳ урди. Лаҳзалар ичида хуши оға бошлади. У бўлса, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини лабига босиб, қизга “индама”, сўнг “яширин”, дегандай ишора қилди-да, Тутадзени суяб турғазишга уринди. Шўрлик оғриқдан дод солди. Ханжарни суғургани кўрқди: ўлиб-нетиб қолса!.. Шеригини ташқарига сударқан, қизга сўнгги бор маъноли боқди.

Тутадзени тиббий қизга олиб кетишди. Кўп ўтмай, ўлибди. Ханжар киндигига урилган экан. Аслида қорнидан яраланган одам камдан-кам омон қолади... Унга ҳеч ким ҳеч нарса демади: ё Тутадзе хушига келмаган, ёки сотмаган... Гоҳо ўшанда тўғри қилганмидим-йўқми, дея изтиробга тушгани рост. Лекин бир нарсани англади: уруш инсонни бешафқат жонзотга айлантираркан. Агар жазоланмаслигини билса, ҳар қандай ваҳшийликни қила оларкан. Уруш жазосизлик туйғусини яратаркан. Жасорат ҳам шунда туғиларкан. Бу гаплар унинг тўпори жўнликка кўниккан шуурида унганди. Кейин эса унутди... У бир умр аёлларнинг кўзига қарашдан ҳайқиб яшади. Аммо бугун... Муқовани чапга сурди. Илк сўзларни қайта ўқиди: “*Аёл ётоқхона томон юра бошлаган эди, эркак олдинроқ бориб, эшикка кўндаланг туриб олди.*

– *Бас қилинг! Тартиб-қоида деган нарса бор!*

– *Қираману чиқаман.*

– *Йўқ!*

– *Наҳотки на хотининг, на болаларинг бўлмаса?*

– *Йўқ, бўлмайди ҳам. Мен эркин одамман! – деб жилмайди эркак.*

– *Қулсан, эркин одаммансан! Бахти қаро қулсан, мунофиқсан, аблаҳсан, билдингми?! – аёл ўзини туюлмади.*

– *Қайси биримиз қул ё аблаҳлигимиз борган жойимизда маълум бўлади, ҳозир тез олдимга тушинг, бўлмаса... – деди ранги ўчиб эркак.*

- Нима – бўлмаса?
- Ватан хоинларини нима қилишларини биласизми?
- Ҳали сен Ватан ҳақида гапиряпсанми?! Дайди!
- Гапларингиз эсингизда турсин!
- Эсимда туради...”

Яна бир неча саҳифа ўқиди. Оламдан ёруғлик қоча бошлаганда тўхтади. Бирон нарсани тузукроқ тушунмади, лекин ўқиш барибир қизиқ экан, деб ўйлади, ўзингни ақлироқ фаҳмлай бошларкансан. Бу хувуллаган дунёда, вайронани эслатувчи кимсасиз ҳовлида нимадир қилиши керак-ку ахир! Хаёллари бегоналигини, улар бугунги аёл туфайли пайдо бўлганини, тўғрироғи, ичида нимадир ўзгарганини тушунмасди-ю, бироқ айни кўйи хуш ёкарди... Энди кечки овқат ҳақида ўйлаши керак. Китобни ўчоқ бошига эмас, тоқчанинг юкорисига қўйди. Кечаги иккита тухум турибди. Хайрият, чирок ёнди. Ўчоққа ўт ёқиши учун тутантирик излаши (аммо негадир китоб варагини йиртиш ҳақида ўйламади) шарт эмас. Плита устига товани жойлаб, фикри ўзгарди: тухум дарров пишади, олдин чой қайнатиб олгани маъкул...

Эрта уйғонди. Кечадан буён сокол-мўйловини олишни, ювинишни ниёт қилганди. Сочини тўғрилатгани эҳтимол улгурмас. Қаердандир ярми синик ойнани топиб, сўри четига тиради. Кўзтиконни эслатувчи соколини “муллавачча” қилиши керак. Яланди кирсовун тоқчаларнинг аллақайси бурчагида эканлиги эсида эди. Соколини сувлағач, совунлаб, обдон ишқалади. Устараси “отам замондан қолган”. Соколнинг бўйин эгиши қийин бўлса-да, амаллади. Қўл тирноқларига қаради: учи қорайиб ётибди. Шу қадар қалин, темир каби қаттик. Доим илик сувда ивитиб, юмшағач, эр пичоқда (қинли пичоқда) олади. Қайчи, писка ўтмайди. Лекин ҳозир ивитиб ўтирса, ишга кеч қолади. Гугурт чўпининг учини чимдиб, ярмини узиб олди-да, тирноқлари остини тозалади. Унгача плитадаги сув илиди. Уй ёнбошига ўтиб, иккита гишт устида бошу танасига кирсовунни ишқаб, ювинди. Бўрттик пайларни янада шишди. Артинди. Кечаги кийимларини кийди...

Дарвоза олдида соҳибанинг укаси кизалоқларни машинага ўтказарди.

– Келдингизми, ака? – деди “ишингни билиб қилавер” қабилда. – Ҳамма нарса борми?

– Ҳамма нарса бор, – деди у ва омонатгина кўришдилар.

– Ишни тезлатасиз-да энди, ака. – Йигит машинага ўтирди. – Ҳали келаман.

Томоқ кириб, ичкари кирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Тепадаги ойнага умидвор қараб олғач, кийимларини алмаштиргани кирди. Хаёли эса соҳибада. Қайтиб чиққанида ҳам ҳеч ким кўринмади. Иш буюмларини тарақа-турук қилди. Хаёли мудом аёлда: кўринсайди! Иши унмаётгандай туюлди. Қанийди, бир кўринса!.. Асфальтнинг кўчиришга тушди. Ниҳоят ўша овоз:

– Саломалайкум!.. Келдингизми?

Иккиланиброк, ҳатто кўрқиб, тепага қайрилди. “Келдингизми”, деган сўз эр-калагандай бўлди. Лекин алик ололмади – бунга одатланмаганди. Бош ирғаркан, “ҳмм”, деди.

– Бирон нарса керак бўлса, айтарсиз, – деди-ю аёл кўздан ғойиб бўлди.

У жилмайди. Вужудида қувват кўпирди. Бир зарбда асфальтнинг қатта қисмини ўпириб ташлади. Наздида, ютаётган хавоси бағоят тоғли эди. Ҳатто оҳори тўкилиб, сузилиб қолган, ачимсик тер хиди анқиган кўйлаги ҳам танасини сийпалаётгандай туюлди. Ҳамма нарса кўзига чиройли кўринар, юраги орзикарди. Оёқ-қўли тиним билмас, ора-сира юкоридоги ойнага қараб кўйишни ҳам қанда қилмасди.

Асфальт бўлақларини кўчага таший бошлаганда, соҳиба ошхона томон ўтаркан, деди:

– Чой ичволинг.

Қаддини ростлади. Бурнидан чўзиб нафас оларкан, димоғига урилган хуш бўйни узокроқ саклаш учун хиёл нафас чиқармай турди. Соҳиба бугун бошқача кийинганди: танаснинг ҳар бир қисмига хос бўртиб, қайрилиб тегинган юмшоқ пушти матодан кўйлак, тиззаларигача яланғоч оёғида нафис шиппак. Либоси ҳар ҳаракатидан булоқ сувидек тўлқинланар, гўё майин шабода эпкини сийпалаётган янглиғ ғижимлана жимирларди... Оппоқ дастурхонда иккита обинон, шакар, паракланган колбаса ва ликобчада иккита қовурилган тухум. У қўлларини сувни шопириб, тирсагигача ювди, ҳатто ғарғара қилди. Артинаркан, атрофга маъноли назар ташлади. Нигоҳи кеза-кеза дастурхонда тўхтади: ёқимли кўринишли егуликлар “ғилк” этиб ютинишга мажбур қилди, беихтиёр бағри ҳаприкиб кетди. Дастурхоннинг туси оқ бўлишини шу пайтгача ҳечам ҳаёлига келтирмаганди. Унинг оламида кирчимол бўлсин, доғ-дуғ билинмасин, деб тўқ рангли ёки гулли матолардан фойдаланишарди. Димоғи, бурни бетакрор софликдан ачишгандай бўлиб, иштаҳаси очилди. Нон синдираётганда соҳиба чой кўтариб келди.

– Ўзи биронта хизматкор хотин ёлласам бўларкан, – деди унга киборона нигоҳ ташлаб. – Манавинақа ишлар осон эмас экан.

У бу гапни унчалик тушунмади, чунки аёлдан таралаётган хуш ифдордан, чиройидан, гўзал қадди-бастидан ва иштаҳа очар емаклардан сархуш эди. Аёлнинг гапи ҳам, писандсиз нигоҳи ҳам унинг ширин кечмишларига таъсир қилмади. Танглайидаги ёқимли таъмга колбаса билан яхши пишган ноннинг мазаси қоришди. Икки лунжини тўлатиб овқат чайнаркан, нигоҳи аёлга қайрилди. Соҳиба ҳали кетмаган, ғалати тикилиб турар, қарашидан ундаги ўзгаришни сезган, йўғон бўйнидан сирпаниб, қуйи тушган кўзлари бакуват танасидан завқ олаётгандай бўлса-да, нохуш хидни туйган бурни жийрилиб, раҳми кела бошлаганини англатарди.

– Хўжайинингиз қайда? – сўради оғзида товуш учун бўш жой топиб.

Соҳиба ҳайвонот боғида улкан маймунни кўриб қолгандай, кетай демасди.

– Аварияда ўлган. – Аёл на ўксинди, на овозида афсус сезилди. – Яхши одам эди раҳматли. Мана шуларнинг, – у бошу кўзини ховли бўйлаб айлантирди, – ҳаммасини ўзи қиб берганди. Аммо, роҳатини кўрмади... Ўзингиз... – шу гапни айтди-ю “дардимни сенга дoston қилдимми” ёки “эътиборимга арзийсанми ўзи”, дегандай боқди. У аёлни кўзидаги маънони укмаган бўлса-да, ўзи ҳақида нимадир дейиши кераклигини тушунди. Тилидан эса бошқа сўзлар учди:

– Мен... Ёлғиз ўзим... Жа чиройли хотинакансиз... – деди-ю каттарок лукма бўғзига урилдими, тикилиб, ўкчиди.

Соҳиба ундаги ўзгаришни сезганди: танидан мудом ачимсиқ хид анкиса-да, сокол-мўйловини киртишлаб, ювингани билинарди. “Ўтқир” бурни кирсовуннинг “ифори”ни ҳам пайқади. Бирок тўпори мардикорнинг қутилмаган, ўта самимий “хушодади” хуш ёқди, фақат ўзини тушунмаганга солди.

– Мабодо ашула-пашула эшитгингиз келса, айтарсиз, – деди зинапоя сари юриб.

У ўзини эркинроқ, аёлга яқинроқ хис қила бошлади.

– Кўпроқ яхни қиб кўйинг! – Оғзини тўлатиб чой хўплади. – Кўп чанқайман.

Соҳиба унга энди ҳам ҳайрат, ҳам “ким билан гаплашяпсан, биласанми” қабилида боқди. Сўнг йўғон бўйнида, кўйлаги остидан ҳам бўртиб турган мушакларига, ундан ҳам баттари, ҳайвонники каби маъносиз аммо чўғ кўзларига қараркан, ўзи истамаган ҳолда сўлиш олди.

– Майли, катта чойнакларда дамлаб бераман. – Жилмайишга уринди. – Яхнадан кўнглингиз тўқ бўлсин. Фонтанниям ёқиб кўяман.

Ўртада айлана ҳовузли фаввора бор экан – эътибор бермабди-я. Сув пурка-

гичлари гул шаклида. Яхши бўлди, ҳали кун тиккага келганда ҳамма ёқ ловуллаб кетади...

Сохиба тушдан олдинроқ фавворани ёқиб, иккита катта чойнакдаги чойни бўғзига кирмайдиган қилиб сувга ботириб кўйди. Ҳовлида салкин тароват кезинди... Қизалоклар мактабдан эрта қайтишди. “Салому ҳорманг” қилишиб, қувлашмачок ўйнашгандай тепага чопқиллашди. Чой-пойларга энди улар қарашди. У тамаддига киришганда кичиги ўтириб, каттаси тик туриб, қақиллашга тушишди.

– Нимага ёлғиз ишлайсиз?– сўради каттаси қизик нарсага қарагандай тикилиб.

Нима дейишини билмади, оғзидагини ютиб олгунича пича вақт ўтди.

– Менга бировнинг иши ёқмайди, – деди ростига кўчиб. Кейин ёш болалар билан гаплашаётгани ёдига тушдими, кўшиб кўйди: – Иннайкейин менда бешта одамнинг кучи бор.

“Во-ойй”, деб юборишди қизчалар.

– Айикқа ўхшаб кучингиз кўпми? – сўради кичиги кўзларини ола-кула қилиб.

– Ҳа, – дея у икки кўлини чиғаноғидан букиб, мушакларини кўрсатди.

– Ҳой, амакингни ўз ҳолига қўйинглар! – Юкоридан аёлнинг овози эшитилди. – Овқатланиб, тезроқ ишга тушсин. Сизлар ҳам овқатланволинглар.

Қизалоклар тепага чиқиб кетишди. У емакка тобора сингиб борарди. Егани сари, жағи, тишлари, ҳатто уларга посангилик қилаётган, оғиз ичра ҳокими мутлакман, деган тили ҳам шунга муте эди. Ё Оллоҳ! Шунақасиям бўладими?! Нафс конди, таом ейилди, чой қайта-қайта сипқорилаверди... Сохиба барибир гўзал, ўйлади у ва “гўзал” сўзини кашф қилганидан қувонди. Ҳа, гўзал!.. Мабодо уни кучокласа (тавба, шундай ўйлаши ҳам мумкинми), жазирама иссиқда, яна терлаб-пишиб ишлагандан сўнг муздек сувга шўнғигандек бўлса керак. Ёки мана бу фавворага бошни тикиб ўтиргандек маза қилар. Нима бўлганда ҳам, уни ўйлаш, ҳис қилиш печкаси лов-лов ёнаётган иссиқ уйдан ташқарига чиққанинда ҳамма ёқни қор қоплагандаги совуқдан-совуқ ҳаво оғзи-бурнингни ачиштирган, ой ёркин-ёркин кўринган тунга ўхшайди. Танинг ёнади, бўғзингда тоза ҳаво ўйнайди, кўзинг жимирлайди, атроф қоронғи, аммо сенга ойдин-ойдин кўринади... Яна ишга тушди, тез ва орзиқиб ишлади. Куёш уй томининг сўлига оға бошлаганда, юкориди аёл кўринди. Унинг-чун қутилмаган дийдор: сохиба ўнг кўлининг икки бармоғида эркачка кўйлакнинг ёқасидан тутганча турарди. Ишдан таққа тўхтади: нима қиларкин? Ювса керак-да? Зинапоя бошида деди:

– Раҳматли эримники, – ўзини ниҳоятда жиддий туттишга уринаётгани сезилди. – Бекор ётибди. Киярсиз. Тор келмас... – Шундай дея қўйлакни сўри устунига илди.

У эса анграйганча турарди, ҳатто раҳмат айтолмади...

Салдан кейин ука – йигит кириб келди.

– Ҳорманг, ака! Вой бў-ў, ишлар тезлашиб кетибди-ку. – Сўнг юкорига овоз берди: – Яхшимисиз, опа? Тинчликми ишқилиб?

Аёл тепадан салом-алиқ қилди.

– Камчиликлар йўқми, ака?

– Йўқ.

– Уйингизга қатнаб, ишласангиз, дегандим...

– Ўзим ҳам шунақа қиламан, деб турувдим...

– Яхши. Барибир уйингиздан ҳам хабар олишингиз керак-ку.

– Тўғри, – деди-ю, хаёлидан менинг гўристонга ўхшаган уйимни ит ермиди каби гап ўтди.

– Хўп, бўлмаса, – йигит дарвоза томон юрди. – Эртага хабар оламан. Бўпти, опа, мен кетдим, – деди юкорига бўйлаб.

У тараддулданди.

– Агар малол келмаса... Йўл кирага...

– Пулми? – деди йигит очиқ юз билан. – Тушундим. Ҳозир... – Пичадан сўнг кайтиб, бир тахлам пул узатди. – Юз минг етадими?

– Етади. – У иши осон битганидан ўнғайсизланди.

– Хўп, хайр! – Йигит ғойиб бўлди...

Унинг феъли шу – иш қилаётганида биров девайлаб (кузатиб) турса, овқат еётганида қаттиқ тикилганга ўхшайверади. Иши тезлашди. Аммо бот-бот тепага қарарди. Ниҳоят овоз берди:

– Фонтанни ўчириб қўяверинг!

– Нега? – деди аёл пайдо бўлиб. – Ҳаво энди димлайди-ку?.. – Сўл ёғида кичик кизи кўриниб, онасига суйкалди.

У қаддини тиклади. Аввал фавворага, сўнгра аёлга боқди. Ниманидир тушунгандай яна юмушига уннади. Тилидан эса ушбу сўзлар учди:

– Энди томчилар аниқ-тиниқ кўрина бошлайди. – Аммо нима деганини ўзи англамади.

Аёлнинг танасида нимадир ёқимли ўрмалади: тушунмади, нигоҳи фавворага қайрилди. Зарб билан отилган сув тепага бўйларкан, парчаланар, қайсидир дарахтми, деворми ортига чўка бошлаган куёш нурида томчилар дона-дона бўлиб кўринарди. Бу аёлнинг бағрини оромбахш тимдалади-да, “тавба”, дегандай бўйни аралаш кўксини сийпалаб, ичкари йўналди. Қизалокнинг, “Ғалати одам экан-а?” деган томчилардай шаффоф овози эшитилди. У ўзида эврилиш рўй берганини сезди, ҳадик ва ёвқараш билан фавворага ўгирилди. Кўзи билан томчиларни эндигина тутганда отилаётган сув ўз туйнугига қайтгандай таққа тўхтади. У ишни якунлаши кераклигини англади: уйга қайтаман!..

Чўнтагидаги пул кутқулади: ичгиси келди. Қорни тўқлиги истагига кушанда бўлди. Шом қақирган қоронғилик бўғзидан олмади, аксинча, ҳовлидаги дарахт шохларининг қуюқ уйғунлиги, саҳнда оёғига урилган майсалар, ҳозир-ҳозир дамлаб ичишни орзулагани аччиқ кўк чой хаёли хуш ёқди. Ҳов наридаги бўйчан те-раклар шоҳида жўр бўлиб шанкиётган олаканотлар эътиборини тортди. Тўхтади. Аммо кушлар кўринмасди. Қаттиқ қарс урди. Шаллакиларнинг овози бир лаҳза тинди. Сўнг яна баландрок овозда сайрай кетишди. Чироқ ёниқ эди: энг аввал плитага чой қўйди. Андармонлик истади. Шу пайт кўзига тоқчада мунғайибгина ётган китоб илинди. Беихтиёр кўнгли илиди. Китобни шошиб бағрига босди, чойнинг қайнашини кутди... Шопириб-шопириб қайтарди. Ёнбошига қўйиб, китобни очди. Лампочканинг ёруғи харфларни илғашига монелик қилди. Хонтахта бурчаги-га бир оёғини тираб, пружинасимон эшилган симни текислаб, пастроқ туширди. Ўтирганча китобга қаради: харфлар чаплашмади. Ўқиди, ўқийверди...

Яна эрта уйғонди. Ташқарига чиқиб, керишди. Атрофга аланглади: дов-дарахтлар, ўт босган ҳовли саҳни кўзига хунук кўринди. Тавба, одам ҳам шунақа яшайдими?! Ариқчада юз-кўлини ювиб, чала-чулпа артинди. Плитага чой қўйиб, белкуракни олди-да, саҳндаги ўтларни тупроқ қоришиқ кира кетди. Шуури ойдинлашиб, кайфияти чоғланди. Кўз олдига соҳиба келди: чиройли хотин! Қоматини айтнинг, қараса, бўғзида олов туради – чанқаб кетади. Кийимлариям ўзига ярашган, хушбўй. Қизлари-чи, қизлари... Улар манавинақа уйда яшолмасаям керак. Ё ҳамма ёқни тозалаб, одам кепата қилишади, ёки “хаййо-хуйт”, дея тарк этишади. Нега одамлар бир-бирларидан бу қадар фарқ қилади? Жавоб топишга ақли ожизлик қилди. Кейин хаёлларидан уялди... Ишга узоқ кутган кишисини кўрадигандай

орзикиб борди. Яна йигит билан қизалоқларга рўпара бўлди. Сўнг ҳамма ёқ жи-миб қолди. Хонага кириб, аёл инъом қилган, танини сирган юмшоқ кимматбаҳо кўйлакни ечди. Иш кийимларини кийиб, ташқарига чиқди. Кўзлари беихти-ёр юқорига қарарди. Юрагидаги орзикиш кўлларига шашт берди. Шағал устига чакиқтош ётқизишга киришди. Ишларкан, бағрини ўзи кўпам англаёлмаган соғинч ўртаётганини ҳис этди. Бугун қанақа кийимда чиқаркин? Сочлари ёйикминкин ёки турмакланганмикин? Қайси бахтли инсон уни кучоқларкин? Тозаям ёқимли, хушбўй бўлса керак. Балки... Эҳтимол эркакни соғингандир?

– Ҳорманг! – Юқоридан овоз келди.

У чўчиб тушди. Юраги дукурлаб, кайрилли: сохиба оқ футболка, танига чиппа ёпишган қора иштонда (бошқа ном тополмади) зинапоядан куйиларди. Сочлари елкасида тўлғонади. Бир сўз айтолмади, ютокиб ютинди-да, юмушини қилаверди.

– Юз-қўлингизни юварсиз, – деди сув қувури ёнига совун кўйиб.

Унинг хаёли совунда қолди: ахир мен учун! Ҳатто бошқача қаради ҳам. Аммо бошқача қараш қанақа бўлади, деб сўралса, айтиб беролмаслиги аниқ эди. Сув қувури томонга тез-тез қарар, совунни кўзи олмаса-да, фақат уни ўйларди: “Қанақайкин-а? Хушбўй бўлса керак?! Тезроқ чой-пойини берақолсайди”. Кўзларини яширишга уриниб, юқорига қаради. Кўриммади... Ниҳоят сохиба дастурхон ёзди. У эса сув қувури сари ошиқди. Авваллари кўлини жуда унақа “эзғилаб” ювиб ўтирмасди. Гоҳо кафтини кўйлак ёки шимига ишқаб-нетиб тановулга киришаверарди. Совун тиниқ рангли, бағоят хушбўй эди. Идиши ҳам чиройли. Анча киммат бўлса керак? Лекин буларга яъни бойларга билинармиди. Кўлларини обдон совунлади. Кафт-ларини хидлагиси келди: тотли хиддан аксириб юборай деди... Тамадди қилгач, юқорига бўйлай-бўйлай, ўзича яшириб нос отди... Қизчалар бугун ҳам эрта келиш-ди. У билан тузуккина элакишиб қолишди. Лекин уларга мос гап тополмади.

Бу кеч уйига эрта қайтди. Йўлда муздек маъданли сув сотиб олди, емак тугул, ичмакка ҳам уннаб юрмади. Жойига ёнбошлади-ю китобни очди:

*“Бачана довдираб қолди: рўпарасида Мария турарди. Бачана унга ўтиришини таклиф қилмоқчи бўлган эди, тили айланмади, турай деса, тизларида мажол йўқ, жилмайишга уринган эди, худди тош қотгандай, башарасида ҳеч қандай ифода сезилмади. У бир лаҳзага гунгу лол бўлиб қолган эди. Аёл эса таранг кўкси ва оппоқ юзларини кўз-кўз қилгандай қимир этмай турарди...”* “Тавба, ёзувчилар бекорга ёзувчи бўлмас экан-да. Ўхшатишини қаранг. Бу, нимаиди, – у китоб муковасига бир қараб олди, – Думбадземиди, яхши ёзувчийкан. Аёлни бошлабди. Жуда чиройли бўлса керак – худди халиги хотинга ўхшаб. Уям жуда чиройли: кўкси, бош ирғаб, беўхшов жилмайаркан, хаёлидан уялгани сезилди, худди китобдагидек, юзининг тусиями ўшандай. Ёзувчилар бунақа гапларни қаёқдан топишаркин-а?” Сохибани соғинаётганлигини ҳис қилди. Улар ё гўзал аёлни қаттиқ севиб қолишда ёки уларни узоқ-узоқ кузатишда – худди унга ўхшаб. Сохибани ҳар сафар кўрганда тиззаларидан мажол кетади, кулай дейди, кулолмайди, гапиришини-ку кўйинг! Демак, китоб ўкиб туриш керак экан... Қизик, негадир уруш эсига тушди: у жанг-ларда кўркувни ҳис қилганини эслолмайди, энди билса, кўркмаганман ҳам, де-ёлмайди. Урушга шунчаки кўниккан, яъни унда яшаган. Боши узилиб кетган аскарни кўрганда ҳам юраги шигилламаган, лекин сохибага йўлиқса, ҳар сафар шигиллайди, оёқлари қалтирайди. Баъзи йигитлар жанг тинган пайтда, коктаом (сухойпаёқ)ни еб олгач, тамаки тутатиб, автоматни битталаб отишга мослаб, мол, эшак, умуман, кўзига илинган жониворларни ўққа тутишарди ва бу ишларидан завқланишарди. Мабодо жанг пайти ёнидаги шериги ўқдан қулса, ачинишлари,

хатто фарёд уришлари турган гап. Тушунолмайдди, ўша хайвон отарлар ҳозир оддийгина товукни сўя олишармикин?.. Жазосизлик, мубталолик (бу сўзни ҳам кашф этди) одамни ҳар кўйга соларкан. Биров юрагида нимадир қилишга жазм топаркан, бошқаси эса, ўзи кўниккан ҳаёти туфайли беихтиёр кимларнидир ўзгача кўйларга соларкан ва ўзининг улардан бошқачалигини ҳис этиб, хузурланаркан. Шунча гап ҳаёлига қаёқдан келди-я?! Соҳиба барибир гўзал, ёзувчиём жуда ўхшатибди:

– Сизга кўнгироқ қилган эдим, – деди у (аёл) секин.

– Биладан! – Бачана сал ўзига келди. – Нафасингизни эшитдим.

– Уйда йўқ экансиз, шунинг учун бу ёққа кўнгироқ қилишга мажбур бўлдим.

– Келинг, хизмат? – деди Бачана беихтиёр.

– Юринг!

– Қаёққа? – сўради таажубланиб Бачана.

– Хоҳлаган ерингизга!..”

Мана шу жойи зўр экан – осонгина. Қанийди, мендан ҳам кимдир, “Нима истайсиз?” деб сўраса, мен айтсаму у, “Хоҳлаганингиз”, деса. Нега шу фикрни ўйлади? Лекин истагингни кимдир инобатга олса, барибир яхши-да!.. У ўқий-ўқий ухлаб қолди... Эрта уйғонди. Ташқарига чиқиб, тиканак соқолини қаширкан, бағри бурдаланган ерга мамнун боқди, сўнг нигоҳи чақалакзор янглиг ховлига оғди. Бир нур – яхшилик қидирди. Ток япроқлари остида оппоқ капалак пайдо бўлди. Тавба, нима у? Унинг капалакчилигини англаб турарди, аммо шуури инкор этарди, чунки ҳеч қачон эътибор бермаганди. Капалак шунақаям ёқимли учардики, гўё икки бўлак шуъла бир-бирини эркалаётгандек туюлди. Чақнаган кўзлари атрофни кезинди: нахотки уйим шунчалар чиройли бўлса? Мева-ю ўтларнинг чирмашганини қаранг, буни атайлаб ҳам қилиб бўлмайди. Сўрток билан саҳн ёруғ (файзли деёлмади) кўринди. Девор, дарвоза – ҳаммаси ўзгаргандай, мунғайган уйининг қадди тиклангандай. Қора сувоқ ёнбоши бўлакча бўлиб қолгандай. Қопдаги қурт босган ун устидаги гишт ҳам кадрдон туюлди. Унни эрта-пертага нимадир қилади, аммо ташлаб юбормайди. Увол-ку ахир!.. Ие, капалак иккита бўлиб қолибдими? Ҳов, наридаям битгаси ялтираябди. Бериюқда яна бири. Яна, яна...

“Ишхонаси”га арчилган тухумдай ялтираб кириб келди: соқол-мўйлови киртишланган, сочи таралган, юз-кўли озода. Қизалоклар дарвозадан киришидаёқ унга тикилиб қолишди. Уч нигоҳ таъқиб этаётганлигини аввалига пайқамади, саломлашди ёки йўқ, кийим алмаштиргани кираётиб, такка тўхтади. Ўзи англамаган куч етовиди ёнбошига қайрилди: она-болаларнинг кўзлари ҳамон унга қадалган. Ўзини ўнғайсиз сизди, ювиниб-тарангани, ўзига оро бергани эсида йўқ эди...

“Қизчалар нега мактабга боришмабди?” Илк брусчаткани жойлаштираётганда хушига келди – бугун яқшанба-ку! Қўлидаги резина болғачасини бошига уришига сал қолди.

Қизалокларнинг кичиги атрофида айлана-айлана қақиллади:

– Нимага кўп овқат ейсиз, амаки?

Бу гап унга оғир ботмади, лекин нимадир деб жавоб бериши кераклигини ўйлаб, боши ғовлади. “Чунки мен полвонман”, деди кейин қўл ҳаракатлари тилига қовушмай. Шуурида эса, китобдаги сўзлар гўё тасвирларда тирилди:

– Ҳозир эрим йўқ, – деди Мария.

– Нима учун? – сўради Бачана ва яна “қовун туширганини” сезиб қолди.

Аёл индамади.

– Яъни демоқчиманки, қизингизнинг отаси борми-йўқми? – бу ёғини силлиқлашга уринди Бачана.

– Отаси ҳам бор, эри ҳам бор! – жавоб берди Мария...”



Тавба, кап-катта, қизи эрга теккан хотин ҳам эркаклар билан... Анови Бачанаси шу хотинниям?... Барибир тушунолмади.

“Ўзинг неча ёшдасан” – деди кимдир ва ўйлаб колди – эллиқда. Ахир сен ҳам гўзал ва ёш аёл ҳақида ҳаёл қилясан-ку! Тушдан кейин ука қўлида қоғоз кути билан кириб келди. Кутида ботинка (туфли дейишадими) бор экан. “Бу сизга”, деди агрофга мамнун бокиб. Унинг серрайиб турганини кўриб, кутини ўзи очди. “Қирқ тўртинчи размер, бўладими?” У “размер-пазмерлар”ни кўпам тушунавермасди, пойабзални кийиб, кўриб оларди. Йигитнинг ишораси билан кийди. “Раҳмат”, деди тиржайиб. Йигит унга негадир ғалати боқди. Бу орада ёнида опаси билан қизалоклар пайдо бўлишди. “Анча ўзгардингиз”, деди ўзига ҳам гапи ковушмагандай туюлиб. Энди опасига маъноли караш қилди: “Тинчликми, опа?”. Аёл ёш боланинг қилиғидан завқлангандек жилмайди, сўнг қизалокларини ўзига торти-да, “иш тугаб қолай деди, чоғи” қабилида укасини чойга таклиф қилди. Бироқ у бу гап-сўзларнинг, қарашларнинг маънисини пайкамади. Пойабзални ечиб, ишга киришиб кетди.

Бу кеч ҳам ичмади. Чойнакни ёнбошига қўйиб, китобни очди. Энди ҳарфларни тез уриштирар, сўзларнинг маъноси осон англашиллар, воқеаларни бир-бирига равон улаб борарди: у Бачана билан Марияни таниб қолганди. Соҳиба Марияга ўхшайди — жуда чиройли. Йўқ, энди гўзал деган сўзни билади: ҳа, гўзал! Балки раҳматли онаси ҳам унга ўхшашни истагандир? Ахир “Орзуларим кўп эди”, деганди-ку. “Фақат данданг...” Демак, у ҳам Мария ёки соҳибадек бўлишни истаган. Бунга дадасининг феъл-хўйи халақит берган. Акс ҳолда... Агар онаси орзусига етганида у ҳам бошқача одам бўларди. Ҳар куни қора терга ботиб юрмасди. Эҳтимол соҳибага бошқа бир вазиятда йўликарди ва у... Онаси биринчи хотинини шунинг учун ёқтирган, жисму жонини камраган қароликни ўша туфайли даф қилишдан умидланган...

Охирги куни йигит кечгача бирга бўлди. Қойилмақом палов дамланди. Унгача иккиси қилинган ишларни биргаллашиб кўздан кечиришди. Ҳаммаси жойида: тептекис саҳн гулзордек товланади. Фавворани ёқдилар. Чор тарафга салкин тароват уфурди. Фаввора ёнига стол қўйилиб, дастурхон тузалди: бу устага ҳурматмиди, ўзбекона меҳмоннавозликми, янгиланган ховли шарафигами ёки шунчаки оилавий ҳордикми — билмасди. Фақат аёл унга ўзгача бокмоқда, акси бўлса, бунчалик уриниб ўтирмасди... Ош шунақаям ширин бўлибдики!.. Бунақа паловни ҳатто зўр тўйларда ҳам емаган. Ҳойнаҳой соҳиба пиширган, балки унинг учундир!.. Қизалоклар унга каттақон момик сочиқ совға қилишди. Бунақасини телевизорда кўрганмиди: сочиқ тахланганда ҳам бунчалар катта бўлишини ўшанда билди. Тагин шунақаям юмшоқки... Кейин йигит билан бирга қолишди. “Манови хизмат ҳақингиз”, деди бели синмаган икки ўрам пулни ташлаб. Унинг ҳайрати ошди: “Нега?”. “Манови эса яхши ишлаганингиз учун, — дея яна икки ўрам узатди, — ишингиздан хурсандмиз”. У буни ҳам ўзича тушунди: “Кераги йўқ эди, ишлаганимга яраша берсангиз бўларди”, деб фўлдирлади. Сўнг эса хайру хўш: халтасини олди, нарсаларини, асбоб-анжомларининг ярмини солди, қолганини қўлтиклаганда йигит: “Ташлаб қўяман”, деди. Бу ҳам миясида ўзгача маъно касб этиб, жилмайди. Соҳиба билан қизалоклар аллақачон юқорига чиқиб кетишганди. “Овора бўлиб нима қиласиз?” Бунақа гапни қачонлардир, кимлардандир эшитганди, ҳозир тоза қўл келди-да. “Йўқ, ака, уйингизга олиб бориб қўяман. Раҳмат сизга, яхши одам экансиз”, йигит дарвоза томон юрди. У эса дарвозага етар-етмас, ортига қайрилиб, ҳадиксираб юқорига боқди: не бахт, соҳиба унга қараб турарди. “Яхши боринг, раҳмат!” овози шунақаям ёқимли эшитилдики, қандай қилиб кўчага чиққанию, машинага ўтиргангани ҳам эслолмади...

Бир неча кун “меҳнат биржаси”га чиқмади. Уй-жойини, томорқасини тартибга келтирди. Уй ёнбошидаги қурт босган урни қоп-попи билан кўшнисига бериб юборди: товуклари ер. Ўзича ҳар хил емишлар пиширди. Чўнтаги қаппайган эмасми, бир пиёла-ярим пиёла арақ ҳам ичиб турди. Шундай пайтларда дунё кўзига бошқача кўриниб, жамики нарсаларнинг ранги аввалига яхлит тиниклашиб, сўнгра уйғунлашиб жимирларди. Шу ҳолат ёқа бошлади: ўша онларда китобдаги аёл – соҳиба ёдига тушарди. Унинг қошу кўзлари, жонни кутқуловчи сочлари, юзи, либоси яширган қадду баста бир-бир нигоҳидан ўтар ва бағри ўзи англамаган, бироқ хуш ёққан соғинчга тўлаверарди. Юраги бу соғинчдан узок-узок симилларди. Кулоқларини “Яхши боринг, раҳмат”, деган сўзлар “сизни севиб қолдим” янглиғ сийпалайверарди. Бу уни китоб сари ундарди. Китоб эса охирларди. Айниқса, аввал тушунмаган, энди бўлса, маъноси англашилаётган, кимларгадир айтиб, хузур қилишни истагани янги сўзлар унинг вужудини тирилтирарди. Манови шеърни тепасидаги чирокка қараб, неча бор такрор-такрор ўқиганини ўзи ҳам билмайди:

*“Сен – ишончим, суянган тоғим,  
Дилимга нур, қалбимга ором.  
Сен – кўкдаги ёнган юлдузим  
Ҳам қўёшим дегайман мудом.  
Адоги йўқ тиниқ чашмасан,  
Қанотлари парқу фариштам.  
Яратгандан тилаганим шу –  
Мен билан бўл, бирга бўл ҳар дам!”*

Шеърни қандай ёд олди – эслолмайди. Умрида бирорга шеър ўқимаган одам... Балки боланикидай топ-тоза шуури ўз ишини қилдими?..

Китоб адоғларди. У энди Марияни ҳам, Бачанани ҳам танирди. Мана, соғая бошлаган ёзувчи – Бачана гапиряпти:

*“... – Касалхонангизда ўтган икки ой мен учун ажойиб кашфиётлар палласи бўлди!  
– Ҳўш, нималарни кашф қилдингиз?  
– Абодият қонунини!”*

Абадият нима эканини англагандай бўлди, ҳар ҳолда бу қонун у ўйлаган қонун эмас экан. Унда қандай қонун экан – у буни жуда-жуда билишни истади.

*“... – Нимани?! – қайта сўради профессор ҳайрон бўлиб.*

*– Абодият қонунини! – такрорлади Бачана.*

*– Ҳмм... У ҳолда бу қонуннинг формуласи (бу сўзни тушунмади) бўлиши керак, шундай эмасми?*

*– Албатта!*

*– Балки мени ҳам таништирасиз ўша формула билан? Кўнглингиз тўқ бўлсин, Бачана Акакиевич (исмлари барибир галати), кашфиётингизни ўзимники қилиб олиши ёки унга шерик бўлиши ниятим йўқ! – ҳазиллашди профессор.*

*– Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, Нодар Григоревич... Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баробар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши қўтаролмайди...” Кейинги сўзлар кўзида уйқашиб кетди, шуурида ҳам шундай уйқаш ҳаёл: тўғри эзибди. Мениям юрагим жуда оғир. Гоҳо чап томоним шунақаям пастга тортиб қоладикки, букилиб кетаман. Кимдир келсаю, дейман, лекин ҳеч ким келмайди. Юрагим эса жуда-а оғир... “... Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўямасин...”*

Китоб тугарди:

“... Кўприкка етганда Бачана ҳорғинлик сезди, аммо бу қўрқувга соладиган, вазмин ҳорғинлик эмас, балки енгил ва ёқимли ҳорғинлик эди. У такси тўхтатиб, орқа ўриндиққа ўтирди.

– Қаерга? – сўради ҳайдовчи счёчикни ёқиб...”

Қаёкка – уйлади у, ҳатто унинг исмини ҳам билмайди-ку!..

“... – Марияникига, – деди Бачана.

– Қаерга?! – ҳайдовчи таажжубланиб орқасига қаради.

– Марияникига!”

Китоб тугади. У йиғлаб юборди: афсус-надомат ила хўнграб йиғлади. Ингранаркан, “Ҳа, Марияникига!” деди чийиллаб...

Тиникиб уйғонди. Хобжойини йиғиштираркан, китобга кўзи тушди. Авайлаб олиб, тоқчага қўйди. Соколини киртишлади. Хушбўй совунни кўпиртириб-кўпиртириб ювинди. Қизалоқларнинг совғасига артинди. Айвонни, саҳнини супурди. Чой дамлади. Нонушта қилди. Совға-қўйлақни, ботинка (туфли)ни кийди, сочини таради-да, қаёкка, деди ўзига ўзи. “Марияникига!” деган овоз эшитилди аллақаердан...

Кайфияти чоғ эди. Машинадан берирокда тушди. Сал ўзини ўнглаб олгиси келди. Дадиллик учун бирор пиёла ичволгани тузукмиди... Таниш дарвоза ҳали кўринмасди. Қадамни аста олди. Мана, ниҳоят ҳашаматли девор, ёнбошдан тик чизикқа ўхшаган дарвоза кўзларига урилди. Юрак уриши тезлашди, аммо бу ўзига хуш ёқди. Бундан кўра ҳар кун шу ерга мардикорчиликка келгани дуруст эди: томоқ кириб, дарвозадан бемалол кириб борарди, нима қилишини, кимга нима дейишини яхши биларди. Ҳозир эса... Дарвозадан ўн қадам берида тўхтади. Ортига қайтди. Яна тўхтади. Бу такрорланаверди. Нега келдим? Манови аёлни Бачанадай яхши кўриб колдимми? Ахир у ёзувчи, китоб ўқийдиган одам-ку! Мен кимман?.. Мабодо ҳозир соҳиба кўринса ҳам, бир сўз айтолмаслигини сезиб турарди. Лекин нима қилсинки, юраги шу томонга етаклади. Беихтиёр мийиғида кулги унди: “Юракниям биладиган бўпманми?..” Дарвоза олдида пайдо бўлган икки қизалоқ унга ҳайрат ва савол назари ила боқиб туришарди. Кичиги ярим-ёрти салом берди. У эса тилини ямлаб, аянчли тиржайди холос. Қизалоқлар ўзларини ичкари уришди. Кўп ўтмай, каттасининг овози эшитилди: “Ая-ая, кўчада ҳалиги уста амаки турибди...” “Нимага туради?” деди унга нотанишдай туюлган соҳиба. Овозидан юқорида эканлигини англади. “Билмадик”, деди қизалоқларнинг каттаси. Шу билан гап тугагандай бўлди. “Ҳа, айтгандай, – соҳибанинг овози жаранглаб эшитилди: – Ҳалиги сассик қўйлагига келгандир-да. Уни ахлатга ташлавордим, айтиб қўйинглар”. Қизалоқлар бир-бирларига ҳайрон қарашди, каттасининг юзида уят балқиди... У эса тошдек хотди. Соҳибанинг овози хузурли эди. Хузур орасида нимадир олдин кулоқларига, миясига, сўнгра кўксининг чап бурчига каттик урилди: “...Сассик қўйлагига келгандир-да, уни ахлатга ташлавордим...” Бирдан тани бўшашиб, қуйига оқа бошлади. Юзидаги орзиқиш сўнди, ёш боланикидай кўзлари аянчли тус олди-да, эгнидаги қўйлақка, ботинкасига бокди, ниҳоят кадоқлардан тош қотган кенг кафтига қаради. Шуури ҳеч нарсани англамаётган бўлса-да, ортига қайрилди...

Қишлоқ гузарига қандай етиб келганини эслолмайди. Аммо нимадир қилиши кераклигини, ҳеч бўлмаганда, қақраб кетган бўғзига қандайдир “малҳам” зарурлигини бутун вужуди билан ҳис этди: муздек маъданли сув ичади. Оғир ютинди, томоғи ачишиб кетди. Бетонланган анҳорнинг бетон кўпригидан ўтаркан, ўнгдаги теграси доира шаклидаги окланган, остида қовжирок ўт-ўлан мунғайган пажмурда дарахт ёнида ётган итваччага кўзи тушди: шу қадар увада, мажолсиз ва нажотсиз эди. Унга ҳеч ким эътибор бермас, у ҳам бировга қайрилиб бокмасди. Касалмиди ёки оч?.. Унинг буткул мажולי қуриди: мана шу итваччадай ҳеч кимга эътибор бер-

май ёки эътибор талаб қилмай ётиб олгиси келди. Шунинг ортидан кимларнингдир раҳмли боқишини кўз олдига келтирди-да, “Ичаман”, деб юборди овоз чиқариб. Қаддини тиклаб, итга нафрат билан назар ташлади-да, дўкон ичкарасига кирди: “Ичаман!” Чиндан ҳам икки пиёла пакқослади-да, бир шишани қора сувқоғозга ўратиб, шўр куртобни сўрганча уйи томон юрди. Дарвоза ҳалқасини эски латгада боғлаб қўя қолганди. Ечиб ўтирмади, зарда билан узиб ташлади. Қўлидагини айвон сўрисида қолдириб, сўрток остига қайтди. Йилтираб сузилган кўзлари анча эпоқага келиб қолган ҳовлисини бир сидра айланиб, ниҳоят аллакерда тўхтади. Қаттиқ тикланидан кўзлари катта-катта очилди. Бағри эзилаётганини сезиб турардию, тан олгиси келмасди. Мияси қизиди: ҳозир тўйиб-тўйиб овқат егиси ёки болаҳонадор қилиб сўкингиси келди. Аммо гўшт ҳам, овқат ҳам йўқ эди. Сўкинди, лекин ичида. Бағрини тимдалаб, у ён-бу ён пишқиргандай бўлди. Кафти нотаниш нарсага урилди: кўйлакка тегиб турарди. Ечиб ташлагиси келиб, икки тарафга тортганди, тугмалари тирс-тирс узилиб, учди. Бир енгини осон ечдию, иккинчисини узиб олди. Алам билан ирғитганди, ток новдасига илиниб қолди. Қорни таталади: қаердадир қотган нон бор эди. Аччиқ чой дамласа, бўқтириб-бўқтириб ейди. Гўштми, қолбасами олволса бўларкану... Кўнглига сиғмади-да. Энди эса каттиқ нон эсига тушди. Кейин нос чекиш ҳузурини ҳақидаги ҳаёли вужудига енгиллик бағишлади. Чирок ўчиқ экан: оббо-о!.. Ўчокка ўт ёқиш керак. Бир кучоқ қуриган шох-шабба аралаш ғўзапоя олиб келиб, ўчокка босди. Ўнг тоқчадан гугуртни топди. Тутантирик-чи?.. Китобга кўзи тушди. Кўксини ожиз ҳузур сийпалади, ёкимли хотиралар милтиради. Шу пайт бўғзида аччиқ куюкни хис этди: “Ёлгон ёзишаркан”, деди ичида, сўнг тилига кўчди. “Ёлгон ёзишаркан... Нимаиди?... Мановиям!.. – Китоб муқовасига қаради, ҳарфларни базўр ўқиди: – Думбадзаям!.. Ҳа-ха, ўша ёзувчиём!”

Китобнинг бир неча варағини юлиб олиб, ғўзапоя остига тикди: “Буларни... Буни фақат ёқиш керак! Булар фақат ёқиш учун ёзаркан!.. Қанийди, ҳозир онам ёнимда бўлса! Нимадир дерди...” Гугурт тилидан қоғоз аланга олиб, шох-шаббалар “чарс-чурс” ёна бошлади. У оловга – инсоният ҳаётини буткул ўзгартириб юборган нарсага ибтидоий одамдек боқди. Олов!.. Нега ундан кўркишади?! Дўзах олови борлиги учунми? Ахир ҳамма қорилар, анови Думбадзаям олов билан кўркитади-ку! Эҳтимол одам зоти ўз оловида (дўзахда) қуйиб бўлгандир? Йўқ, одамнинг дўзахини одам!.. Кўз олдида соҳиба пайдо бўлди: вужуди эриб, мижжалари юмшади. Юраги ёнаётгандай туюлди. “Бари ёлғон: уям, китоб ҳам, олов ҳам!..” Олов бағрига сув тўла човгунни тикди. “Ҳа, китоб ҳам!..” Китобни човгуннинг олдига қалади: “Ёнганни тузук! Ён!.. Ҳеч йўқ ёнишинг чин бўлар!..” Нигоҳи сўридаги араққа қайрилганда дарвозадан кириб келаётган шарпага урилди: у аёл эди!

– Яхшимисан? – деди опаси қўлидаги думалок тугунни бағирлаб.

– Ҳмм!.. – Унинг нигоҳи арақда қотди.


– Поччанг хайдаворми, – опаси пинак бузмай, айвонга кўтарилди. – Сассик эмишман. Неварали одамнинг гапини қара!.. Ие, нега майкачан ўтирибсан?.. Анови кўйлак кимники?..

У ёнаётган китобга бирпас маҳзун термилди-да, ўрнидан туриб, бақрайган опасига деди:

– Нариги уйда яшайверасан! Нима, биз бегонамидик?.. Фақат... Ҳалиги... Онаминг кўғирчоғига тегмагин!..

22.07.2017

02.09.2017



Асрор МЎМИН

## Доклик дунёсидан олурман ибрат

### Умрим фасллари

Учрашдик, боғимда яшнади баҳор,  
Ишқ гулига шайдо кўшиқ бошладим.  
Оху қарашларинг соғиниб зор-зор,  
Ширин хаёлларинг билан яшадим.

Бунчалар шошганча етиб келди ёз,  
Висолингга ташна қадам ташладим.  
Ой, куёшимсан деб, айтганимча роз,  
Ширин хаёлларинг билан яшадим.

Ям-яшил баргларни бехос тўкди куз,  
Хазонрез йўлларда кўзим ёшладим.  
Зимистон бўлса ҳам кечаю кундуз,  
Ширин хаёлларинг билан яшадим.

Қишнинг шамолидан жунжукди таним,  
Шом эди, шафаққа назар ташладим.  
Шукур, пок сақладим қатъият шаъним,  
Ширин хаёлларинг билан яшадим.

### Дилроз

Ёрни севишимга ишонсам ҳам чин,  
Ҳали бор овозда бўлмадим иқрор.  
Бахтлиман дунёга келганим учун,  
Ҳали шодлигимни қилмадим изҳор.

Асрор МЎМИН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тугатган. Унинг “Дил рози”, “Таваллуд”, “Севги тумори”, “Умид ва орзу”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Мунир ишқ” шеърый китоблари чоп этилган.

Тоғларга тикилдим посбоним дея,  
Мехримни айтмадим пойида туриб.  
Боғларга интилдим бўстоним дея,  
Шивирлаб қўймадим қўйнида юриб.

Оқ гул ҳаётимнинг тимсоли эрур,  
Поклик дунёсидан олурман ибрат.  
Булбул ижодимнинг тимсоли эрур,  
Шодлик навосидан олурман ибрат.

Сенинг хаёлларинг билан яшайман,  
Ҳаёт ва оқ гулдай ёқасан менга.  
Аё, булбулдайин наво бошлайман,  
Ишкимни бошқача айтолмай сенга.

## Дарё қирғоғида

Дарё қирғоғида ўлтирсанг ёлғиз,  
Умр – оқар сувлиги тушади ёдга.  
Термилиб қоласан қирғоқдай ожиз,  
Дарё каби окиб ётган ҳаётга.

Гўё кўрсатади дарё тўлкини,  
Бир бор оққан сувнинг қайтмаслигини.  
Қалбан ҳис қиласан, унинг шовкини  
Бирорга таскин сўз айтмаслигини.

Кўзингга ҳар томон кўринар сароб,  
Ўйлайсан, яшашга ҳожат йўқдир ҳеч.  
Уфққа бош қўяди қудратли офтоб,  
Англайсан, кетишинг эртами ё кеч.

Ноилож тақдирга тан берган вақтинг,  
Мурғак орзуларинг ёдга тушади.  
Ахир, ўшаларда эмасми баҳтинг,  
Кетсанг, ким уларни юртга қўшади?

## Туморим

*Туморимсан ҳар қачон,  
Тош устида унган гул.*

**Қайсин ҚУЛИЕВ**

Кўнгил гулдан нозик, қаттиқдир тошдан,  
Гоҳо битта сўздан синади чил-чил.  
Гоҳо дунё дарди айлансин бошдан,  
Яшнаб очилади мисли нафис гул.

Гапни чувалатмай бошлаб узокдан,  
Ўзимни неча бор ўлдирди сўзлар.  
Гул томонга омон ўтсам тузоқдан,  
Юзтубан йикитди ҳасадчи кўзлар.

Шунда умид, ишонч ўстирди кўнглим,  
Эрта улғайтирди ташвишлар, дардлар.  
Оқ кўнгил кишилар кўрсатди йўлим,  
Чўнг елкасин тутиб суяди мардлар.

Тошдаги ўша гул севги туморим,  
Қишу ёз демасдан яшнаб турар ул.  
Турмуш тошдан каттиқ, етар мадорим,  
Бир қуни қошида бўлурман булбул.

\* \* \*

Агар тушларимда учсам ҳавода,  
Ёнимда ёрдамга хозирсиз доим.  
Агар сузар бўлсам денгиз, дарёда,  
Кўлингиз чўзасиз қулиб, мулойим.

Ҳижрон саҳросида оловда куйсам,  
Сув пурқаб бошимдан, берасиз далда.  
Замин узра қайга қадамим кўйсам,  
Ўзингиз ҳамроҳим бўласиз йўлда.

Шукур, қалбимда сиз, севги, садоқат,  
Ҳавода учаман, сувга чўкмасман.  
Ҳижрон азоби ҳам беради роҳат,  
Оловда ёнмасман, алам чекмасман.

### Себзор кўприги

Эсимда, ёр билан хавотир-хавфда,  
Себзор кўчасидан ўтганларимиз.  
Иккимиз бетоқат икки тарафда,  
Яшил чироқни зор кутганларимиз.

Себзор кўчасидан ўтдигу, биров,  
Чарақлаб кезмадик висол боғида.  
Беҳос соясини ташлади фироқ,  
Бўзлаб қолдик айни ёшлик чоғида.

Ширин, аччиқ кечмиш бўлган бир пайтда,  
Энди, бу кўчада қурилди кўприк.  
Уни келиб кўрган дейди ҳайрагда:  
Ўз кўзимиз билан мўъжиза кўрдик.

Сўнг, юракдан айтар, кўприкни қурган  
Бунёдкор зотларга ташаккур, раҳмат.  
Бундай пок тилакка кўприкни кўрган,  
Замондош-авлодлар қўшилар, албат.



Шукур, дориламон кунларга етдим,  
Севгим менга берди сабру қаноат.  
Жуфт ёшларга қараб орзиқиб кетдим,  
Сизсиз йўқ кўприкдан ўтишга рағбат.

Қанийди, севишган икки дил аро  
Ҳамиша қурилса шундайин кўприк.  
Одамлар илтимос, тургунча дунё  
Уларни бузмангиз қокмасдан кнприк.

Дилларни-дилларга боғлаган кўприк,  
Ўз-ўзидан сира бўлмайди бунёд.  
Улар қанча бўлсин қилмайди кўплик,  
Уларни асрайлик эканмиз ҳаёт.

Кўприк узра кезар бахтиёр ёшлар,  
Қалбимни яйратар улар кўплиги.  
Шоири замонлар қасида бошлар:  
Севги кўпригидир – Себзор кўприги!

Севишган ёшлардан узмасдан нигоҳ,  
Ич-ичдан ёлвориб сўрайман паноҳ.  
Ёр, ҳажрда чекаман қачонгача оҳ,  
Бахтимизга бўлсин шу кўприк гувоҳ.

Ягонам, ҳар куни тушган чоғда шом,  
Себзор кўпригида кутаман сизни.  
Зор-зор дилимизга бағишлаб ором,  
Севги кўпригида учратар бизни!

## Ширин орзулар

Ҳали мен дунёга келмасдан аввал,  
Дунёда бор эди ширин орзулар.  
Йиллар ўтиб, сени учратган маҳал,  
Қалбимга жо бўлди ажиб туйғулар.

Йўлимга самодан ёғди нур-ёғду,  
Яйрадим баҳорги дарёдай тўлиб.  
Висол шодликлари қолади мангу,  
Ширин орзуларим тимсоли бўлиб.

Атрофга мунғайиб ташладим назар,  
Мени борлиқ этди сен каби шайдо.  
Ахир, кўзёшимдан Мушгарий қадар,  
Ширин орзулардан бўлгандир пайдо.

Ҳаётнинг ҳар дами эмасдир байрам,  
Изнимсиз умримга кирди қайғулар.  
Яхши-ёмон кунлар жонимга малҳам,  
Қалбимдаги пинхон ширин орзулар.



Бехзод ФАЗЛИДДИН

## Томчилар тилида хузурбахш шивир

\* \* \*

Кутганинг сенга ҳам интизор бўлса,  
Сен уни севгандек севолмаса ҳам –  
Севса, туйғулари беғубор бўлса,  
Аросат даштида чекмасанг алам.

Тизилмаса, майли, йўлингда ҳурлар,  
Фақат бир нурчехра кутса нигорон.  
Бағишламаса ҳам шаънингга шеърлар,  
Энг ҳалол сўзларин айласа эҳсон...

Аммо бу ҳаётдир – синов бозори,  
Ҳаммаси тескари, барчаси ғалат.  
Сен суйган маҳлико бошқанинг зори,  
Парво қилмаганинг сенга битар хат.

Бу аҳли дунёни тушунай қандай,  
Мудом насияга алишгай нақдни.  
Кўнгил кўнгил билан ўчакишгандай,  
Бахтдан тўйганларга илинар бахтни...

### Мармара<sup>1</sup>

Оқшом чўка бошлар шафақни кесиб,  
Мовий кенгликларда қорамтир живир.  
Намхуш ҳаво, нафис насимлар иси,  
Томчилар тилида хузурбахш шивир.

<sup>1</sup> Мармара – денгиз номи

Бехзод ФАЗЛИДДИН – 1983 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқиган. Ижодкорнинг “Муқаддас замин”, “Богларингдан кетмасин баҳор”, “Онамнинг кўнглига кетамиз”, “Сен қачон гуллайсан”, “Тушларингдан чиқиб келдим” каби шеъррий тўпламлари чоп этилган.

Бул оби раҳматга қонарми, йўқми –  
Қирғоқлар – ҳаётга мангу ошиқлар.  
Бир ажаб оҳангда аллалар руҳни  
Оқчорлоқлар айтган қадим кўшиқлар.

Не гўзал! Бу кеча не қадар гўзал!..  
Уваланиб кетар кўнгилдан кинлар.  
Тириклик шавқида ўқиғай ғазал  
Тошларни тоблаган толмас тўлкинлар.

Парку булутлардан дур ёғар тинмай,  
Еру кўк саҳнида ажиб жимжима:  
Узоқларда – ортга қайтгиси келмай –  
Чайқалиб боради ҳорғин бир кема...

\* \* \*

Занжирлар узилса, кишанлар синса,  
Ортиқ юкинмасанг шу эски тосга.  
Ўзлигин йўқотган руҳга файз инса,  
Умрингни бурқасанг боқий ихлосга.

Шояд, ўз номини унутса ҳаёл –  
Ҳақиқатга дўнса бой тасаввурлар.  
Дунёни муҳаббат айласа ишғол,  
Замин чехрасидан ёғилса нурлар.

Қалб кўзин фикратга эш килиб боксанг,  
Нигоҳингнинг ўзи улуғ шеър бўлса.  
Энг кўхна ҳикматлар мағзини чақсанг,  
Эҳсонга айланса, дил не дер бўлса.

Яшасанг, шу кўйи яшасанг мудом,  
Ҳаёт китобида зарҳал битикдай.  
Ўлим-да мард бўлса, қилмаса ғирром,  
Юрганга яраша юрсанг тирикдай...

\* \* \*

Қалб севдим демаса, эмас саломат,  
Ки, севги бахш этар инсонга куч, кўрк.  
Бечора ошиқни қилма маломат,  
Севганини айбситма, севмагандан кўрк.

\* \* \*

Кўнглимни чўқтирди кўнгилсизликлар,  
Кўнгилга яқин бир кўнгил изладим.  
Кўнглимни оздирди кўнгилбозликлар,  
Узмадим, Кўнгилдан кўнгил узмадим.

Кўнгилни коптокдай ўйнади ҳаёт,  
Эзилиб-эзилиб синган кўнгилман.  
Кўнгил ўйинини кўймади ҳаёт,  
Кўнмаган кўнгилман, кўнган кўнгилман.

Бу дунё, асли бир кўнгилзор эди,  
Кўнгилни кўнгилдан кечирмаганлар.  
Наҳотки, сизда ҳам кўнгил бор эди,  
Кўнгилнинг кўзини очирмаганлар?..

## Бир ҳолат

Кутдинг нима, кутмадинг нима –  
Парвосига олмай вақт ўтар.  
Олам – олти кунлик жимжима,  
Кўз очгунча йўқолар-битар.

Ёздинг нима, ёзмадинг нима –  
Шеър балого ёндош ҳимматдир.  
Кампирнамо нағмаси ила  
Дунё битта сўзга қимматдир.

Севдинг нима, севмадинг нима –  
Ўз-ўзидан озод одам йўқ.  
Бари бирдай топгай хотима,  
Яшаш учун баҳона ҳам йўқ.

\* \* \*

Кета кол, даврага сиғмаган одам,  
Борсанг-чи, парвозда давом этсанг-чи.  
Ҳадемай барига тутилар мотам,  
Лойқага кўшилмай ғолиб кетсанг-чи.


Бу ғурбатхонада баломи бордир,  
Ҳар кавмнинг ўз шохи, ғуломи бордир.  
Шусиз ҳам куйингни тинглайди очун,  
Тоғларнинг беғараз саломи бордир.

Ҳавойи ўйларни ўйлаб-да юрма,  
Кўкармас боғига бўйлаб-да юрма.  
Очилиб борадир авж пардалари,  
Навосиз наволар сайлаб-да юрма.

Денгизга дарёлар куяр кудратни,  
Тозариб окурсан мисрама-мисра.  
Кўксингдан беҳуда сочма зийнатни,  
Қалбингни ардоқла, Дардингни асра.

## ИЗЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

ёхуд ҳаёт саволлари



Абдулла УЛУГ'ОВ

**Ш**арқда чинакам шоиру адиблар қадим-қадимдан элнинг энг эътиборли одами саналиб келинган. Бизда ҳозир ҳам худди теурийлар салтанатида, Навоий замонида бўлгани сингари “шоирлик – инсон учун юксак маком” деб қаралади. Шоирлар қишлоғу шаҳарнинг, туману вилоятнинг фахри, ифтихори сифатида давраларнинг тўрига ўтказилади. Барча унга: “Шоир, шеър ўкинги!” деб мурожаат қилади. Чунки юртимизда айни замонда ҳам шеър эшитишга, шеър битишга каттаю кичик бирдай қизиқади. 2017 йилда пойтахтдаги ва вилоятлардаги наشريётларда юзга яқин шеърлий тўплам чоп этилганлиги фикримизнинг далилидир. Шеърлий тўпламлар муаллифларининг энг ёши етти ёшда бўлса, энг улуги 90 ёш остонасида. Юртимизда шунча кишининг шеър ишқи билан яшаётгани, шунча одамнинг шеърга меҳри жўш ураётгани, улар покиза туйғу, тоза тилақларини бошқаларга маълум қилишга, юртдошларимиз қалбида эзгу истаклар уйғотишга интилаётгани ҳар биримизни қувонтиради.

Тўпламлар муаллифлари орасида ўз овозига эга ижодкор сифатида танилган шоирлар ҳам, хою ҳавас учун қалам тебратганлар ҳам бор. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларининг шеърлий тўпламлари мундарижаси, мавзу доираси бир-бирига жуда ўхшайди. Уларда дастлаб Ватан, мустақиллик, она тўғрисидаги, кейин табиат ва устоз ҳақидаги шеърлар жойлаштирилган. Айни шеърлар ҳавасмандликка ёзилгани ва муҳаррирнинг “кўп ва хўп” меҳнати маҳсули экани билиниб туради. Лекин бундан қатъи назар, мучал ёшига етган, ундан ошган ўспиринларнинг шеър ўқиб, шеър ёд олаётгани, шеър ёзаётгани, орзулари осмонга сиғмасдан шеърлий тўпламларини тақдим қилаётгани кўнглида эзгу ҳислари бор одамни, албатта, мамнун қилади.

Ўтган йилги тўпламларнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар ўзининг барча ижобий хусусиятлари ҳамда мавжуд камчиликларидан қатъи назар, олам аҳли шеърдан тобора узоқлашаётган бир замонда ўзбек шеъринининг ўзани тўлиб оқаётганини намойиш қилади. Ҳалима Аҳмедованинг “Ташбех”, Фахриёрнинг “Излам”, Болтабой Бекматовнинг “Измингда коинот”, Зулфия Мўминованинг “Аёлга

*Абдулла УЛУГ'ОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сехри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётишуносликка кириш”, “Туркий халқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётишунослик назарияси” дарслиги нашр этилган.*

гул беринг”, Зухра Мамадалиеванинг “Дунёлар мовий ранг”, Ўктамойнинг “Вақт занжири”, Бехзод Фазлидиннинг “Тушларингдан чиқиб келдим” тўпламлари замонавий шеърятимизнинг ранг-баранг манзарасини намойиш этиб, ундаги ўсиш-ўзгаришлар, янгиланишлар даражасини кўрсатиб беради.

“Академнашр” да босилган “Кўксимдаги куш” тўпламига Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим “Қисмат ёзиқлари” сарлавҳали сўзбоши ёзиб, унинг муаллифини: “Исроил билан кеч танишдим. Аммо у бир умр ёнимда юргандай. Танишганимизданок муносабатимиз ака-укалик – кўнгилдошлик мақомига кўтарилди... Шеърларида ҳақиқий шоирларга хос хазинлик, соғинч уфуриб туради. Ёлғони йўқ. Қисмат ёзиқлари шундоқ кўриниб турибди. Аммо шеърни маҳкам тутмаганликдан паршон ўринлар ҳам бор” деб таништиради. Улугбек Ҳамдам эса “Энди мен куйман” тўплами муаллифи Барно Гулнинг шеърлари ҳақидаги мулоҳазаларини: “Истеъдод ҳамиша оҳорли овоз билан кириб келади ва эски дунёга янгича қараш мумкинлигини кўрсатади. Унга дуч келганимизда беихтиёр “воҳ!” деб юборамиз. Барно Гул (Барно Солиева)нинг аксарият шеърларида ана шундай оҳорни кўрдим”, деб бошлайди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Рустам Мусурмон муқоваси, қоғозининг сифати, полиграфик жиҳатига ҳар бир ижодкор ҳавас билан юғиниб қарайдиган “Ойдин йўллар” тўпламига битган “Кўнгил мавжлари” сарлавҳали сўзбошисида: “Моҳи Дилнинг шеърлари самимий, халқона. У ўз юрагида кечганларини бўямай, муболага қилмай, рўйирост баён қилади. Ватан, юрт соғинчи мавзусидаги шеърлари таъсирчан. Ота-она кадри, фарзанд қамоли, меҳр-оқибат мавзуларини қаламга олганида шоирона юрагини ҳис этасиз. Келажак буюк Ўзбекистонимизнинг шонли ўтмиши, саодатли бугуни тасвирланган сатрларда лирик қахрамоннинг фахру ғурури сизни бефарқ қолдирмайди... Бир сўз билан айтганда, Моҳи Дилнинг шеърлари мазмунан самимий, шаклан оҳангдорлиги ва равллиги билан диққатга сазовор”, деб таъкидлайди. Айни хусусиятлар бошқа тўпламлардаги, хусусан, Зулфия Мўминованинг “Аёлга гул беринг”, Зухра Мамадалиеванинг “Дунёлар мовий ранг”, Ўктамойнинг “Вақт занжири”, Бехзод Фазлидиннинг “Тушларингдан чиқиб келдим”, Жумагул Сувонованинг “Музаффар ёғдулар” тўпламларидаги шеърларда ҳам яққол сезилади.

Барча халқлар адабиётшунослигида шеър тўғрисидаги таъриф қанча замонлар ўтса-да, моҳият эътибори билан деярли ўзгармасдан келади. Мутрибий Самарқандийнинг: “Шеър” сўзининг луғавий маъноси “топмоқ ва билмоқ”дир. Шу жиҳатдан шоирни “билувчи ва топувчи” деб атайдилар. Чунки шоир бошқалар топа олмайдиган сара сўзларни топади ва улар тизимига ўзгалар эплай олмайдиган даражадаги шаклни беради. “Шеър” сўзи истилоҳ сифатида маъно, вазн ва қофиянинг ҳамоханг келишини англатади” (Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш шуаро. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2013. – 21-бет) деган фикри жаҳон адабиётшунослиги учун шеър хусусидаги энг мухтасар ва энг мазмундор таъриф бўла олади.

Асл шеърда сўзнинг сеҳри, унинг ақл англашга ожизлик қиладиган жумбоқ жиҳатлари акс этиши “Ташбех” тўпламида яққол билинади. Ҳалима Аҳмедованинг ушбу шеърый мажмуаси маъно-мазмунининг теранлиги, сўзнинг жилоларини очиши ва яна жуда кўп хусусиятларига кўра “2017 йилнинг энг яхши адабий-бадий китоби” сифатида эътироф этишга арзийди. Чунки “Ташбех”даги шеърларда аллақандай сирлилик, сўзларида қандайдир ўзгача маънодорлик ва қалбда садо берадиган ғаройиб жозибадорлик сезилади. Ҳалима Аҳмедова “Ташбех” тўпламидаги шеърларида фикрлайдиган ҳар бир одамни азоблайдиган “Мен кимман? Мен нима учун яшайман? Мен нима қилмоғим керак?” деган саволларни қўяди ва уларга

жавоб излайди. Аниқроғи, шоиранинг шеърларида ўзига ҳаётнинг ана шу каби саволларини бериб, уларга жавоб топишга уриниб, изтироб чекаётган инсоннинг ҳасратга тўла олами акс этади. Бу инсон ўзининг кимлигини англамоқ учун ўзи каби одамлар умргузаронлик қилаётган ҳаётга қарайди ва ҳар бир кишининг ўзлигини англаши жўн ҳодиса эмаслиги, бу жумбок сон-саноксиз ришталар орқали бошқа одамлар ҳаёти билан боғланиб кетгани, уларни бутунлай узиб ташлаб, улардан буткул халос бўлиш имконсиз эканини идрок этиб, ҳам таажжубланади, ҳам азобланади. Чунки у бу ҳаёт бемаънилиқ, чалкашлиқ, мужмаллик ва зиддиятларга тўла экани, айни чоғда унда яшашга, бунёдкорликка ундайдиган аллақандай мафтункор куч мавжудлигини тобора чуқурроқ тушунади. Шоира шеърларида ҳаёт саволларига жавоб беришни зиммасига олмайди. Бунга даъвогарлик ҳам қилмайди. Аммо ҳар бир кишидан шу саволларга жавоб сўрайди.

Унинг шеърларидаги оҳорли сатрлардаги қуйма образли ифодалар, қўлланмаган ташбехлар, тutilмаган жарангдор кофиялардан шеърят, адабиёт, умуман, санъат инсоният ҳаётининг кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган безаги экани ва улар алдаб, авраб кишиларни ҳаётнинг кўйнига чорлаши аён бўлади. “Ташбех” тўпламидаги шеърлар ўқувчи ва унинг руҳини кундалиқ турмуш ташвишлари гирдобидан озод қилиб, ўз ҳаёти ва бегона одамлар ҳаёти уммонидаги сокин ҳамда шиддатли тўлқинлар узра суздиради. Шунда у “Мен кимман? Қилаётган ишимдан нима маъно чиқади?” деган ҳаёт саволларини беихтиёр ҳаёлидан ўтказди. Жавоб ўрнига ўша саволларнинг ўзи яна кўндаланг бўлаверганидан изтиробга тушади. Бу эса унда ҳаракатсиз ётган ақл, қалбидаги хис-туйғулар уйғонганидан дарак беради.

Шоиранинг “Она халкимга бағишлайман” деган ушбу китобидаги “Қарз” дастурий шеър сифатида тўпламдаги барча шеърларнинг умумий мундарижасини белгилайди. Айни шеърдаги: “Англамоқ истаيمان куннинг қалбидан / Синиб тушаётган номсиз зиёни / Ва йўлимни тўсган ғаним кўзига – / Дўстимнинг кўзига экай кўнглимни. / Токи дарё бўлиб адаштирай мен / Шошилиб келаётган ўлимни” каби ҳароратли мисраларнинг зарби, оҳанги “Ташбех”даги аксарият шеърларнинг ҳужайраларига ҳаёт бағишлайди. “Қарз”даги айни хусусият у дастурий шеър экани ва унда ҳаёт саволлари қаршисида туриб, уларга жавоб излаётган шоиранинг изтиробга тўла қалбидаги истак, илтижолар ифодаланганидан далолат беради. “Ташбех”даги шеърларнинг бир-бирига занжир ҳалқалари каби мустаҳкам боғланиб, авж пардада садоланадиган мисраларидаги сўзлардан қалбга нимадир сизиб қиради. Бу сўзлар турмушнинг туганмас ташвишларидан қорайган қалбимизнинг қоронғи пучмоқларига етиб, алланималардан огоҳ этади.

Ҳалима Аҳмедованинг шеърларида ҳаёт ҳақида, инсон умри тўғрисида Шарқ мумтоз шеърятига хос илоҳий оҳанглар, замонавий ўзбек шеърятининг Чўлпон, Ғафур Ғулום, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи сингари намояндалари ижодига хос образлилик мужассамлашади. Шоира шеърларида кўп асрлик ўзбек адабиётида узоқ қутилган жиддий ўзгариш, янгиланиш намоён бўлади. Чунки уларда воқеликка тасаввуфно нуқтаи назардан қаралади ҳамда олам ва одам тўғрисидаги зиддиятли мушоҳадалар замонавий шеърятга хос тарзда ифодаланади. “Ташбех”даги шеърлар Ҳалима Аҳмедованинг фавқуллодда ақл-заковатидан, у шеърларини илоҳий илҳом билан битадиган булбул шоир эканидан далолат беради. Шоиранинг шеърлари муайян мавсум умр кечирадиган, бир халқ, бир миллат доирасида қоладиган ижод намуналари сирасидан эмас. Уларда барча даврларга бирдай тааллуқли, яшовчан умуминсоний ҳислар, дардли ўй-кечинмалар, қалб изтироблари ифодаланади.



Ушбу тўпламдаги шеърлар, айтиш мумкинки, тўлалигича ташбехлардан таркиб топган. Улардаги мисраларда ҳаётга қасида ўқилиб, калбдаги зиддиятли ҳолатлар, бир-бирини ҳам инкор этиб, ҳам тасдиқлайдиган кечинмалар, кескин мунозаралар ҳеч бир шоир қўлламаган ўхшатиш, сифатлаш ва бошқа номдаги бадий санъатлар воситасида ифода қилинади. Шеърлардаги: “Мени олиб боринг уфқ қошига, / Унга кўзларимдан сузиб берай май. / Унинг кучоғида, унинг охида / Мен ҳам бир бахтиёр аёлдай яшай” каби сатрлар шоиранинг юксак тасаввуридан далолат беради.

2017 йилдаги шеърый тўпламлар замонавий адабиётимизда сўз санъатидаги мумтоз анъаналар ва янгича изланишлар ёнма-ён яшаётгани, улар бир-бирини тўлдириб, ҳозирги адабий жараёнга ранг-баранглик бағишлаётганидан далолат беради. Фаҳриёрнинг “Излам”идаги шеърлар замонавий ўзбек адабиётида янгича изланишлар жараёни жуда қизиқарли кечаётгани, икtidорли қаламкашлар ўзбек тилининг, адабий жанрларнинг ички имкониятлари, кўринмаган кирраларини кашф этаётганини кўрсатади. “Аёлгу”, “Геометрик баҳор” тўпламлари муаллифининг ушбу мажмуасидаги шеърларда воқеликка бошқа ракурсдан қараш, ўзига хос ёндашиш, фикрни янгича шаклга солиб, ундан янгича мазмун топиш яққол сезилади. “Излам”даги шеърлар мана шу жиҳати билан адабий тафаккуримиз сарҳадларини кенгайтиришга хизмат қилади. Жаҳон адабиётидаги янгича ўзгаришларни ўзбек адабиётига олиб киришга интилаётган изланувчан шоирнинг янгича шакл, янгича мазмундаги шеърлари адабиётдаги ҳар қандай ўзгариш аввало миллий заминга таяниши, сўз санъатидаги янгиланишлар бошқа халқлар адабиётидан таъсирланишидан юзага келишидан далолат беради. “Излам”даги шеърлар, биринчи навбатда, ўзига хос янгича ташбехлари билан эътиборни тортади. Мухими шундаки, улар миллий турмушимиздаги воқеликка асосланади. Яна бир жиҳати бу ташбехлар шеър учун шунчаки безак бўлиб қолмасдан фикрни одатдагидан бўлакча тарзда бўрттириб туради. Модерн йўналишидаги аксарият шеърларда эса ташбехлар сунъий, ясамалиги, улар зўриқиб чираниш билан ўйлаб топилгани, муаллиф бунинг учун қийналиб бўғилгани яққол билинади. Шу билан боғлиқ бўлса керак, бундай модерн намуналарида нима дейилмоқчи экани – мақсад мавҳумлигича қолади. Шеърнинг ребусга айланиши эса ҳеч кимнинг кўнглига ҳаловат бағишламайди. Бундай ҳолат, табиийки, дарҳол ғашга тегади. “Излам”дан жой олган шеърлардаги ташбехлар изланувчан ижодкорнинг топилмаси сифатида диққатни жалб этади. Улар бир-бирига алоқадор ҳодисаларга дахлдор кенг мазмунни қамраб олиши билан кишини дафъатан ўйлантриб қўяди. Шу боис шакли ғалати, мазмуни саёз модерн намуналари “Излам”даги шеърлар қаршисида жуда ғариб, ночор кўринади. “Ташбех”даги шеърлар билан Фаҳриёрнинг ёзганлари қиёсланганида эса “Излам”да шеърга хос мусиқийлик, жарангдорлик, равонлик сустиги сезилиб қолади. Айни ҳолат ўзбек шеъриятида модернча изланишлар ҳали меъёрига етмагани, лекин бу йўналишдаги шеърый тажрибалар келгусида яхши самаралар беришига умид уйғотади. Энг муҳими, “Излам”даги шеърлар “адабиёт ҳаётни акс эттириди” деган аввалги қарашларга таҳрир қиритади. Улар адабиёт воқеликни акс эттирибгина қолмасдан, уни таҳлил қилиши, кишиларни мавжуд ҳаётга лоқайд қараш, кузатувчи бўлиб умргузаронлик қилиб яшаш ҳасталигидан ҳалос этиб, фаол фикрлашга ундаши зарурлигига ишонтиради. “Излам”даги шеърларда воқеликка ақл кўзи билан қараш устуворлик қилади. Шу боис улар анъанавий шеърятнинг жарангдор оҳанглари руҳига сингдирган кишиларга бир қадар совук туюлади. Модерн намуналари шу хусусияти туфайли кўпчилик назарида шеър бўлиб туюлмайди. Албатта, Фаҳриёрнинг шеърларидаги ўзига хос образли ифодалар тасав-

вурни кенгайтиришини ҳар бир ўқувчи дарҳол эътироф этади. Чунки шоир бир-бирига алоқасиз ходисалар ўртасида ҳам мустаҳкам ички боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб беради. “Излам”даги: “Ботаётган кундай қизарар / кўзёшнинг томмаган сояси./ Нур ўрнига ҳижронлар тарар, / ранг ўрнига – ҳасрат оятин. / Ишк тўлдирган ҳужайраларга / соя тўлиб қолар бирма-бир. / Вақт емирар хайратларимни: / сирмасир, бирма-бир, сирма-сир” сатрлари янгича бадиий топилма эканини ҳар бир шеърхон дарҳол пайқайди.


Адабиёт ва санъатдаги севги-муҳаббат тавсифлари азал-азалдан идеалга асосланади. Шарқ шеърлятида ҳам, Ғарб сўз санъатида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Идеалда эса турмушдаги мавжуд воқелик эмас, одамларнинг орзусидаги олам, хаёлларидаги ширин ўй-истак кўпроқ ифодаланади. Чунки ана шу тотли умидлар кишиларнинг ҳаёт зарбаларига дош беришида мустаҳкам таянч вазифасини бажаради. Фахриёр муҳаббат ҳиссини адабиётдаги анъаналарга тамоман тескари тарзда тавсифлаб: “Вақт умримни сўз қилиб элар: / муҳаббатим – энг буюк хато. / Хато-йимга топиндим – гуноҳ, / гуноҳимни севдим мен шундай. / Чечак эмас, ўрмалади оҳ / кўнгил даштларида тутундай” дейди. “Излам” тўплами ана шундай ноанъанавий қарашлар ифодаланган шеърлардан таркиб топган. Уларда шоир одатдаги тушунчаларнинг шу пайтгача идрок этилмаган жиҳатларидан сўз очади.

Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, 2017 йилдаги шеърый китоблар ўзининг ютуқ ва бадиий фазилатлари, кусур ва камчиликлари билан ўзбек шеърлятининг бугунги даражасини акс эттиради. Шундай экан, “китоб” деган сўзга масъулият билан қарашимиз, ўсмирлик машқларини ҳақиқий шеър сифатида тақдим этишдан андиша қилишимиз зарур. Ўтган йилдаги шеърый тўпламлар билан танишиб, ўзбек шеърляти ташбеҳлар, шакллар, образлар яратишда изланишда, инсон руҳиятининг кўз илғамас кенгикларини акс эттириш борасида юксалишда эканлигига ишонч ҳосил қилдик.



*Шеър одамни табассум қилишга,  
бир-бирига меҳрибон ва дўст бўлишга  
ўргатади. Шеър - қалбларни бир-  
бирига боғловчи риштадир.*

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**



Қурдош  
ҚАХРАМОНОВ

## ЙИЛ ҚИССАЧИЛИГИ: ИЗЛАНИШ ВА ЭВРИЛИШЛАР

Утган йили қиссанавислар учун баракали йил бўлди. “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” каби журналларда ўнлаб қиссалар эълон қилинди. Чоп этилган қиссаларнинг мазмун-мундарижаси, бадий савияси, ифода йўсини турлича бўлишига қарамай, уларга хос муштарақ жихатлардан бири бугунги глобаллашган замонда инсон маънавиятидаги эврилишлар, инқирозлар, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий курашнинг қалб кечинмалари фонида акс этишида кўзга ташланади.

Жўра Фозилнинг “Хонгул”, Абдусаттор Содиковнинг “Тушларимга киринг, она-жон”, Абдужалол Рахимовнинг “Матонат” каби қиссалари реалистик ифодаси билан ажралиб туради. Жўра Фозилнинг “Хонгул” қиссасида инсон ва табиат муносабатлари масаласи акс этади. Қиссада долзарб экологик муаммо – тобора камайиб бораётган Бухоро бугуси Хонгул фожиаси билан инсон қисматини бир-бирига мутаносиб ҳолда тасвирлаш мақсад қилинган.

Ёзувчи ҳайвонот оламига хос тасвирларни одамлар қисмати билан узвий боғлай олади. Қиссада қўриқхона ходими туқайбеги Раҳим ака, Бухоро ноёб буғулари устида илмий иш олиб бораётган ёш тадқиқотчи Гулнихол ҳамда ушбу ҳайвонот олами ҳақида китоб ёзишни ният қилган ёш ёзувчи Анварнинг қисмати қолипловчи ҳикоя билан муштарақ воқеликка айланади. Бинобарин, ёзувчи асарда фақат табиат ва инсон муносабатларинигина эмас, балки ҳаётдаги азалий кураш – эзгулик ва ёвузлик, ватанпарварлик ва хоинлик, севги ва садоқат, оила ва бурч каби бир қатор маънавиятга дахлдор масалаларни ёритишга ҳаракат қилади.

Бирок бу эзгу ният асарда ўзининг тўла ифодасини топган дейиш қийин. Асар “Хонгул” деб номлангани билан ундаги Гулнихол, айниқса, унинг отаси қисматига онд чўзиқ лавҳалар, Анвар ва Раҳим аканинг бир дунё ташвишлари тасвири, Қизқалъа афсонасида келтирилган малика Заррина ҳақидаги эпизодлар ҳам асарнинг гоявий-бадий мазмунини билан сингишиб кетмаган.

Абдужалол Рахимовнинг “Матонат” номли қиссасида бахтсиз ҳодиса туфайли ўсмир ёшидаёқ бир оёғидан айрилиб протез кийишга мажбур бўлган, турмушнинг

---

*Қурдош ҚАХРАМОНОВ – филология фанлари доктори. 1954 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети филология факультетини тамомлаган. “Адабий танқид ва ўзбек адабиёти” ва “Адабий танқид: янгилаштириш жараёнлари” номли монографиялари, “XX аср ўзбек адабиёти” ўқув қўлланмаси, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” дарслиги (ҳаммуаллифликда) муаллифи.*

аччиқ синовлари олдида эсанкирамай ўзи ҳаёт йўлини топишга уринган инсон қисмати қаламга олинади. Асарда анъанавий асарларга хос сюжет – ногирон бўлиб қолган Толибжоннинг руҳий кечинмалари, изтиробли онлари, тушқунликка тушган бир пайтда ҳаётсеварлик билан меҳнати туфайли катта ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳикоя қилинади.

Қиссада Толибжондан ташқари, онаси Муслима опа, отаси, Гулчехра, унинг отаси Қобулжон амаки, дўсти Сервир, газета муҳаррири Зокир Қодиров ва бошқа образлар ҳам тасвирланган бўлиб, уларнинг Толибжонга бўлган инсоний муносабатлари, унинг оёққа туришига ҳар томонлама кўмакка тайёр эканликлари тасвирланади. Айни пайтда асарнинг ғоявий-бадиий мақсадига жуда ҳам ёпишиб тушмаган сунъий диалоглар, баёнчилик ўринлари ҳам учрайдики, булар бадиий асар композициясининг тарқоқлашувига, бадииятнинг сусайишига олиб келган.

Абдусаттор Содиқовнинг “Тушларимга қиринг, онажон” номли қиссаси ҳам анъанавий усулда ёзилган бўлиб, она васфига бағишланган. Қиссанинг асосий фазилатларидан бири унинг ниҳоятда самимият билан ёзилганидир. Асарда она ва фотидан кейин ҳар бир фарзанд кўнглидан кечадиған ўқинч-у соғинч, афсус ва надомат, изтироб, ҳуллас онаизорни кўмсаш ва хотирлашнинг таъсирли манзаралари ўз ифодасини топган. Фарзанднинг она билан сўнги бор видалашув жараёнидаги изтироблари, дафн маросими пайтидаги қалб кечинмалари дарднинг ҳаётийлиги, руҳий тўлғоқларнинг ишонарлилиги билан китобхонни бефарқ қолдирмайди. Асар сарлавҳа билан ажратилган қиска-қиска эпизодлардан ташкил топган. Ҳар бир эпизодда она меҳрининг у ёки бу манзаралари жонланади. Бу манзаралар китобхон дилига ниҳоятда яқин ва таъсирчандир. Ёзувчи характерли деталлар орқали онанинг катта ва ҳаётий дунёсини очиб бера олган. “Равнатун”, “Рўмолчадаги қурут”, “Онамнинг иси”, “Сарғайган варақ” каби ҳикояларда она сиймоси ғоят ҳаётий лавҳаларда ёритилган.

Истиклол йилларида эмин-эркинлик шарофати билан кўплаб ижодий изланишларга қўл урилмоқда. Яратилаётган асарларда анъанавий ифода усулидан фарқли равишда замон ва макон чегараларини бузиш, асар воқеаларини шакллантиришда турли-туман ижодий усуллардан – реинкарнация, туш, беҳушлик, онгости ва бошқа руҳий ҳолатдаги кечинмалар тасвиридан фойдаланишга эътибор кучайди. Синкретик тасвир, фольклор мотивларига кенг мурожаат авж олмақда. Албатта, бундай изланишлар ҳар доим ҳам ўзини оқлаётими, деган масала долзарб бўлиб турибди.

Шавкат Низомнинг “Истиғфор” қиссаси ўзига хос мураккаб усулда – рамзий-ҳаёлий воқеалар фонида ёзилган асар сифатида таассурот қолдиради. Асарда қаҳрамоннинг тавба-тазарруси асосий лейтмотивни ташкил этади. Табиийки, китобхонни қаҳрамоннинг қандай гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиши қизиқтиради.

Ёзувчи қиссада қаҳрамоннинг бир неча даврдаги ҳаёт йўлини тасвирлар экан, замон ва макон чегараларини бузади. Жумладан, у битта ҳаётида фуқаролар уруши даври воқеалари иштирокчиси сифатида тасвирланади. Ўн тўққиз ёшида кизил командир бўлиб босмачиларга, ёш шўро ҳукуматида душман, деб қаралган барча-барчага қирон келтириб, дарё-дарё қонлар оқишига сабабкорлардан бири бўлади.

Бошқа бир даврдаги ҳаётида эса қаҳрамоннинг лашкарбоши сифатида исёнчиларга қарши олиб борган кураши акс этган воқеалар тасвирланади. Буюк ҳокон қўлида оддий ясовул бўлиб хизмат қилаётган қаҳрамон ҳоконга қарши исён кўтарган кўзғолончиларга қандай чора кўриш лозимлиги ҳақидаги машваратида сулҳни таклиф қилган вазирлардан фарқли ўлароқ босқин қилиб, уларни мавҳ эттиш таклифи билан чиқади. Бу таклифини маъқул деб билган ҳокон сулҳ тараф-

дорлари бўлган вазирларни қатл эттириб, уни лашкарбоши лавозимига кўтарди ва кўшинларга бош қилиб исёнчиларга қарши юборади.

Асар қаҳрамони яна бир умрида армия хизматида чакирилиб, Афғонистондаги жангда иштирок этади.

Қиссада асар қаҳрамони, Қорасочбону, Хувайдо, Камолхон, Иззат, аллақайси қадим замонда исёнчиларни қирғинбарот қилишга буюрган хоқон ва унинг амрини бажаришга отланиб, лашкарбошига айланган ясовул, фуқоралар урушида қўли қон бўлган қизил командир, кўрбоши Музаффар, афғон уруши иштирокчиси зобит-у мужохид – булар барчаси аралаш-қуралаш замоннинг қисматдошлари сифатида тасвир этилади.

Қаҳрамонлар қисмати ва шу қисматни акс эттирувчи воқеалар тизимининг бундай бош-оёқсиз ифодасидан мақсад нима ўзи? Бунда ёзувчи илгари сураётган асосий ғоясини одамзод бир неча марта кечирган умрида қилган гуноҳлари учун ажрим бор, деб қабул қилиш мумкиндир, эҳтимол. Лекин шу ғояни ифодалаш учун мантиқан асосланмаган, на ҳаётий ва на бадий асосга эга бўлмаган воқеаларни қалаштириш ўзини қанчалик оқлайди, деган масала ҳам муҳим масалалардан биридир.

Шодмон Сулаймоннинг “Учинчи палата” деб номланувчи қиссаси ҳам асар қаҳрамонларининг ўзига хос истифори сифатида намоён бўлади. Турли хил дард билан битта палатага тўпланиб қолган беморлар – Шоир, Уста, Мосуво ва Муллаларнинг ўзига хос кўнгил кечинмалари асарнинг асосий мазмун-мундарижасини ташкил қилади.

Даставвал, кўричаги кесилган, бироқ қанд касаллиги сабаб яраси битмай, икки ойдан буён худ-бехуд бўлиб ётган шоир кечинмалари тасвирланади. Ёзувчи шоир кўнглидаги қарама-қарши ҳисларни тасвирлар экан, унинг қаерда хато қилдим, деган уй-мулоҳазаларини бот-бот такрорлайди. Шунга кўра шоир асарда ўзлигини, дунёнинг моҳиятини англашга интилаётган қаҳрамон сифатида намоён бўлади.

Асарда Уста, Мосуво, Муллаларнинг ҳам истиффорлари бирма-бир ифода этилади. Уста шогирд етиштиради, хунарамандликнинг барча сир асрорларини ўргатади, истейдодини юзага чиқариш учун қўлидан келган ёрдами аямайди. Бироқ оқибат кўрмайди, шогирди унга панд бериб, хиёнат қилади. Қисса қаҳрамонларидан бири Мосуво ичкиликка ружу кўйиб, турмуш ўртоғи ва иккита қизалоғини хўрлайди. Ҳар кун ичиб келиб уларни уриб-сўкиб, таҳқирлайди. Эрининг қалтакларига чидай олмаган хотини қизалоқларини олиб уйни тарк этади. Шу тариқа ичкиликка батамом берилиб кетган Мосуво охири жигар хасталигига йўлиқиб касалхонага тушади. Мана энди оғир кечинмалар оғушида ўзининг қилмишидан пушаймон бўлиб ётибди.

Асарда савдогарчилик қилиб дўстига хиёнат қилган Мулла образи ҳам берилган. Ҳисобдан чиқариб ташланган трубаларни қайта бўяб сотиш орқали бойлик орттирган, дўстининг қаршилигига қарамай, кўзбўямачилик қилиб халқни алдаган савдогар бир йил ўтмай сири фош бўлиб, элнинг назаридан қолади ва ўзини дуохонликка уради.

Ёзувчи асарда бир палатада жойлашган ушбу қаҳрамонларнинг дил икдорларини келтирар экан, ҳаётининг ўткинчилиги, бу дунёда дардман бўлмаган инсоннинг ўзи йўқлиги ҳақидаги фалсафий қарашларни ифодалашга ҳаракат қилади

Исажон Султоннинг “Ҳазрати Хизр изидан” қиссасида номланишига мос равишда турли ривоят-у афсоналар орқали таниш бўлган ва ўзининг саховатпешалиги, хожатбарорлиги билан асрлар давомида халқимиз онгига сингиб кетган Ҳазрати Хизр амалларини ҳикоя қилиш мақсад қилиб олинган. Асар одатдаги қиссалардан фарқ қилади. Қисса Ҳазрати Хизр билан боғлиқ бўлган ўзбек ва жаҳон халқларида

учровчи энг қадимги миф ва асотирлар, ривоят-у ҳикоятлардан тортиб диний ва дунёвий, ҳатто ғайб оламга оид манбалардан олинган таассуротлар асосида яратилган, деган мушоҳадага изн беради. Шунга кўра асарнинг ифода усулида ҳам бадий, илмий ва публицистик руҳнинг қоришиқ ҳолати устуворлик қилишини кузатиш мумкин. Ёзувчи Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ бўлган жуда кўп ривоят ва афсоналарни, қадамжоларни, илмий-амалий характеридаги анжуман материалларини, мавзуга оид бошқа манбаларни чуқур ўрганган ва уларни маълум бир композицион яхлит мавзуларга бирлаштирган. Шунга кўра асарни қисса жанридан кўра Ҳазрати Хизр ҳақида битилган эссе, деб баҳолаш маъқулроқ туюлади. Негаки, қисса бадий асар ҳисобланиб, унда қаҳрамон образини яратиш, характер хусусиятларини очиш, руҳий олами чизилари бош мақсад қилиб олинади. Бу асарда муаллиф ўзи номлаганидек, Ҳазрати Хизр ҳақида битилган ривоятлар-у ҳикоятлар талқини орқали унинг амаллари ҳикоя қилинади.

Ўтган йили “Ёшлик” журналида иккита қисса эълон қилинди. Ёш ёзувчи Бобо Равшан (Ғозиддинов)нинг “Шом ва тонг орасида”, Олим Жумабоевнинг “Уй” номли қиссалари чоп этилди.

Айтиш жоизки, ҳар икки қиссанинг номланишидан тортиб тасвирланаётган воқелик, кўлланилаётган деталь ва бошқа поэтик унсурлар мазмунида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Ҳар иккаласида ҳам шўро даври ҳаёти ва одамлари янгича нигоҳ билан талқин этилган. Шом ва тонг оралиғи, яъни тун – бу шўролар даврида кечган кечмишимиз. Ёзувчи даврни зимистон тунга менгзаёди. Бу ғоявий мотивни фуқаролар уруши даври фожиялари тасвири билан асослашга ҳаракат қилади. Бироқ қиссаларнинг ютуғи уларда ифодаланаётган мавзу билан эмас, балки айни мавзуга ижодкорларнинг ёндашувида, янгича талқин ва муносабатидадир. Айниқса, ҳар икки қиссада ҳам ифоданинг ўзига хослиғи, уларда миллий колоритнинг бўртиб туриши, катта маъно ва мазмунни ифодаловчи халқона сўз ва иборалардан мохирлик билан фойланиши, асар моҳиятини очишда рамзларга ургу қаратилиши (Тўйда Мингзиё бахшининг “Алпомиш” дostonини охиригача айта олмаслиғи, “Уй” қиссасида бир неча авлод яшаган уйнинг бузилиши қабилар) ижодкорлар истъоддини белгиловчи муҳим омиллардир.

Хулоса қилиб айтганда, қисқача мулоҳазага тортилган қиссалар адабий жараёнда ўз ўрнига эга эканини, адабиётимизни қисса жанри билан бойитишга лойиқ асарлар сифатида тақдим этилганини таъкидлаш ўринли.

# Бахтлар очсин Бахтиёр эшик



НИЛУФАР

\*\*\*

Баҳор дала ҳовлига бордим,  
Термиламан гоҳ ўнг, гоҳ сўлга.  
Соф ҳаводан ҳўп нафас олдим,  
Минг раҳматлар айтиб ўғлимга.

Олисларга боқдим, кумуш кор  
Тоғнинг чўққисида ялтирар  
Ох, тоғда бор бунчалар виқор,  
Бойчечак ер ёриб қалтирар.

Кўм-кўк бахмалин кийиб дала,  
Ҳаммани чорлайди ўзига.  
Қушлар сайрайдилар баралла,  
Қанийди тушунсам сўзига.

Бешиқдан бўшаган гўдакдай  
Талпинаман кир-адирларга.  
Очилишга шошган куртакдай  
Ҳислар айланар сатрларга.

Минг шукур деб ўқийман сано,  
Меҳригиёҳ эй она тупроқ.  
Гўзаллардан гўзалсан аёло,  
Борми бизга сендан улугроқ.

Қимирлаган кир ошар дерлар,  
Ҳаракатдан барокат бордур.  
Дехкон бобо ер хайдаб терлар,  
Эрта-индин унга бахт ёрдур.

НИЛУФАР – 1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг “Гул рози”, “Садоқат”, “Согиндим”, “Сени изларман”, “Баҳорга илтижо”, “Ифбатли шарқ аёли”, “Қил кўприк”, “Ҳақ қушининг овози”, “Қалб амри” номли китоблари чоп этилган.



Ер – онамиз, биз унга фарзанд,  
Рўзғор ғамин емаймиз, асло.  
Баҳор меҳнат қилсак биз ҳарчанд,  
Кузда ҳосил оламиз аъло.

Ўзбекистон – дунёда танҳо,  
Одамлари сахий, оқ кўнгил.  
Жаннат хури келса мабодо,  
Бизда қолиб кетади буткул.

Баҳоргинам, ўпаман кучиб,  
Сени кўриб дардим ариди.  
Булоғингдан жонли сув ичиб,  
Ғаму аламларим қариди  
Ва мен яна ёшардим.

### Онамни ёдлаб

Онажон набира кўрдим бир жаҳон,  
Кўзлари маъноли, ўзи бир мужгон.

Ғапирса, ғапига тўёлмайман ҳеч,  
Уни қучоғимдан қўёлмайман ҳеч.

Қарашлари тийрак, ўзи хўп зийрак,  
Наздимда у доно қиз бўлса керак.

Чакқонлиги ўхшаб кетади сизга,  
Эркалиги эса ўхшайди бизга.

Ширин таомлар пиширишни суяр,  
Хамир қиламан деб, сурпани ёяр.

Кўлидан супурги тушмайди, асло,  
Кўз тегмасин унга, хулқи кўп аъло.

Ҳамма орзу қилган барно кизалоқ,  
Кўнгилларга нур берувчи шамчирок.

Гўдакни берган Оллоҳни севаман,  
Дунёга соғлом бола деб келганман.

Ўссин-унсин, ҳеч камчилик кўрмасин,  
Дилидаги орзулари сўнмасин...



**Башорат  
ОТАЖОНОВА**

## СОҒИНЧ

Яшил япроқларнинг юзига урди,  
Соғинчимнинг нукси – олам заъфарон.  
Рангларни сочқилаб шамол югурди,  
Кўнглимга куз келди хайрондан-хайрон.

Кўкда шакл чизиб учди турналар –  
Куёшнинг нурини ичмаган ҳали.  
Булутлар тўзғиди – сурмаранг...  
Ахир, келмайсанми кўргали?

Юрагим каттариб кетти бу ғамдан,  
Куз! Атрофга эса кўклар хавотир...  
Менинг кўнгил отлиғ кўҳна кулбамда,  
Қара, мувозанат бузилаётир...  
...Тезроқ келмайсанми?..

## Қамчиқ довони

Намчил ҳаволарда айланар туман,  
Либосларин ечган камалак боғлар.  
Сарғиш чўкқиларда миллионлаб харсанг  
Кулранг булутларни ётар кучоқлаб.

Бир-бирини кувлаб чопар вагонлар,  
Қўл силкир яланғоч новдалар – нимжон.  
Поезд хайратланар – юзлаб одамлар,  
Ойналардан тошиб чиқар ҳаяжон.

Тоғларнинг уйқуси кетар очилиб,  
Бир қалқиб тушади елкалари қор.  
Ў, пинакка кетган кўҳна соқчилар,  
Нигоҳингиз, каддингиздек улуғвор.

Булутлар сув сепар темир изларга,  
Орта беқиёс бир манзара қолар.  
Вагонлар эрк бериб гўзал ҳисларга  
Қўқонга йўл олар кузни орқалаб.

*Башорат ОТАЖОНОВА – 1986 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. 2003 йили республика ёш ижодкорларининг Замин семинарида “Юксак бадиий тасвир воситалари учун” номинацияси голиби бўлган.*

## Бодом гуллади

Олтиарикда гуллади бодом,  
Ох, ифори оламни тутди.  
Қалдирғочлар чуғурлаб мудом,  
Суюнчилаб самога учди.

Совук тонглар уни эркалаб,  
Нафис гулин юзидан ўпди.  
Тонг шабнами ундан кизғониб,  
Кўзёшини баргига тўкди.

Шаббоданинг майин хироми  
Бодом шохин аста тебратди.  
Ошиқ булбул ширин каломи  
Юрагимни тотли титратди.

Келинчакдек уялиб тонгда,  
Салом бериб, дилни яйратди.  
Ноз-карашма ярашар унга,  
Эрка бодом қалбни уйғотди.

Қуёш бодом ишқида ёниб,  
Нури ила эркалай кетди.  
Асалари лабига кўниб,  
Қайноқ бўса ином ҳам этди.

Ошиқларнинг холини кўриб,  
Кўм-кўк майса кикирлаб турди.  
Рашқдан лола юзи кизариб,  
Чучмомога лабини бурди.

Олтиарик бодом гулида  
Мен сезаман баҳор нафасин.  
Хаёлларим бодомзориди  
Аёз кишнинг бузар нафасин.



Дил БОНУ

## Бўлганида

Бўлганида сенда бир юрак,  
Билар эдинг менинг дардимни.  
Келиб бошим силади малак,  
Синамасдан менинг сабримни.

Бўлганида ҳовуз копоқоғи,  
Юлдузни ҳам санаб бўларди.  
Бўлмагандек ҳиллолнинг ёри,  
Соқовни ҳам тинглаб бўларди.

Бўлганида осмон устуни,  
Лаганбардор доим сўларди.  
Бўлмагандек ёлғоннинг умри,  
Дилозори мағлуб бўларди.

Бўлганида вафо инсонда,  
Хиёнатни билмасди ҳеч ким.  
Соф муҳаббат яшаб оламда,  
Бу дунёда ўлмасди ҳеч ким.

*Дил БОНУ – 1972 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Шеърлари республика матбуотларида эълон қилинган.*

## Кузатиш

Симёгочга суяниб аста  
Тин олмоқда кампир паришон.  
Ҳансирайди, хўрсинар, хаста,  
Ортда қолган қимматли имкон.

Шўх кизчалар ўтар бепарво,  
Кулгилари кўкни тўлдирар.  
Ҳаёт унга кўрмади раво,  
Энди уни армон сўлдирар.

Зарра шафқат қилмади йиллар,  
Ортда қолди умр тўзони.  
Аёл ҳиссиз ва совуқ кулар,  
Бугун тунга етар имкони.

## Оромимни олиб қочди

Оромимни олиб қочди оқ капалак,  
Лайлимиди, Ширинмиди ул шахло кўз?  
Беморману тунлар бедор жоним ҳалак,  
Оромимни қайтариб бер, ҳамшира қиз.

Дори эмас, табассуминг бўлди шифо,  
Меҳр бердинг сингил, опам, онамга тенг.  
Кумушмидинг, Бибишмидинг ёки Зухро,  
Айтар сўзим унут кўриб кулгичларинг.

Бугун тандан дард ариди кетмоқ керак,  
Сўнг кун, калам оғир ашъор битаяпман.  
Чорак кувонч, бутун армон, ярим юрак,  
Бир кучоқ дард билан оғриб кетаяпман.

Кетаяпман, аммо, қолди ярим кўнглим,  
Дилим ғалат, гарчи юзим кулаяпти.  
Бир гапим бор, бошқаларга айтма синглим,  
Бемор бўлиб, такрор ётгим келаяпти.



Элбек  
ҲАЙИТОВ



**Нодира  
ЯНГИБОЕВА**

## Умр ташбеҳи

Умр – бу тоғларга туташган сўкмоқ,  
Пасту баландликни босиб ўтади.  
Орзу – бу тоғдир чўкқиси оппоқ,  
Кимдир бу чўкқини забт ҳам этади.

Толе – бу сабрга соғинган юрак,  
Армон – бу ортга караб хўрсинмоқ.  
Имкон – бу аслида дунё ғалвирак,  
Қисмат – бу дунёга тўймай яшамок.

Узрлар гоҳида унут бўлган сўз,  
Хатолар ҳаётнинг тайин ишлари.  
Изтироб – ярангга сепилган шўр туз,  
Хотира – умрнинг ширин тушлари.

## Ҳамон ўшасиз

Ҳамон ўшасиз, ха, ўша-ўша,  
Тун – қора қошлар, кўзларда чақин.  
Менинг йўлларимни тўсиб андиша,  
Ҳамон ёнингизга боролмам яқин.

Ечилмас синоат нигоҳларингиз,  
Ҳануз юрагимни тутар сўроққа.  
Атиргулга адаш дудокларингиз,  
Асалари каби қўнсам яноққа.

Қаддингиз ўшадир – алпкомат равон,  
Киприкларингизга гўбор тегмаган.  
Тенгсиз хуснингизни бир бор кўрибон,  
Дунёда ошиқмас кизлар қолмаган.

Ҳамон ўшасиз, ха, ўша-ўша,  
Ер юзин яшнатиб гуллаган ниҳол.  
Ман ҳамон кўқдан қилиб томоша,  
Сизнинг ёнингизга тушмаган ҳилол.

*Нодира ЯНГИБОЕВА – 1986 йилда туғилган. Урганч давлат университетини тугатган.  
Унинг “Ватан мадҳи”, “Бир ҳовуч нур” китоблари нашр этилган.*

\* \* \*

Дунёнинг дардини қайдан билибман,  
Мендан дард сўрама, армон сўрама.  
Қизиктирмас ғийбат, фисқу фасодлар,  
Аламлар сўрама, ёлғон сўрама.

Ахир, дилим фақат шодликни билар,  
У қайдан билибди ғамнинг таъмини.  
Қандайин тўлдирса, тўлдираверсин,  
Борига кўнмаган дунё камини.

Мендан қувонч сўра, муҳаббат сўра,  
Ишк сўра азобсиз, аламсиз, дардсиз.  
Бир кўнгил сўрагин оппоқ қоғоздек,  
Ғамлардан ариган ғуборсиз, гардсиз.

Мендан кўнгил сўра, мендан дил сўра,  
У, ахир, умидни улғайтган бешик.  
Сенинг кулгичингдан, менинг кулгимдан,  
Токи, бахтлар очсин бахтиёр эшик.

\* \* \*

Шаҳар шовқинларинг солиб сумкамга,  
Кетаяпман, мен олис кишлокқа шошиб.  
Автобус тезроқ юр, шошилдим жуда,  
Чўпон отам қайтар, ана кир ошиб.

Райхоннинг бўйига беланган дунё,  
Остонада кутар соғинч мунғайиб.  
Бир пайтлар жуссамдан кичик тераклар  
Бугун қолибдику анча улғайиб.

Полизда хандалак иси билан маст,  
Хаёл суриб турар бобом чайласи.  
Менинг бу кичкина қалбим кўрига  
Шу дунё жойлашиб олган чамаси.

Шаҳар мени тушун, ахир, кишлокқа  
Ҳар сафар жўнайман – соғинганим тан.  
Мени кучоқ очиб, кутиб олмоқда,  
Онам кўзларига беркинган Ватан!



**Дилноза  
АБДУҲАМИДОВА**

*Дилноза АБДУҲАМИДОВА – 1992 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институти-  
нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Шодлик юрти” номли шеърый  
тўплами нашр этилган.*





**Ханифа  
УММАТҚУЛОВА**

## ИЛИНЖ

Ярим тун. Чигиртка толиққан маҳал.  
Дераза олдидан кетолмай нари,  
Битта кўнғирокқа бўлганча маҳтал  
Ёпилмай турар бир умр дафтари.

Оҳиста уйкуга кетади шаҳар,  
Тиззасин кучганча мудрайди гина.  
Муштипар аёлга бахт бермоқ учун  
Етарди, кўнғирок бўлса биргина.

Синов занжирларинг бунчалар узун,  
Сабр – илтифотинг аяма, асло!  
Эзгулик дояси бўлган аёлдан  
Битта кўнғирокни қизғонма дунё!

## Кошки

Кузатайпман қирқ саккиз кузни,  
Кеча бўлиб борар бугунлар.  
Ошиқаман тонгларга, аммо,  
Ботар армон отлик тугунлар.

Ў, билмайсиз, қанча ардокли,  
Қишлоғимдан эсан хуш насим.  
Оёғингиз остида ётган  
Тошларга ҳам келар хавасим.

Қололмадим бунда бир умр  
Ва ташлаб ҳам кетолганим йўқ.  
Шу кўчалар солганку, ахир,  
Юрагимга ишқ аталмиш чўғ.


Шу кўчада кимнидир пинҳон  
Кутганим рост, соғинганим рост.  
Сирлашайлик, кел, дугонажон,  
Дардим сўра, кел, бағринга бос!

Шунча қиска экан бу умр,  
Мен қай томон чопдим энтикиб.  
Кошки, вақтни қайтариб бўлса,  
Қайтарардим қалбимни тикиб.

*Ханифа УММАТҚУЛОВА – 1965 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТДАУ) тамомлаган. Унинг “Илтижо”, “Учинчи умр”, “Ватангайта руҳ” номли китоблари чоп этилган.*

## ТИРИК ҲАЙКАЛ

Ҳикоя



Қўчқор НОРҚОБИЛ

*Инсоннинг танасига эмас,  
қалбига ҳайкал ўрнатадилар.*

Л. ТОЛСТОЙ

**Х**уллас, йиғин йиғиндай бўлмади. Бунинг барига тил битди, меники жуфт дейдиган бўлиб қолишибди. Харракка тикилган харсангни сув эмас, сел оқизади. Буларнинг бу майда-чуйда пичинглари у ёқ-бу ёқдан отилган кесакнинг увадасидай бўлиб туюлди. Лекин кесакка етган қўл тошга ҳам, кейин алламбало нарсаларга ҳам етиши мумкин.

Ҳайкулов буни яхши билади, билмай ўлдими, етмишга ямоқ, саксонга сабоқ бериб турган қария холи билан шу нарсани билмаса, Хиванинг гурваккина қовунидай чўзинчоқ бошига шляпани бостириб, бўйинбоғу костюм-шимда пўримгина бўлиб машинанинг орқа ўриндиғида ястаниб ўтиришига ҳайф-е... Айтмоқчи, машинанинг орқа ўриндиғида ялпайиб, атрофга киброна, беписанд бокиш бир завқ бўлса, шу улов “жонивор” ишхона эшиги олдида тўхтаган захоти иккита темирқанот шотирнинг ернинг ёриғи-ю, осмоннинг уюғиданми, Худо билади, каердан, лаҳзада пайдо бўлиб машина эшигини очиши, ўн шавқ денг. Янами, яна денг, халиги учарлардан бири шартга қўлидаги портфелини олади, айрим пайтлар бунга костюм ҳам қўшилади, бири эса шу учишда ичкари кириб, лифт чакиради. Унинг гурваққовун калласи ҳеч жойга бурилмайди, шотирлар қуршовида тўппа-тўғри, шахду аҳд қадамлар ила ишхонага кириб, учинчи қаватга кўтарилади.

Бугун чатоқ бўлди. Қизик... булар анчагина тирилиб қолишибди. Анави лойиҳалаш бўлимининг бошлиғини кўр, эпласангиз элақда сув туради, деб пичинг қилдим, бу билан ишни эплай олмаяпсан, деди чоғимда. Режа бўлими ходиманинг ҳам саводи чиқиб қолибди. Савдойининг саводи савобни совуради деганларидай, тежамкорлик масаласида дакки бергандай бўлди. Итнинг илжайганини ким кўрибди, ҳамиша жағи ёпилмай жиғига теккувчи Жумабердиннинг дийдиёсини кўринг! Ҳамма жойда бир хил хўроз қичқирмай, бошқа ходимларнинг ҳам

*Қўчқор НОРҚОБИЛ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Кафтимдаги қизгалдоқ”, “Хосиятли дунё”, “Дераза раҳидаги гул”, “Дарё ортидаги йиғи”, “Қулиб тур, азизим”, “Қуёшни ким уйғотади?”, “Кўзларингни кўргани келдим”, “Осмон остидаги сир” сингари китоблар муаллифи.*

лойихасига эътибор қаратилса яхши бўлармиди, деди. Ҳайкулов нафақат ер тагида кимираган илонни, балки унинг турини айтиб берадиган одам. Манави кўзойнакли илон – Тоштурдиннинг гапини қаранг: “Ҳаммамиз ҳам бунёдкорлик одамимиз”, деб кўйди пичинг аралаш. Бу гапнинг тагидаги ним косада, “Ҳамма жойда Сен ўзингни кўрсатайсан, биз-чи?” деган таъна бор. Ҳа, Ҳайкулов билади, билади Ҳайкулов. Сен ярамасларнинг ҳаммангни билади. Бугун баринг тирилик қолдиларингни-а?

Хуллас, бугун – айтулиги йўқ кун бўлди? Кўрнинг созига қар ўйнади. Ер бўлмаса, осмонда юради булар. Ҳар бири ўзича даҳо. Бошим юлдузга теги, деб ўйлашади. Ҳечкиси йўқ, барингни ерга тушираман, йўқ, ерга киритвораман, ҳали менинг совунимга кир ювмабсанлар!

Қирда турган қирчанғи пастда қолган тулпорни тенгим демас... Тўғри-да, тулпор бўлса ўзига. Қирда юришнинг эса гашти бўлак. Ана, ёшлар бўлимидаги Шодибой бош кўтариб овозини баландатгандай бўлувди – йўлини топиб учириб юборди. Қаерга учиради, осмонгамас, жар ёқасига олиб келиб тубанга учирди. Юрибди, энди сарсон бўлиб. Иқтидорли бўлса ўзига, ким айтди, Ҳайкуловга тик қара деб! Ана, Буюкбек нима бўлди? У ҳам Ҳайкуловнинг йўлини кесиб ўтди-да. Бўлмаса, ақли-хуши жойида, ўз ишининг устаси. Мураса қурмағурдан узокроқ юраркан-да, айби шу. Ишхонанинг ноширчилик, босмаҳона билан боғлиқ ишларини юксакка кўтариб кўювди, Эшматнинг ҳам, Тошматнинг ҳам, Нурматнинг ҳам оғзида шу боланинг исми айлланиб қолувди. Ҳайкулов шу боладан хайиқарди: “Ўрнимга талабгорлик қилади”.

Бир куни хузурига чақириб очик айтди: “Сен бола қадамнингни ўйлаб бос. Нега менинг лойихаларимни босмаҳонага бермай, ушлаб турибсан? Мен билан ўйнашма, бола...” Буюкбек ҳам юзингда кўзинг борми демади: “Сизнинг нарсангиз умуман бўлмайди. Қайта кўриб чиқишингиз керак...” “Шундайми? Мен сени ўзингни қайта кўриб чиқаман...” Шундан сўнг ўн кун ўтиб-ўтмай Буюкбек ишдан бўшади. Эрталабки кичик йиғинда ҳаммага эшиттириб Ҳайкуловга қарата шундай деди: “Мен ишдан бўшайман. Сизни кўрсам бўғилиб кетавераман. Менга тоза хаво етишмаяпти бу ерда...” Аризасини Ҳайкуловнинг столига тақиллатиб қўйди-да, бошини баланд тутиб чиқиб кетди. Эрталабки йиғинда ҳозир бўлган шўрликлар ерга киргудай бўлиб, ерга кўз тикиб қолаверишди. “Ҳой боласи тушмағур-а, ҳой боласи тушмағур!...” Ҳайкуловнинг енгидан кириб ёқасидан чиқадиган Тўхтаев қойингандай бўлиб бош ираб қўйди. Ҳамма мулзам тортиди. Ҳайкулов тўрдаги юшмоқ курсида бир чайқалиб олди. Беихтиёр тақир бошини силаб-силаб қўйди, ўзини шундай бир мўмин-мушфик, қўй оғзидан чўп олмайдиган, меҳрибон устоз қилиб тутдики, ходимлар бўлимининг бошлиғи Турдигул золим Буюкбекнинг дастидан йиғлаб юборди. Қорчўпдеккина, котма киз Нурроҳат дик этиб ўрнидан туриб, хона деразани очишга чоғланди. Кичик ходима Ойбаланд “устоз”нинг ёнига пилдираб борди-да, пиёлага қой қуйиб узатди. Сувилонга сув юкканини ким кўрибди; Ҳайкулов совуқкина илжайди: “Укамиз ҳали ёш-да. Ҳали ёш. Ҳечкиси йўқ, бизлар парво қилмаймиз...”

...Бугунги мажлисда ҳам Ҳайкуловнинг кайфияти бир тийин бўлди. Унинг иддаоси ичида эди. Шу машки баланд мишқилар билан пачакилашиб ўтирмайман, деган ўйга бориб, ўзини овутомқчи бўлди. Лекин қаерда, юрак тор бўлгач, кўнгилни кенг қилиб бўлармиди. Кўнглинг кенг бўлиши учун кўксингда қуёш порлаши керак. Ҳайкуловнинг кўксига бир уюм лойми, балчикми чўкиб, бижғиб ётибди. Ҳайкулов кўнгилга қуёшни сиғдириш мумкин, деган тушунча тушига қирмаган Худо урган бир шўрлик эди...

Хуллас, мажлис мажлисдай бўлмади. Аввалгиларига ўхшамайроқ қолди. Чин. Бугун буларнинг бари тирилик қолибди. Нима бўлдийкин, юкоридан бирор бир совуқроқ эпкини эсдимикин ёки интернет-пинтернетда яна бирортаси шаъни-аъмо-

лига қарата лой ирғитдимикин? Интернетниям, фейсбукми, гўрми, бошқа-қашқами ёпиб ташласалар-ку, олам – гулистон. Ҳайқулов ичида сўқинди, виртуал оламнинг онасини учкўрғондан келтирди.

Мажлисни давом эттиришни кунжақда қолган кунгабоқардай бош эгиб турган ўринбосарга қолдириб, шарт ўрнидан туриб чиқиб кетди. Изидан костюм кўтаргич жонқули ҳам ёв қувгандай отилиб чиқди. Қабулхонадаги шотир зинадан паства қараб учди. Нимага бўларди, ҳовлига чиқиб машинанинг эшигини очиб тургани-да.

Ҳайқулов кетди. Икки мулозим мулзаму лол бўлиб, кўлларини кўксига босиб, таъзим бирла кузатиб қолдилар.

– Раис бобони андак кайфиятлари чаток бўлганга ўхшайди, – деди кастюмкўтарар.

– Локигин қариган билан томирлари чиримаган, чуқур кетган, – деб қўйди қабулхонадаги қулимизра.

– Анави, Тўхли жиртақини, Қосим қопоғонни, Мастура майнани, шунга ўхшаш яна икки-учтасини мажлисга бекор қақирибсиз-да.

Қулимизра бугриқди:

– М...м...мен қақирдимми? Ўзлари ис билишган – ўзлари кириб келди. “Қаттан-гизнинг кетмонига қайроқ урадиган тўртта “падхалим”дан бошқалар одам эмас-ми?!” деб пичинг ҳам қилди, анави, Қосим қопоғон.

– Эб-е-ей, энди нима бўлди? – деди кастюмкўтарар, – хўжайиннинг кайфияти ер бўлди. Бунга ким айбдор? Сиз айбдор!

Қабулхона култўрасиники ҳам тутди:

– Менга қарилламай кимга плюс, кимга минус, железний кип битта рўйхат бериб қўйинлар. Шунга қараб қақираман. Кечаги куни Улуғ Уста келувди, у кишининг доврўғига маҳлиё бўлиб, қўшқўллаб кўришувдим, лабим тушиб, тавозе қилган эканман чоғи, қабулхона эшиги очилиб раис бобомиз чиқиб қолдилар... Менга бир ўқрайдилар. Уста кетгандан кейин ёнларига қақириб шалтоқдан олиб ялтоққа солдилар. Устани ёқтирмасканлар, қаердан билай!

– Ана, кўрдингизми? Ҳа, деб Довруқ Давроннинг ҳам хонасига кираверманг. Хўжайин билан чап тушган. Хўжайинга соя ташлайди у ҳам.

Қабулхона қулибойининг кути учди. Хаёлига тунов кун Довруқ Давроннинг хонасида янги лойиҳани муҳокама қилгани, уни чиндан ҳам давримизнинг доврўғисиз, деб мақтагани тушди. Лекин гапини ҳеч ким эшитмовди. Хонада Довруқ Даврондан ўзга жонзот йўқ эди. Нима бало, ҳалиги кинолардагидай “жучок”ми, “сучок”ми шундай нимарса ўрнатилганмикин-а? Жонқулининг жони чиккудай бўлди, ўйлаб ўйи ҳам толиқди. Хона эшиги очик эди. Йўлакдан чойнак кўтариб ўтган Шошмат Тошматни кўрганини эслади. Ичкарида айтилган гап йўлакка не ҳол учиб чиксин, секин гапирувди, чоғида. Ёки Шошмат ўлгурнинг қулоғи локатирмикан-а? Бўрининг оёғи, Шошматнинг қулоғи боқади, деган гаплар бежизмас-да. Хўжайин ҳам кўзигамас қулоғига ишонадиганлар хилидан-да!

– Нега анграйиб қолдингиз, тезроқ юрмайсизми, эшикни очик қолдириб бўладими, шу замонда? – Кастюмкўтарарнинг ёзгиришидан ўзига келган ходим хардамхаёл бўлиб ҳамкасби ортидан эргашди.

...Идораси кўп бу дунёнинг шунчаки майдагина бўлакчаси бўлган шу мўъжаз ишхонада ҳам мен бўлмасам ҳаёт тўхтаб қолади, деб ўйлагувчилар талайгина. Чунки, бошлиқ шу ўйда-да. Ташқарига бир кадам қўйсанг ном-нишонинг япроқдаги чангчалик бекадр дориломонда ўз кўнглингни ўзинг хушлаб юрганнингга ўлайинми, дейдиган одам йўқ-да. Ташқарида бору йўғинг бир нави, ичкарида эса қариллайсан, қарнайинг каттақўрғонни қар қилади.

Бу идоранинг бошлиғи ҳаминша гапни юқоридан бошлайди. Казо-казо зотлар-

нинг исмини айтиб, эсингни киргизиб қўяди. Шундай бўлгач, ахли иш бир сесканиб, икки тамшаниб хўжайиннинг оғзига махлиё бўлиб ўтиради. Таассурот ҳам чаккимас! Хўжайин билан юқори орасидан қил ҳам ўтмайди. Воо, гап каерда?

Хуллас, хўжайин ишхонадан хуноб бўлиб чикди.

У орқа ўриндикка оғир чўкди.

Ҳайдовчи ўгирилди: каёкка юрсин?

– Тўрт томонга қараб ҳайда. Ҳайда, ҳайдайвер!

Машина жилди. Ҳайкулов кўзларини юмиб олди. Толиққанди. Ҳолсизланди. Уйку элитди.

...Қандайдир хиёбонга келиб қолди. Ҳей, ҳайкаллари? Ҳайкаллар! Йўлакнинг икки томонида қаторасига ҳайкал ўрнатишибди. Буларнинг бари шоир-моир, ёзувчи-позувчига ўхшайди-ку. Уларга ҳаваси келди. Пойида турфа гуллар барқ урган ҳайкаллар ичра тўғрига юрди. Қаршисидаги Навоий ҳайкалига бокиб ичидан бир қиринди ўтгандай бўлди: “Бор-йўғи олтмиш йил яшабди. Бутун дунё тан беради. Орадан шунча йиллар ўтса-да, ҳамма уни улуғлайди...” Ортга қайтди. Эътибор бермай ўтган экан. Манави Довруқ Давроннинг ҳайкалими? Ҳа, шу. Айни ўзи. Ахир, у шоир ҳам, ёзувчи ҳам эмас-ку... Буларнинг орасида нима кип турибди? Қизик, ахир у тирик-ку. Тирик одамга ҳам ҳайкал қўядиларми? Қўйишибди-ку. Нега қўйишдийкин? Мен нега беҳабарман? Ботинида алам ўти ёнди. Ҳайкаллар сафидаги бўш турган баланд мрамар супага кўзи тушди. Юраги ҳапқириб кетди. Шу жойга менинг ҳайкалимни қўйишади. Менинг ҳайкалим! Супа устига чикди. Ў-ў-ў, кўксиди бўрон туриб, елкасидан қанот ўсиб чикқандай бўлди. Энди учиб кетаман, деганда, ҳайкалга айлана бошлади. У энди ҳайкал эди, тирик ҳайкал. Чор-атрофни кўриб турибди. Ана, бир жуфт оккуш янглиғ келин-куёв келишди. Икковининг кўлида ҳам бир кучок гул. Унга эътибор ҳам беришмади. Ўтиб кетишди. Чуғир-чуғирлашиб мактаб болалари келишди. Улар ҳам парво қилишмади. Кечгача ким ўтди – ким қўйди, барини кўриб турди, лекин бирор бир кимса унга бурилиб боқмади.

Оқшом кирди. Эй-ей, ана ўзининг кўл остида ишлайдиган Турғункул хиёбон томон йўл олди. Ишдан қайтаятти. Кўлида сўлоқмондай елим идиш. Пивомиди? Пиво. Пиво кўтариб олибди, ярамас. Турғункул аллақайси бир куй таъсирида ғофилу гумроҳ бўлиб, ўзича гўнғиллаб ҳайкал ёнидан сўқирдай бўлиб ўтди. Йўқ, бироз юриб таққа тўхтади, ортга бурилди. Ҳайкал (Ҳайкулов)га анграйиб қараб қолди. Кўзларини юмиб-очди. Сўнг илжайди. Тавозе-ла илжайиб, таъзим қилди. Маст уйнинг куйгур.

– Э-е-ей, хўжайин. Бу ерда... бу ерда нима қилиб турибсиз?

– Кўрмайсанми? Ҳайкалман-ку, – овоз берди Ҳайкулов.

– Йўқ. Сиз ҳайкал эмассиз, – ўсмоқчилади Турғункул.

– Кўзинг кўрми, кимман, нимаман бўлмаса?

– С-с-сиз тирик ҳайкалмисиз-ё? Қани, бир ушлаб кўрайлик-чи. Э-ей, чиндан ҳам ҳайкалсиз. Сизга ҳам ҳайкал қўйишибди-да-а?

– Ҳа. Ҳайкал қўйишди, – ғурурланди Ҳайкулов.

– Пиво ичмайсанми? – у елим идишнинг оғзини буради, – зўр пиво. Қани, олинг.

– Мен ҳайкалман-ку, лаънати. Пойимга гул-сул қўймайсанми, ундан кўра.

Турғункул тик турган қўйи кулқулатиб идишни яримлатди. Бироз гандираклаб ҳайкал ёнига келди. Бўйидан уч-тўрт баробар баланд ҳайкалга қийшайиб қаради. Бошидаги киррати кепкаси тушиб кетди.

– Қўямиз, хўж... хўжайин. Ҳозир манавининг қолганини ҳам ичиб олай, қўямиз. Албатта, пойингизга гул қўямиз... Ҳик... хи-ик. Сиз қимирлай олмайсиз. Яхши бўпти, қимирламай туринг. Мана, мана, ҳозир... Мана бўлмаса, мана сизга олам-олам гул...

Тургункул турган жойида ҳайкал пойига чоптириб юборди.

– Э-е-ей, нима қиляпсан, ҳаром ўлгур?! Тўхта-а-а-а! Тўхта-а-а ярамас! Тўхта-а-а!

– Тўхта-а-а-а! Тўхта-а-а ярамас! Тўхта-а-а-а!

Машина такка тўхтади. Қўрқиб кетган ҳайдовчи ортга илкис қаради.

– Тинчликми, хўжайин?!

Ҳайкулов машина орқа ўриндиғида хансираб нафас оларди. Кўксида бир оғир топ, ҳа, ҳайкалдай оғир юк чўкиб ётар, бу оғриқ уни зимистон ўпқон сари тортиб борарди гўё. У баъзўр инкиллади.

– Уйга ҳайда, уйга...

Азиз ўқувчим!

Ҳикоям шу ерга келганда тўхтаб қолувди. Сафарга чиқдим. Қайтгач ёзиб тугаллайман, деб ўйладим. Ҳикоянинг ечимини ҳам бичиб қўювдим. Лекин ҳаёт эканда, баъзида ёзаётган ҳикоянг ҳам сен ўйлагандай тугамайди, сенга бўйсунмайди. Хуллас, хўжайин ўша куни хафа бўлиб кетди. Кейин-чи? Кейин нима бўлди, деясизми? Кейин...

Кейин бу идорага мен бошлиқ бўлиб келдим. Мана ҳозир ишга келяпман. Машина идора ҳовлисида тўхтади. Идора ичкарисидан костюмқўтарар билан ҳалиги кулбирбало ўқдай отилиб чиқди. Бири шув этиб келиб орқа эшикни очди, бошқаси қўлимдаги портфелимга ёпишди. Атрофга аланглаб хиҷолат тортаман, терлаб кетдим.

Уялганимдан олд-ортимга қарамай лифтга югурдим, биров кўрмасин бу мулозамату муносабатни.

– Менга бундай тавозенинг кераги йўқ, – дедим лифт ичида бўғилиб.

Икковиям бўзрайиб турибди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, қаёқда, бу ҳол яна икки-уч бор такрорланди. Чорасини топдим, костюмқўтарарни бошқа бўлимга ўтказиб юбордим. Манависининг бир ўзгинаси қолди. Қабулхона ишини бундан пухта биладиган эпчил, пухтапишиқ ходим йўқ эди. Хушомаддан хуштак ясаб, хушингни олишини айтмаса, бипбинойигина. Хонамга чакириб икки-уч марта тузладим, бошлаб уришдим.

– Қачонгача ишхонага кўриб-писиб келаман. Ховли эшиги ёнига келишим билан юрагим ўйнаб қолади. Шайтоннинг малайидай ғойибдан пайдо бўласиз. Мана, менинг қўлларим! Мана, мана, қўлим бор! Қўлим синмаган. Демак, шу зорманда эшикни ўзим ҳам очаман. Кўзим ҳам кўр эмас. Менга етовнинг кераги йўқ, етакламанг. Мен ўзим жойимни топиб келаман. Сизни ҳам бирор бир бўлимга гумдон қилиш ниятим ҳам йўқ эмас. Одам бор, ҳа, ўрнингизга одам бор... Охирги марта огоҳлантиришим. Эртадан бошлаб эшик олдида ҳозир нозирликни бас қилинг. Бас! Тушунарлими?!

– Туш... Туш... Туш... – у дудукланди.

– Туш... бўлса энди марш!

Эртаси яна шундай бўлди. Ишхона ҳовлиси дарвозасидан киришим ҳамано бино эшиги очилиб ҳалиги гўрсўхта отилиб чиқди.

– Тўхтама, қайт орқангга. Қайт, ишхонага кирмаймиз, – дедим ҳайдовчига.

Ишхонанинг қулиқулжони энди турган жойида серрайиб қолди. Унинг юзи доқада оқариб, лаблари пир-пир учаётганини кўрдим. Машина ортига қайтаркан, қаҳ-қаҳ уриб қулдим. Худди ғолиб қўмондондай ҳис қилдим ўзимни. (Келиб-келиб қурашаётган одамимни қаранг-а. Ўзим ҳам буларнинг орасида уваланиб, идраб, йўқ бўлиб кетмасам гўрға эди). Ичимда олдинги бошлиқ – гурваққаллани роса янидим. “Одамларни не аҳволга солиб қўйдинг? Ёшинг бир жойга боргани билан қилигингдан қирчанғи қайғуради. Қари ит қутирса қоплонман деркан...”

Бугун ишхонага етмасдан тушиб қолдим. Атайлаб машина орқа эшиги ойнасини ҳам ёпиб қўйдим. Йўлнинг нариги четигадаги ўриндикда бироз ўтириб, ишхонам эшигини кузата бошладим. Йўк. Бино эшиги очилмади. Ҳеч ким отилиб ҳам чиқмади.

Ҳайрият-э, кечаги қилигим таъсир қилибди чоғи. Қутилдим-э, қулимизодан қутилдим. Бемалол, эмин-эркин ишхонага бораверсам, машинадан тушмасам ҳам бўларкан-а. Ўзим ҳам ҳар нарсага тутаб-тутакаман, жиғибийронимни жин чалаверади-да. Мана тинчиди қолди – изига тушди. Ёки, нимаиди, ҳалиги қулимулозим ишга келмадимикин-а! Очиғи, бино ичкарасидан шувуллаб отилиб чиқмагани галати туюлди. Бу ҳодисага кўника бошлаган эканман. Очиғи, шу ўйинга кўнглимда мойиллик ҳисси ҳам уруғ ота бошлаган экан. Мен атрофга хавотир билан аланглаб қарадим. Машина ҳамон жойида қаккайиб турибди. Ҳеч ким чопиб чиқиб машина эшигига ёпишмади. Нима бўлди. Тинчликмикин? Йўл четида туриб кўп қаватли ойнаванд бино – ишхонамнинг учинчи қаватига, қабулхонага кўз тикдим. Дераза пардаси бироз сурилгандай бўлди. Кимнингдир боши кўринди. Сўнгра шу бош яна парда ортига беркинди. Мен сездим. Сезиб қолдим, ҳалиги қуликуйдирги мени парда ортида қузатиб турарди, тусмолимча, ўрнимдан туриб ишхона сари юришимни кутаётганди.

Қайси бир кун тўйга бориб, хушкайфият қайтдим. Ақл кетаркан-да, ўзимда ҳам хушомадли ҳаёт шавқига мойиллик сезилаяпти, денг: Ҳовли дарвозаси олдида машинадан тушмай ўтираверибман. Кимдир эшикни очиши керакдай. Ҳайдовчи аланглаб қараб қўяди. Бир маҳал хотиним келиб, шарақлатиб орқа эшикни очди. Нима деса деди ўзиям! “Кўча хандон, уй зиндон! Тушгингиз ҳам келмайди-я. Бунча талтаясиз...” Уялиб кетдим.

...Бугун жуда барвақт келдим. Анавиларга дуч келмай дедим. Фойеда фаррош хотинга учрадим. У менга қизиқсиниб қараб қўйди. Атроф-жавонибни чиннидай қилиб артиб тозалаётган аёлга миннатдорона жилмайиб, салом бердим. У ҳам жилмайиб алик олди, тагин ўз иши билан андармон. Қаршисидан ким ўтаётгани парвойига ҳам келмади. Ўзимни жудаям енгил хис қилдим. Ҳайрият-э, бу ишхонада бир нафаргина бўлса ҳам ўз эрки ва ғурури билан мутелиқдан холи ҳолда яшаётган инсон ҳам бор экан-ку... Айни дамда шу аёлга нисбатан меҳрим товланиб кетди. Қаршисига бориб эски жун рўмоли остидан чиқиб турган кумуш соч толаларини силагим, дунё ташвишлари чизик тортган юзларини сийпаб, қадоқ қўлларини лабимга босгим келди. Ишхонанинг барча эркақларининг шу ожиза олдида нақадар нотавон эканлигидан кўнглим ўксиди. Уларга жуда-жуда раҳмим келди, очиғи, улардан ҳам кўра кўпроқ ўзимга ачиндим. Аёлга қарадим – у ўз иши билан банд. У атроф-жавонибни тозалаяпти. У – фаррош! Ҳа, инсон калбини-чи, инсон калбадаги кирни, бижғиган ҳасад қурумларини тозалаш учун ҳам ана шундай фаррошлар керак, афсуски, бунинг иложи йўк, чунки қалб калитини шайтонга бериб қўйган кимсалар қалбига йўл топиш осон эмас-да. Шу хаёллар билан лифт чақирдим. Учунчи қаватга кўтарилишим ҳамона йўлак адоғида тик турган Тўхтаевга кўзим тушди. Ё тавба, каллаи сахарлаб нима қилиб юрибди? Уйдан илон чиққанми бунинг, шу ерда ётиб қолдимикин ё?

Тўхтаев сузишга шай буқадай боши билан ер қизиб мен томонга йўл олди. Тавозени тупрокка уриб, таъзимнинг таъзирини беради энди – юрагим орқага тортиб кетди. Зарурат бўлмаса ҳам ўзимни заруратхонага урдим. Ўтиб кетсин шу, кўздан нари! Йўлакда дурса-дурс кадам ташлаб мени бекитиб турган эшик олдида тўхтаб қолди Тўхтаев! Эшик кескасига қўл юборишга юраги дов бермади, шекилли, бироз жим турди, яна дурса-дурс кадамлар... кетди-е, кетди. Қўлювғичда қўл чайдим. Бошимга оғриқ кириб бўлди. Ойнадаги қон тепган афт-ангоримга қараб, қон босимим ошганлигини сездим. Эрталабдан йўлингни пойлашни қачон бас қилишаркин-а?

Тунов куни Тўхтаевни роса тузладим, очиғи, унга ёмон гапириш ниятим йўқ эди.

Не тонгки, ўзига ўзи килди – кош кўяман деб кўз чиқарди. Эгилибгина кирди хонамга, кўли кўксида, таъзим бажо жойида. Бешиктебратардай бўлиб турибди пойгакда. Салом-аликни ҳам ўринлатди, ҳеч бир хеш-ақрабоим четда қолмади. Мактовнинг моғори тўкилди. Тўхтаевни чақирмасам ҳам нега ҳузуримга келганини билолмай кўнглим ҳалак. Унга синчковлик билан (эхтимол ўқрайиб) қарагандирман, кўзлари кўзимга тушиб бирдан жим қотди.

– Шу-шу... майли, мен борай, – жойида туриб тайсаллади Тўхтаев.

– Менинг олдимга нима учун кирдингиз, бирор юмушингиз бормиди?

– Шу-шу, ҳа-я, халиги, – у менга сирли қаради. – Сизнинг раҳбар бўлиб келганингиз яхши бўлди. Сиз ҳаммамизга ҳақиқатни ўргатдингиз (ҳа, шундай деди). Сиз ёшсиз, лекин бизнинг отамизсиз, устозимизсиз!

Анграйиб қолдим, отанг тенги одам сенга, “Сиз менинг отамсиз”, деб турса-я. Юзим кизиби кетди. Шу пайт Тўхтаев турган жойида илон бурилиш қилиб тўлғониб олди-да, дийдиёси олови яна гуриллаб қолди:

– Сиз энди бу ёғига шундай туринг. Анали, махлук, олдинги раҳбар ҳаммамизни ахта қилиб ташловди, падар лаънати...

Кечагина қуллук қилиб, устозининг соясига салом бериб юрган, том-том монографиялар бағишлаган шогирд саксонни қоралаган “анали раҳбар” – ўз устозини куппа-кундуз куни сариқ чақага пуллаб турибди. Ғашим келди.

– Ахта қиламан деса индамасдан оёғи остида узала тушиб ётавердиларингми? – дедим ижирғаниб.

Тўхтаев титраб кетди, ожизу нотавон ҳолда нимадир деб чийиллагандай бўлди, кисталанг тутган ёш боладай оёғининг бирини олиб, бирини ерга қўя бошлади.

– Шу... шу, хўжайин.

– Чик, йўқол! Хонин!!! Ялоғини ялаб эгасини тишлаган махлук!!!

Аччиқ устида ўрнимдан туриб кетдим. Лаҳзада Тўхтаев ташқарига отилди. Эшик қарсиллаб ёпилди. Ўзимни базўр босдим, кўлимдаги қулдонни тортмага солиб қўйдим.

Тўхтаев билан битимимиз ана шу тарика бузилган. Бугун пайтимни пойлаб орани юмшатиш измида. Шунинг учун тонг сахарда ишда пайдо бўлган. Шундай ўйлар билан эшикни очдим. Ҳа-а-а-ей, не кўзким, қаршимда таъзим бажо айлаб Тўхтаев турибди, денг. Қўлида қип-қизил, алвон, патли сочик.

– Асс...ассалом... М...ма-ана, со-сочик...

Юрагим увишиб, кўз олдим жимирлаб, қоронғи тортди, чакка томиримга гупиллаб қон урди, бошим лўкиллаб огриди. Ўзимни зўрға тийдим. Оғриқнинг зўридан илжайдим. Тўхтаев беандишалик билан тиржайиб турибди. Қўлидаги сочикка ўлганнинг кунидан қўл чўзиб, артинган бўлдим. Тўхтаев ҳамон илжаймоқда.

– Бўлдими, энди менга рухсатми? – дедим ихраб ва унинг қаршисига нафас олишни ҳам малол билиб, қабулхона томон юриб кетдим.

Эркаги эр бўлмаган идоранинг аёли қора ер бўлармиди. Ходимлар бўлимидаги Турдигул куниде икки марта ҳамкасблар ҳақида дафтарига туширган дийдиёсини ўкиб беради. Фалончининг хонасига писмадончи келди. Йигирма минут гаплашиб ўтиришди. Кулишди. Пакунчининг атрофида ишхонада амалиёт ўтаётган ёш кизчалар гирдикапалак... Аслида ўша амалиётчи кизлар менга кўриниш бериш керак экан. Илгари шундай бўлган-да. Қария раҳбарнинг ўткир нигоҳидан ҳеч ким қочиб қутилолмаган, ҳатто, амалиётчи кизлар ҳам. “Менга бундай нарсаларнинг умуман кизиғи ҳам, кераги ҳам йўқ, – дейман бақрайиб. – Сиз ҳам вақтингизни фойдали иш билан ўтказинг, хоним! Йўқса, хафалашиб қоламиз...” Аёл тумшайиб чиқиб кетади.

Режа бўлимидаги Ойбаланднинг мактабда ўқийдиган қизи менга атаб шеър



ёзибди. Ойбаланд шу шеърни ўқиб бермоқчи бўлади. “Ўзим, ўзимга беринг. Ўзим ўқийман!” дейман қизариб-бўзариб, уятдан ўзимни каерга қўйишни билмай.

Ойбаланд ярим кўксини очиб турган эгнидаги сўнги русумдаги оврупача кўйлакнинг пастки тугмаларини ўнг қўли билан ўйнаб, сўл қўли билан елкасига тушган сочларини силагандай бўлади: “Шугина ёлғиз қизимнинг келажаги учун бева бошим билан ҳар қандай ишга тайёрман”, дейди. Ҳечам бевага ўхшамайсан, дейман ичимда. “Ҳар қандай ишга тайёрман” дегани – билсанг чин, билмасанг хазил. Ўзинг хулоса чиқар, дегани!

Энг кизиғи, бу ишхонада ходимлар ҳеч қачон бир-бири билан баланд овозда гаплашишмайди, чақчақлашиб отамлашмайди, ҳамма писиб, секин гапирадими-ей, ҳа, бир-биридан эҳтиёт бўлишади, кўркишади. Бу ишхонада ҳамманинг кўзи раҳбарда, ҳамма унинг оғзини пойлайди. Ундан гап олишади, унга гап етказишади. Ҳайкулов буларнинг барини шу қўйга солиб ташлаган.

Баъзида иш кўпайиб ёки кимнидир кутиб кечга қолсам, ҳалиги қулисоҳиб ҳам уйига кетмай, мени пойлаб ўтиради. Кейин йўлакка чиқсам, бошқа хонадагилар ҳам ғовур-ғувур қилиб ўтиришганини сезаман. Улар мени кўргач, дими-дирс бўлиб, жимгина у-бу нарсани титқилаб, ёзиб-чизишга киришишади.

- Нега кетмаяпсиз? – деб сўрадим ёнимдаги хонада ўтирган бўлим раҳбаридан.
  - У менга хайрат билан тикилди. Бакрайиб турди.
  - Нега уйингизга кетмаяпсиз деяпман?
  - ...Шу... ноқулай-да.
  - Нимаси ноқулай?
  - Бизга ҳали хабар келмади-да.
  - Қандай хабар?
  - Сизнинг уйга кетганингиз ҳақида.
  - Ким айтади бу хабарни?
  - Қабулхонадаги тўражон.
  - Агар мен тонг отгунча ўтирсам, сизлар ҳам тонг отгунча ўтирасизларми?
- Агар мен шу ишхонада ўлиб қолсам, сизлар ҳам шу ерда ўласизларми-а? – зардам қайнади. – Ҳаммага жавоб, кетинглар энди!

Бўғилиб кетдим. Менга ҳаво етишмаётганди. Хушомад, мақтов, ёлғон тавозе, истеъдодсизликнинг бадбўйлиги анкиган бу йўлакларда аллақандай шарпа эсиб юрганини ҳис қилдим. Йўлак узра қаршимда нимадир пайдо бўлди. Ҳайкалми? Бунча баҳайбат бўлмаса? Йўқ, кимдир лўкиллаб келяпти. Ана... Э-ей, бу гурваккалла-ку, ёнида икки шотири, бири портфель, бири кастюмини кўтариб олган, э-е, ана, узун йўлак бўйлаб ўрнашган хоналар бир-бир очилиб, ҳамма ходимлар эгилиб таъзим қилиб, камига бош ирғаб ҳам қўйишяпти. Кўз олдим қоронғилашди. Юрагим санчди. Хонамга кириб, кўксимни столга тирадим. Одамлар кўксидagi самимият туйғусини суғуриб олиб, юрагидаги истеъдод ўтини сўндириб ташлаган, уларни таъзимбозга айлантриб қўйган бу мухит аини дамда мени еб-ютиб юбориш учун ҳамла қилаётгандай, атрофда шунча тавозехўрлар бўлса ҳам ўзимни ёлғиз ҳис этардим.

- Яна қанча чидаш бераман?
- Чидай олармиканман ўзи?
- Елкамни зил-замбил юк босиб турибди.
- Тирик ҳайкалдан қолган бу мухитни ўзгартиргунимча она сутим оғзимга келишини ҳис қиляпман.
- ...Агар эртагача етиб олсам, ҳаммасини ўзгартираман. Эртага ҳаммаси ўзгаради, дейман ўзимга ўзим.
- Эртагача чидай олармиканман?

# Кипригимга тегар нафасинг



Мирзохид  
МУЗАФФАР

\* \* \*

кўнглим кўзгусида кўринур аксинг  
ва у туш кўради менсиз кунларни  
колади тушларнинг биллур кафтида

чайқалар шамолга айланган туйғу  
учади осмондан яралган ишққа  
яраклаб кетади лахзалар.

манзилсиз йўлларда адашар рухим  
адашар менингла сенинг аксинг ҳам  
тасвирга айланар жамки сўзлар

кипригимга тегар нафасинг  
кўлмакдан мисоли қуёш балққандай  
кўнглим кўзгусида кўринар аксинг

\* \* \*

1

ғира шира чексизликнинг номаълум исми  
уйғотиб юборар капалакларни  
ва улар канотидаги залворли дунёлар ила  
киришарлар сажда килмокка  
сим сим оғрик  
(бу оғрик ила очиш мумкин хатто хазина ғорин)  
энди хазинанинг исмига айланади чексизлик

2

рангнинг соясига тўшалган овоз  
хуркиб кетар мудхиш жимликдан  
кўзлардаги иккита денгиз дўнар кўзгуга

Мирзохид МУЗАФФАР – 1999 йилда тугилган. Чиноз саноат касб-хунар коллежини та-  
момлаган. Шеърлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган.

ва уларда кўринади  
 бир пайтлар дунёни иситган  
 энди эса  
 эртақларга сингиб кетган қуёшнинг  
 икки дона коп қора нури  
 бу коп қора нурлар ўз соялари остига  
 тўшаб кўярлар машъум жимликни

3

чиннигулларнинг ним сарғайган яфроғи  
 жойланади хотирага  
 гултувак сарҳадидаги ўзга олам  
 чайқалиб кетар гурсиллаб йиқилган  
 гуляфроғ залворидан

\* \* \*

совирилиб кетаман ўткинчи елга  
 ва сени ўйлайман  
 сен эса йўқдирсан дунёда ҳали  
 ё бор бўлсанг ҳам сезмагандирман  
 балки менинг ўзим йўқдурман  
 аслида бу муҳим ҳам эмас  
 замҳарир совукдан роҳатланганча  
 симирганча кўзинг рангли қахвани  
 ўйлайверамаман  
 севги ҳам эмасдир эҳтимол бу  
 билмадим  
 севиб кўрмаганман олдин  
 қўлларингни  
 совукдан кўкариб кетган қўлларингни  
 ушлайман хаёлан  
 уялиб кетаман ўзимдан

---

*Мирзоҳид МУЗАФФАРИнинг метафораю метонимияга қурилган шеърларида виртуал шеърхонга қарата айтилаётган изҳору хитобларни кўргандек бўламан. Бир ўринда қаҳрамони: “ана бир парчамдан яралди офтоб” деса, ўша шеърнинг ўзидаёқ “яна биламан ҳечлигимни мен...” дейди. Ботиний кечинмалар драматизми – мана шу.*

*Номаълумликни – биз уни адабий тафаккур чегараларининг орти деб атаймиз – метафоралар билан пайпаслаб кўраётган ёш шоир ўзининг айна дамдаги ҳолатини шундай тасвирлайди:*

*ғира шира чексизликнинг номаълум исми  
 уйғотиб юборар капалакларни*

*Капалак – кечинма, тасаввур, ҳадик аралаш иштиёқ. Ана, боринги, шоирни шоир қиладиган ҳайрат.*

*Ёш шоир узоқ сафарга чиқмоқда. У манзилига етгунча: дашту биёбонлар, водийлар, довуллар оралаб ўтиши, нималарнидир топиши, нималардандир воз кечиши, табиий. Муҳими – тўхтамаслик. Муҳими – мўлжалли каттароқ олиш.*

рўёлар дунёсин  
 деразасидан мўралайман басорат ила  
 унда кўринади ким ҳақидадир  
 берилиб ҳаёл сураётган киз

\* \* \*

овозимнинг денгизида сузган соялар  
 бағрига олади нигоҳларингни  
 ҳаёлга айланар умрим  
 менинг сен ҳақингда ўйлаганларим  
 сингиб кетар юрак мавжудлигига  
 хомуза тортади пардалар  
 хўрсинар деразадан мени  
 пойлаган томчи томчи нур  
 энди ўзининг сабр тоқатини  
 қучиб йиғлаётган кишининг  
 кўзёшлари денгизига  
 дўнган овозимга  
 шўнғир дунёсиз кунларнинг қўланкалари  
 шуурсиз ҳислар аро  
 шамоллар эсади мендек бемақсад  
 мен эса чўкаман сенсизлигимга

## Қишлоқ хоккулари

1

Тонгни уйғотиб юборар  
 Сутнинг челақка  
 Визиллаб урилган товуши.

2

Майса япроғида  
 Жон берди капалак.  
 Ой чўмила бошлади сойда.

3

Пода қайтар карвондек.  
 Уфқка бош қўяр  
 Дехконларни кузатиб ҳориган қуёш.

4

Боғ  
 Санчиб олади илдизларини,  
 Туннинг қора кўксига.

5

Аёл рўмолини учирар  
 Дарёдан эсган шамол.  
 Йўл ҳали олис эди.



Оллоназар УЛУҒОВ

## САДАБ

Ҳикоя



**М**амат морбоз Говургоннинг катта сайхонлигида лўлаболишдек келадиган ёлдор илонни кўрганда сесканиб кетди. Ичига туфлай-туфлай, астафурullo келтирди. Бунақасини умрида кўрмаган эди. Морбоз баҳайбат илон токи ғорга киргунча изидан кузатиб турди. Илон одам шарпасини сезган заҳоти тезкор ҳаракат қилди. Унинг энди қорамтир ёлигина кўриниб борарди, холос.

Мамат морбоз изига қарай-қарай уйи томон равона бўлди. Ҳаво дим эди. Хаёлга чўмди. Ёши олтмишдан ошиб, морбоз лақабини кўтариб, кўплаб илонларни ўзига бўйсундирган. Аммо бу галгидек сесканган эмас. Юраги гуп-гуп уриб, аъзойи баданини совуқ тер босди. Негадир, оёғи чалишди. Вужудда аллақандай ҳис пайдо бўлди. Шу махлукни ўзига итоат қилдирмай тинчимаслиги хаёлидан ўтди. Хаёллар огушида қишлоғига кириб келди. Бўйноқ олисдан югуриб келиб, морбозга суйқаниб, эркаланди.

Эрини бир алпозда кўрган Холдон хола турган жойида серрайиб қолди. Тили зўрға айланди.

– Намунча, хансирайсиз? Ўзи тинчликми? – дея эрига яқинроқ борди Холдон хола. Мамат морбоз бошини сарак-сарак қилиб, охиста “чук-чук”лади.

– Нақ аждарҳони учратдим. Шундоқ, Говургон сойнинг тўридаги ғорга кириб, кўздан пана бўлди, – деди манглайдаги маржон тер доналарини рангпаргина рўмолчаси билан сидириб.

Мамат морбоздаги қатъият устун келди. Ўша мугуз ёлли морни авраб олмагунча тинчимаслиги аён эди. Орадан ҳафта ўтиб, ниятини ўғли Ҳамидга ҳам билдирди. Ҳамид эса оғиртабиат, босиқ йигит эди. Кескин фикрли кишиларни унча хушламасди. У отасига юзланди.

– Кўйинг, ота! Бир илондан қолсангиз-қопсиз-да! Айтишингиздан баҳайбат эмиш... Сизга зўрини ўтказса, у ёғи нима бўлади?

– Бир ҳаракат қилиб кўрайчи? Ёнимда турсанг бас, дов урдими, илгарилари шунақаси учраганидан хабаринг бор. Қўлга туширгандик.

Деярли, қирқ йил морбоз номини кўтариб, шу марта чекинса, ундан ўлгани

*Оллоназар УЛУҒОВ – 1952 йилда туғилган. Тошкент давлат чет тиллари институти (ҳозирги ЎзДЖТУ) инглиз филологияси факультетини тамомлаган. “Жануб ҳикоялари”, “Табиат ҳикоялари”, “Болалик ҳикоялари”, “Паҳлавон Давла”, “Жониворлар ҳақида ҳикоялар” китоблари муаллифи.*

яхши. Бу килган ниятини мерган дўсти Ҳасанга айтди. Ҳасан мерган ҳам ошнасини бу ниятдан қайтараман, деб уриниб кўрди. Бўлмади.

Узунлиги икки ярим кулочдан узунроқ бу баҳайбат илонга Мамат морбоз неча кунлар куч тўшлади. Илонни авраш калимасини эҳ-ей, неча кунлар ичида айтиб юрмади.

Мамат морбоз ўша Говургон сойдаги ғорга жўнаб кетмоқни хаёл қиларди. Ким билсин, қандоқ сиру синоат бор?! Балки, киши билмас аллақандай ғайри-табиий сир яшириндир. Шу илонга етишмагунча кўнгли тинчимаслигини, унга ем бўлиб ёки унга эришиб, ғолиблик нашидасини татилагунча на турганида, на ўтирганида ҳаловат борлигини дўстидан яширмади. Мамат морбознинг ўғли ҳам мерганга ёрилди:

– Жон бобо, отамнинг айтганини қилайлик. Бирга бориб ҳеч бўлмаганда белидан арконни боғлаб кулочкашлаб тортиб турармиз. Худо хоҳласа, бу ишни эплармиз, нима дедингиз, бобо?!

Ҳасан мерган ялт этиб Ҳамидга юзланди.

– Мен ҳам шу фикрга келдим. Отанг барибир, унга эришмай кўядиган чўти йўқ.

Ғорга бориш пайшанба кун эрталабга режа қилинди. Нимаики, яхши ният қилинса, ижобат бўладиган яхши кун дейилди. Бунга жиддий хозирлик кўрилди. Беш-олти кулоч аркону кўш оғиз милтигини мерган оладиган бўлди. Ким билсин, бу баҳайбат илон морбозни дамига тортса, нима кўргилик бўлади. Ҳасан мерган шартта кўш оғизни ишга солиб, отади, ташлайди.

Шу кеча Мамат морбозга тонг отмасдай туюлди. У ёқдан-бу ёққа ағанади. Ҳар кўзи илинай деганда, сачраб кўзидан уйкуси қочарди. Тонгга бориб кўзи илинди. Қараса, ажабтовур туш кўрибди. Ўша кўрган баҳайбат илон билан олишармиш. Бир пайт устун келиб, илоннинг бошини танасидан жудо қилибди. Алаҳсиб уйғонса, туши экан. Илондан устун келгани Мамат морбознинг кўнглини кўтарди. Ташқари чиқди. Тоғ бағридан оппоқ мунаввар тонг оқариб келмоқди эди. Наридан-бери таҳорат олиб, номозга йиқилиб-турди.

– Маматбой, хой, Маматбой! Уйдасизми? – дея Ҳасан мерган узоқдан шовур берди. Кечаги тушидан сархуш тортиб, кўнгли тонгдек ёришганидан морбоз ошнасига пешвоз чиқди.

– Келинг, келинг, дўстим. Уйдаман. Қани-қани, ичкарига... Зап келибсиз. Ҳамидни жўнатсаммикан, деб тургандим. Дарвоқе, бугун нима қулигини биларсиз?..

– Биладан, биладан. Бугун сиз илонни авраб, кўлга қиритадиган кунингиз. Ишқилиб, ғордан чиқиб кўриниш берсин-да! Бўлмаса оворагарчилик бўлади.

Икки дўст бир-бирига ҳазил-хузул қилишиб, кулишди.

Улар бир пиёла чой баҳона ичкари киришганда, куёш Боботоғ бағридан мўралаб, заррин нурларини борликка сочаётган эди.

Дастурхонга фотиҳа тортилди. Апил-тапил, эрталаб салқинда Говургонсойнинг қорасини олмаса, куннинг иссиғига қолишади-да!

Мешда муздек сув, белбоққа эса ёғли патир олишди. Бу дала-даштда асқотади. Айни терлаб-пишиб илон билан олишув чоғида иш беради. Мамат морбозни йўлда ўй босди. Мард кетишга – мард кетди-ю, бу ёғи нима бўлади? Олдинлари кўпам бунақанги таваккал иш тутмаган. Хайрият, ёнида аллқомаат ўғли, қолаверса, кўпни кўрган, отган ўқи беҳато ўлжага тегадиган ошнаси бор.

Куёш таёқ бўйи кўтарилган эди. Ҳаво дим, осмонни тарам-тарам булут қоплади. Бир-икки кун илгари ёққан қиска фурсатли ёмғирдан ўт-ўланлар юзини ювиб, куёш нурида кўзигуллар сарғиш ранги билан чор-атрофга чирой бахш этади. Узоқдан

арғимчок солиб учаётган бир тўп турнанинг овози кўнгилларга аллақандай хис бағишлайди. Юракда яшириниб ётган ажиб воқеаларни эсга солади.

Морбознинг сархуш ўйларига Ҳасан мерганнинг гап қотгани халал берди.

– Маматбой, нима бўлгандаям, қуруқ қайтмасак, деймиз. Баъзи пайтлар илонлар қулча бўлиб, ташқари чиқай демайди-да, савил! Чунки туни билан ов қилади. Толиқади.

Мамат морбоз ошнасининг ушбу гапларидан сергакланди.

– Шунақаси ҳам бўлади. Ҳатто ярим кунлаб, баъзида эса куни бўйи пойлаган вақтим кўп бўлган. Нима бўлгандаям, дами-дуони ишга соламиз. Унга ҳам ахволи аён бўлган менинг бораётганим.

– Шунақами, хали? – дея Ҳасан мерган ажабланди. Гапни эшитиб келаётган морбознинг ўғли гапга аралашди.

– Ота, ўзи қаерда ўша ғор? Яқинлашдикми?

– Ҳа, мана, ҳозир келамиз, – морбоз ўғлини тинчлантирди. Юра-юра, охири ғорга ҳам етиб келишди. Лаш-лушини шундоқ чимўтлар устига омонатгина қўйишди. Ҳамид чилвирни ўрамидан ечди. Қалта арқонни узун чилвирга қўшиб маҳкам боғлади. Қулочлаб кўрган бўлди. Салкам саккиз қулоч чилвир етиб қолар. Мамат морбоз эса, ғор оғзидан кадамлаб, ҳар ўн кадамда бир чизиб, жами ўттиз кадамча масофани уч чизик тортиб келарди. Эғнидаги оғир буюмларни морбоз ечиб, ўғлига тутди. Мерган қўшоғизнинг сумбасига яккакўз бўлиб қаради. Ўқни жойлашдан олдин сумбани пуфлаб, ўк жойлади.

Мамат морбоз эса биринчи чизикка яқин бориб чўккалади. Кўзларини хиёл юмиб, ичида пичирлаб, илон авраш дуосини ўқишни бошлади. Ўғил билан мерган морбознинг белига боғланган арқонни кўлларига ўраб олиб, орқароқда тик туришди. Морбознинг юзини маржон-маржон тер босиб борарди. У кўзини хиёл очиб, ғор томон юзланди. Негадир, ғор тўрида яшиллик ялт этгандек бўлди. Бир сония кўзга ташланган бу қулф – яшиллик йўқолиб, ўрнини кўзга элас-элас ташланадиган билинар-билинемас шафақ эгаллади. Негадир Мамат морбозни ваҳм босди. Бу сиру синоат ўғли Ҳамидга ҳам, дўсти Ҳасан мерганга ҳам намоён бўлмади. Бу сиру синоат морбозгагина намоён бўлар, бу турфа ранглари ҳар кўринганда морбоз бошқача бўлиб кетар. Ўтирган жойидан сапчиб ўша тарафга жўнаб кетгиси келарди. Ўзини аранг босиб, калима келтириб, бу хилдаги хом хаёлдан ўзини тиярди.

Унинг азъойи баданини совук тер босди. Кўйлаги эса сиқиб олгудек жикка терга ботди. Биринчи чизган чизиги ярмига силжиб борганини ўзи ҳам сезмасдан қолди. Ўғил билан мергани ҳам аллақандай ваҳм босиб, кўркув устун келарди. Ҳадемай, морбоз биринчи чизган чизигидан ўтиб кетди. Мергандан кўра ҳам ўғли Ҳамид арқонни маҳкам тортиганича, нималар бўлаётганига хайрон.

Мамат морбоз ўқиган калималар киши англамас тарзда бўғзидан зўрға отилиб чиқарди. Ҳасан мерган бунақанги воқеаларнинг кўпининг гувоҳи бўлганиданми, эшитганиданми, хуллас, ўзини аллақандай бошқача хис қила бошлади. Аммо биринчи чизик аллақачон ортада қолиб, иккинчи чизик сари иширилиб жўнаганидан Ҳасан ҳам хавотирга тушди. “Қуппа-қундуз куни ўз оёғида келиб илонга бериб қўйсак, кишлок аҳлига, айникса, морбознинг аёли Холдонга нима деймиз?” деган хаёлда Ҳамид арқонни маҳкам кўлига ўраб орқага тортиди. Мамат морбоз эса орқагамас, сурилиб олдинга кетарди. Ҳамид ранги оқариб тилга кирди:

– Бобо, бу нима деган гап?! Иккинчи чизикка бораёй деяпти! Нима қил дейсиз? Отам хансираб, тили ҳам тортилиб бормоқда. Зўрига йўлиққан кўринамиз!

– Сабр кил! Яратгандан беизн одамзотга тикан ҳам кирмайди. Бир мўъжиза рўй берса ажабмас!

Иккинчи чизикдан энди ўтай деб қолган Мамат морбознинг аҳволи танг эди. Деярли охириги кучини ишга солиб, жонҳолатда бўғилиб калима кайтарарди.

Шу пайт ғор оғзида бир нарсанинг хумдай боши кўзга ташланди. Бу аниқ ўша махлук эди. Ер рангига сингишиб олиб, рақиби сари судраларди. Рақибидан устун келаётгани унга аён эди. Бу баҳайбат махлук ҳам мугуз ёлини икки тараф селкиллатиб ҳаракат қиларди.

Йўғонлиги одам сонидек келадиган илон билинар-билинемас олға силжирди. Туйқус бошини баланд кўтариб, айри тилини ҳавода ўйнатди. Унинг бу хилдаги ҳаракатида қандайдир киши билмас голибона сиру синоат намоён эди.

Ҳолдан тойган Мамат морбоз жиққа терга ботиб, кўзларини зўрға очар, жонҳолатда бир қўли билан томоғини ишора қилди. Томоғи қакраб кетгани тайин эди. Ҳамид мешдаги муздек сувни Мамат морбознинг оғзига тутди. Морбоз “култ-култ” ичган бўлди. Аъзойи бадани сергақланди. Ҳамид отасининг юзини хўл белбоғ билан артди. Барибир, морбозда мадор йўқ эди. Бутун куч-қудрати илон ўқишга сарф бўлиб, ўзини лоҳас ҳис қиларди. Ҳасан мерган ошнасининг ёнига чўккалади. Қарасаки, устидаги ҳаворанг йўл-йўл кўйлагининг барча тугмаси қадалиб турибди. Ҳасан мерган Мамат морбознинг қулоғи узра энгашди.

– Садабингизни бўшатиңг, садабни! Эшитяпсизми?! Садаб, садабни! – Ҳасан мерганнинг охириги гапи жонлироқ чиқди.

Ғор оғзидан каптарлар “пар-р” этиб учди. Мамат морбоз дармон тарк этган қўлларини кўйлаги тугмаларига олиб борди. Лекин учала тугмани ҳам бўшатишга дармони етмади.

Ер бағирлаб, олдинга интилаётган илон айри тилини ҳам чиқармасдан, шаштидан тушди. Тош устига бошини қўйган қўйи кимирламай қолди. Ҳасан мерган билан Ҳамид қотиб қолишди.

Мамат морбоз ҳолдан тойиб, ёнбош ҳолда зўрға нафас оларди. Қўллари мешдаги сувга мажолсиз чўзиларди. Ҳамид отасининг бошини тиззасига олди ва яна муздек сувдан ичирди. Мамат морбоз бир-икки тамшаниб, қўли билан бўлди ишорасини қилди.

Илон кимир этмай ётарди. Бу махлуқдаги ички ботиний сир ёлғиз Мамат морбозгагина аён эди. Бу ички ботиний туйғуни ифодалаш мавруди эмасди. Бу сирни ошкор этмаслик ёлғиз морбозларга хос ички сир-синоат эди.

Қўшоғизни маҳкам тутган Ҳасан мерган илондан кўз узмай турарди. Морбоз қўли билан милтиқни пастга тушир, ишорасини қилгач, Ҳасан мерган ҳамма ишга якун ясалганини тушуниб етди.

Морбоз ҳансирашдан тўхтаб, ўзига келгандек бўлди. Голиб морбознинг аъзойи баданини чарчоқ, зирқираш азоблари ҳали тарк этмаганди. Умри бино бўлиб биринчи чизикдаёқ ҳар қандай илонни қўлга киритган бўлса-да, бу сафар ҳар бирининг ораси тўрт-беш кулочдан келадиган чизиклардан иккитаси ортада қолиб, учинчисидан ҳам ўтиб кетади дебди. Буни морбоз ўзига келгач ҳис қилди.

Ривоят қилишларича, кимки илоннинг лақабини топгудек бўлса, бу илоннинг енгилгани бўлар эмиш. Мерганнинг ногаҳон, “Кўйлак садабини чиқаринг”, деган хитобида илоннинг лақаби айтилган эди.

Уччовлон ўлжа жойланган қопни олиб кишлокқа қайтишаётганда кун пешиндан окканди...





Исҳоқхон НОСИРОВ

## “БУЛБУЛ ҚАНОТИДАГИ БИТИҚЛАР”

Хар бир асар тафсилоти ҳаёт лавҳалари тасвири ва инсон умри саҳифаларида битилган кадрли, ўчмас хотиралар маҳсулидир. Инчунун, ёзувчи, табиат муҳофазаси жонқуяри Ғози Раҳмон қаламига мансуб “Булбул қанотидаги битиқлар” ҳикоялар тўпламини муаллифнинг китобхонга атаган бир ховуч жавоҳири, деб ҳисоблаш лозим.

Ғози Раҳмон битиқлари услубининг эътирофга молик ижобий ҳислатлари ҳақида гап кетганда, таъкидлаш лозимки, у минг йиллар давомида тоғлиқлар томонидан тўқилган ва тилларда дoston бўлиб келаётган афсона, ривоят, эртақ, мақол, ўлан, айтишув ва дostonлардан унумли фойдаланган.

Тўплагма киритилган йигирмага яқин ҳикоя, ўндан ортиқ сачратки, бир неча бадиалар мавзу жиҳатдан ранг-баранг.

Жумладан, биринчи ҳикоя “Келинтош афсонаси”да турмуш қуриб, чўлга кўчиб келган тоғлиқ Отамурод ва Сумбулларнинг “...ўйнаб-ўсган жойини бир умр кўмсаб...” ҳар баҳорда бир оқшом Келинтошга келиб тунаш жараёнида кечган ички кечинмаларини муаллиф мозий билан боғлайди. Тоғли халқлар азалдан тоғнинг сиру синоат ва ғаройиботларга тўла сирли макон санашлари, уни мардлик, жасорат, шижоат, поклик тушунчаси билан боғлаб, муқаддас ота юртнинг виқори сифатида алқаб, ардоқлашлари тасвирга тортилади.

Ҳикоя “Келинтош афсонаси” деб ағалишининг сабаби – қадимда бу юртда содир бўлган бир аянчли воқеа маҳаллий халқ руҳига каттиқ таъсир этиб, тилдан-тилга, оғиздан-оғизга кўчиб юрган ривоят ҳикоя сюжетига асос қилиб олинади. Ҳикоя ровийси Сумбул эри Отамуродга бувисидан эшитган ривоятни нақл қилади.

Қадимда бир бойнинг якка-ю ёлғиз ўғли ёш хотинини онасининг кундошлари иғвосига учиб, хиёнаткорликда айблайди ва келинлик либосига ўраб Қоразовдан ташлаб юборади. Ўғай оналар томонидан атайлаб кишлокқа юборилган укаси келгач, ундан сўраб ҳақиқатни билиб олгач, Қоразовга бориб хотинининг ўлигини ҳам тополмайди. “Ҳам гули-ю ҳам кунидан, ҳам қувончу ҳам тунидан айрилиб, тулпор отдай туёғидан тойрилиб ранги сўлиб, ичи тўкилиб Қоразовга кириб кетган хотинининг на ўлигини на тиригини тополмай, ўкириб-ўкириб йиғлаб... бошини қора тошларга ура-ура телба бўлиб қолган”и тоққа қараб қочиши, ота-она, овул-

*Исҳоқхон НОСИРОВ – 1947 йилда туғилган. Қарши давлат педагогика институтини (ҳозирги Қарши ДУ) тамомлаган. Тўрт жилдли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”нинг тузувчиларидан бири. Республика матбуотида 50 дан ортиқ илмий ва услубий мақолалари эълон қилинган.*

дошлари излаб тополмай қайтиб келишса, ўтов тошга айланиб, икки кундош хотин қилмишидан икки кўмир тошга айланиб қаққайиб тургани ҳикоя қилинади.

Қиссадан ҳисса шуки, қадимдан халқимиз оилада эру хотинлик орасидаги муқаддас саналган садоқат, вафо, покликни, бир-бирига бўлган ишонч, ҳурмат ва меҳру муҳаббатни энг мўътабар илоҳий неъмат ҳисоблаб, бир умр ардоқлаб, хиёнатга йўл қўйган кимсаларнинг қилмишлари ҳеч қачон кечирилмаган.

Иккинчи ҳикоя “Раҳмон мерган” (“Бобомнинг ҳикояси”)да Бухорони ташлаб Афғонга қочган амирнинг хазиначиси Мўйдин маҳзум ва унинг одамлари қизил аскарлар таъқибидан яшириниб, Лангарга келиши баён қилинади. Ҳикояда Мўйдин маҳзум бу дарадан эсон-омон чиқиб кетиш учун ёрдам сўраб, Раҳмон мерганга мурожаат қилади. Амир миршаблари бундан уч йил олдин Шаҳрисабз бозорида бир танга қора пул бермай, далла терисини тортиб олишганини эслаган Раҳмон мерган қарорини тубдан ўзгартириб, уларни тоғ сўқмоқларида адаштириб, қизил аскарларга дучор қилиши тасвирланади.

Агарда ҳикоя сюжети қурилмасига киритилган воқеалар мазмунига жиддий эътибор қилинса, ўқувчи бир муддат хулоса чиқаришда иккиланиб қолади. Ким ҳақу ким ноҳақ эканини билиб олиш учун ўша давр ҳаётини ўрганиш, кишиларнинг яшаш шароитини билиш керак бўлади.

Ғози Раҳмоннинг ҳар бир ҳикоясида бир дунё ҳикмат бор. Мавзулар тубдан биридан фарқ қилади. Масалан, “Энабулоқ” деб номланган ҳикоя сюжети ўта жиддий ҳаётий воқеалар ҳамда изтироб тўла қуйинчақлик билан баён этилган лавҳалар асосида яратилган. Ҳикоя баёнида чинор минг ёшга тўлса ўз-ўзидан ўт чиқиши, ката қишлоққа бошдан-оёқ сув берадиган Энабулоқ бўйидаги чинор ярм тунда танасидан ўт чиқиб, уч кеча-кундуз ловуллаб ёниши, узум пишиғида қишлоқнинг кўзга кўринган икки муаллими ва бир раҳбар қайвонисини “халқ душмани” деб қўлга олганлари ва уларнинг бедарак кетгани, қуйган чинор болалаб, ундан еттига шох униб, уйга устун бўлгудай бир қучоқ бўлиб тўлишгани ҳақида сўз боради. Муаллиф бу мушаҳода орқали йиллар ўтиб, замонлар ўзгарганини назарга тутади. Зукколик билан ўқувчини тафаккур дунёсига олиб қиради. Халқимиз қисмати битилган саҳифаларни варақлайди. Чинор миллатимизнинг рамзи, яъни ўзбек қадимий халқ дегани. Мустабидлар давронидан не-не улуғларимизнинг бедарак, изсиз кетиши, қуйган чинор (катағонга ишора)дан етти шох униб, вояга етиши, яъни ўзбекнинг қудратли мустақил миллатга айланиши ўта ҳаяжонли, нозик ички сезимлар қобигида изҳор қилинади.

Адиб ҳикоянинг иккинчи қисмида сабаб ва оқибат натижасида келиб чиққан ижтимоий ҳодисаларнинг муҳокамасини сизу бизга ҳавола этар экан, икки чинор орасида суви кўзёшидай милтиллаб қолган Энабулоқ ёқасига беланчак осилгани, бу ҳодисани момолар ҳосиятсиз дейишгани ва ирим-сиримни билмайдиган аёл сабаб деб гумон қилиниши, чор тарафдан болтанинг дарахт танасига урилган зарби монанд мусиқа эшитилиши, гўдак овозини босиб кетиши, гўдак тўхтамай чинқириши, халқимизда бир гўдак ютоқиб йиғласа, етти чашма қуриб кетади деган нақл қадимдан борлиги, Энабулоқнинг қуриганини дунё бино бўлгандан бери ҳеч ким кўрмагани, агарда булоқ қуриса жаннатий қишлоқ дўзахга айланиши мумкинлиги ва чақалоқ фарёди етмиш томирни зирқиратади дея гўдак нолашига бахшининг жўр бўлишини жуда таъсирли тасвирлайди.

“Энабулоқ” аслида жамият акси. Жамият садоқат, меҳру вафо, муҳаббат билан гўзал. Шу маънода, адиб жамиятнинг муқаддас ахлоқий қонуниятини писанд этмай, шарм-ҳаёнинг қобигидан чиқиб кетаётган, урф-одатларимизни оёқ ости қилаётган, номақбул йўлларга кириб, тавфик, диёнатни унутган имонсизларни, тоғу тошлар, боғу роғлар, гулу гулзорларни эгаллаб, обод этман деб, аксинча “хилваттоҳ”лар қуриб, “гуллатиб”, кибр отига миниб, шарм-ҳаёни қуйдириб, отамерос садоқату покликни синик шишалардай қисмат дунёсига улоқтирган айрим нопокларнинг ноғўя қилмишларидан нафратланади, зорланади ва ўқувчисини маънавий покликка чақиради.



Луқмон БЎРИХОН

## АДОЛАТ МАНЗИЛЛАРИ

Самимий, юракнинг туб-тубидан қайнаб чиққан сўзлар, сатрлар, битиклар, ўз ўқувчисини топади, албатта, ўша ўқувчи қалбига нурдек сингади. Таниқли ёзувчи Илҳом Зойир қаламига мансуб “Хукм” номли роман ҳам худди шундай асарлар сирасига қиради десак асло муболаға эмас. Чунки унинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир ифодаси қатларидан чин инсоний ҳарорат, дард силқиб турибди.

Илҳом Зойир ўз сўзи, ўз услубига эга адиб. Унинг қатор қиссалари, хикоялари, “Ҳолва емаган бола”, “Сехрли қалам”, “Юз тилло можароси” сингари китоблари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган, мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Ёзувчининг галдаги, “Хукм” романини нафақат муаллиф ижодий фаолиятида, балки замонавий ўзбек насри ривожига ҳам жиддий ютуқ сифатида бемалол эътироф этишимиз мумкин.

Ҳамма ҳам ҳаётда ҳақиқат, адолат излайди. Жамиятни, оилани соф-мусаффо кўришни истайди. Аммо бунинг учун худди шу жиҳатлар энг аввало инсоннинг ўз юрагида, ўз онг-шуурида топилиши керак. Худди шу сифатлар инсон ички оламининг устунлари бўлмас экан, ўша олам муқаррар кулаб тушади, муқаррар инсонни мавҳ этади. Илҳом Зойир қаламига мансуб “Хукм” романининг бош ғоясини, асосий мотив йўналишини шу тарзда ифодалаш ўринлидир.

“Хукм” – моҳиятан детектив-саргузашт роман. Унинг сюжети, зоҳирий мазмуни, ҳар ҳолда, шундан дарак бериб турибди. Аммо одатда шу тоифадаги битикларда учрайдиган воқеабозлик, изкуварлар фаҳм-фаросатига, топқирлигига атай урғу бериш каби унсурлар биз тилга олаётган романда деярли кузатилмайди. Илҳом Зойир мазкур жанрга хос хусусиятлар саналмиш драматизмни, сирлилик, кескинликни қаҳрамонлар қалбига, руҳиятига кўчира олган. Айтиш мумкинки, асарнинг энг эътиборли фазилати ҳам шунда. Романдаги Элёр, Рустам каби етакчи образлар юз берган мудхиш жиноят тафсилотларини таҳлил этишга, ҳақиқатга ойдинлик киритишга бел боғлашар экан, Илҳом Зойир эса асардаги каттаю кичик персонажлар кўнглини, руҳиятини, ички оламини тафтиш этишга, уларни ҳар хил ракурслардан

---

*Луқмон БЎРИХОН – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1965 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Яланғоёқ”, “Сирли муаллим”, “Хизр кўрган йигит” сингари хикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган. “Жазирамадаги одамлар”, “Темирйўл” каби романлар муаллифи.*

ёритишга ҳаракат қилади. Натижада, ўқувчи кизғин, кескин воқеалар ривожини эмас, беихтиёр роман қаҳрамонлари қалб тебранишларини, туғёнларини кузатишга берилиб кетади, уларнинг қувончу изтиробларига, муҳаббату нафратларига шерик бўлади. “Хукм”да Рамазон Наим, Жамшид Зарипов, Ғани Бозор каби образлар, гарчанд китобхон кўз ўнгида салбий қаҳрамонлар сифатида гавдаланса-да, муаллиф уларга бу одатий ёрликни ёпиштиришга шошилмайди. Аввало, мазкур қаҳрамонларга ҳолис, гуманизм нуқтаи назаридан ёндашиб, уларнинг инсоний кечинмаларини, севгисини, нафратини ёрқин бўёқларда ифодалайди, мураккаб шарт-шароит, нохуш муҳит уларни жиноят оламига бошлаганига ўқувчини ишонтира олади. Масалан, Рамазон Наим қанчалик тубан қилмишларга қўл урмасин, ўқувчи ҳаёлотда оилапарвар одам, фарзандлари бахт-саодати учун қайғурган меҳрибон ота, дўстларига садоқатли шахс сифатида тасаввур уйғотади, қайсидир маънода, кўнгилларда хайрихоҳлик, ҳамдардлик пайдо қилади. Жамшид, Танҳо сингари образлар ҳақида ҳам шундай фикр айтишимиз мумкин. Уларнинг соф муҳаббат, юксак туйғулар исташи, шу борадаги изтироблари, ўртанишлари диққатга сазавордир. Қайд этилган ушбу хислатлар, роман замирида адабиётнинг азалий вазифаси инсон, инсоний қисматлар таҳлили ётганини кўрсатади. Асар лирик, эмоционал бўёқларга бой. Айниқса, севги-муҳаббат кечинмалари каламга олинган ўринларда бу жиҳат бўртиб кўринади. Ўқувчига ёруғ ҳаяжон, завқ-шавқ улашади. Илҳом Зойир ўзининг бу янги романида халқ орасида асрлар оша сайқалланган, адолат ва унинг тантанаси тараннум этилган афсонадан ҳам унумли фойдаланган. Ушбу халқ оғзаки ижоди намунаси ҳам асарга ўзига хос миллий колорит, сермазмунлик, сербўёқлик бахш этганки, худди шу жиҳатлар “Хукм”нинг кадр-кимматини янада оширади. Роман бош қаҳрамони – Элёр, туман газетасида хизмат қилувчи калами ўткир журналист. У ўзининг ҳақгўйлиги, адолатпарварлиги туфайли раҳбарият томонидан таҳдид-тазийққа учрайди, азият чекади. Лекин ўзи бошлаган хайрли ишлардан асло чекинмайди. Асар марказига кўчган жинорий ишни атрофлича ўрганиш, ҳақиқатни юзага чиқариш йўлида кескин чора-тадбирларга қўл уради, ҳатто, ўз жонини, шаънини хавф остида қолдиради. Шунингдек, Элёрнинг дўстларга, касбига, оиласига садоқати, меҳр-оқибати кўзга ёрқин ташланади. Масалан, ғоят банд ва серташвиш бўлишига қарамай, унинг кўп йиллар аввал ўзи истикомат қилган ижара уй соҳибасини излаб бориши, унинг турмушига, тирикчилигига бефарқ эмаслиги ўқувчи кўнглида илиқ хислар уйғотади. Элёр ва унинг маслакдошлари асар хотима-сида ноҳолис, адашган кимсалар устидан ғалаба қозонар экан, бу ютуқни муаллиф уларнинг фавқулудда салоҳият, ақл-фаросат эгалари бўлгани учун эмас, балки асар қаҳрамонлари излаган ҳақиқат, адолат манзил-мақони уларнинг юрагида эканлиги учун эришилганига чиройли ишора қилади. Фурсатдан фойдаланиб таъкидлаш ўринлики, Элёр характери, амалий фаолияти билан замонамиз қаҳрамонлари сиймосини ўзида мужассам этган. Бу ҳам Илҳом Зойир каламига мансуб “Хукм”нинг жиддий бир ютуғи, эътиборли жиҳатидир. Зеро, бугун ҳукуратимиз, Президентимиз ижтимоий ҳаётда, айниқса, навқирон авлодга ҳар жиҳатдан ўрнатқан бўла оладиган, ёшлар таълим-тарбиясига ижобий намуна кўрсата оладиган образлар яратишга ижодкорларимизни, калам аҳлини даъват этиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини бериб турибди. Айтиш мумкинки, таниқли адиб Илҳом Зойирнинг “Хукм” романи бугунги кун талабларига муносиб бир жавоб бўлди.



Миразиз АЪЗАМ

## МИРТЕМИР

*Миназини бузмай ларзагор ва жарангдор полапон қуидай оҳиста  
Ясси бўйлаб чўнг алп сингари зайтунзор аро девкор ва ёвқур  
Шеър ёбонларида ёвишан чечакларини терган ёзуқли қайсар  
Сулув шеърятнинг тугин кўтариб  
Жиндай газалхон, танги шоир Миртемир келаётир!..*

**Гафур ҒУЛОМ**

**М**ен энг олдин шоир Миртемирнинг “Тўйчи Эрийгит ўғли”, “Олег ва ўртоқлари” деган шеърларини мактаб дарсликларидан ўқигандим. Ўша шеърлар оркали Миртемир табиатидаги жасорат ва собитликни кўрганман.

Ҳаётда Миртемирни, янглишмасам, 54–56 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида кўрдим. Кийим-бошидан тортиб муомаласигача ниҳоятда камтар ва самимий бир инсонлиги кўриниб турарди. Дўпписининг киррасини олдинга қилиб кийган эди, бу унинг руҳида бир қадар чапанилик, хурлик, мардлик мавжудлигини ҳис қилдирар эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар тўғарагини Миртемир ака олиб борган кезларда мен ҳам тўғаракка бир-икки бор қатнадим. Ёш шоирлардан Эркин Воҳидов, Хайриддин Салох, Раззоқ Абдурашид, Сайёр, Тўлқин, Юсуф Шомансур кабилар фаол эди. Назаримда, уларнинг шеърлари қаршисида менинг ёзганларим ўртага чиқиб ўқишга арзигулик эмасди. Бундай тўғаракка қатнаша олиш учун ҳали кў-ў-ўп шеър машқ қилишим керак эди. Шу боис тўғаракка қатнамай кўйдим.

Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетини битиргач, 1958 йилда Тошкент телестудиясига, 1959 йида “Ғунча” журнаliga ишга келдим. Хизматим тақозоси билан болалар дунёсига кириб қолдим. Ширин-ширин фарзандлар отаси бўлиб, мактаблар ва боғчалар ҳаёти билан танишиб, болаларга меҳрим тушиб, шеър ёза бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Бу шеърларим тез танила бошлади.

Янглишмасам, 1966 йили эди, республика ёшлар ташкилоти қандайдир муносабат билан энди адабиёт майдонига кириб келаётган ижодкорларни устоз шоир ва ёзувчилар билан бирга мактаб ўқувчилари хузурига тез-тез учрашувларга чиқара бошлади. Тўйгепада бўлиб ўтган шундай шеърхонлик талбирларида Миртемир домла ҳам қатнашди.

*Миразиз АЪЗАМ – 1936 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Қатор шеърый ва насрий китоблар муаллифи. Жаҳон адабиётидан юздан зиёд муаллифлар асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Унинг шеърый китоблари дунёнинг бир неча тилларида наиш этилган.*

Мен болаликдан одамларга ковушимсиз эдим, онам мени “шўртумшук” деб уришар, “бундай бўлма, киришимли, дадил бўл” дерди. “Нима килай, ковушмасам, киришимли бўлолмасам? Биров менга “кел” деб айтмаса, давраларга кўшилолмайман”, дердим. Бу ердаги учрашуларда ҳам, Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансурлар Миртемир домла билан аскиялашиб, апоқ-чапоқ гаплашардилар. Мен кўшилолмасдим. Мен фақат домлани, унинг ёндафтар варақлаши ва ё қулоғига овоз кучайтиргич тақиб, ёш шоирларнинг шеърларини диққат ила тинглаётганини кузатар эдим. Сўз менга текканда ўқувчилар авжабтовур кизгин қарши олди. 2–3 шеърдан кейин ўтиришимга йўл қўймай, қайта-қайта минбарга чиқардилар. Ўқувчилар билан учрашув охираб колганда: “Сўз севикли шоиримиз, устоз Миртемир домлага!” деган овоз янгради. Домла минбарга яқинлашатуриб, дўпписига бир қўл югуртириб олди-да, аввал “Қуш тили” деди, сўнгра “Мўмин Бобонинг яхши невараларидан митти Алишерга атаганларим” дея шеърни ўкиди:

*Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,  
Қўймайман сизга тузоқ,  
Бўзтўрғай,  
                    бўзлашайлик.  
Қалдирғоч,  
                    қувлашайлик.  
Бетилмоч  
                    қувнашайлик.  
Саъваой,  
                    сайрашайлик.  
Сойма-сой  
                    яйрашайлик.*

Шеърда яна шундай мисралар ҳам бор эди:

*Ўйламанки, отғум тош,  
Ўйламанки, мен бебош...  
...Узоқлашманг қушлар, ҳей,  
Гўё ёруғ тушлар, ҳей.  
Қафасга солмайман, йўқ,  
Кўнглингизни тутинг тўқ.  
Тотув, иноқ бўлгум бор,  
Тилингизни билгум бор...  
Тилингиз биларкан-ку  
Ахир Алишер бобом.*

Болалар бу шеърни ҳардамхаёллик билан тингладилар. Кўнгилдагидек қарсақ урмадилар, назаримда, шеърнинг маъносини тушунмадилар. Диққат-эътибор сал таркоқроқ бўлди. Шунда мен бизнинг ҳар биримиз Миртемирни яхши тушунишимиз ва ҳаммага тушунтиришимиз керак, деган қарорга келдим.

## Шоирни тушуниш

Миртемирнинг энг яхши шеърларида, ҳатто “Сурат” достонида менинг ўзим учун ҳам англашилмас баъзи бир жиҳатлар бор эди. Масалан, 60-йилларда Ҳадия Юсупова ижросида радиодан деярли кунора бериладиган “Бир гўзал” кўшиғи, кўнглимга қанчалик ўтиришмасин, бироз тушуниксиз кўринарди.

*Дейдиларки, шаҳримда бир гўзал бормиш,  
 Ҳар оқшом боққа кириб мени сўрармиш.  
 Изларимни тополмай оҳлар урармиш –  
 Гир-гир юрармиш,  
 Ҳайрон бўлармиш...*

Ҳолат бир менга галати кўринадими, десам, бошқалар ҳам ҳар хил хаёлларга бо-ришаркан, бир куни Ёзувчилар уюшмасида Эркин Воҳидов сўзга чиқиб, “Мирте-мир домла уйларида, дераза ёнида: “Дейдиларки, шаҳримда бир гўзал бормиш, Ҳар оқшом боққа кириб мени сўрармиш”, деб хаёл суриб ўтирадилар, боққа чика қолсалар бўлмайдими?” – дея лутф қилди. Домла хоҳолаб кулди, аммо жавоб бермади.

Яна мен “Онагинам” шеърини ҳеч ҳаяжонсиз ўқий олмасдим. Шеърда онаси-га фарзандлик бурчини адо этолмаган, унинг хизматини қилолмаган ўғил тимсоли бор. Миртемир ака ҳақида ўйлар эдим: нима, Туркистон шунчалик бориб бўлмас олис жойдами, Тошкент билан Ийқон ораси нари борса 300–400 километр келар, онасини ё ўлимидан олдинроқ ёнига олиб келса ва ё Ийқонга бориб хизматини кила қолса бўлмасдими? – дердим ўзимча.

“Сурат”да эса юракни зир титратувчи дастлабки аккордлардан бошлаб ўқувчи кўз ўнгида англашилмас бир манзара тикланарди:

*Тошлон ўлди, деган ким ахир?  
 .....  
 Гуноҳим не? – Жангда бўлганим,  
 Қон кечганим, юз бор ўлганим.  
 Дийдорингни унутолмайин  
 Ўлимлардан ҳатлаб келганим...*

Юқорида намунаси келтирилган “Қуш тили” шеърисида қайта-қайта:

*Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,  
 Қўймайман сизга тузоқ,*

дея таъкидланиши ҳам қандайдир муносабатсиз айтилган жумла бўлиб кўринади. Бу ва бошқа шунга ўхшаш шеърларнинг ҳаммаси ярим асрдан ортиқ давр мобайнида, ҳатто шоир вафот этган 1978 йилдан кейин ҳам бутун ўқувчиларга тушуниксиз бўлиб қолаверди. Чунки Миртемир ҳаётининг энг драматик томонлари қулфлоглик темир сандиқларда сақлаб келинган, ҳатто шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда умрининг поёнигача ҳеч кимга ҳеч нима демаган эди. Бу темир пардалар фақат мустақиллик давримизнинг шарофати билан олиб ташланди. Энг олдин бу ишни забардаст олимимиз, устоз Наим Каримов амалга оширди. 2008 йилда унинг “XX аср адабиёти манзаралари” китоби-да Миртемирнинг 1932–1935 йилларда қатағонга учраган фасллари ҳақида маълумот берилди. Кейин 2012 йилда “Миртемир” номли маърифий-биографик романида шоир ҳаётининг фожиалари билан бир қаторда унинг бутун умр саҳифалари ҳам гавдаланти-риб берилдики, бу сир биздан 80 йил давомида яшириб келинганини англадик.

Шоирнинг умр баёни билан ижод намуналари бирга берилмаса, китобхонда асарлар борасида аниқ тасаввур ҳосил бўлмаслиги аён бўлди.

Миртемир 1932 йилнинг 7 августида ноҳақ камокка олиниб, олдин Самарқанд ертўласида, сўнг Тошкент ертўласида каттик тергов қилинган, уч йил озодликдан маҳрум этилиб, 1932 йил 14 сентябрдан меҳнат-тузатув лагерига, Москва–Волга канали қурилишига этап қилинган эди.

Миртемир ўша ердалигида 1933 йил 5 октябрда онаси оламдан ўтган. “Онаги-нам” шеърисидаги армон манзараси ўша даврдаги иложсизлик ҳолатининг ўзгинаси

эди. Албатта, Москва – Волга канали қурилишида жазо мухлатини ўтаётган шоир ўлаётган онасининг қошига учиб боролмас, ўгиллик хизматларини адо этолмас эди.

Шунингдек, севгилисининг кучоғидан юлиб олиниб, олис-олисларга жўнатилган Миртемир гўзал ёрининг ахvoli қандайлигини ҳам, қаердалигини ҳам билмас, “Дейдиларки, шаҳримда бир гўзал бормиш” деб армон билан куйлар, шубҳасизки, у дераза олдида хаёл суриб ўтирмаган, “бокка чикиб уни кўриш” имконидан маҳрум этилган, оддий инсонлик қувончи оёкости қилинган бир мазлум, зулмга маҳкум этилган инсон эди.

Миртемир озодликка чикиб келаркан, тезда севгилиси Ҳалима Раҳимовани кўражагига, бутун хижрон азобларини унутиб, қайта топишув қувончларига ғарқ бўлажагига ишонган эди. Аммо у қайтиб келганида Ҳалима бошқа эрга тегиб кетган, “Нега мени кутмадинг?” деган саволига, “Сени ўлди дейишган менга”, жавобини берган. Ана энди “Тошлон ўлди деган ким, ахир?” ҳайкиригининг сабаби бутун бўй-басти билан қад кўтаради. Энди “Сурат” достонини ўқисангиз, унинг замирида ётган драмалар ёрқин аксланиб кўринади. Фақат шоир дoston қаҳрамони Тошлонни Иккинчи жаҳон уруши жангчиси қилиб берадики (албатта, у ўз қаҳрамонини меҳнат-тузатув лагерининг маҳбуси этиб беролмасди!) бу ҳам китобхонни анча-мунча чалғитарди.

“Қуш тили” шеърида Миртемир улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони йўриқларидан фойдаланиб, ўзи яшаган даврнинг белгиларини рамзий тарзда кўрсатади:

*Қушлар, ҳей, кетманг узоқ,  
Қўймайман сизга тузоқ –*

сатрларида озод инсонларга тузоқ қўйишга асосланган тузумни ёдга солади:

*Бетилмоч қувнашайлик –*

мисраси орқали турли миллат вакиллариини тергов жараёнларида тилмочлардан фойдаланиш ҳукукини кўз-кўз қилишларини кўрсатади:

*Ўйламангки, отғум тош...  
Қафасга солмайман, йўқ... –*

каби мисраларда ўша-ўша бегуноҳ одамларга тош отиш, қафасга солишлар, ҳамма қушлар (яъни ҳамма одамлар) бир-бири билан тотув, иноқ яшашлари мумкин бўлатуриб бунга имкон йўқлигига ишоралар қилинар эди. Бу гапларни, албатта, болалар тушуниши қийинлиги, ҳатто, катағон ҳодисаларидан беҳабар, кўр-кўрона, шиббалаб тарбияланган ёшлар ва катталар ҳам англамас эди.

Бу келтирилган мисоллар хусусийроқ характерга эга. Ўртада яна шоирнинг ярим асрлик ижод намуналари ичида шундайлари ҳам борки, уларни ҳам тушуниш ва тушунтириш керак, назаримда.

Илм оламида, хусусан, Наим Каримовнинг тадқиқий ва маърифий ишларида шу нарса қайд этилганки, 1927 йилда шоир Сотти Хусайн ўзи муҳаррир бўлган газета атрофига ёш қаламкашларни тўплаб, адабий тўгарак ташкил этган ва газетада “Кўрмана” номли рубрика остида ёш шоирларнинг шеърларини эълон қилиб турган. “Кўрмана” 20-йиллар адабиётига тузуккина ҳисса бўлиб қўшилган” (Н.К.). Сотти Хусайн “Кўрмана”ларнинг бирида Миртемирдан умиди катта эканини айтган. Сўнгра у 1928 йилда Миртемирнинг биринчи шеър тўплами “Шуъла-лар қўйнида”га ҳам жуда яхши сўзбоши ёзганди. Кейин шоирнинг “Зафар” (1929), “Қайнашлар” (1931), “Бонг” ва “Коммуна” (1932) номли тўпламлари, бир қатор дostonлари чиқдики, Сотти Хусайн улар ҳақда ҳам ижобий мақола ёзди. Аммо



бу Миртемирнинг бошига бало бўлди. Бир қатор ичи қора унсурлар, унинг устига тухмат-маломат тошлари ёғдирдилар.

Аммо гап бу ерда бошқа масала устида: Сотти Хусайн “ёш шоирларни янги тарихий давр талаблари руҳида тарбиялашга интиларди” (Н.К). Табиийки, ўз мустақил қарашлари ҳали камол топмаган, сиёсий-миллий позицияси шаклланмаган 17 ёшли ўсмирга бу таълимлар ўзлашмай қолиши мумкин эмасди. 17–22 ёшларда сингдирилган билимлар ёш ижодкорнинг хотирасидан сира ўчмайди. Социалистик реализми – социалистик реализм. Эски турмуши – эски турмуш: қоронғилик, қолоқликдан иборат. “Асрий фиғонлар, дарё қонлар!” “Ёшлигимнинг энг ширин давларида чирик бўйрага ўтказдингиз мени!” дейди шоир бобосига ёзилган “Сўнгги хат” шеърисида. Ҳолбуки, Миртемир тўрт-беш ёшдалигида Исомиддин бобосидан (онасининг отаси) араб алифбосини ўрганган, сўнгра шу беш ёшида янги усул, яъни жадид мактабида дарс бераётган нўғой домла Салоҳиддин Асфандиёровдан замонавий илмлар ҳам ола бошлаган эди. Фақат 11 ёшида тоғаси уни Тошкентга олиб кетиб, “Алмай” меҳнат мактабига берган эди. Қарабсизки, совет тузуми – энг илғор тузум: унда бахтсизлик бўлиши мумкин эмас. Бахтсизлик фақат эски замонларда бўлади.

Шоир “Сўнгги хат” сочмасида: “...бобожон... Мен комсомол бўлдим, Ленин ўғли бўлдим. Тўппа-тўғри айтаман: мен даҳрийлар сафида...”

“...Мен, сизча – осий, динсиз. Майли, мен Ленин йўлида – чин йўлда! Сўнгги хатим бу!...” – деб ёзади. Кўрпачисизми, уни қандай тарбиялаганлар, тараблаганлар... У энди меҳнатни улуғлайди, унингча, илгариги меҳнатлар сармоёга асир эди. Энди меҳнат эркин... “Бошқалар учун сарой яратмайди”. “Меҳнат куёши порлашда”. Капитализм эса даҳшатли зулмлар ватани. Унда Сакко-Ванцеттилар электр стулларга ўтказиб ўлдирилади. Шўрликкина Миртемир! Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бахтли ҳаёт асосчиси – советларнинг – ўз бошига солган зулмларини кўрмадимиз?

Зулмларни кўргандан кейин ҳам шоиримиз оғзига тош солиб яшади. Тўғри, кичкина бир имконга дуч келса ҳам ўз қалбининг ҳолатларини қуйлади. Айтайлик, Лермонтовнинг “Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Қалашников ҳақида кисса”сини таржима қиларкан, севгисиз, жуфтсиз яшашнинг машаққатларига ўз дардини ҳам қўшиб қоргани ҳақида ўйлайди, киши:

*“... ёруғ жаҳонда*

*Якка юриши – қайғу, машаққат бўлди.*

*Ихлосим қайтипти аргумоқлардан,*

*Ихлосим қайтипти кимхоб тўнлардан,*

*Менга даркор эмас олтин – хазина,*

*Ким билан бу мулкни кўраман баҳам?*

*Кимга кўрсатардим тантилигимни?*

*Кимга мақтанардим кийиб кимхоблар?”*

Миртемир озодликка чиққанда, меҳнат-жазо йилларида кўрган-кечирганлари ҳақида ҳеч оғиз очмади. У ерда ўзига “ҳаёт китобини варақ-варақ ўқитиб”, “бир аскардай ботирликка ўргатган”, “йўл кўрсатган бир падар” ҳақида хайрлашув манзумасини ёзади, шоирлик жабҳасида содик аскар бўлишга онт ичади. “Ҳам юмшоқ, ҳам жиддий”, “тарбиячи”, “бошлиғи”нинг ҳар не деганларига “хўб” жавобини беради. Москва – Волга канали қурилишида кўрганлари ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса демасликка онт ичган, деб ўйлайман:

*Хайр, қўл бер, зўр иншоот, канал қирғоқлари,*

*Ёз кунлари ёд этганим ўрмон қучоқлари,*

*Юлдузларнинг рақсига саҳна бўлган дарёлар,  
Юрагига меҳнатимиз раҳна солган қоялар,  
Аҳд этаман қаришингизда аскардай туриб,  
Харна деган бўлсангиз, жавобимдир: хўб!..*

Миртемир шу йили битган “Қадах” шеърисида ёзади:

*Шу йўлларда мардона кечганим учун,  
Шу сувларни ёна-ёна ичганим учун,  
Ғуссаларимга кафан бичганим учун  
Ичаман гул сувлари тўлиқ бир қадах.*

Ҳа, ғуссаларига кафан бичган, кўмиб юборган, ҳеч қачон улар ҳақда ҳеч нима демайди. “*Мен ҳаётда янги бир саҳифа очдим*”, “*Ичаману, демайман “во ҳасрат, эвоҳ!*” дейди. Яна илгаригидай совет даври романтикасини куйлашда давом этиб кетди.

Мен, айниқса, Миртемирнинг тил бойликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгим келади. У халқ иборалари, сўз бойлиги, хусусан, ўсимликлар, ҳайвонлар, уй-рўзгор буюмлари, жиҳозлар ва этнографияга онд шу қадар кўп туркий сўзлар ишлатадики, уларнинг кўпчилиги, икки жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да йўқ. Бу изоҳли луғатда ўзбеклар ишлатмайдиган ва тушунмайдиган араб-форс сўзлари тикилиб ётгани ҳолда, нима учун Миртемирнинг ўзбекларга тушунарли туркий сўзлари луғатга киритилмаганлиги мутлақо тушунарсиздир.

Мана, ўша машҳур “Онагинам” шеърини олайлик:

*Товонимга чақир тиканақдай ботгувчи – гашилик,  
Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи – гашилик.<sup>1</sup> – дея бошланади у.*

Байтдаги ҳар ўзбекка тушунарли бўлган *сизловиқ*, *сизлатгувчи* сўзлари “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да йўқ.

Ёки:

*Зангламиш болталар, синиқ сунгулар,<sup>2</sup> – деган сатрни учратамиз.*

Бу ердаги *сунгу* руслар “штык” деб атайдиган сўзнинг ўзи эканлиги тушунарли эмасми, нега луғатга киритилмаган? Ёки худди шу шаклдаги *суйғу* сўзи *севи*, *ёқтириш* эканлиги англашилмайдими?

*Зулмлarning бормикин чеки,  
Қандай совуқ, зўравон суйғу? –*

бу ерда гап зўрлик билан севиш, биртомонлама севиш устида бораётгани беш қўлдай аён бўлиб турибди-ку! Нега ўзбек сўзлимиздан ўрин олмаган?

Яна Миртемирнинг таржималарида:

*– Ё савдогар ўғли оёқ чалдими –  
Москва-рекада, мушт жангларида?  
Жавоб берар шунда Кирибеевич,  
Жингалак сочларин силкитиб туриб:  
– Ўшандоқ зўр юдруқ тугилгани йўқ –  
На савдогар ва на бояр зотида, –*

<sup>1</sup> Миртемир. Асарлар. 1-ж. 366-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 70-бет

каби сатрлар аро келган, бир неча карра ишлатилган ажойиб туркий сўзимиз “юдрук” ҳам луғатимизда учрамайди.

Ёки яна бир мисол. Миртемир домла қирғиз дўстларга бағишланган бир шеърида “бовурдошлик” сўзини ишлатади. Бу ердаги “бовур” “бағир” деган сўзнинг ўзи. Шоир ўзбек тилига “бағирдошлик” маъносида “бовурдошлик”ни олиб кирмокчи бўлган. Луғатда худди шу сўз кириши мумкин бўлган жойга ўзбекларнинг 70–80 фоизи тушунмайдиган ва ишлатмайдиган “бовужуд” сўзи қўйилган. Боринг, ана, “бовужуд” ҳам кира колсин, аммо нега ўзбек тилида Ўзбекистон халқ шоири амалда ишлатган “бовурдошлик” сўзини киритмаслик керак!

Ёки “ўба” сўзини олайлик. Шоир ёзади:

*Мени чорлар ҳатто ёзнинг ёлқини...*

*Яйлов, ўба, пахтазорлар салқини...<sup>3</sup>*

**Ўба** сўзининг маънолари кўп. Туркий халқларнинг деярли ҳаммасида энг кўп тарқалган маъноси: **қир, текислик, ташқаридаги ердир**. Шоир ҳам шу маънода қўллагани кўриниб турибди. (Бир дафъа Усмон Носир кабрини зиёрат қилгани Кемерово вилоятига борганимизда, ўша ерлик бир киши Кемерово – Кўмирўба дега-ни, яъни ўша текислик кўмир кони бўлганини, сўнгра ўша ерда қад кўтарган шаҳар ҳам шу номни олганини айтиб берганиди) Бу сўз ҳам ўзбекча сўзлимизда йўқ.

Яна бир оддийгина сўз: **қумлоқ, тошлоқ** сингари **тузлоқ**.

*Бўлган экан бу жой бир кез каттакон тузлоқ*

*Оқ кийиклар бунда тез-тез соларкан сўқмоқ.*

*Келар экан туз ялашга тунда сиртлонлар,*

*Келар экан туз қовлашга ташна қарвонлар.<sup>4</sup>*

Йўқ-йўқ, бу сўзни ҳам луғатимиздан қидириб овора бўлманг.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо бу ёғига шундай сўзларнинг айримларини келтириб қўя қоламан: **елпирамоқ, донгил, янгироқ, утта, ёпоги, элтир, чалқи, чалқимоқ, дирғизлаш, отоқ, кетмонлик, кетмонте-на, қанчигай, ачитзулик** ва ҳоказолар. Бу сўзларнинг барчаси бир-икки ўтиришда кўзимга чалинганлари холос. Менимча, луғатчи олимларимиз “Навойи асарлари луғати” тузганлари каби “Миртемир асарлари луғати” ҳам тузишса, туркий тили-мизнинг бойлигини кўрсатувчи бир ватанпарварлик бурчини адо этган бўлардилар.

## Миртемирнинг тавсияномаси

1971 йилга келиб, учта китобчам дунё юзини кўрганда, катта-кичик устозлар менга Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишим кераклигини айта бошладилар. “Миртемир акадан тавсиянома олинг”, дейишди. “Миртемир ака мени танимаслар-ов, бир-икки учрашувда бирга шеър ўқиганларимизни ҳисобга олмаса, ўртаимизда яқин муносабат йўқ, китобчаларим пиёзнинг пўстидай бўлгани учун домлага тақдим этмаганман”, деб ўйладим. Шундай бўлса-да, дўстларнинг қатъий тавсиясига кўра, бир таваккал қилиб кўрдим: бордим, домла хузурига. “Ёзиб бераман”, дедилар, эртасигаёқ ёзиб бердилар. Қуйида рус тилида ёзилган ўша тавсияноманинг ўзбекча матнини келтираман.

<sup>3</sup> Ўша манба. 230-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба. 79-бет.

## Тавсиянома

Ўзбекистоннинг болалар ёзувчилари орасида Миразиз Аъзам алоҳида ўрин эгаллайди: унинг ижоди кичик ёшдаги болалар орасида катта шухрат қозонган. Шоир болаларнинг ҳаёти ва ёшига хос хусусиятларни, уларнинг сажиялари ва кизиқиш доирасини, орзу ва майлларини жуда яхши билади ва ўз шеърларидаги қаҳрамонларни характерли қилиб, чинакам ҳаётийлик билан гавдалантиради, бу эса ўз навбатида болаларнинг эстетик ўсишига ва умуман етишаётган авлоднинг тарбиясига катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Миразиз Аъзамнинг шеърлари тиник, ўзгача ширали, жонли, болалар томонидан тез ёдланадиган, эрталабки йигинларда, кичкинтойларнинг байрамларида декламация қилинадиган шеърлардир. Мен унинг шеърлари кичкинтойлар орасида қанчалар машхурлигига гувоҳ бўлганман. Болалар мактаб сахнасида, байрам оқшомларида, катта-кичик йигинларда уларни завқ билан ўқиганларини эшитганман. Мен унинг уч шеърини китобчасини ва ҳали тўла нашр этилмаган шеър туркумларини, шунингдек, қардош халқлар шоирларидан қилган таржималарини ўқиб чиқдим. Таржималари юксак савияда адо этилган ва муаллиф матнини яхши англаб қилинган таржималардир. Миразиз Аъзам изланувчан ва излаган нарсасини топмагунча тинчмайди, бой истеъдодга эга шоирдир. У сира ўзини ўзи такрорламайди, ҳаммавақт ўзгача. Тайёр андозаларга яқин йўламайди. Шеърларининг мазмунан янгиликка, тимсолларга бойлиги, оҳангдорлиги кичик ўқувчилар муҳаббатига сазовор бўлишига олиб келди.

Мен уни ёзувчилар сафига тавсия қиларканман, у ёзувчи деган юксак ва масъулиятли унвонга ҳеч қачон доғ тушурмаслигига ишонаман.

1971 й. Имзо (Миртемир Т.)

Энди-энди, ёшим бир жойга бориб қолганида ўйласам, мен фақат одамови эмас, қандайдир безътибор, бепарво, бир қадар тарбиясиз ҳам эканман. Домладан тавсиянома олишга олибману, уюшмага аъзо бўлганимдан кейин, буни домлага айтиб қўйиш, ҳеч бўлмаса, телефон орқали раҳмат айтиш ҳаёлимнинг бир четига ҳам келмабди. Мен ўзим эндиги ёшларга арзимас бир яхшилик қилсам, улар мени дарҳол устоз деб атаб, ҳар байрамда табриклаб қўйишни ёддан чиқармайдилар, ҳамда мени кўргани келиб-келиб турадилар.

Болалигимда онам бизнинг қорнимизни тўйгазиш учун кун бўйи куйманиб юрар, отам урушда ҳалок бўлган, мен кўпроқ кўчада сандироклаганим, муомала маданиятидан оилавий тарбия кўрмаганим сабаблимикин, шу нарсаларга аҳамият бермаган эканман. Хотирамнинг бир чеккасида Миртемир ака мендан: “Уюшмага аъзо бўлдингизми?” деб сўрагани, мен “Ҳа” деганим лип-лип кўришиб кетади, Миртемир ака “Яхши” деган, мен эса, нега сўради, деб ўйлаб юрганларим, сабабини аниқлаётганим кўз ўнгимда жонланади.

## Отаёрнинг “Миртемир” номли эсселар китоби

1974–75 йилларда ўша вақт шеърятининг фаол шоирларидан бири Отаёр Наҳанов Миртемирнинг оилавий ҳаёти ва ижодиёти негизларини синчиклаб ўрганиб, у билан бирга Ийконга сафар қилди, устоз ҳақда матбуотда янги-янги далилларга эга бўлган мақолаларини чиқарди. 1975 йилда домланинг бир қатор шогирдларини шоирнинг уйига тўплаб, суҳбатлар ҳам ташкил қилди. Машраб Бобоев, Рауф Парфи, Мукаррама Муродова, Отаёр, Абдулла Шер, мен Миртемир акани ўртага олиб бир ширин, хушқачқак гурунқ қилганларимиз биз учун унутил-

мас тарих бўлиб қолди. Отаёр бу шеърини гурунгимизни ҳам суратлаб газетада эълон қилди. Айни чоғда “Миртемир” деган китоб ҳам ёзди. Аммо китоби деярли битиб қолган кезларда, Миртемир ака тез-тез касаллана бошлади ва 1978 йилнинг 18 январиди вафот этди. Отаёр катта тажрибали адабиётшунос олим Наим Каримов билан биргаликда “Миртемир замондошлари хотирасида” (1982) китобини тайёрлаб нашр эттирди. Кейин Отаёр 1986 йилда “Ажойиб кишилар ҳаёти” рукнида “Миртемир” эссесини, 1991 йилда Миртемир ҳақида “Қуёшни кўргани келдим” китобини чиқарди.

Эндиликда мен Отаёрнинг китобларини гоҳ у, гоҳ бу муносабат билан варақлаб ўтираман. Сўнгги марта Наим Каримовнинг “Миртемир” номли маърифий-биографик романини ўқиб чиққандан кейин, ҳаёлимда бирдан: “Ажабо, Отаёр Миртемирнинг фожиали йиллари тўғрисида бирон нима билармиди, билса китобида нималар деганди, шоирнинг Ҳалима Раҳимовага муҳаббати ҳақида гап очганмиди, йўқми?” деб ўйладим.

Салкам ўттиз йиллик танаффусдан кейин Отаёрнинг китобини янгитдан варақларканман, Отаёр, Миртемирнинг фожиасидан хабардор бўлган, деб ўйладим. Аммо уни ошқор қилмаган, балки домланинг ўзи бу ҳақда ёзма, дегандир; балки ҳамон ҳукм суриб турган совет ҳукуматининг қилчидан ҳайикқандир... У фақат имо-ишоралар билан кифояланган. Китобининг 38-бетида домла билан бир суҳбатини келтиради...

– Нега доим ёмон ҳақида гап кетса ижирғанасиз? – дейман...

– Ёмон одам кесиб ўтган йўлдан илон ҳам ўтишга ҳазар қилади... Бир китобда кобранинг захари 10 та бошқа илонни, 25 та итни, 60 та отни, 300 минг қапгарни ўлдирди, деб ёзишибди... Бошдан ўтганларни ўйлаб, шундай хулосага келдим: бу – тухмат захари олдида ҳолва экан...

Яна китобнинг 76-бетида Миртемирнинг “ўрмон оралаган йиллари” “қурувчилар билан ўтказилган дамлар, ер қазгани”, Горькийга хат ёзиб, кейин йиртиб ташлагани, Горький ўрмон кесувчилар билан учрашгани келгани, “олатасир йилларнинг “гарди”дан омон қолгани” ҳам ёзилган.

Китобнинг 143-бетида эса “Миртемир “Хўрсиник” шеърини ўқиганда ўтган йўли, ўз киёфасини кўргандай бўлади” деб, шеърни келтиради:

*Қўлимдан ҳар нима келади, юртдош,  
Ғариблик, юпунлик бари кўрганман.  
Қўш ҳам ҳайдаганман, ўроқ ўрганман,  
Айрилиқда кўздан тўкканман не ёш...*

“Қирғиз шеърлари” туркумидаги “Азалик” шеърининг бир бандида шоир Жалолобод шаҳар хиёбонида, мангу олов ёнида йиғлаб турган она ҳайкалига мурожаат қилиб:

*Мен учун ҳам кўзёш тўк,  
Йиғлагин мен учун ҳам,  
Мен ҳам ўша ўғлингдай  
Жўн бир жангчи бўлганман.  
Мен учун ҳам кўзёш тўк,  
Йиғлагин мен учун ҳам,  
Мен ҳам тўрт йил ичида  
Қирқ тўрт йўла ўлганман, деб ёзганини эслатади.*

Китоб 1986 йилда чиққан. Бу пайтда шахсга сиғиниш асоратлари фош қилинганига 30 йил бўлганди, маҳаллий сатраплардан<sup>5</sup> ҳайиқиш шарт эмасди.

<sup>5</sup> Сатрап – цензор

Миртемирнинг 1932 йил 7 августда тухмат билан камалиб, тортган азоблари, рухий изтироблари хақида ёзиш керак эди, деб ўйлайман.

Лекин, барибир, Отаёрнинг имо-ишоралари учун ҳам миннатдор бўламан, албатта.

Миртемир фожиаси тўла-тўқис очилиши учун яна 22 йил керак бўлди. Бу иш профессор Наим Каримовнинг зиммасига тушди. У энг олдин “XX аср адабиёти манзаралари” китобида (2008), сўнг “Миртемир” маърифий-биографик романида (2012) очик қолган ана шу бўшлиқни тўлатди.

Наим Каримов Миртемирнинг ҳали ҳеч бир китобида чикмаган бир шеърини ҳам эълон қилди:

\* \* \*

### Халиманинг дафтарига

*Энг лирик шеъримнинг сен илҳомчиси,  
Шеърки, юрагимнинг қайноқ томчиси.*

*Шеърим ҳам оҳимдир, ҳам фиғонимдир,  
Томчи-томчи оққан юрак қонимдир.*

*Шеърки, азобларим, қора тунларим,  
Бутун ҳасратларим, бутун мунларим.*

*Шеърки, қайнаб турган юрак томчиси,  
Бу мунгли ноланинг сен илҳомчиси.*

1934 йил 16 январь

## Миртемир ҳаётидан қизиқ воқеалар

Домланинг қулоғи оғир эди. Менинг ҳам қулоғим оғир. Менинг қулоғим тахминан 30 фоиз эшитмаса, домланики назаримда элик фоиз, балки олтмишдир, эшитмасди. Аммо домланинг эшитмаслиги одамларда хушчакчак бир қулгига сабаб бўларди, менинг чала эшитишим шеригимнинг аччиғини чиқаради, ҳеч бўлмаса гашини келтиради.

Домланинг эшитмаслиги ҳамманинг қулгисини қистатган бир-икки воқеа:

\* \* \*

60-йиллари Уюшмадаги йиғинларда ҳамма Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини орзикиб кутарди. Чунки ҳар бир нутки ўткир ибораларга бой, ҳаётимизнинг ҳамма биладиган, аммо айтишга ҳайиқадиған саҳналарини шундай жонлантириб гапирардики, зал гуриллаб кулиб юборар ва у гап оғиздан-оғизга ўтиб латиға бўлиб кетарди. Бир гал Абдулла аканинг яна битта гапи шундай қулгига сабаб бўлиб ўтди. Ҳамма қулди ва энди тинчиб гапнинг давомини эшитаётган, нотик бошқа, қулгили бўлмаган гапларни гапирётганда бирдан залда Миртемир аканинг “вах-ха-ха” деган қулгиси янграб қолди.

“Носир (Носир Фозилов), Абдулла аканинг гапини айтиб берди, Миртемир акага гап энди етиб борди”, деди Ҳаким ака (Ҳаким Назир). Ўртада яна қулги бўлди. Абдулла аканинг ўзи ҳам кўзойнагини рўмолчасига артиб, лаблари чимрилганча димоғи силкиниб қулар эди.

\* \* \*

Миртемир ака Уюшмада адабиёт тўгарагига раҳбарлик пайтида бир кун, келганларнинг ҳаммасига бир-бир шеър ўқиттирилди. Йиғилганлар орасида 17–18 ёшларга борган чиройликкина, аммо ўта уятчан бир киз бор эди. Миртемир ака уни минбарга таклиф қилди. Қиз домла бир гап айтсалар керак, деб ўйлаганими, минбарга чиқиб домлага қараб, ундан савол кутиб турди.

– Бир шеърингизни ўқинг, – деди домла.

Қиз уялиб:

– Домла, мен шеъримни олиб келмагандим, ёддан билмайман, – деди.

– Майли, ўқинг...

– Ёд билмайман...

– Зиёни йўқ, ўқийверинг...

– Шеъримни олиб келмагандим...

– Майли деяпман-ку, қизим! Уялманг, ўқинг. Камчилиги бўлса ўзимиз айтамыз...

Охири домлага баланд овоз билан аҳвол англатилди.

– Шеърим йўқ, десангиз бўлмайдами? – деди домла.

– Айтдим-ку... Айтдим-ку...

– Майли, айби йўқ, бўлиб туради...

\* \* \*

Носир Фозилов билан Миртемир домла ака-укадек устоз-шогирд эдилар. Носир ака ҳадди сиғиб домла ҳақида латифалар тўқиб юрарди. Бир куни шундай деганлари ёдимда қолган:

– Биласизми, Миртемир ака шаҳарга мэр бўлиб қолсалар...

– Нима бўларди? – деймиз шу ондаёқ.

Бир арзгўй келиб:

– Уй-жойга навбатга турганимга беш йил бўлди, – деб кўзёши қилса...

– Начора, бўтам, менинг ўзимгаям беришмаяпти... – деб, сизга қўшилиб, сиз билан кучоклашиб, йиғлар эди...

\* \* \*

Миртемир домла касалхонада экан, врачга мурожаат қилади:

– Касалхона турмадан баттар, зерикиб ўлай дейман. Қиттай-қиттай коньяк ичиб турсам бўлмайдами?

Шоирга раҳми келган шифокор:

– Майли, бир пиёла чойга, бир қошиқ солиб ича қолинг, – дейди.

Бир кундан сўнг шоирнинг қон босими ошганини кўрган шифокор ажабланиб сўрайди:

– Мен ёзиб берган дориларни ичиб турибсизми?

– Ҳа, ҳа... Бир пиёла коньякка бир чой қошиқ чой қўшиб...

## “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЎРГАНИЛИШИ



Иқбол МИРЗО

**М**аҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асари туркий халқларнинггина эмас, балки жаҳон маънавий хазинасининг олтин китоби ҳисобланади. Битиг 1072 йилнинг 25 январидан 1074 йилнинг 10 февралига қадар машаққатли меҳнат эвазига яратилди. Бу бебаҳо асарга манба йиғиш учун Қошғарий Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннахр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган туркий ўлкаларни, шаҳарлар, қишлоқ ва яйловларни кезиб чикди, шу аснода турли шева ва лаҳжа хусусиятларини ўрганди, уларни адабий тил билан чоғиштирди, ўз иши учун ниҳоятда бой бадиий-илмий ашё тўплади.

Муаллиф ўз асари ҳақида шундай деган: “Китоб 464 йилда (ҳижрий) жумадул аввал бошларида бошланди ва тўрт карра ёзилгандан (кўчирилгандан) ва тузатилгандан сўнг 466 йил жумадул охирининг 12-куни битирилди... Мен бу китобни маҳсус алифбо тартибда ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим... Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим”. Шунини алоҳида таъкидлашни истардикки, Қошғарий турклар деганда туркий тилда сўзлашувчи элат ва уруғларни, ўғуз деганда эса ўғуз лаҳжасида сўзловчиларни назарда тутди. Худди шундай қарашни буюк даҳоларимиз Навоий ва Бобурда ҳам учратамиз. Хусусан, нуктадон бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Андижон тўғрисида сўз юритиб: “...эли туркдур, шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур... Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топиптур, бу тил билладур”, деган эди.

Бугун маънавий ҳаётимизни безаб турган “қўшиқ”, “шеър”, “қасида”, “афсона”, “мақол” каби атамалар илк бор “Девону луғотит турк”да қўлланган ва уйғур ёзуви ҳақида ҳам илк маълумотлар келтирилган. Асарда меҳнат ва маросим қўшиқлари, лирик қўшиқлар ва ўғитномалар, “Қиш ва ёз” мунозараси, “Алп Эр Тўнга” (Аф-

*Иқбол МИРЗО – Ўзбекистон халқ шоири. 1967 йилда тугилган. “Юракнинг шакли”, “Кўнгли”, “Сени соғинаман”, “Мени эслайсанми”, “Танланган шеърлар”, “Қўшиқларим”, “Сени бугун қўрмасам бўлмас”, “Агар жаннат кўкда бўлса” каби шеърий китоблари ва “Зарб” деб номланган қиссаси нашрдан чиққан.*



росиёб) марсияси, савлар (афсоналар), мақоллар, “Олтин кон” афсонаси (унда қадимги туркий аждодларимизнинг Искандар Зулқарнайнг қарши мардликлари ҳикоя қилинади), “Тангутлар билан жанг”, “Ябоқулар билан жанг” каби асарларидан парчалар келтирилган.

Лирик кўшиқларда инсоннинг қалб кечинмалари, нозик ҳис-туйғулари ифодаси, табиат ва она юрт манзаралари тасвири етакчилик қилади. Кишиларни қуршаган олам ҳақидаги кўшиқларда туркий халқларнинг доимий йўлдоши – отлар ҳам алоҳида мавқе тутади. Асардаги кўпгина кўшиқлар овчилик, чорвачилик билан, туркий халқларнинг яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Маҳмуд Қошғарий “қўшук” атамасига “шеър, қасида” деб изоҳ берган. “Девон”га кирган адабий парчаларнинг асосий қисмини тўртликлар ташкил қилади. Битигда келтирилган мақолларни ўз фалсафаси, оҳанги ва хулосаси билан кичик тугал шеърлар деб аташ мумкин.

Ўзбекистонда “Девон”нинг биринчи тадқиқотчиси ва қисман ношири профессор Фитратдир. Кейинчалик бу асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, таниқли тилшунос, миллатсевар олим Солиҳ Муталибов 1960–1963 йиллари ҳозирги ўзбек тилига ағдарди.

Тан олмоқ керак, мазкур таржима икки-уч авлод олимларига илмий манба бўлиб хизмат қилиб келди. Ҳозир ҳам ушбу нашрнинг мавқеи юкори. Бироқ китоб ўша чикқанича узоқ йиллар маълум мафкура туфайли қайта босилмади. Ниҳоят 2016 йили заҳматкаш ноширларимиз профессорлар Қосимжон Содиков ва Ҳамидулла Болтабоевлар саъй-ҳаракати билан икки бор чоп этилиб, афкор халқимиз бу бебаҳо асардан баҳраманд бўлди. Ушбу нашрнинг эътирофли жиҳатлари қуйидагича:

1. Учала жилд бирлаштирилган.
2. Мутахассислар учун ҳам, ўқувчи учун ҳам фойдаланишга қулай.
3. Янги нашр асарнинг қўлёзма нусхаси асосида қайта кўриб чиқилган, аввалги нашрларда йўл кўйилган камчиликлар тузатилган.

Энди “Девон”нинг маънавий ҳаётимизга қайтишига, яъни топилишига сабаб бўлган бахтли тасодиф тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Манбага кўра, бир куни Диёрбакирда яшовчи Али Амирий исмли толен ёруғ турк биродаримиз эски китоблар сотиладиган саҳҳофлар бозорига бориб, ўзига маъқул ҳеч вако топмаганидан сўнг дўкондор Бурҳонбейдан бирор янги нарса борми, деб сўрайди. Сотувчи бир китоб бор-у, бироқ қиммат эканини, ҳатто маориф вазирлигининг ҳам қўли қалталик қилганини айтиб, битигни унга кўрсатади. Али Амирий китобни қўлига олиши билан бу асар ягона қадимий нусха эканини, асарнинг жаҳоншумул аҳамиятини дарҳол тушуниб етади. Ҳаяжонини Бурҳонбейга сездирмасдан у билан савдолашиб, китобни 33 лирага сотиб олади. Али Амирий шундан кейинги таассуротини маслакдошларига бундай ҳикоя қилган эди: “Китобни олиб уйга келдим. Еб-ичишни ҳам унутиб, бир неча соат унинг мутолааси билан машғул бўлдим. Дўстлар, сизга билдирипман. Бу китоб эмас, Туркистон ўлкасидур! Туркистон эмас, жумлаи жаҳондур! Турк тили бу китоб соясида чинакам равнақ топади! Араб тили учун Себавайхийнинг китоби қанчалик муҳим бўлса, бу ҳам турк тили учун шунчалик аҳамиятлидир. Ҳозирга қадар турк тилида бунинг каби китоб ёзилгани йўқ. Бу китобнинг ҳақиқий баҳоси аниқланмоқчи бўлса, жаҳоннинг хазиналари бунга тенг келолмас. Бу китоб билан ҳазрати Юсуф орасида бир ўхшашлик бор. Юсуфнинг акалари уни арзимас ақчага сотдилар. Бироқ уни Мисрда ўзининг вазнича келадиган жавоҳирга пулладилар. Бурҳонбей бу китобни менга 33 лирага сотди. Мен эса буни беҳисоб олмосларга, зумрадларга бермайман”.

“Девон”нинг топилиши катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳатто уни Можаристон Фанлар академияси ўн минг олтин пулга сотиб олишни таклиф этди. Французлар “Девон”ни қўлга киритиш учун куюк ваъдалар бериб кўрди. Бироқ миллат манфаатини ҳар қандай моддий бойликдан устун қўядиган Али Амирий барча таклифларни рад этди. Шу тарика “Девон” 1915–1917 йиллари Истанбулда чоп этилди. Кейинчалик инглиз, немис, рус, турк, озарбайжон, уйғур ва ўзбек тилларига таржима қилинди. Туркийшуносликда асар ҳақида қўллаб тадқиқотлар яратилди. Бу асарни илмий ўрганиш ва оммалаштиришда ўзбек олимларининг ҳам хизмати бекиёсдир.

Бу юк олим дунёга мутафаккир нигоҳи билан бокиб, зукколик билан тузилган дунё харитаси (дунёнинг доира шаклидаги тасвири)ни “Девон”га илова қилган.

Харитада мамлакат, шаҳар, кишлок, тоғ, чўл, довон, денгиз, қўл, дарё номлари ёзилган. Ёзилмай қолган бир қанча номлар асар матнида изоҳланган. Харита, асосан, ҳозирги Шарқий ярим шарга тўғри келади. Асарда XI асрдаги шаҳарлар, кишлоклар, денгиз, қўллар, туркий қабилалар ва уруғлар ҳақида, уруғларнинг ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, номланиши, ички уруғ ва тоифалари, уларнинг жойланиши, урф-одатлари, тил хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бундан ташқари, ҳайвонот ва ўсимликлари, уларнинг номланишига тўхтаб ўтилади, астрономик маълумотлар, бурж ва мучал ҳақида ҳам баён бор. “Девон”да, айниқса, қабил ва уруғ тилларига оид лингвистик маълумотлар анча батафсил берилган. Бунда сўзларнинг маънолари (кўп маъноли, шаклдош, маънодош, зид маъноли ва архаик сўзлар) чуқур таҳлил қилинади, айрим сўзларнинг этимологиясига тўхталиб ўтилади. Товушлар (фонемалар)нинг таҳлили анча муқаммал: унли ва ундош фонемалар, чўзиқ ва қисқа унлилар, уларнинг уруғ тилларидаги талаффузи ва орфографияси, тилдаги фонетик ҳодиса ва қонуниятлар батафсил изоҳланган. Морфология соҳасида сўз туркумланини, давр анъанасига кўра 3 сўз туркумига: феъл, исм, боғловчига бўлиб, уларнинг ясалиш ва турланиш йўллари кўрсатиб ўтилган. “Девон”да 250 дан ортиқ мақол ва маталлар, ўнлаб шеърӣ парчалар келтирилган.

Академик В. В. Бартольд “Девону луғотит турк”дан ўз илмий ишларида кенг фойдаланган. Тилшунос олим В. И. Беляев “Девону луғотит турк” ҳақида шундай ёзади: “Биз бу асарга ниҳоятда юксак баҳо беришимиз керак, чунки у китоблардан олиб ёзилмаган, балки жонли материални шахсан кузатишга асосланган... Муаллиф берган маълумотлар... археологик кашфиётлар бу маълумотларнинг аксариятини исбот этмоқда”.

Немис шарқшуноси К. Броккельман асарни 1928 йилда немис тилига таржима қилди. “Девон” қўлёзмасининг фотонусхаси Истанбулда Қилисли Рифат (3 жилдли; 1915–1917), кейинчалик Бесим Ағалай томонидан (3 жилдли; 1939–1941) турк тилига таржима қилиниб, чоп этилган. Турк тилидаги кейинги қайта нашри 1957 йил амалга оширилди.

“Девону луғотит турк” иккинчи бўлиб ўзбек тилига, айтиб ўтилганидек, Муталлибов домла томонидан таржима қилинган. Ушбу нашр фақат таржима бўлмай, туркча таржимага муносабат, баҳо, атамалар, шахс номлари, шаҳар ва жой номларига изоҳ ва тафсир ҳамдир. Ўзбекча нашрининг муқаддима қисмида XI аср филологлари, “Қутадғу билиг” асари, Махмуд Қошғарийнинг лингвистик қарашлари, туркий қабилалар, уларнинг шаклланиши, бу уруғ ва қабилалар, тилларнинг ҳозирги туркий халқлар ва уларнинг тилига муносабати, таржима транскрипцияси тўғрисида маълумотлар берилган. “Девону луғотит турк” ўзбекча нашрининг охирида туркий уруғ, қабил ва шаҳарлар ва бошқалар тўғрисида батафсил маълум

мотлар бор, асарнинг хар бир жилдида ҳаволалар берилиб, унда учраган сўз ва иборалар кенг таърифланади, изоҳланади. Ўзбекча нашрининг муҳим томонларидан бири, ушбу жилдлар асосида асарнинг индекс-луғати ҳам босиб чиқарилди. Унда “Девон”да учраган сўзлар алифбо тарзида келтирилиб, сўзнинг ўзбек ва рус тилида таржимаси берилган. Мазкур сўз “Девон”нинг қайси бетларида учраши (олдин ўзбекча, сўнг туркча нашрларининг бети, сатри) кўрсатиб ўтилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, “Девон”га алломалар Алихонтўра Соғуний, Алибек Рустамий, улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов, академик Неъматилла Иброҳимовлар чуқур эҳтиром ила ёндашиб, бу тенгсиз асар билан миллат ёшларини яқинрок ошно этишни таъкидлаганлар. Кейинги пайтларда бир қатор таникли олимларимиз, жумладан, академик Ғани Абдурахмонов, профессорлар Қосимжон Содиков, Ҳамидулла Болтабоев, доцентлар Бахтиёр Исабеков, Қаюм Каримов, Салима Рустамий (Алибек Рустамийнинг кизи), тадқиқотчи олимлар Жўра Худойбердиев, Нодирбек Абдулаҳадов, Исроилжон Тошпўлатов, Умидахон Носирова, Умидахон Жўрабоева қабилар ушбу нодир асарнинг тадқиқоти ва тарғиботига алоҳида ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “Девон” бўйича ҳозиргача қанча кўп тадқиқот қилинган бўлса, асар ҳали бундан ҳам кўп ишга мавзу бериши мумкин. Бу борада очилмаган қўриқлар, қилинажак тадқиқотлар сизу биздан ғайрат ва шижоат кутиб турибди.



*Шил фракат воситаю робитагина эмас,  
балки бир халқнинг иккинчи халқка, бир  
маданиятнинг иккинчи маданиятга бара-  
кали таъсирини таъминловчи ҳаят ўткир  
маънавий курул халқдир.*

**Абдулла ОРИПОВ**

## ҲАЁТИМНИ КИТОБЛАР ЎЗГАРТИРДИ

Замонамиз қаҳрамони



Сайёра СОЛАЕВА

1

**Х**усусий нашриёт раҳбари салмокли бир қўлёмани кўрсатиб: тадбиркорнинг битиклари... Ажойиб! Салгина таҳрирга мухтож. Шунга муҳаррирлик кила оласизми? Ҳар ҳолда, тадбиркорлар ҳақида кўп ёзгансиз, деди. Илк саҳифаларга кўз югуртирар эканман, гапнинг очиғи, бошида буни анча ёшга борган, ҳаётда малака ҳосил қилган, энг муҳими, Дейл Карнеги сингари дунёда довруқ қозонган психолог адибнинг асарларини астойдил ўқиб чиққан инсон шунчаки бошқаларга насиҳат бериш мақсадида ёзганмикан, деб ўйладим. Дастлабки саҳифаларда оиласининг “қўли қисқалиғи” хусусида гап борарди: “1995 йил 11-синфни битиргач, Тошкент шаҳридаги Молия институтига кириш илн-жида ҳужжат топширмоқчи эдим. Ўша пайтда атиги 400 сўм (Урганч – Тошкент йўналишидаги автобус йўл ҳақи бир киши учун 400 сўм эди) оиламиз бюджетига малол келган эди. Ўша дамлар... қийналган пайтларимнинг барча-барчаси кўз ўнгимда гавдаланаверар ва шу сабабли келажгим ҳақида тўхтовсиз ҳаёл сурар эдим. Чунки, болалигимда оиламни моддий қийинчиликлар исқанжасидан қутқариб олишим мумкин бўлган ягона йўл – ҳаёл суриш эди. Фақат ўйларимда, тасаввуримдагина қийинчиликлардан қутулиш имконини излаб топардим. Қўлимдан келадиган бирдан-бир имконим шу эди, холос...”

Шуларни ўқирканман, ҳаёлан ҳисобладим: бу йигитнинг ёши ҳозир 40 лар атрофида; демак, у 17–18 ёшлар нари-берисида бошидан кечирган воқеаларни эсламоқда.

Хуллас, ҳали ном қўйилмаган асар муаллифи, менинг наздимда, бутунлай бошқача даврнинг – Бугуннинг одами эди. Ноширдан муаллифнинг исм-шарифини сўрадим. “Боғотдан. Бахтиёр Матёкубов. Жуда маданиятли, ҳаёлчан, менимча, китобга иштиёқи баланд йигит экан”, деди у.

Пешма-пеш саҳифаларни варақлар эканман, Бахтиёрнинг бизнес дунёсига кириб бориши; гоҳ қоқилиши; гоҳ ўзини ўнглаб олишга интилиши, хуллас, интилувчан элдошимнинг рухий ҳолатларидан вокиф бўла бошладим. Ва шу аснода, асарни

*Сайёра СОЛАЕВА – 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Сиз марҳамат қиласиз ҳали” шеърини тўнламини эълон қилинган. Бир туркум шеърлари “Сўз таширифи”, “Чаман ичра” баёзларидан ўрин олган.*

астойдил таҳрир қиламан, дедим. Бинобарин, у билан танишиш, суҳбатлашиш иш-таклари кўнгилда жўш уради. Масаланинг кизик жиҳати, асарга испаниялик ишбилармоннинг Хоразм ҳақидаги, Бахтиёрнинг иш юритиш усули ҳақидаги фикр-мулоҳазалари илова қилинган экан.

## 2

Корхона номи ҳам ажабтовур. Айримлар отаси ёки бобоси, фарзанди, ёки рафикаси... хуллас, бирор жигаргўшасининг номида хусусий корхона ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди: “БАХТ – ҲАРАКАТ МЕ-ВАСИ”. Адашмасам, бу хикматли ибора юнон файласуфи Арасту лафзига тегишли. Ўйладим: Боғотнинг бу кўчаларидан қанчадан-қанча инсонлар – кимдир ишга, кимдир ўқишга, хуллас, маълум бир мақсадда ўтиб-кайтади. Гоҳ пойи-пиёда, кимдир машинада. Албатта, шу ёзувларни мияларига “кўчиришади”, хулоса чиқаришади. Бахт ўзи нима? Мен ҳам шу тўғрида мунтазам ўйлайман. Тўғри, аксарият ўйлаганидай, ҳамма нарса пулга бориб тақалмайди. Пул бўлса – чангалда шўрва, деган мақол ҳар доим ҳам ўз исботини топавермайди. Аммо, “кўлинг қисқа” бўлса, гоҳо турмуш тўлқинлари сени чекка-чеккаларга улоқтириб ташлайди. Бу – ҳаёт қонуни.

– Бу номни танлаганимда кўпчилик норози бўлган. Тушунарлироқ номни танламабсан-да, деганлар ҳам кўп бўлди. Аммо, мен ўз фикримда собит туриб олдим. Ном танлаш борасидаги қароримни ўзгартирмадим. Чунки, шу иборанинг ўзи мени руҳлантиради, – деди Бахтиёр ишхона дарвозасидан кираётганимизда.

– Исмингиз ҳам шунга уйкаш, – дедим. Суҳбатдошим жилмайиб қўйди.

Корхона биносига қарадим. Теварак-атроф ниҳоятда озода. Ҳамма ёқ гулзор. Мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Хуллас, бир қарич ер ҳам насибасиз қолмаган. Ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Европача русумда қурилган офис. Раҳбарнинг айтишича, тўрт-беш ой мобайнида қурилиш адоғига етказилган. Узун коридор бўйлаб борар эканман, диққатимни пол ўрнида ётқизилган оқ-қора кафеллар, деворлардаги хилма-хил тасвирлар, муҳими, дид ила жиҳозланган кабинетлар тортиди.

“Бахт – ҳаракат меваси” масъулияти чекланган жамияти раҳбари кабинетига қирар эканман, ўзимни худди Европа киноларида қўрганам бадавлат бизнесменнинг ишхонасида ўтиргандай ҳис қилдим. Пойтахтдан бир минг бир юз километр берида жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилган хусусий корхона мен учун сирли туюлар, баногоҳ кўзим жавонларга териб қўйилган Шарқ Фарб адабиёти дурдоналарига тушганида, очиғини айтаман, ҳайратландим. Рости, бугунги кунимизда бировни ҳайратлантириш ҳам, бировдан ҳайратланиш ҳам осон амал эмас. Камина хизмат тақозосига кўра ўнлаб, ҳаттоки юзлаб ишбилармонлар билан қўришганман. Машҳур фермерлар, бизнесменлар, ҳокимлар билан суҳбатлашганман. Қизиғи шундаки, гурунларимиз чин маънодаги маънавият, фалсафа, бадиий адабиёт, сиёсат, демократия, оилапарварлик мавзуларини четлаб ўтар, гоҳо давраларда матбуотга иштиёқ суслгини илғаб, ўзимнинг касбимдан хижолат чекиб ўтирар, истехзоли нигоҳларни ҳис этар эканман, илкис миямдаги “қолип” тобора мустаҳкамланар эди. Бу гал эса бошқача...

Алишер Навоийнинг ўн жилдлиги, йигирманчи аср миллий адабиётимиз намуналари; Лев Толстой, Достоевский, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Франц Кафка, Чингиз Айтматов, Жеймс Жойс. Дунё адабиётининг энг нодир дурдоналари гўё шу жавонларга йиғилгандай. Чиройли муқовали бу Сўз ва Ёзув мўъжизаларига қараб, корхона раҳбарининг савияси-ю дидини ўзимча чамаладим.

– Тошкентга ҳар борганимда албатта китоб дўконларини айланиб, янги чиккан, ўзимга ёққан, маънавий дидимга мос китоблардан сотиб олиб, шахсий кутубхонамни бойитаман. Деярли ҳар куни китоб мутолаа қилишга вақт ажратаман: эрталаб саҳарда, кечкурунлари, ҳатто йўлда кетаётган маҳалимда ҳам “ғилдиракли” кутубхонамдан фойдаланаман. Электрон китобларни йўлда кетаётганимда, бирон бир манзилга бориб кутиб қолган пайтларимда тинглайман. Китоб ўқимаган кунимни оғир ўтказаман. Ниманидир йўқотгандай, ўзимни орқада қолиб кетгандай сезаман, – деди Бахтиёр.

Қайси адабларнинг китобларини кўпроқ кизиқиб ўқийсиз, деб сўраганимда суҳбатдошим: “Маҳатма Гандини... Робиндранат Тагорнинг “Таскин топган рашк”, Гёте асарларини, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Икқорнома”, Достоевскийнинг “Телба”, “Камбағаллар” асарларини, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов китобларини ҳар сафар ўқисам, шунча янги маъно топаман. Вильям Шекспир сонетларини деярли ҳар куни мутолаа қиламан”, деб жавоб берди.

– Орзуингиз?

– Орзуим – яхши ёзувчи бўлиш. Қачонлардир ишларимни, бизнесимни фарзандларим ўзлари юрита оладиган даражада билимга, куч ва ишончга эга бўлганларида уларга бошқарувни топшириб, ўзим ижод билан жиддий шуғулланмоқчиман.

– Айнан нима ҳақда ёзмоқчисиз?

– Саодатжон момом ҳақида ёзмоқчиман. Раҳматли момом – онамнинг онаси, болалигим ширин хотиралари аксарияти шу момом билан боғлиқ.

Ҳозир эса...

Талабалик даврларидаёқ тижорат билан шуғулланган Бахтиёр 2000-йилларда, асаридега ёзгандек, Урганч – Тошкент; Тошкент – Урганч маршрути бўйича автобус катновини йўлга қўйган; фойда кўнгилдагидай бўлмагач, яна бош қотирган. Хуллас, 2012 – йилда “Бахт – ҳаракат меваси” МЧЖни ташкил қилган.

\* \* \*

**Боғот ва улкан совутгичлар.** Тарихдан маълумки, Боғот тумани уч марта ташкил қилинган. Охириги маротаба – 1970 йилда... Бундан аввал бу туман ерлари Хонка ва Ҳазораспга қўшиб юборилган. Боғот дейилганида биз тенгилар Меҳнат Қахрамони Искандар Дўсовни эслайдилар. Шунингдек, академик Саъдулла Искандаров, давлат арбоби Шакаржон Хўжаниёзова, Ўзбекистон Қахрамони Машариф Қувақов, Ўзбекистон халқ артистлари Ортик Отажонов, Гулора Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шермат Файзуллаев, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-майор Пулат Божоновлар Боғот довруғини мамлакат ва халқаро миқёсда таратмоқдалар. Орадан йиллар ўтгач эҳтимол бу эл Бахтиёр Матёкубов каби маърифатпарвар бизнесменлари билан ҳам фахрланар? Зотан, қирчиллама ёшдаги боғотлик йигит мамлакатимизнинг ташаббускор тадбиркорлари қаторидан ўрин олди, дея оламиз.

Мутахассисларнинг айтишларича, Хоразм иклими жаҳоннинг ҳеч бир мамлақати иклимига ўхшамас экан: киши – қаттиқ қуруқ совуқ; ёзи – қаттиқ иссиқ. Худди шунингдек, ернинг шўрхоқлиги мева-чева, полиз экинлари таъмига бекиёс даражада таъсир ўтказди. Аждодларимиз бу қулайликлардан унумли фойдаланганлар. Бирок, асалдан ширин ноз-неъматларни аслича сақлаш, уларни кейинги пишиқчиликкача етказиш ота-боболаримиз учун катта муаммо бўлган. Ана ўша муаммо кейинги ўн йилликларда Европа технологияси ютуқлари асосида ечимини

топди. Бунга “Бахт – ҳаракат меваси” масъулияти чекланган жамияти барпо этган совутгич омборхоналар мисол бўла олади.

Шоир, публицист Баҳром Рўзимухаммаднинг “Йилларга татиғулик кун” сарлавҳали мақоласида бир воқеа тафсилотида кўзим тушган: поездда кўшкўпирлик совутгич тузатувчи Жуманазар билан суҳбатлашиб, вақт ўтганини билмай қолувдим. Техникага, адабиёт ва санъатга бирдек қизиқувчи Жуманазарнинг айтишича, Хоразмга италийнлар серкатнов бўп қолган эмишлар. Айниқса, Хоразмнинг узумларини ҳаяжонлана-ҳаяжонлана тановул қилибдилар. “Бир италийн билан тилмоч кўмағида гаплашдим”, дейди Жуманазар. “Ўша италийн Хоразм узумидай узум жаҳонда йўқ” деб айтди” ( “Шарқ юлдузи”, 2017. № 7).

Шу сатрларни ўқир эканман, Хоразм мева-чеваларини жаҳон миқёсида эътироф этилгани борасида ўйладим ва агарда улар вазни, шираси бузилмаган ҳолатда истеъмол қилинса, одамлар киш қаҳратонида ҳам организмни витаминлар билан бойитиш имкониятига эга бўлади. Пировардида, хасталикларга чалинмайди. Мо-моларимиз кишда грипп касаллигини қовун билан даволаганлари эсимизда. “Узум уй шароитида сакланганида ўз вазнининг 45 фоизини йўқотади. Омборларимизда сакланганида эса эндигина узиб олингандай туради”, деб ёзади Бахтиёр.

Биз совутгич омборларини кўришга борганимизда лола ёноғидек кип-қизил олмаларни кўриб, тадбиркор мулоҳазалари айна ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Май ойи эди – демакки, олма бир мавсумдан иккинчисигача бус-бутун етар экан.

Кўрмаганлар тасаввур этишлари амримаҳол. Темир дарвозалар очилгач, юзингизга худди қаҳратон совути урилгандек сесканасиз. “Тиниб-тинчиманган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-ей!” деган соддагина гаплар худди биз таърифини келтираётган совутгичли омборхоналарга қарата айтилгандай гўё.

Ҳа, совутгич омборхоналарнинг ҳосияти кўп. Биринчидан, худди кечагидек узилган оҳори-ю ифторини йўқотмаган хушгаъм, дармондори мевалар кишин-ёзин бозор пештахталарини тўлдириб турса, иккинчидан, энг асосий жиҳат, уларнинг нархи бир меъёрада сакланади. Хуллас, мева-чевараларнинг бозордан узилмаслигига фасллар монелик қилмайди. Шуни айтиш жоизки, Боғот – боғлар туманида бу ташаббусни ёш тадбиркор Бахтиёр Матёкубов бошлаб берди. Бир ёнда совук хоналару иккинчи томонда иссиқхона... Испания методи асосида қурилган, Хоразм вилояти миқёсида ягона иссиқхона.

### 3

...Яна кўлёмаларга кўз югуртираман. Дикқатимни Бахтиёрнинг ҳамкори испаниялик йигит Аҳмаднинг ёзиб қолдирган эсдаликлари тортади: *Инсон туз-насиба боис ўз юртидаги ёки ўзга юрtdаги турли жойларда бўлади. Мен ҳам хизмат юзасидан Ўзбекистоннинг гўзал гўшаси Хоразмнинг Боготида келдим. Бахтиёр мени бирга ишлашга таклиф этди. Миллатим – араб. Ўзим Мароккода тугилганман. Ўн саккиз йилдан буён ошламиз билан Испанияда яшаймиз. “Улма” компаниясида супервайзер – кузатувчи-назоратчи бўлиб ишлайман. Бахтиёр қурдирган гидропоника усулида маҳсулот етиштириши жараёнини ҳам бошдан-оёқ назорат қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бораман. Қолаверса, бу ердаги технологияларни ишлаш тартибини назорат қиламан. Ишчиларга иш ўргатаман. Шу кунларда иссиқхонанинг энг сўнги ишларини тугаллаш арафасидамиз. Ўз соҳасининг етук мутахассиси Сулаймон Шаҳлан (миллати турк) технологик ускуналарни ўрнатиши, ишлатиши, Михаил Цезарь эса (руманиялик) иситиши тизимини ишга тушириши жа-*

райёналарида бирга қатнашдилар. Хоразмга келиб Бахтиёрдек ажойиб дўст орттирдим. Деярли 5 ой бир ҳаводан нафас олиб, бир дастурхондан нон-туз едик. Қисқаси, жуда қадрдонлашдик. Менга унинг жуда ишчанлиги маъқул тушиди. Чаққон. Аммо, бирорта ишни шошилиб қилмайди. Аввал пухта ҳисоб-китоб қилиб, кейин ишга киришар экан. Бахтиёр иссиқхонадан олдин бунёд этган совутғич омборхонасини ҳам бориб кўрдим. Унда Хоразм тупроғида етиштирилган нақш олмалар, нок, беҳи, узум ва бошқа мева-чевалар сақланар экан. Тўғриси, Хоразм заминида етиштирилган мевалар бетакрор, ажойиб таъми билан мени ўзига мафтун этди. На Эрон, на Туркия, на Россияда, Испания ва Европанинг бошқа давлатларида, дейлик, Хоразм олмалари, ноклари, беҳилари-ю узумлариغا сал бўлсин яқинроқ келадиган таъмини топа olmayсиз. Қиш бўйи, токи Наврўзгача нодир неъматлар дастурхонларни безаса... буни Шарқу Фарб илми ҳосиласи, деяверинг.

Ўқиганим бор. Бир пайтлар Хивага расмий таширф билан келган Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоят ҳам ушиб гўшанинг серфайз, гўзал, хуштаъм мева-ю қовунларга бой эканлиги ҳақида манбаларда ёзиб қолдирган. Мен эса ўша эсдаликларда битилган эртақмонанд жойларни ўз кўзим билан кўрдим. Айниқса, қадимий шаҳар Хиванинг осори атиқалари мени буткул ўзига ром айлади. Урганч шаҳрида бўлдим, Шовот канали сарҳадларини пою пиёда юриб, завқу шавқ ила томоша қилдим. Бундай юртда тугилмоқ, яшамоқ, ишламоқ бахт.

Қадрдоним Бахтиёр Иброҳимжон ўғли, Оллоҳ ёрингиз бўлсин!

Испаниялик мутахассис Ал-Харраз Аҳмад”.

Эсдаликни ўқиётиб, бахт – ҳаракат меваси, қабилдаги кискагина иборанинг оламшумул маъноси борлигини ҳис этдим. Боғот қаерда-ю, Испания қаерда? Турли минтақада яшаётган мутахассисларни, тадбиркорларни ўзаро яқинлаштирган куч ўзи нима? Турфа хил миллат вакиллари (араб, турк, румин, ўзбек) рухан муштарак айлаётган туйғунинг номи менимчаям Эзулик йўлидаги қадамдир.

Кўлёмзадан: “Ўша болалик давримни эсласам... ойимга спорт форма олиб беринг, деб кун бўйи ялиниб, йиғлаганим ёдимга тушади. Қизларнинг кийимлари, яъни опачаларим жемпер, пальтолари кийишга ойимнинг ундаганлари, бу кийимлар аслида ўғил болаларники, аслида опаларинг ўғил болалар кийимини кийганлар, деб ўз ёлғонига мени ишонтириш учун овора бўлгани, ҳатто кишининг қаттиқ совуқ кунларида ўзининг эски жун рўмолларини барибир кўринмайди, деб пальто ичидан белимизга маҳкам боғлаб юборганларини эслайман. Ойим белимиз ва оёғимизни иссиқ сақлашга жуда эътибор қилар эди. Шундай пайтларда мен опаларим кийимларини киймайман, белимгаям рўмолингизни боғлатмайман, ахир бу қизларники-ку, деб йиғлаб қаршилиқ қилар, мактабгаям бормаи қолган кунларим кўп бўлар, эртаси куни иложсизликдан ўша кийимларни мажбуран кийиб, белимниям боғлатиб мактабга кетардим. Пировардида шундай кийинишга ҳам кўникардим. Йиллар ўтибгина ойимнинг нақадар уздабуррон, нечоғлик тадбиркор аёллигини ҳис қиляпман. Негаки, ойим қизларига, яъни опачаларимга бирор кийим сотиб олиб бермоқчи бўлса, албатта, учта қиздан кейинги тўртта ўғил фарзандларини ҳам унутмаган, биратўла уларниям кийинтириш чорасини ўйлаб иш қилган экан. Ойим опачаларимга шунақанги кийимлар танлаб, сотиб олиб берганки, ўша кийимларни ранги тугул фасонидан ҳам на ўғил бола, на қиз боланикига ажратиш мумкин бўлган.

Опачаларим ҳар бири ўша кийимларни бир йилдан кийишиб, уч йил ўтгачгина тўртинчи йили уларнинг кийимларини кийиш каминага насиб этган. Мендан сўнг эса навбат укам Давронга тегар эди. Битта кийимни бешаламиз – олдинига учта опа-



чам, кейин мен ва укам Даврон навбатма-навбат кияр эдик. Кичик укаларим Умрбек ва Анварбеклар бу кийимларни кия олмас, боиси улар жуда ёш эдилар. Мактабнинг 8–9–синфларига кўчиб улғайганимдагина кизларнинг кийимини кийишдан қутулиб, янги кийимларни энг аввало ўзим, сўнгра укаларим кийиб тўздирадиган бўлди”.

Катта бизнес оламига киришнинг кичик сабаблари бўлиши шу ёзувлардан аён. Тўғри, бу ҳаётда кийналмаган одамни учратиш амримахол. Бахт деганлари ўйлашиб оғзингни очиб ётсанг тап этиб дарахтдан тушадиган олма эмас-ку?! Лекин, ҳамма кийналганлар ҳам бизнес деб аталмиш қаср калитларини қўлга кирита билмаганлар. Мушкулотларга таслим бўлганлар ҳам бор. Озгина қийинчилик боис йўлини йўқотиб нотўғри сўкмоқларга қадам босганлар, иродасизлиги туфайли ичкиликка, кашандаликка ружу қўйиб, на оиласига, на жамиятга бирор фойда келтирмай яшаб юрганлар орамизда йўқ дейсизми? “Мен бу асаримни от чиқариб, танилиш учун эмас, мен каби кийналиб йўл ахтариб турганларга ёрдам бўлсин, дея ёздим”, деди суҳбат асносида қахрамонимиз.

Қўлёмзадан: “...Одатда мен уйга бир соатлар чамаси яёв юриб этиб келардим. Аммо, ўша кун икки соатларда этиб келдим. Чунки, хаёлларим билан... гапирадиган ҳам ўзим, эшитадиган ҳам. Уйга кириб ошхонада овқат пишириш учун куй-маланаётган оймга салом бердим. Ойим мен билан ўпишиб кўришди. Қўлимдаги дафтар, китобларимни қўймасимданок оймга мени ўйлантираётган ширин орзулар ҳақида, яъни Тошкентда ўқиш тўғрисида гапириб бердим. Ойим бу қароримдан хурсанд бўлди. Сўнг эса ҳар доим менинг фикрларимни қўллаб-қувватлайдиган дадажоним сари шошилдим. Қарасам, дадам кўрпачада шунчаки хаёл суриб ётган экан. Секингина муддаога ўтдим. Синфдош дўстларимнинг кўпчилиги Тошкент шаҳрида ўқимокчилигини айтиб, мен ҳам пойтахтда ўқишни истайман, дедим. Дадам ўрнидан ирғиб туриб, бунинг ҳеч иложи йўқ, деди. Кейин эса менга ётиғи билан тушунтира бошлади. “Ўғлим, ўзинг ўйлаб кўр. Ҳозир иккита опангни Тошкентда базўр ўқитяпмиз. Ойинг иккаламиз маошимизни бир қисмини уларга жўнатамиз. Қолгани билан эса рўзғор тебратиш керак. Ойликдан ташқари қўшимча даромадимиз ҳам йўқ. Айни дамда уйимизда йўлқиранинг ўзи ҳам йўқ. Пойтахтга кетадиган бўлсак, менга 400, сенга 400 сўм пул керак бўлади. Бу ҳали фақат бориш учун, кайтишга ҳам яна шунча пул керак. Еб-ичишга, ижара харажатларига кетадиган пуллар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Мабодо ўқишга кирсанг ундан ҳам кўпроқ пул керак. Яхшиси, сен Урганчда ўқи! Тошкентда сени ўқитишга қурбимиз етмайди”, деди. Суҳбатимизга ошхонада юрган ойм аралашди: “Қизларимни ўқитиб, ўғлимни Тошкентда ўқитмайманми, қарз-кавола қилиб бўлсаям ўғлимни пойтахтда ўқитаман”, деди. Хуллас, дадам ва ойм ўртасида росмана тортишув бошланди. Дадам у деса, ойм бу деди. Албатта, бу “жанг”да ойижоним голиб бўлди.

Орадан 22 йил ўтган бўлса-да бу воқеа худди кечагидай ёдимда. Дадамнинг розилигини эшитиб кўнглим таскин топди. Ҳаяжон ва хавотир руҳимни буткул тарк этди.

Дадам шу қўйи узоқ вақт ўйлашиб ётди – кетма-кет сигарет чекиб. Бирдан ўрнидан сапчиб туриб “Мен топдим!” деб кичкирди. Мен эса дадам нимани топди экан, деб ҳайрон бўлдим. “Ўғлим, миямга зўр ғоя келди. Ҳазораспга борамиз, бизнес қиламиз”, деди дадам. “Ахир бизда Тошкентга бориш учун йўлқиранинг ўзи йўғ-у, бизнесни қандай қиламиз?” деб бетокатландим. Шунда дадам: “Ўғлим, Ҳазораспда мени кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. “Қозоқ” бозорига борамиз, таниш-билишлардан ул-бул нарсаларни насияга олиб, Тошкентдаги Отчопар бозорида пуллаб келамиз” деди.

Шу тариха оилавий бизнесимиз куртак ёзди. Бизнеснинг бошланишига айни ўша пайтда уйимизда 400 сўм йўқлиги, менинг Тошкентда ўқишни хоҳлаганим сабабчи бўлди. Ана шу иложсизликдан дадамнинг журъати уйғонган ва “Мен топдим!” деган экан. Топиш эса... Оллох томонидан берилган, кўрсатилган аломат эди. Дунёнинг энг машхур ёзувчиларидан бири Пауло Коэло бу хусусда шундай дейди: “Худо бу дунёдаги ҳар бир банданинг йўлини аломатлар билан белгилаб қўйган, ҳазинага йўлни ўша аломатлар орқали топиб борасан. Аломатларнинг фақат сен учун ёзилганларини ўқий олмоғинг даркор”.

Зиёли оилада туғилиб, вояга етган Бахтиёрнинг бизнес йўлини қандай сабабларга кўра танлагани, мухтожлик гирдобида ҳаёл сурадиган болақайдан бой отага айлангани ўша асаридан аниқ-тиник кўрсатиб берилгани эътиборга лойиқ. Зотан, гарчи зоҳиран ёш кўринса-да, Бахтиёрнинг уйланиш арафасидаги ўғли борлиги, умуман, тўрт фарзанднинг отаси эканлиги уни бой ота дейишимизга асос бўла олади.

Негадир, аксарият ҳамкасбларимиз образли йўсинда айтсак, фақатгина дарахт меваларига нигоҳ ташлашади. Ҳаракатнинг дастлабки бочкичлари назарларидан чеккада қолиб кетади. “МЕНИ БИЗНЕС ОЛАМИГА МУХТОЖЛИК ҲИССИЁТИ ОЛИБ КИРДИ” деб ёзди Бахтиёр. Қизик, кўпчилик бизнесменлар ёзув-чизувни ҳуш кўрмаганлари, ижод аҳли ила гап-сўзи қовушмагани, гоҳида уларни масхара-лалашгани ҳолида Бахтиёрнинг яшаш, ишлаш тарзи нега бутунлай ўзгача экан? Балки, орадан йиллар ўтгач у жаҳон мезонларига мос келадиган, моддиятни ва маънавиятни бирдек кадрлайдиган биринчи ўзбек Билл Гейтси бўлиб оламга довруғ солар? Не бўлгандаям унинг танлаган йўли бошқача. “Бой ота...”га киритилган шеърда тасвирланганидек:

*Ўрмонда икки йўлка кўринарди ўшанда,  
Ҳеч юрилмаганин танладим бор гап шунда!*

(Роберт Фрост. 1916 йил)

Хоразм вилояти, Боғот туманидаги “Бешариқ” қишлоғи тарихига “Бахт – ҳаракат меваси” масъулияти чекланган жамияти жамоаси “ҳеч юрилмаган” йўлни танлагани боис кириши ва бизнеснинг бошқа соҳаларига улкан таъсир ўтказиши муқаррар.

Буни Бахтиёр Матёкубов тadbиркор сифатида халқаро микёсда ҳам танилиб, эътироф этилаётгани ҳам исботлаб турибди. Уни ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ дейишимиз мумкинми? Қўлёзмасини ўқиб чиқдик; корхонасини кўрдик; яп-янги иссиқхонасида, замонавий типда қурилган намунавий турар-жой уйида бўлдик, ҳа, дарвоқе, кутубхонасидаги нодир китобларни варақладик. Хусусан, Жеймс Жойснинг “Улисс” романини... “Бу романни яқинда Тошкентдан олдирдим. Ҳали ўқишга улгурмадим”, деди у. Маълумки, Жеймс Жойс – жаҳон модернизмнинг отаси. Кейинги юз йилликнинг инглиз тилида ёзилган энг зўр романи дея таърифланган “Улисс” романига ҳамманинг ҳам “тиши ўтмаслигини” биламиз. Ҳар ҳолда, “Улисс”нинг хоразмлик бизнесмен китоб жавонида сакланиши ҳам ажабтовур.

Муаллимлар сулоласидан етишиб чиққан тadbиркор ҳақида кўп нарсаларни ёзгимиз келаверади. Унинг отаси – муаллим; онаси – муаллима; бобоси – муаллим. Бобоси яшаган давр ва бутунги кунни Бахтиёрнинг ўзи шундай таққослайди: “Бобом яшаган замонни олайлик. Оддий ўқитувчи бўлиб ишлаб бир ўзи ўн нафар фарзандини, рафикасини боққан. Турмуш ўртоғи раҳматли Пошша момом ҳеч қаерда ишламаган, фақат уй юмушлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўлган. Матёкуб бобом отасидан ёш етим қолган экан. Айтишларича, бурунги замонда бир бурда нон учун, фақат қорин тўйгазиш учунгина меҳнат қилганлар. Ҳозирги даврда эса

ҳеч ким фақат қорин ғамида ишламайди. Эртанги кун – келажакка атаб маблағ йиғиш мақсадида ҳам тер тўкишади. У замоннинг одамлари фақат БИР КУНнинг ташвиши билан яшашгани қизиқ. Бобом қилган меҳнатларни ҳозир биз қилаётган меҳнатларга тенглаштириб бўлмайди. Ҳозирги замонда манаман деб юрган инсонлар ўша замонларда яшаганларида уларнинг қаҳрамонликлари боболар қилган қаҳрамонликлар олдида ҳеч нарса бўлмас эди.

Ҳеч ким ўз-ўзидан қаҳрамон бўла олмайди. Албатта, кимдир ёки нимадир қаҳрамонликка сабабчи бўлади. Мен эришган барча муваффақиятларнинг замирида аввало раҳматли Матёқуб бобом, қолаверса, дадам ва ойимнинг заҳматли меҳнатлари, берган тарбия ва ўғитлари ётибди”.

Бизни боғотлик бизнесменнинг қай фазилатлари кўпроқ қизиқтирди? Нега у ҳақда мақола ёзишни истадик? Энг аввало, китобга иштиёқ билдиргани, машаққатлардан ҳайикмай тадбиркорлик жабҳасида бошидан кечирганларини ёзганлари...

Кўлёмнадан: “Ўзбек ва жаҳон адабиёти, тарих, фалсафа ҳамда тадбиркорликка доир китобларни мунтазам равишда ўқиб тураман. Болалигимдан адабиёт ва математика фанларига қизиқишим жуда баланд бўлган. Алгебра ва геометрияга доир мисол ва масалаларсиз бир куним ҳам ўтмас эди. Ўша ўсмирлик пайтларимда математика дарсликларидан ташқари Антонов, Сахаев, Сканавиларнинг тўпламларидаги мисол ва масалаларни тинимсиз равишда ечар эдим. Ҳар сафар ўша китоблардаги бир-бирдан мураккаб мисол-масалаларни ечганимда шунақанги қувонардимки, гўёки энг қийин ишни бажарган киши янглиғ... Ҳозир ҳам шуларни эслаб қувонаман”.

Яна: “Роберт Киосакининг “Бой ота, камбағал ота”, “Бой бола, ақлли бола”, Наполеон Хиллнинг “Ўйла ва бой бўл”, Бодо Шефернинг “Ғолиблик қонуниятлари”, Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”, Жим Роннинг “Умр мавсуми”, “Омад ва бахтга саёҳат” каби нодир китобларни кўп бора қайта ва қайта ўқиб чиқдим. Ушбу китобларни ҳар сафар кўлимга олиб, такрор ўқиганим сайин уларни чуқурроқ идрок қила бошладим. Роберт Киосаки, Наполеон Хиллдай фикрлашга ўргандим. Дунёқарашим буткул ўзгарди. Тафаккуримда ўзимга бўлган ишонч ўсди. Кўпинча, дўстларим, ёр-биродарларим, қачон қарама қўлингга китоб, ҳайронмиз, сенга нима етишмайди ўзи? Ҳамма нарсанг етарли, кам-кўстинг бўлмаса? Ўзингни бунча азобламасанг, ундан кўра саёҳатларга чиқ, дунёни кўр, одамларга ўхшаб дам ол, дейишади. Улар билишмайдик, мен ўша оромни, хузур-ҳаловатни китоб ўқиб оламан. Аслида ана ўша китоблар менинг тақдиримни ўзгартирди”.

Ушбу мақоламизда боғотлик бизнесмен Бахтиёр Матёқубов асари кўлёмнадан, у ўқиган китоблардан иқтибослар келтирдик, у барпо этган корхоналар ҳақидаги таассуротларимизни баён қилдик, иқтисодиёт ва маънавият оралиғидаги муштарак нукталар борасида мулоҳаза юритдик. Пировардида, шундай хулосага келдик: БИЗ-НЕС – ўзига хос, сержило дунё – илм экан. Биз бу воқеликни Бахтиёр Матёқубов ва унинг “Бахт – ҳаракат меваси” отлиғи корхонаси мисолида тушунишни, англашни истадик. Зотан, ҳаракат мева берса, оила ҳам, жамият ҳам, мамлакат ҳам гуллаб-яшнайдеради.

## ТАСАВВУФ ИЛМИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Шаҳобиддин Абу Ҳафс  
СУҲРАВАРДИЙ

“ОРИФЛАР МАЪРИФАТИ”

*рисоласидан*



**Ш**айх ул-олам Абу Нажиб Суҳравардий розийаллоху анху Ибн Ҳакимдан, у эса отасидан ривоят этмишдурки, “Бир одам Расулуллоҳдан, “Шарр (ёмонлик) нима?” деб сўради. Расулуллоҳ, “Мендан ёмонлик нималигини сўрамангиз”, деб уч марта такрорлади. Сўнг айтди: Шаррнинг энг ёмони олимларнинг ёмонлик қилишидир. Хайрларнинг энг хайрлиси уламоларнинг яхши ишларда илгари кетганидир”.

Яна айтдилар: “Уламо умматнинг йўл кўрсатувчиси, далили, диннинг таянчидир. Умматни чулгаган жаҳл (билимсизлик) қоронғиликларидан ойдинликка чиқарувчи олимлар ислом уммати жамоасининг шарафли, китоб (Қуръон) ва суннат ҳукмларини изоҳловчилари, буюк омонатни раиятга, халққа етказувчилардир. Олимлар такво ҳақиқатини билишда халқнинг энг саботли ва дунё ҳаётида зуҳдга энг кўп муҳтож бўлганлардир. Олимларнинг бузилиши (фасоди) бошқаларга зарар етказгани каби, олимларнинг сиҳхат ва офиятлари (омонлик, покликлари) инсонларга ижобий таъсир ўтказувчилардир”.

Суфён ибн Уйайна айтибдир: “Инсонларнинг энг жоҳили билган илмига амал қилмагани, инсонларнинг энг фазилатлиси эса Оллоҳдан энг кўп қўрқувчилардир. Илмига амал қилмаганлар олим эмасдир. Бундай (мунофиқ) олимларнинг дилкаш суҳбатлари, баҳс-мунозарали суҳбати, сўзга моҳирлиги, баҳс-муноқашада қувватли бўлишига қараб алданма! У (илмига амал қилмайдиган олим) ҳақиқатда жоҳилдир, олим эмас! Бундай олим агар тавба қилса, қабул бўлиши ҳам маълум эмас. Илмига амал қилмаган олимнинг илмидан барака ҳам келмайди”.

Илм бир жиҳатдан, инсон учун фарздир, бошқа жиҳатдан, илм инсон учун фазилатдир. Илми одам китоб ва суннатга мувофиқ, уйғун яшаса, илми сабабли фазилатлари ортиб боради.

Китоб ва суннатга мувофиқ келмаган, бу икки манбадан (булоқдан) фойдаланмаган ва ёрдам олмаган, уларга таянмаган илм фазилатли эмас, балки разолатдир. Бундай илмлар билан инсон дунё ва охиратда ҳафиф (енгил), бахтсиз ва разил бўлади.

Фарз бўлган илм эса инсонни жаҳолатдан халос қилади. Шайхимиз шайх

*Шаҳобиддин Абу Ҳафс СУҲРАВАРДИЙ – қомусий олим ва файласуф. 1097 йилда Эроннинг Зинжон вилоятига қарашли Суҳравард қишлоғида туғилган. Тавҳид илми, калом илми ва футууват ҳақида асарлар ёзган. Бу асарлари билан Суҳравардия тариқати асосларини баён қилган. 1168 йилда вафот этган.*

ул-ислом Абу Нажиб Сухравардий ҳазрат (Фузайл) Ийоздан ривоят қилишича, Расулulloҳ (с.а.в.): “Илм Чинда бўлса ҳам уни қўлга киритишга ҳаракат қилинг, илми эгаллашга қизиқиш барча мусулмонларга фарзdir”, демишлар.

Фарз бўлган илмлар нечта ва қайсилар экани ҳақида уламо ўртасида ихтилоф бор. Баъзилар: “Бу ихлос илми, қилинган амалларни (яхши, хайрли ишларни) бузувчи офатларни ва ёмонликларни билишdir”, дейдилар. Чунки, инсонлар то ўлгунича, китоб ва суннатга, яхшиликларга ихлосли, самимий бўлиб яшашлари керак. Чунки, инсонлар Оллоҳ таолога жону кўнгилдан ибодат ва қуллик қилишга буюрилгандир (Ҳадис мазмуни).

Инсонлар ихлосли бўлишга амр этилгандир, аммо инсон нафси ва ғурурининг хийлалари, тузоқлари, сирли ва тахликали орзулари ихлос биносини хароб қилади. Хуллас, ихлос фарз бўлганидек, ихлос илми ҳам фарзdir.

Баъзилар фикрича, фарз бўлган илм – инсон учун тахликали, зарарли бўлган тушунчалар, (сохта ақидалар) ва янглишувларни барча инжалиги, нозик томонлари билан билишdir. Чунки барча янглишувларнинг асл манбаи, боши сохта тушунчаларdir. Яъни, инсон шайтоний тушунчаларни ва раҳмоний тушунчаларни танлаши, билиши, фарқлаши керак. Инсонлар шуни билмагунича яхши амаллар нималигини билмайди.

Баъзилар фикрича, фарз бўлган илм вақт илмидир (Ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш). Бу ҳақда Саҳл ибн Абдуллоҳ айтади: “Фарз бўлган илм – бу, илми ҳолни ўрганмоқdir. Яъни, қуллик (бандаликнинг) дунё ва охиратда Оллоҳ билан ўзи орасидаги (гурумни) масофани, даражани билишdir”.

Яна дейдиларки, бу илм – ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, ҳалол ризқ талаб қилишdir. “Ҳалол ризқ топиш жуда муҳим бир фарзdir (Табароний ва ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадис). Ҳалол ризқ топиш фарз бўлганидек, бунинг илмини билиш ҳам фарзdir”.

Яна дейдиларки, бу илм – ботин илмидир. Ботин илми сирли, ғайбий билимларни қўлга киритишdir. Бу илми Оллоҳнинг яқин дўстлари (муқаррабунлари) бўлган уламо, соҳидлар ва аҳли солиҳ кишилар билан суҳбат қуриш йўли билан қўлга киритилади. Бу илм соҳиблари пайғамбар алайҳиссаломнинг илмига ворис бўлган, толибларни бу илм билан ҳақ йўлга бошловчи ва салафларнинг изидан борган азиз-авлиёларdir. Бу илми илми яқин ҳам дейдилар.

Баъзилар эса фарз бўлган илмлар олди-берди (савдо-сотик), никоҳ ва талоқ илмлари дейдилар. Бу ишлар билан шуғулланадиган одамлар учун бу илмларни билиш фарзdir.

Баъзилар фикрича, илми тавҳидни ўрганмоқ фарзdir. Бу илми қўлга киритишнинг бир йўли бор, бу назарий ва мантикий далиллашdir. Яна бир йўли – нақл, яъни, азизларнинг фикрларини келтиришdir.

Баъзилар фикрича, дини исломга бўйсунган, ички оламни турли шубҳа-гумонлардан тоза қилган банданинг ҳаёти хузурли ва хотиржамлик, омонликдадир. Ичини турли ҳою ҳавас, васвасалар кемираётган одамларга бу нарсалар бидъат ва шубҳали эканлигини далиллаб берувчи илм ҳам жуда муҳимdir.

Шайх Абу Толиб ал-Маккий (“Қут ул-қулуб” – “Қалбларнинг қуввати” асарида) айтибдурларки: “Ўрганилиши фарз этилган илм ислом биносининг тамали – пойдевори бўлган беш амалdir (ихлос, намоз, рўза, закот, ҳаж).

Мана шу беш тамал – асоснинг биринчиси – ихлос ва шаҳодат калималари (“Ҳува Оллоҳу Аҳад, Оллоҳу Самад...”) (“Ла илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулulloҳ”) бўлгани учун тавҳид илми ҳам ўрганилиши фарз бўлган илмdir. Ихлос калимаси-

ни билиш ва тушунишни Расулulloх (с.а.в.) ҳар бир мусулмон учун фарз, деганлар.

Юқорида айтилган барча илмлар мусулмонларни жаҳолатдан қутказади. Чунки, барча мусулмонлар ҳам илми хавотирни (Ҳақ таолодан кўркишни), илми холни атрофлича билмагани каби, охират уламосидан ўрганиши мумкин бўлган илми яқинияни ҳам билмайдилар. Шундай экан, мусулмонларнинг кўпчилиги бу жиҳатдан жаҳолатдадирлар. Агар бу илмларни ўрганиш барча мусулмонларга фарз қилинса эди, кўпчилик мусулмонлар бу фарзларни бажаришга ожизлик қилар эдилар.

Фарз қилинган илм ҳақида шайх Абу Толиб ал-Маккийнинг айтганларини мен тўғри деб биламан. Мусулмонлар ҳаётида олди-берди (муомала), никоҳ, талоқ илмларини билиш барча мусулмонлар учун кераклидир. Шайх Абу Толибнинг бу хусусда сўзлаганлари, менимча, фойдали илмларни ўрганмокчи бўлганларга тўғри йўлни кўрсатувчи чироқдир. Яна ҳам тўғриси Оллоҳ билур.

Амри маъруф ва наҳий мункар ислом аҳкомларида бандалар учун умр бўйи амал қилиши керак бўлган қоидалардир. Бирор нарса ё ҳодиса ҳақида банд не қиларини билмаса, амри маъруфни ва наҳий мункарни билмаслигидандир. Шарият ҳукмига кўра ўрганиш зарур бўлган, зарурати дунё деган вожиб илмлар амри маъруф ва наҳий мункарни, яъни, Ҳақ таоло буюрганларини бажариш ва манъ этганларини, қилма деганларини қилмасликни билишдир.

Сўфия машойихлари ва дунёда зуҳд ичида (зоҳидликда, узлатда, покиза) охиратни ўйлаб яшаган уламо фарз илмларни қўлга киритишда буюк ғайрат кўрсатдилар, амри маъруф ва наҳий мункарни ўрнига қўйдилар, Оллоҳнинг лутф ва мадади билан бу масъулият, жавобгарликни зиммаларига олдилар.

Баъзилар айтувларки, кучли мушоҳадалар, равшан нурлар билан келган оят ва ҳадисларга таянган, илоҳий марҳаматига эришганлардан бошқа ким ҳам Оллоҳнинг мана бу сўзларига сазовор бўлур эдилар: “Биз сизни Ҳақ йўлида собитқадам қилмаганимизда... (адашган бўлардингиз)”. (“Ал-Исро”, 74-оят). Бу илоҳий хитобга мазҳар бўлган, макоми қурб (яқинлик) билан шарафланган зот ҳазрати Муҳаммад Расулulloҳдир.

Абу Хафс (Насафий)дан: “Қайси амал энг фазилатлидир?” деб сўрадилар. У айтди: “Ҳалол яшаш. Чунки Расулulloҳ саҳобаларига “Кучингиз, тоқатингиз етганича ҳалол, пок яшанг!” деб буюрмишлар”.

Жаъфар Содик: “Оллоҳ бизларга ҳалол яшашни амр қилган, бу факат Оллоҳга сизнинг ва унга илтижо қилинг, деганидир”.

Саҳобалардан бири Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради: “Сиз “Худ” сурасидаги ва бошқа суралардаги оятлар мени қаритди”, деган эдингиз. Бу сурада не борки, сизни қаритган бўлса? Пайғамбарнинг ҳикояларими ё умматларнинг ҳалокатими?” Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб берди: “Йўк, булар эмас! Мени Оллоҳ таолонинг “Мен буюрганимдай тўғри (ҳалол) яша!” деган фармони қаритди. (Демак, инсон учун умр бўйи тўғри, пок, ҳалол яшаш жуда мушкул ишдир – тарж).

Бу сўзлардан кўринадики, инсон дунё ҳаётида ва охиратда нажот топиши учун энг катта бахт-саодатли фазилати – пок, ҳалол яшашидир.

Абу Али ал-Жузжоний айтур: “Оллоҳ таолодан каромат соҳиби (азиз, авлиё) бўлишдан кўра, ҳалол, пок яшашни сўраш афзалроқдир. Чунки, агар нафсинг кароматни орзу қилса, сен учун ҳалол, пок яшаш йўли тўсилур”. Тасаввуф толиби ва сулук аҳли бу тушунча (ҳалол, пок яшаш, зуҳд)ни билишда, руҳ ҳақиқатини билишда гафлатда қолишлари сирли ҳолдир.

Муҷтаҳид ва обидлар илк зоҳидларнинг сайру сулуқларидан тушунганлари шу

бўлдики, улар каромат ва ҳорикулолда ўзгаришларга рағбат қилмадилар. Уларнинг кўнглида каромат орзуси бўлмагани каби, шу тарика кашф аҳли бўлишни ҳам ис-тамадилар. Шу йўл билан ҳам улар нафсларини жиловладилар.

Шу билан баробар, Оллоҳ таолонинг содиқ дўстларидан баъзиларига кашф ва каромат эшиклари ҳам очилган эди. Бу зотлар ўз ҳаётида илоҳий ҳикматларни ва илоҳий қудрат тажаллийларини кўрган бўлсалар ҳам ҳаво ва ҳавасга берилмай, зудликда камтарона, ҳалол, пок яшаш учун ўзларида (Тангри инояти билан) куч-қувват топа билдилар.

Баъзи бандалар ҳорикулолда кароматларни қўлга киритишни (мактаниш, ўзини кўрсатиш учун эмас, балки), Ҳақ таолога яқин бўлиш учун васила, восита деб биладилар. Бу зотлар яқинлик мақомига эришгач, истиғно мақомини ҳам қўлга киритиб, ўзларида кароматларга ҳам эҳтиёж сезмайдилар. Чунки, уларнинг асосий мақсади яқинлик эди, бунга эришганларидан сўнг уларга бошқа ҳеч нарса керак бўлмай қолади.

Содиқ кишиларнинг йўли нафсни жиловлаб, фақат ҳалол ризқ топиш, ўз ҳақлари бор нарсаларни қўлга киритиш ва бировларнинг ҳақиға кўз олайтирмай яшаш бўлиб, шунинг ўзи каромат кўрсатишдир.

Агар бир киши маърифатда илғор бўлиб, каромат ва ҳорикулолда ишларни урда-лар экан, бу жонз ва гўзалдир. Агар (ҳалол, пок яшаб, бошқа) каромат кўрсатмаса, бу айб ва ўксуклик – нуқсон, камчилик эмас. Асл ўксуклик ўз зиммасидаги бирор ишни ҳалоллик билан бажармасликдир. Тилиб учун энг муҳим асос – ўз ҳақи бўлган ишларнинг ҳалоллиги (ва ҳаромлиги) вожибларини билишдир.

Зухд уламози (зуҳд олимлари), сўфия машойихи ва муқаррабинлар (яқин ки-шилар) ҳалоллик, поклик вожибларини ўринлатиш билан ўз куч-ғайратларини кўрсатадилар. Илк зоҳидлар ва олимлар ишорат қилган бошқа илмларда ҳам ҳалол ризқ-насиба топишга, сабр-қаноатга катта эътибор берганлар.

Энди ҳол илми, киём илми (ҳаракат ва сокинлик, Ҳақ таолони мушоҳада қилиш, ўйлаш, ҳавотир илми (Худонинг ғазабидан кўрқиб, ёмонликлардан ўзини тийиш – тарж) ҳам сўфия ва машойих (шайх)га вожиб илмдир.

Илми яқин, илми ихлос ва илми нафс каби илмларнинг моҳияти – маъноларини ва амалларини билиш сўфийлар учун энг қимматли илмлардандир. Бу илмлар-ни сўфийларнинг ҳам юздан ўни (ёки ўндан бири) билади ва булар энг қувватли муқаррабийлардир.

Сўфийлар нафс нималигини яхши билгани каби, дунё ҳаётининг турли ҳолларини, ҳойю ҳавасини, нафснинг гизли (яширин) орзуларига асирликнинг ёмонлигини энг яхши билувчилардир. Улар нафснинг кўп сўзлаш, мактаниш, роҳатланиш, чиройли кийимлар кийиш, емак-ичмак, ухламоқ каби зарарли истак-ларини жиловлай оладилар, бу тавба ҳақиқатларини-да яхши биладилар. Улар яширин гуноҳларни, одамлар ҳасанот – яхшилик деб ўйлайдиган кўпчилик иш-ларнинг ёмонлигини билганлари учун нафснинг турли-туман истакларидан, ҳаёл-га келган гуноҳ ишлардан қандай қутулиш йўлларини ҳам яхши биладилар. Улар илми муроқабани, унинг заиф жойларни, илми мусохаба ва риояни (суҳбат одобини), илми таваккулнинг ҳақиқатларини, таваккулнинг ёмон ва яхши жиҳатларини, имонни пок сақлаш учун вожиб бўлган таваккул билан аҳли ирфонга оид таваккул-нинг маънолари, моҳиятан фарқланишини яхши биладилар.

Сўфийлар яна ризо илми ва ризо мақомининг савоб ва илтижо, дуо вақтларини ва шартларини, қандай вақтларда (ҳолатларда) дуо қилмаслик кераклигини яхши биладилар.

Яна улар (чин сўфийлар) Ҳақ таоло насиб этган илохий ишқ-муҳаббатнинг кенг маъноларини, дунё уламоларининг бир қисми уни инкор этишини, охират уламоларининг ўзига хос муҳаббати билан дунёвий ишқнинг фарқини ҳам яхши биладилар.

Яна улар (чин сўфийлар) илми ҳайбат (Худодан кўрқиш), илми унс (дўстлик) илми қабз ва баст (ушланиш ва боғланиш) каби мушоҳада илмларини, қабз ва ҳамм (қайғу), баст ва нашот (шодлик) орасидаги фарқларни биладилар.

Сўфийлар фано ва бако илмларини билганлари каби, фанонинг турли даражаларининг маъноларини, одамни Оллоҳдан тўсиб турган пардаларни, тажаллийни, жамъни, фарқни, лавомеъни (нурланишни), таволеъни (балқиб, кўтарилишни), сахвни, сукрни ва шу кабиларни яхши биладилар. Агар вақтимиз бўлсайди, буларнинг ҳар бирини узун-узун англатиб, жилд-жилд шарҳлар ёзардик. Фақат умр қисқа, вақт қиммат. Агар ғафлат ўқ отиб турмаса, вақт бу қадар тораймас эди.

Бу ерда қисқа зикр этилган илмлар тасаввуф аҳлининг эришган (қўлга киритган) илмлари ҳақида етарли маълумот бермайди. Ўз бандаларига иззат-иқромли бўлган Оллоҳ таолодан бизни бу илмлардан баҳраманд этишини, буларни шахсий фойдаланишимиз учун эмас, балки (эл-юртга, барча мўъминларга) хизмат қилиш учун бизга насиб этгил, дея ниёз этурмиз.

*Усмонли туркчадан*


*Маҳкам МАҲМУДОВ таржимаси*



### **Маҳкам МАҲМУДОВ**

*1940 йилда туғилган. Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Орифий маоний”, “Кешга баҳор келди” каби илмий ва бадиий асарлар муаллифи.*





Азиз АБДУРАЗЗОҚ

## Умрим парчаси

### Сени ардоқлаб

Умрим ўтар сени ардоқлаб,  
Қўшсам дейман, хуснингга-хусн.  
Борини ҳам қололма саклаб,  
Табиатнинг қонуни устун.

Сеникидан кўпдир ажиним,  
Лекин, сира қилмайман парво.  
Сенда, ажин кўрганда аммо  
Ғоят ачиндим.  
Уни сенга кўрмасдим раво,  
Начораки,  
Табиат устун.

Сочларингда кўрдим оқ тола,  
У севгидан биринчи тортик.  
Ҳар оқ тола –  
Ҳар битта бола,  
Демак, яна юкимиз ортик.

Умрим ўтар сени ардоқлаб,  
Бирок,  
Баъзан қилганман хато.  
Овозимни қўйиб баландроқ,  
Ранжитганман ноўрин, ҳатто.

---

Азиз АБДУРАЗЗОҚ – 1928 йилда тугилган. Горький номидаги Адабиёт институтида ўқиган. Шоирнинг “Бодом гуллади”, “Мавж”, “Азиз одамлар”, “Лирика”, “Шўх ёмғир”, “Минг чинор”, “Қалб нури” шеърый тўпламлари нашр этилган. Шоир 2007 йилда вафот этган.

Балки шудир биринчи ажин  
Ва сочингга тушган оқ тола.  
Сўниб борса чиройинг мавжи,  
Баҳонамас эҳтимол бола.

Оқарса ҳам сочинг, барибир,  
Аввалгидай силарман суйиб.  
Оқартирган тажанглигимдир,  
Ардоқларман,  
Силарман куйиб.

Умрим ўтсин сени ардоқлаб.

## Қуёш ва юрак

Ботаётган қуёш менга юрак бўлиб кўринди,  
Янглишмадим: олам – вужуд, қуёш – юрак, шубҳасиз.  
Вужуд учун юрак керак, юрак керак, шубҳасиз,  
Ботаётган қуёш менга юрак бўлиб кўринди.

Юрак бўлса олам ёруғ, одам дадил, йўллар тинч,  
Йўкса, одам зулмат ичра йўл тополмай адашар.  
Не инсонлар шайтон бўлиб, бир-бирини алдашар,  
Юрак бўлса олам ёруғ, одам дадил, йўллар тинч.

Қуёш – юрак, лекин эрта уни яна кўрарсиз,  
Фақат юрак йўқолмасин, уни сақланг, одамлар.  
Юрак билан инсон номин доим оқланг, одамлар,  
Қуёш ботса ботаверсин, уни яна кўрарсиз.

## Илк хазон

Илк бор хазон тўкилди  
Яшил барглар оралаб.  
Қалбим чоки сўкилди,  
Хазон ўтди яралаб.

Қиш ҳам келар яқинда,  
Боғлар қолар яланғоч.  
Кўкда чаккан чақиндан  
Чўчиб қочди қалдирғоч.

Ёлғиз кезиб боғ аро,  
Баҳоримни эслайман.  
Дилда тугён ва ғавғо,  
Ўз-ўзимни тезлайман.

Шошил, кузинг келмасдан,  
Тўригингни қамчилаб.  
У келажак беҳосдан,  
Кўзёшингдай томчилаб.

## Дераза

Деразам ҳам ўзи бир олам,  
Ундан кичик олам кўринар.  
Зерикканда, қачон қарасам,  
Турфа туман одам кўринар.

Одам – олам,  
Тинмас узун кун,  
Айлангандек фалак гардиши.  
Тирикчилик,  
Яшамоқ учун  
Ўз йўлида борар ҳар киши.

Биров ўтар кўтариб пиёз,  
Биров тутган даста атиргул.  
Бир қиз ўтар гўзал, сарвиноз,  
Бошқа биров – букчайган вергул.

Ҳаёт – вергул,  
Сўрок  
Ва ундов,  
Унда қувонч  
Ва ғам омухта.  
У қаршимда ҳар кун бетухтов  
Давом этар билмасдан нукта.

Оқар ҳаёт –  
Дарёи азим,  
Тўлкинига кўзим кадалар.  
Толикади қулогим, кўзим,  
Ҳам авжли, ҳам мавжли қадамлар.

Толиқсам ҳам майли-майлига,  
Истамайман ҳаёт нуктасин.  
Юрмаса ҳам менинг майлимга,  
Музламасдан оксин муттасил.

## Тақдир

Кўринмайди тақдирим кўзга,  
Кўкрагимда абадий пинҳон.  
Баъзан кўяр мени гап-сўзга,  
Яхши йўлга бошлар кўп замон.

Буюрганин бажарсам бешак,  
Не кўйларга солмади мани?  
...Қалбим, демак, сен бўлсанг керак,  
Одамларнинг тақдир дегани.

## Йўл устида

Йўл устида чекиб ташланган  
Сигаретлар  
Ётар бир уюм.  
Ҳаммасини ўзим чекканман,  
Йўлга боқиб,  
Жондан кечганман.

Йўл устида чекиб ташланган  
Сигаретлар  
Ётар бир уюм.  
Улар билан бирга кетганлар:  
Ҳаяжонларим  
Фикрим  
Ва ўйим.  
Яъни, улар сигаретамас,  
Чеккан азобим,  
Орзиқишларим.  
Орзиқиш билан  
Ўтди сўроксиз,  
Балки ўтажак  
Яна саноксиз  
Ёзу кишларим.

Йўл устида чекиб ташланган  
Сигаретлар  
Ётар бир уюм.  
Булар чекилган  
Сигаретамас,  
Умрим парчаси,  
Бир бўлак вақтим.

Йўл устида кутганда бахтни,  
Гоҳи абас,  
Гоҳи беабас  
Ўтиб кетган сонияларим.  
Дақиқаларим,  
Соатларим,  
Қанча кунларим?

Шамол турди,  
Учирмоқда йўлдан кулларни.  
Ёниб кул бўлган  
Сонияларим,  
Дақиқаларим,  
Соатларимни ва кунларимни.

Йўл устида турибман яна.  
Ғойибона сен билан яна...



Пьера МАТТЕИ

## Шутранади Бекатда кутими

### Кенгликлар

Баҳор олатўпи, уловдан тушдим,  
Кўр ўлчар кенгликни ҳассаси ила.

Атрофига уриниб кетмас,  
Йўл қўймайди бунга одати.  
Ором олар эркин,  
Нафас олар тез.  
Фақат чўлга етишмас улкан дарахтлар.  
Кенг майдонни тўлдирар театр,  
Дарахтлар – тиккайган шох-шабба.  
Ўзгарар масофа, йўл манзараси.  
Темир гардиш булут гумбази.  
Ҳовлиларда ярқирок ранглар –  
Эсдан чиқмас ҳеч бири.  
Оқ бинолар.  
Юзлаб деразали уйлар  
Бир-бирига сиғмай яшар одамлар.

Ўқишни билмасдим,  
Энди – биламан.  
Хат ёзишни ўргандим аввал,  
Тили чиққан гўдак мисоли.  
Сўнг ўйладим, сўз ила фикр  
Тортишади эгизаклардай,  
Қизишади, ненидир  
Бўлишиб ололмас сира.  
Ҳар ким турар очик кенгликлар ортида.

*Пьера МАТТЕИ – Италиян шоираси. Рим университетининг фалсафа факультетини битирган. Пьера Маттеи бешта шеърый ва бешта насрий китоблар муаллифи.*

## Қўлдан учган вақт

Уланади каторма-қатор  
лаҳза йўл соати сўнг кунлар  
сўнг хидлар сўнг нигоҳлар  
ҳавойи суҳбатлар баҳслар  
кўчани кесиб ўтаётган  
кўрок кўзичок ночор қуёнча  
пиёдалар йўлагига зебра  
титранади бекатда кутиш  
кукунини тераётган жондай

## Сувости жуфтлиги

Шовдираган ер пўстлоғи қуруқлик  
эслайсанми бирга яшардик  
шартномалар ҳазил  
мажбурият ҳам  
уй иш муҳаббат  
энг оддийсини танладик  
окизиб кетди бизни дарёлар  
бизлар эса суздик оқимга қарши

бугун бошка-бошка ўзанда  
сузаяпмиз  
дил тўлмас сувости шахридан  
денгиз қатламлари ичра маҳкумдай  
оралаймиз чўкиб кетганларни ё  
худди ҳали ҳам тирикдай

енгил тортдикми  
камалак чиғанок ичида  
улкан тубсиз гирдобда  
эшилади ёруғ аксимиз

## Грейферлар

*(Кўтаргичлар)*

Кўринмас одамман

йигирманчи қават  
ойнага терс ўгирилиб  
пастга тикиламан

темир излар бўйлаб  
сирғалади трамвай  
чор-атроф донг қотган  
ўзгармас  
қўлга илинмас

икки кават дераза  
оғизда боғич  
кўча оқими  
сарғиш кўтаргич  
оҳиста кўтарилар  
октябрь кўкига  
толиккан кўзлар

юкорида кўринар кимса  
дўстона товуш учгандек  
кўча оқимида ўша кимдир  
ўша товушни  
яна ерга қайтарармикан

### Кун ярми

Меҳмонхона – бешинчи кават  
Дарахтларга боксанг –  
яллиғланган бармоқлар,  
қайтишни истарлар яна баҳорга  
дуога қўл очган кексалар.

Пастда тилла барглар  
чир айланиб ўйнайди,  
байрам келгунига қадар  
қотиб турар молекулалар  
сингиб кетгунича салқин ҳавога.

Дарахтлар,  
бўйин эгиб ҳар бир фаслга,  
хайикмасдан отасиз томир.  
Ерости салтанати,  
ер усти маъбудаси  
Прозерпинни енгиб:  
истамасак-да,  
фақат бир томонга  
ер устида шахдам ташлаймиз қадам.


*Рус тилидан Ойгул СУҲОНДИҚОВА  
таржимаси*



#### Ойгул СУҲОНДИҚОВА

1957 йилда тугилган. Горький номидаги Адабиёт институтини битирган. Шоиранинг “Уфқлар ёнганда”, “Умр куйлари”, “Эътиқод”, “Мен тугилган юрт” каби китоблари ҳамда “Зумрад томчилар”, “Мулла-на-фас” номли таржима китоблари нашр этилган.

## ДҶРМОН ҲАНГОМАЛАРИ



Шодмон ОТАБЕК

### Лунжига боса қолсин

Абдулла Қаҳҳорни бир куни телевизорга таклиф қилишади. Кўрсатув бошланишидан олдин ёш муҳаррир ёзувчидан сўрайди:

- Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?
- Йўқ, мен қоғозсиз ҳам гапиравераман.
- Узр, бизда тартиб шундай, фикрларингизни “юкоридагилар”га тасдиқлатиб олишимиз керак.
- Ундай бўлса, айтинг, ўша “юкоридагилар”ингиз муҳрини лунжимга босиб қўя қолишин, – дейди адиб.

### Қайнонаси бўлмагач...

Ғафур Ғулом тахририятларга келганда ходимлар хурсанд бўлиб кетарди. Бир куни шоир “Шарқ юлдузи” журналига ташриф буюради. Бош муҳаррирнинг бир ҳикоядан кўнгли тўлмай, боши қотиброқ ўтирган эди. Ҳикоя ўша вақтларда анча “мода” бўлган зиддият – қайнона ва куёв можароси ҳақида эди.

Ғафур акадан ҳикояни кўриб беришни илтимос қилишади. Шоир қўлёзмага бир-ров кўз ташлайди-ю хўрсиниб қўяди:

- Одам Ато дунёдаги энг бахтли инсон бўлган экан-да?
- Нега энди, Ғафур ака?
- У кишининг қайноналари бўлмаган!

### Ёзмаса бўлди

Ғафур Ғулом бемаза шеърлари билан ҳаммани, айниқса, тахририят ходимларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

- Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам ҳақи оласан?

---

*Шодмон ОТАБЕК – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. “Япроқдаги нур”, “Одабийлик синовлари”, “Энг бахтли кун”, “Ширмонбулоқ оқишлари” каби китоблари чоп этилган.*



- Кўп эмас, юз сўм атрофида, Фафур ака.
- Агар мутлако бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга оинга икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..
- Шоирини тушмагур хижолатдан бир замбил лой бўлиб қолади.

## Йўлкира

Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик” романи “Шарк юлдузи” журналинда чоп этила бошлаганда тахририят ходими Юсуф Абдуллаев ёзувчининг Дўрмондаги далаҳовлисига журналнинг янги сонини олиб боради. Романи босилган журнални кўриб, ёзувчи хурсанд бўлади. Чопарлик килиб келган йигит хайрлашаётганда ғамхўрлик билан сўрайди:

- Қаерга боришинг керак, болам?
- Чилонзорга.
- Узокдан овора бўлиб келибсан, раҳмат. Мана сенга йўлкира учун 15 сўм. (*Ўша даврдаги пул бирлиги – Ш.О.*)

Юсуф суюниб йўлга тушади. Келаси гал яна журналнинг навбатдаги сонини олиб келганида ёзувчининг юкоридаги саволига шумлик билан “Кўйлик”қа боришим керак”, деб жавоб беради. Аммо устоз ҳам анойилардан эмас, чопарнинг қаерда яшашини эслаб колган экан, йўлкирани хартугул бера туриб, шундай иддао қилади:

- Мана сенга яна 15 сўм! Роман босилиб бўлгунча ўша Чилонзорингда яшаб тургин!

## Отахон, неча ёшдасиз?

Ёзёвон туманида ёзувчининг юбилеи муносабати билан ўтказилаётган бошқа бир учрашувда соколи кўксига тушган отахон ёзувчини дуо қилади:

- Илойим менинг ёшимга етиб юринг, ўғлим! Умрингиздан барака топинг.
- Раҳмат, раҳмат! – дейди ёзувчи мамнун бўлиб ва ногоҳ сўраб қолади. – Кечирасиз, отахон, ўзингиз неча ёшга чиқдингиз?
- Худо хохласа 68 га кирдим, ўғлим. Сизга ҳам шундай ёшларга кириб юриш насиб этсин.
- Э-ха, шундай денг! – Саид Аҳмад мийиғида кулимсирайди. – Агар сизнинг ёшингизга етиб юрадиган бўлсам, бундан етти йил олдин ўлиб кетишим керак эди...

## Энг қисқа маъруза

Адхам Ҳамдам қаерга борса, одамлар билан дарров элакишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетар, бетакрор, ичакузди латифа, ҳангомалари билан ҳаммани кулдириб, хурсанд қилиб юрар эди. Қунлардан бир куни Сочига курортга борганида ҳам худди шундай бўлади. Ўзимизнинг юртдошлар ва бошқа республикалардан келган кардошлар бу дилкаш инсонни бир лаҳза бўлсин хол-жонига қўйишмас, хамиша ёнларига чорлаб, суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилишар эди.

Курортнинг маданий тадбирлар ўтказадиган мутасаддиси уни Аркадий Райкин-га ўхшатади. Дам олувчиларга бир томоша кўрсатишни илтимос қилади.

– Мен артист эмас, шифокорман, – дейди Адҳам ака кулимсираб. – Агар иста-сангиз, тиббий мавзуда маъруза ўқишим мумкин.

– Яхши бўларди, – дейди мутасадди хурсанд бўлиб. – Хўш, қандай мавзуда суҳбат ўтказмоқчисиз?

– “Сочни қандай асраш керак?” деган мавзуда суҳбат қилсак. Ҳозир бу жуда долзарб мавзу.

– Жуда соз, келишдик. Суҳбатни кечки овқатдан кейин ўтказсак бўладими?

– Бўлади.

– Унда ҳозирок эълон ёзиб қўямиз.

Эълонни ўқиган айрим юртдошлар Адҳам акага ҳам ачиниб, ҳам ишонқирамай қарашади. “Ҳазил ҳам эви билан-да, Адҳам ака. Шифокор эмассиз-ку, яна шарманда бўлиб қолманг!” дея уни шаштидан қайтармоқчи бўлишади. “Хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида бўлади”, дея Адҳам ака уларни тинчлантиради.

Ниҳоят, кечки таомдан кейин ҳамма томошахонага йиғилиб, антиқа маърузани тинглашга тўпланишади. Адҳам ака дадил сахнага чиқиб, томошабинларга юзланади.

– Ўртоқлар! Менинг маърузам жуда қисқа бўлади, – дейди у. – Ёзиб ўтирманглар, бемалол эслаб қоласизлар. Энди суҳбатимизнинг асосий мавзуси – сочни қандай асраш ҳақида гапирмоқчиман. Агар сизлар сочингизни ҳозиргидай ҳолатда асрамоқчи бўлсангиз, уни таг-туғи билан олдириб, халтага соласиз-да, баландроқ жойга осиб қўясиз. Тамом – вассалом! Юз йилгача ўзгармай, худди ҳозиргидай сакланиб тураверади. Шу билан суҳбатим тамом. Саволлар бўлса марҳамат!

Завки тошган томошабинларнинг қийқирик ва гулдурос қарсақлари остида Адҳам ака нимтабассум билан, бошини баланд кўтарганча сахнани шахдам тарк этади.

## Шоирнинг кўчаси

Эркин Воҳидов бир куни кечки зиёфатдан уйига қайтаётиб таксига ўтиради. Йўл-йўлакай “Ўннга юринг, энди чапга бурилинг”, дея ҳайдовчига манзилни тушунтириб боради. Ниҳоят, ўзи яшайдиган Ҳувайдо кўчасига бурилишганда ҳайдовчининг энсаси қотиб, ёнидаги мижозга иддао қилади:

– Э-э, шунчалик бошимни қотирмай, Эркин Воҳидовнинг кўчасида тураман деса-сангиз бўлмасмиди?!

Эркин ака жилмайганча бош ирғаб, ноилож “айби”ни бўйнига олади.

## Байрамлар

Кунлардан бир кун газета муҳбири Эркин акадан сўраб қолди:

– Устоз! Байрамларга муносабатингиз қандай? Оилангизда қайси байрам кадрлироқ ҳисобланади?

– Оиламизда ҳар якшанба куни икки марта байрам бўлади, – дейди шоир кулимсираб.

– Йўғ-э, шунақаси ҳам бўларканми? – муҳбир талмовсирайди.

– Ҳар якшанба куни ширин-шакар набиралар тўпланганда хурсанд бўлиб, байрам қиламиз. Орадан бирон соат ўтар-ўтмас уларнинг қий-чув тўполонидан безор бўламиз. Оқшом чўқиб, набиралар билан хайрлашаётганимизда енгил тортиб, яна бир қарра байрам қиламиз.

1 август. Адабий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар доирасида Тожикистон Республикаси Маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода бошчилигидаги Тожикистон дўстлик делегацияси аъзолари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюрди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва дил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги боғлаб келаётгани, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуслари билан турли жабҳаларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиб борилаётгани таъкидланди.

\* \* \*

6 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида буюк шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг “Мухаббат махзани” китоби тақдироти бўлиб ўтди.

“Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция доирасида ташкил этилган тадбирда юртимизда меҳмон бўлиб турган Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Тожикистон халқ шоири Низом Қосим, Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Содиқ Имомий, уюшма аъзолари, адиблар, олим ва таржимонлар, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзбошиси билан чоп этилган Абдурахмон Жомийнинг “Мухаббат махзани” китоби қардош ва биродар тожик халқига чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ва Тожикистон Ёзувчилар уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

\* \* \*

7–8 август. Мамлакатимизда илк бор “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазилиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро конференцияга дунёнинг 30га яқин мамлакатидан 40дан зиёд вакиллар ташриф буюрди.

Халқаро конференция иштирокчиларининг қирқдан зиёд маърузалари жамланиб, китоб шаклида чоп этилди.

\* \* \*

8 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Литературная газета” бош муҳаррири ўринбосари Анастасия Ермакова, Украинадаги “Адеф” нашриёт-уйи директори Игорь Шпак ва уюшма қошидаги рус адабиёти секцияси аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда халқлар, миллатлар ўртасидаги эзгулик, дўстлик мулоқотининг кенгайтишида, маънавиятнинг юксалишида адабиётнинг ўрни бекиёс экани таъкидланди. Халқаро адабий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

\* \* \*

9 август. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона

муносабати, барча соҳалардаги ҳамкорлик адабий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

\* \* \*

*10 август.* Президентимиз Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Камолон маҳалласи худудига ёзувчилар учун қурилаётган кўп қаватли уйларни бориб кўрди.

Давлатимиз томонидан ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор натижасида Миллий боғ ёнидаги сўлим масканда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси барпо этилган эди. Ушбу хиёбон рўпарасида қурилаётган мазкур уй-жойлар ёзувчи ва шоирларга берилади. Уйнинг биринчи қаватида 60 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев қуриб битказилган хонадонлардан бирини ва мактабгача таълим муассасасини кўздан кечирди. Оилаларнинг тинч-фаровон яшаши, болаларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитларни яратиш бўйича топшириқлар берди.

\* \* \*

*10 август.* Пойтахтимизда улуг қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев таваллуд топган кун кенг нишонланди.

Шоир ҳайкали қад ростлаган сўлим гўшага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фанлар академияси, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, Шарқий Қозоғистон вилоятидан келган делегация аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар тўпланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси раиси Рустам Қурбонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Шарқий Қозоғистон вилояти ҳокими ўринбосари Асем Нусупова, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ерик Утембаев, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улугбек Есдавлат ва бошқалар икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона муносабати, барча соҳалардаги ҳамкорлик адабий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Абай шеърларидан намуналар ўқилди.

Йиғилганлар шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган Абай Қўнонбоевнинг “Сайланма” ҳамда “Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари” китобларининг тақдимоти ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

\* \* \*

*15 август.* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърят” тўғарагининг навбатдаги йиғилиши Сергей Есенин уй-музейида бўлиб ўтди. Йиғилишда тўғарак аъзолари оташин рус шоири Сергей Есенин ҳаёти ва ижодига тааллуқли музейдаги нодир экспонатлар билан яқиндан танишдилар.

Йиғилиш сўнгида уй-музейнинг шинамгина залида ёш ижодкорлар иштирокида мушоира бўлди ва Эркин Воҳидовнинг Сергей Есениндан қилган таржималари ўзбек шоирларига катта адабий мактаб – назмий дидни белгиловчи омиллардан бири бўлганлиги қизғин муҳокама этилди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

МАШРАБ. Неча кундир бу кўнгул муштоки дийдоринг эрур. ....4

НАЗМ

Сирождин САЙИД. Буюк хикматим онам. ....8  
 Авлиёхон ЭШОН. Юракнинг ёлғиз кулбаси. ....63  
 Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи. Соғинч товуши. ....68  
 Асрор МҶМИН. Поклик дунёсидан олурман ибрат. ....92  
 Бехзод ФАЗЛИДДИН. Томчилар тилида хузурбахш шивир. ....96

НАСР

Шойим БҶТАЕВ. Еттинчи тонг. (роман). ....16  
 Наби ЖАЛОЛИДДИН. Ҷўқилмаган китоб. (қисса). ....71  
 Кўчқор НОРҚОБИЛ. Тирик ҳайкал. (ҳикоя). ....117  
 Оллоназар УЛУҒОВ. Садаб. (ҳикоя). ....128

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Абдулла УЛУҒОВ. Изланиш ва юксалиш йўлида. ....99  
 Қурдош ҚАҲРАМОНОВ. Йил киссачилиги: Изланиш ва эврилишлар. ....104

МУШОИРА

Бахтлар очсин бахтиёр эшик. ....108

БУЛОҚ КҶЗ ОЧДИ

Мирзохид МУЗАФФАР. Кипригимга тегар нафасинг. ....125

МУТОЛАА

Исҳоқжон НОСИРОВ. “Булбул қанотидаги битиклар”. ....132  
 Лукмон БҶРИХОН. Адолат манзиллари. ....134

ЁДНОМА

Миразиз АЪЗАМ. Миртемир. ....136

ТАДҚИКОТ

ИҚБОЛ МИРЗО. “Девону луғотит турк” асарининг халқаро микёсда ўрганилиши. ....147

ПУБЛИЦИСТИКА

Сайёра СОЛАЕВА. Хаётимни китоблар ўзгартирди. ....151

ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Шаҳобиддин Абу Ҳафс СУҲРАВАРДИЙ. Тасаввуф илмининг фазилати. “Орифлар маърифати” рисоласидан. ....159

УНУТМАС МЕНИ БОГИМ

Азиз АБДУРАЗЗОҚ. Умрим парчаси. ....164

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Пьера МАТТЕИ. Титранеди бекатда кутиш. ....168

ГУЛҚАЙЧИ

Шодмон ОТАБЕК. Дўрмон хангомалари. ....171  
 Адабий ҳаёт. ....174

# Шарқ юлдузи

2018

8-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
 УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилими:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
 e-mail: [sharqyulduzi@umail.uz](mailto:sharqyulduzi@umail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишга руҳсат этилди

26.09.2018 йил.

Қоғоз бичими 70x108<sup>1/16</sup>.  
 Офсет босма усулида офсет қоғозда босилди. Босма табоғи 11.0.

Шартли босма табоғи 15.4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17.2.

Адади 3200 нусха.

Буюртма № 14

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

# Унутилмас лаҳзалар



Сафар Барноев ҳаётидан лавҳалар





Хуршид ЗИЯХОНОВ. Болалик